

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**М. Қ. ПАРДАЕВ, Б.А.ХАСАНОВ, Ж.И.ИСРОИЛОВ,
А.Н.ХОЛИҚУЛОВ**

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

ТОШКЕНТ - 2011

Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Холиқулов А.Н. Иқтисодий таҳлил. Дарслик. Т.: ТДИУ ва СамИСИ, 2011. - 239 бет.

Такризчилар: **А.К.Ибрагимов** – ЎзР Банк молия академияси кафедра мудири, и.ф.д., профессор

У.Х.Худайбердиев – СамИСИ, Статистика кафедраси доценти, и.ф.н.

© Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.И., Исроилов Ж.И.,
Холиқулов А.Н., 2011.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасида амалга ошаётган иқтисодий ислохатларни жадаллаштириш муаммоси ҳозирги кунда ўта долзарб масалалардан биридир. Бу ўз навбатида режали иқтисодиёт шароитида шаклланган барча иқтисодий дастакларнинг мазмун жиҳатидан янгиланишини тақозо қилади. Булар қаторига иқтисодий таҳлил ҳам киради.

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган барча фирма ва корхоналар хўжалик фаолиятини уларни бошқарувчиларга ёққол кўрсатиб беришдан, камчиликларни очиб ташлашдан, ички имкониятларни (резервларни) ишга соладиган чоратadbирларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бу жараёнда таҳлил қилинаётган объектнинг молиявий барқарорлигига, унинг рақобатбардошлигига, молиявий ва иқтисодий потенциалидан қандай фойдаланаётганлигига ҳам объектив баҳо берилади. Буларнинг ҳаммаси охир оқибатда таҳлил фанига, унинг назарий асосига, хусусан бозорли иқтисодиёт шароитида тутган ўрни ва ролига алоҳида тухталишни тақозо қилди.

Шундай қилиб, таҳлил фанининг бозорли иқтисодиёт шароитидаги тутган роли, ўрни ва вазифалари ошмоқда.

Бозорли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг предмети, объекти ва методи билан биргаликда унинг вазифалари ҳам мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Иқтисодий таҳлил амалиёт учун ўта зарур ва долзарб хўжалик дастагидир. Аммо унинг ҳозирги шароитдаги тутган ўрни, бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари ҳам янгича ёндошишни талаб қилади. Бу фанлар ўртасида иқтисодий таҳлил фанининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Хўжалик фаолиятининг таҳлили уни ифода этувчи ахборотлар манбаига асосланади. Улар бухгалтерия, статистик, тезкор ҳисоб ва ҳисоботлардан, режа, меъёр каби бошқа маълумотлардан иборат.

Корхоналарда иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш, унда қўлланиладиган усуллар, корхона молиявий ва иқтисодий салоҳияти, меҳнат салоҳияти, молиявий барқарорлик, молиявий натижалар каби муҳим иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичлар,

уларнинг тизими, таснифи, аниқланиш ва баҳоланиш йўллари, таҳлил қилиш усуллари назарий ва амалий жиҳатдан очиб берилган. Деярли барча назарий тавсиялар аниқ амалий маълумотлар билан исботланган.

Ушбу маърузалар матни олий ўқув юртларининг “Иқтисодиёт”, “Менежмент”, “Маркетинг”, “Касбий таълим», «Бизнес», «Туризм маркетинги», «Туризм менежменти», «Туризм операторлиги» каби ўқув йўналишлари бўйича бакалаврлар ва магистрларни тайёрлашга, ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ва ўқитувчиларига, аспирант ва докторантларга иқтисодий ишлар билан шуғулланувчи мутахассисларга, тадбиркорлар ва иқтисодий таҳлил билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

1-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АҲАМИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Режа:

1. Иқтисодий таҳлил фанининг моҳияти.
2. Иқтисодий таҳлил фанининг бозор иқтисодиёти шароитида зарурияти.
3. Иқтисодий таҳлил фанининг вазифалари

1.1. Иқтисодий таҳлил фанининг моҳияти

Ўзбекистон Республикасида амалга ошаётган иқтисодий ислохатларни жадаллаштириш муаммоси ҳозирги кунда ўта долзарб масалалардан биридир. Бу ўз навбатида режали иқтисодиёт шароитида шакланган барча иқтисодий дастакларнинг мазмун жиҳатидан янгиланишини тақозо қилади. Булар қаторига иқтисодий таҳлил ҳам киради.

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган барча фирма ва корхоналар хўжалик фаолиятини уларни бошқарувчиларга ёққол кўрсатиб беришдан, камчиликларни очиб ташлашдан, ички имкониятларни (резервларни) ишга соладиган чоратadbирларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бу жараёнда таҳлил қилинаётган объектнинг молиявий барқарорлигига, унинг рақобатбардошлигига, молиявий ва иқтисодий потенциалидан қандай фойдаланаётганлигига ҳам объектив баҳо берилади. Буларнинг ҳаммаси охир оқибатда таҳлил фанига, унинг назарий асосига, хусусан бозорли иқтисодиёт шароитида тутган ўрни ва ролига алоҳида тухталишни тақозо қилди.

Шундай қилиб, таҳлил фанининг бозорли иқтисодиёт шароитидаги тутган роли, ўрни ва вазифалари ошмоқда. Бу эса ўз навбатида бу фанни шу шароитга мос равишда унинг таркибий тузилиши қайта такомиллаштиришни талаб қилади. Унинг предмети, объекти ва методини бозорли иқтисодиёт нуқтаи назаридан янгича ёритишни, олимлар фикрини жамлаб бугунги талабга мос равишда унинг қоидаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шу боис ушбу ишда иқтисодий таҳлилнинг предмети, объекти ва методига алоҳида тухталишга тўғри келди.

Бозорли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг предмети, объекти ва методи билан биргаликда унинг вазифалари ҳам мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала ҳам тўлиқ ёритилган эмас. Буни инобатга олиб ушбу ишда иқтисодий таҳлилнинг бозорли иқтисодиёт шароитидаги вазифаларига ҳам алоҳида ўрин берилди.

Иқтисодий таҳлил амалиёт учун ўта зарур ва долзарб хўжалик дастагидир. Аммо унинг ҳозирги шароитдаги тутган ўрни, бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари ҳам янгича ёндошишни талаб қилади. Чунки ҳозирги пайтда жуда кўп янги фанлар кириб келиш билан биргаликда анча фанлар ўз моҳияти жиҳатидан бугунги кунда керак бўлмасдан қолди. Хуллас, бозорли иқтисодиётга мос бўлган янги фанлар тизими шаклланмоқда. Бу фанлар ўртасида иқтисодий таҳлил фанининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу ишда иқтисодий таҳлилнинг бошқа фанлар ўртасида тутган ўрни улар ўртасидаги чегара ва хусусиятлар ҳам алоҳида қаралган.

Ҳозирги шароитда хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда икки турга бўлиниши кўзда тутилган. Биринчиси молиявий таҳлил, иккинчиси эса, бошқарув таҳлилидир. Бироқ, чет эл фирмаларида молиявий таҳлил бир хил усулларда амалга оширилмайди. Фикримизча, бу таҳлилда бир хил методологик асос бўлиши лозим, чунки ҳар қандай корхона, мулк шаклидан қатъий назар, давлат, жамият манфаати нуқтаи назаридан ҳам қаралиши табиий. Зеро жамиятдаги ҳар бир иқтисодий жараён, моддий бойлик шу жамиятники, чунки корхонанинг ўзи шу жамиятда, шу давлат худудида жойлашган, унинг эгаси эса шу давлат фуқароси. Давлат ўз фуқароларининг, ҳуқуқларини ҳимоя қилади, улар мулкларининг дахлсизлигини таъминлайди. Шу туфайли таҳлил ҳам фуқаролар, корхоналар ва давлат манфаатлари муштараклигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим. Ҳеч маҳал шу учта манфаатнинг қайсидир бирини юқори қўйиб, қолганини иккинчи ва учинчи даражага тушуриб бўлмайди. Бу эса таҳлилнинг методологик асосини маълум даражада бир хил бўлишини таъминлайди.

Иқтисодий таҳлил назариясида юқорида таъкидланган масалалар билан биргаликда иқтисодий жараёнларни, хусусан хўжалик фаолиятида содир бўлаётган ҳолатларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам кўриб чиқиш лозим. Чунки таҳлил пайтида асосан кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Шу туфайли таҳлилчи кўрсаткичлар тизимини, уларни таснифлаш йўлларини

яхши билиши лозим. Буларни инобатга олиб ишда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичларга, уларни таснифлаш белгилари ва таснифлаш усулларига алоҳида аҳамият берилди.

Ҳар қандай кўрсаткичлар бир жиҳатдан натижа кўрсаткичи сифатида номоён бўлса, иккинчи жиҳатидан омил шаклида ҳам келиши мумкин. Таҳлилнинг асосий вазифаси корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш ва уни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат. Шу жиҳатдан ишда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи омиллари, уларнинг таснифи, аниқланиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган.

Аммо натижа ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни битта ёки бирнеча усул билан аниқлаб бўлмайди. Буларни аниқлаш учун иқтисодий таҳлилнинг жуда кўп усулларидан фойдаланилади. Шу туфайли ишда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган барча усуллар икки гуруҳга бўлинган ҳолда (анъанавий ва математик) келтирилган. Уларнинг аниқ қўлланилиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган.

Хўжалик фаолиятининг таҳлили уни ифода этувчи ахборотлар манбаига асосланади. Улар бухгалтерия, статистик, тезкор ҳисоб ва ҳисоботлардан, режа, меъёр каби бошқа маълумотлардан иборат. Таҳлил назариясида булар ҳақида тўлиқ маълумот бериш лозимлигидан келиб чиқиб, махсус боб шу мавзуга бағишланди. Ҳозирги пайтда ҳисоб ва ҳисоботлар чуқур ислоҳотлар даврини бошидан кечирмоқда. Булар бевосита таҳлилга қулай ва аниқ маълумотларни етказиб бериши лозим. Шу туфайли таҳлил ҳозирги босқичда ва келажакда ҳам бу борада ўз гапини айтаоладиган бўлиши лозим. Шу туфайли таҳлилчи ахборот манбалари тўғрисида тўлиқ назарий ва амалий маълумотларга эга бўлиши лозим. Иқтисодий таҳлил назариясининг таркибий қисмида унинг турлари ва шакллари маълум ўринга эга бўлиши лозим. Таҳлилнинг тури жуда кўп. Унинг бири бўлган иқтисодий таҳлил ҳам бирқанча турли шаклга, кўринишга, хилларга эга. Шу туфайли ишда иқтисодий таҳлилнинг турлари ва шакллари алоҳида ўрин берилди. Жуда кўп иқтисодий адабиётларда унинг шакли ва турлари бир хил деб қаралади. Ушбу ишда шу икки нарсанинг иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан фарқи борлигини исботлашга ҳаракат қилинди.

Иқтисодий таҳлилнинг шаклларида бири комплекс таҳлилдир. У алоҳида бошқа таҳлилларда такрорланмайдиган ўзига хос хусусиятларга эга. Шу туфайли комплекс таҳлил методологиясига

алоҳида эътибор берилган. Ушбу бўлимда хўжалик фаолиятини комплекс баҳолаш усуллари атрофлича ёритилган. Бу бежиз эмас, албатта, чунки бозорли иқтисодиёт шароитида корхоналар рейтингини аниқлаш, шу орқали уларнинг истиқболини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Комплекс кўрсаткичлар ана шу саволларга жавоб беради.

1.2. Иқтисодий таҳлил фанининг бозор иқтисодиёти шароитида зарурияти

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор муносабатларининг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишидан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бунинг учун тадбиркорлик, изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриши лозим. Бу эса ўз навбатида мулкининг ҳолатини, ишлатилиши ва сақланишишни ҳамда ундан самарали фойдаланишни таҳлил қилишни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил, энг аввало, мулкдор учун ўз мулкини оқилона бошқариш учун керак экан.

Мулкдор ўз мулкини ишлатиш учун турли корхоналарга эга бўлиши мумкин. Бу эса бошқа кишиларни, мутахассисларни, ходимларни ёллашига тўғри келади. Улар меҳнат жамоасини ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлайди. Корхона қанча кўп даромад қилса, меҳнат жамоаси аъзолари, шунча кўп меҳнат ҳақи олади. Бу эса меҳнат жамоасининг ўзлари ишлаётган корхона хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил бевосита меҳнат жамоаси учун ҳам ўз фаолиятини тўғри бошқариш учун керак экан.

Ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижасидан давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир корхона ўз мулкидан, қилган обороти ва олган фойдасидан солиқ тулайдилар. Шу туфайли давлат номидан солиқ идоралари ҳам корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиб боришдан манфаатдор. Демак, иқтисодий таҳлил солиқ идоралари ходимлари учун ҳам солиқ тушумини тўғри бошқариш учун керак экан.

Кўриниб турибдики, иқтисодий жараённинг, яъни корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасидан ким манфаатдор бўлса у мазкур субъект фаолиятини ўрганишга, таҳлил қилишга қизиқади. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил инвесторларга, ҳамкорларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, суғурта, банк, молия каби идораларига ҳам керакдир.

Одатда кимга нима керак бўлса ўша шу иш билан шуғулланади. Аммо ҳар бир корхонада махсус мутасадди шахслар борки, уларга хўжаликни бошқаришда у ёки бу соҳа топширилган бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлил билан корхонадаги деярли ҳамма мутахассислар шуғулланади. Аммо ҳаммаси ҳам корхона тўғрисида жамланган батафсил ахборотга эга бўлмайди. Ҳамма ўзи бажараётган у ёки бу соҳа бўйича ахборотга эга. Шу жиҳатдан ҳамма ўзининг соҳасини мунтазам таҳлил қилиб борадилар.

Лекин шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолияти тўғрисида бутун фаолиятни ўзида жамлаган ахборотлар бухгалтерияда молиявий ҳисоботларда тўпланади ва қайта ишланади. Шу туфайли корхонанинг комплекс иқтисодий таҳлили билан бухгалтерия ходимлари, бевосита бош бухгалтерлар, менежерлар ҳам шуғулланадилар. Чунки унда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлари мавжуд. Улар асосан молиявий ҳисоботларда ўз аксини топганлар. Иқтисодий таҳлил учун асосий маълумот манбаи бўлиб молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботларда ифода этилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг комплекс таҳлили билан бош бухгалтерлар шуғулланади. Аммо алоҳида соҳалари бўйича таҳлил кимга керак бўлса ўшалар шуғулланадилар. Таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки керакли соҳани ўрганиш учун қилинади. Демак кимга нима керак бўлса у шу соҳани таҳлил қилиш билан шуғулланар экан.

Иқтисодий таҳлилни ташкил қилишда унинг натижаларини расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли таҳлил натижаларини расмийлаштириш, хулоса қилиш ва тегишли чоратадбирлар ишлаб чиқиш йўллари кўрсатиб бериш ҳам ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан биридир.

Иқтисодий таҳлил натижаларини расмийлаштириш таҳлилнинг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Бунда барча ҳисоб-китоблар асосида таҳлилий жадваллар тузилади. Мазкур жадваллар корхона хўжалик фаолиятини тўлиқ ифода этиши лозим. Шунингдек

жадваллар битта корхонада ҳар сафар, корхонанинг бўлинмаларида бир вақтнинг ўзида ягона келишилган шаклда тузилиши лозим. Бундай ёндошув кўрсаткичларни бир-бири билан солиштириш ва умумлаштириш имконини беради.

Жадвалларда кўрсаткичларнинг номи, унинг қайси даврга тўғри келиши, уларнинг фарқи, ўзгариш суръатлари каби ифодалар кўрсатилади. Жадваллар натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш жараёнида ҳам тузилади. Бу ҳолда жадвалнинг эгасида таъсир қилувчи омиллар билан бирга натижа кўрсаткичининг номи ифодаланади. Унинг кесимида эса қайси давр натижалари таҳлил қилинаётганлиги, шу даврда юз берган ўзгаришлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун ҳисоб-китоб қилинадиган усулларнинг алоқадорлиги кўрсатилади.

Ҳозирги пайтда ҳисоб-китоб ишлари асосан компьютерларда амалга оширилмоқда. Бунинг имконияти жуда катта. Шу туфайли таҳлилда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари жадваллар билан биргаликда турли чизмалар ва диаграммаларда ҳам ифода этилмоқда. Бу эса корхона хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни жуда тез илғаш имконини беради. Мазкур усуллар иқтисодий таҳлилнинг у ёки бу жиҳатини аниқлашда қўлланилади. Масалан, чизмалар (графиклар) кўрсаткичларининг динамикасини ифодалашда жуда қулай. Корхона хўжалик фаолиятидаги таркибий тузилмалар, уларнинг ўзгариши диаграммаларда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Чизма ва диаграммаларнинг қулайлиги шундаки, у корхона хўжалик фаолияти натижасини ҳар қандай киши учун ҳам тез ва тушунарли тарзда ифода этади. Масалан, корхонада бешта бўлинма бўлса уларнинг ўтган йилга нисбатан бирорта кўрсаткичнинг ўсишини устунли диаграмма қилинса энг юқори натижага эришганлиги энг баланд устун сифатида яққол кўриниб туради. Бу ҳар бир бўлинма ходимларининг аклий-руҳий кайфиятига ҳам таъсир қилади. Энг юқори устунга эришган бўлинма ходимларида фахрланиш, мағрурлик ҳисси туғилса энг паст устунга эга бўлган бўлинма ходимларида ўз жамоаси учун истироб ҳисси бўлиши мумкин. Униси ҳам буниси ҳам кўрсаткичларни яхшилаш учун курашиш туйғусини ўйғотиши табиий. Бу ички омиллар ўта муҳим, ортиқча маблағ талаб қилмайдиган, аммо корхона хўжалик фаолиятига ижобий таъсир қилиб, уни яхшилайдиган омиллардир.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, ислохатларнинг чуқурлашуви корхоналар ўртасида эркин рақобат муҳитини туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида корхона хўжалик фаолиятини тезкор тарзда кундалик натижаларни ўрганиб боришни тақозо қилади. Бу ҳам ҳисоб-китобларга компьютерларни қўллаш натижасида анча осонлашади. Ҳар куни иш кунининг охирисида хўжалик фаолиятининг бир кунлик натижаси қандай бўлганлигини аниқлаш мумкин. Бу эса ютуқ ва камчиликларни жуда тез англаш, ютуқларни кўпайтириш, камчиликларни бартараф қилишга асос бўлади. Таҳлилнинг ушбу шакли бошқарувни ҳам тезкор равишда амалга ошириш имконини беради.

Кунлик натижалар ҳар куни жамланиб борилса ҳисобот даврининг хоҳлаган кунда қандай натижага эришганлигини билиб олиш мумкин. Масалан, бир ойнинг ўн олтинчи куни қандай натижага эришганлигини кунлик ҳисоботни жамлаб бориш орқали аниқлаш мумкин. Шу, 16-нчи куни қандай натижага эришдик ва ўтган 16 кун мобайнида эришган умумий аҳволимиз қандай деган хулосани чиқариш учун ҳам тегишли ахборот мазкур компьютерда мавжуд бўлади. Бу эса корхона хўжалик фаолиятини тезкор бошқариш, камчиликларни ўз вақтида, ҳисобот даври тугамасдан бартараф қилиш имконини беради.

Агар корхонанинг барча бўлинмаларида компьютерлар ўрнатилган ва улар ягона тармоқга (сетга) уланган бўлса бошқаришда янги усулни, яъни **қоғозсиз ва жонли мулоқотсиз бошқариш усулини** жорий қилиш мумкин. Корхона менежери ҳар бир бўлинмадан тегишли ахборотларни олиб бир жойда умумлаштиради ва хулоса чиқаради. Хулоса натижасида ишлаб чиқарилган чоратадбирлар ва тегишли топшириқларни ҳам компьютер тармоғи орқали жўнатиш мумкин. Бу мутахассис ва бўлинма раҳбарларининг турли мажлисларга, йиғилишларга кетадиган вақтини ҳам тежайди.

Ҳисобот даври тугагач таҳлил натижаси тезкор тарзда жадвалларда, чизмаларда, турли диаграммаларда тузилиб қоғозга чиқарилади ва мутахассислар томонидан ёзма равишда хулоса ёзилади. Хулосада барча эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаблари ва қандай оқибатга олиб келганлиги кўрсатилади. Айниқса йўл қўйилган камчиликларда ким айбдорлиги очиқ-ойдин кўрсатилиши лозим. Чунки бу тадбир келажакда мазкур шахснинг шу камчиликка йўл қўймаслигини таъминлайди.

Иқтисодий таҳлилнинг натижалари бўйича тузилган барча ахборотлар, ёзма хулосалар жамланиб корхона раҳбарига, мулкдорга топширилади. Раҳбар таҳлил натижасига асосан бошқарув қарорларини қабул қилади. Қарор қабул қилишда бирқанча мутахассисларни, бўлинмалар раҳбарларини таклиф қилиб чуқур ўйланган ва пухта ишланган бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Агар корхона йирик бўлса бошқарув қарорларини қабул қилишда «Фикрлар ҳужуми» усулидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бунинг учун мазкур корхонада ижодий гуруҳ ташкил қилинган бўлиши лозим. Мазкур ижодий гуруҳнинг вазифаси корхона хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган бўлади.

Иқтисодий таҳлил натижалари бошқарув билан бирга аудиторларнинг хулоса чиқариши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлар олдинги тафтишчилардек тафтиш билан эмас, эндиликда таҳлил билан шуғулланишлари лозим. Шу туфайли таҳлил усулларини, уни амалга ошириш методологиясини бухгалтерлар қанча билса, аудиторлар уларга нисбатан икки карра кўп ва пухта билишлари шарт. Зеро, аудиторлик хулосасини чиқариш учун фақат таҳлил натижаларидан фойдаланиш мумкин, холос.

1.3. Эркин иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик фаолияти таҳлилининг роли кескин ошади, чунки бошқаришда олдинги маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиб янги, эркин, иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланади. Олдин таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлса, эндиликда эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан катъий назар, ўз фаолиятини юқоридан берилган кўрсатмани, буйруқни бажаришга қаратмасдан, балки ўзлари мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса, ўз навбатида, таҳлилнинг ролини янада оширади. Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир объектида мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларнинг амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу туфайли ҳозирги ҳаёт ҳар қандай корхонани тўғри бошқариш учун таҳлил қилишни тақозо қилади.

Бу мақсадлардан таҳлилнинг вазифаси келиб чиқади. Таҳлил қилишнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий вазифалари:

1) корхонанинг бизнес-режасини тузиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;

2) бизнес-режанинг бажарилишини, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашини, унинг иқтисодий қудратини яхшилашини, ҳар бир хўжалик субъектининг рақобатбардошлигини ошириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ўрганиш;

3) ҳар бир йуналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни ишнинг самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш;

4) хўжаликда мавжуд меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларда самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш;

5) корхонанинг иқтисодий ва молиявий потенциалига, унинг тўловга қодирлиги ва қобилиятлилигига баҳо бериш ҳамда бу натижага эришиш учун тезкор чора-тадбирларни қўллаш йўлларини ишлаб чиқиш;

6) корхонанинг тижорат сирини сақлаган ҳолда унинг молиявий аҳволини кенг жамоатчиликка кўрсата билиш ва ташқи инвесторларни корхона фаолиятини яхшилашга жалб қилиш;

7) корхонани бошқаришнинг энг қулай ва нафли усулларини ишлаб чиқиш кабилардан иборатдир.

Таҳлилнинг биринчи вазифаси бевосита унинг бизнес-режа билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Таҳлил жараёнида бир томондан бизнес-режанинг амалга ошганлигини ўрганса, иккинчидан хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиб келгуси давр учун бизнес-режани тузишда тегишли ахборотларни тўплаб беради. Олдинги режали иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари юқоридан берилар эди. Шу туфайли таҳлилни юқори ташкилотлар амалга ошириб келган. Энди бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида вазият тубдан ўзгарди. Ҳар бир корхона ўз фаолияти учун ўзи масъул. Ўзи режалаштиради, ўзи ҳисоботни тузади ва ўзи назорат қилади. Бундай шароитда корхона хўжалик фаолиятини юқори ташкилот эмас, балки унинг ўз мутахассислари, менежерлари таҳлил қилади. Шу туфайли таҳлилнинг роли ва вазифаси бизнес-режани тузишда кундан кунга ошиб бомоқда. Чунки бизнес-режанинг ҳар бир кўрсаткичи иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Бу эса таҳлил орқали амалга оширилади.

Таҳлилнинг иккинчи вазифаси корхонада бизнес-режанинг бажарилишини ўрганиш билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда бизнес-режани тузиш, унга киритиладиган кўрсаткичлар бўйича қатъий белгиланган андоза йўқ. Бундай бўлишига фикримизча зарурат ҳам бўлмаса керак. Чунки жуда кўп корхоналар бир соҳа билан шуғулланса ҳам уларнинг иш услуби ҳар хил, ўзларига хос бўлиши мумкин. Бу эса олдингидек ҳамма корхона фаолиятига бир хил ёндошиш имконини бермайди. Аммо умумий йўналиш бўйича кўрсаткичлар тизими бир-бирига яқин бўлиши табиий. Масалан, ҳар бир корхона юқори рентабелликка эришишга интилиши, молиявий барқарорликни таъминлаши, ўзининг иқтисодий қудратини яхшилаши учун ҳаракат қилади. Демак, бу таҳлилнинг ҳам барча корхоналар учун методологик асос бўладиган усулларининг бўлишини тақозо қилади. Шу туфайли таҳлил жараёнида бизнес-режанинг бажарилиш даражасини чуқур ўрганиш шу орқали унинг фаолиятига объектив баҳо беришдек муҳим вазифа ҳам ушбу фан зиммасига юклатилган.

Бизнес-режани бажариш жараёнида маълум қонуниятга эга омиллар билан бирга кўзда тутилган тасодифий омиллар таъсир қилиши ҳам мумкин. Таҳлилнинг учинчи вазифаси шу омилларни аниқлаш ва ҳар бирининг таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу эса бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнида вужудга келган кўпгина янги кўрсаткичлар ва омиллар таъсирини аниқлайдиган омилли таҳлил усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Омилли таҳлил натижа кўрсаткичига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўли билан шу таҳлил қилинаётган кўрсаткични яхшилашни, ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш ва уни келгуси давр учун сафарбар қилиш йўллари ишлаб чиқиш имконини беради. Ҳозирги ишлаб чиқариш корхоналарини давлат томонидан молиялаштириш асосан барҳам топган бир пайтда, ички имкониятларни ахтариб топиш ва уни хўжалик фаолиятига сафарбар қилиш таҳлил орқали амалга оширилади. Бундан кўриниб турибдики, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири натижага таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш орқали ички имкониятларни ахтариб топиш ва уларни хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишга сафарбар қилишдан иборатдир.

Таҳлилнинг тўртинчи вазифаси иқтисодий жараёнларнинг диалектик боғлиқлигидан келиб чиқади. Қайси соҳа бўлмасин,

иқтисодий жараён содир бўлиши учун меҳнат воситаси, меҳнат предмети ва жонли меҳнатнинг мужассамлиги лозим бўлади. Иқтисодиётнинг бу элементлари самарадорлигини оширмай туриб бошқа кўрсаткичлар миқдорининг юқори бўлишига эришиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлил жараёнида моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда моддий-техника базасининг бошқа элементларга тўғри келишини таъминлашга катта эътибор бермоқ лозим. Масалан, юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган, илғор технологияга асосланган ускуна мавжуд. Лекин шу ускунани ишлата оладиган, шунга малакаси етарли бўлган мутахассис керак бўлади. Агар корхонада юз киши бўлса (унинг штатида шунча киши банд бўлса), лекин тегишли мутахассис бўлмаса бундай ҳолатда корхонанинг моддий техника базаси ҳам, меҳнат ресурслари ҳам самарасиз бўлади. Шу туфайли улар бир-бири билан диалектик боғлиқликда. Техника ва технология такомиллашдими, демак ходимларнинг малакаси ҳам шунга мос равишда ошиб бориши лозим. Шундагина тегишли, кўзда тутилган натижага эришиш мумкин. Акс ҳолда қилинган тадбирлар, сарфланган ҳаракатлар тегишли самара бермаслиги табиий. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси таҳлил орқали аниқланади ва аниқланган вазиятдан тегишли хулоса қилинади. Шу туфайли таҳлилнинг роли корхоналар, уларнинг мулк шаклидан қатъи назар, самарадорлигини оширишда янада ошмоқда. Корхонанинг умумий самарадорлиги бевосита унинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларининг самарадорлигига боғлиқ.

Таҳлил жараёнида моддий-меҳнат ва молиявий ресурсларнинг самарадорлигини алоҳида ўрганиш, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва умумий натижага таъсирини ҳам кўриб чиқиш лозим. Демак, таҳлилнинг вазифаси шу кўрсаткичларни диалектик боғлиқликда ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан асосланган хулоса қилишдан иборатдир.

Таҳлилнинг бешинчи вазифаси корхоналарнинг эркин рақобат шароитида фаолият кўрсатаётганлигидан келиб чиқади. Ҳозирги пайтда таҳлил асосан бухгалтерия балансидаги маълумотлар билан чекланиб қолганлиги туфайли унинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) тўлиқ ўрганилмаяпти. Иқтисодий потенциалга бухгалтерия балансида кўрсатилган асосий ва айланма капитал ҳамда номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари ҳам киради. Таъкидланганидек, ушбу элементлар ўзаро боғлиқ равишда

ишлатилиши учун молиявий потенциалнинг аҳамияти катта. Иқтисодиётнинг ҳар хил босқичида молиявий потенциал таркиби турлича бўлиши мумкин. Ҳозирги банк кредити учун тўланадиган фоизнинг корхона имкониятларига нисбатан баландлигини инобатга олинадиган бўлса корхоналар ўз фаолиятини асосан хусусий маблағлари эвазига юритгани яхши. Агарда иқтисодиёт барқарорлашиб, пулнинг қадрсизланиш даражаси камайгандан сўнг банк кредитининг фоизи камаяди ва ниҳоят ундан фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳозирги пайтда корхона молиявий потенциалнинг таркиби, улардан қандай фойдаланилаётганлиги, қандай ўзгаришлар кўзда тутилаётганлиги, истиқболи қандай бўлиши кабиларни ўрганиш ҳаёт тақозоси. Бу эса таҳлил орқали амалга оширилади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилнинг асосий ва энг муҳим вазифаларидан бири корхона иқтисодий ва молиявий потенциалига баҳо бериш, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таҳлилнинг олтинчи вазифаси ҳам бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётнинг шаклланиши билан вужудга келди. Таҳлил жараёнида корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини молиявий таҳлил усуллари қўллаган ҳолда, ундаги мавжуд тижорат сирини эса бошқарув ҳисоби маълумотларини таҳлил қилиш эвазига амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил орқали корхонанинг молиявий аҳволи, унинг истиқболи аниқ ва равшан бўлади. Барча ижобий натижалар бўлса, албатта ташқи инвесторлар хабардор бўлиши лозим. Лекин қайси кўрсаткичларни, қачон ва қандай ҳолатда ошкор қилиш муҳимлигини ҳамма ҳам ҳамиша билавермайди. Ташқи инвесторларнинг капитал қўйилмаларини жалб қилиш мақсадида фақат шу корхонага хос бўлган иш усуллари, баъзи фаолият жараёни ва унинг натижаларини ошкора қилмаслик керак. Бу ҳар бир корхонанинг тижорат сирини. Шу туфайли тижорат сирини ошкора қилмаган ҳолда корхона молия-хўжалик фаолиятини кўз-кўз қилиш ҳам таҳлилнинг асосий вазифаларидан биридир.

Таҳлилнинг еттинчи вазифаси режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди. Аммо у пайтда фаолиятнинг ҳамма соҳаси, жумладан бошқарув ҳам юқоридан берилган режанинг бажаришига қаратилган эди. Кўп ҳолларда асосий режа кўрсаткичи бажарилар эди, аммо у корхона, давлатга қанчалик қимматга тушаётганлиги билан ҳеч ким қизиқмас эди. Масалан, савдо корхоналарининг асосий режа кўрсаткичи унинг товар обороти. Уни бошқариш учун ҳамма

сафарбарлик амалга ошириларди. Лекин унинг қанча харажат талаб қилиши ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Оқибатда, жуда кўп савдо корхоналари товар оборотини бажариш билан бирга фаолият натижаси зарар билан яқунланар эди. Натижада юқори ташкилотлардан унинг оборот маблағларини “тўлдириш” учун жуда кўп маблағ ажратилар эди. Энди бундай ишларга барҳам берилди. Корхонани бошқариш юқори ташкилот манфаатини ҳисобга олиб эмас, балки бевосита шу субъектнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Бу эса ҳар бир корхона фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишни тақоза қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки таҳлилнинг вазифаси ушбу бандларда келтирилган вазифалар билан чекланмайди. Корхона фаолияти серқиррали. Таҳлил жараёнида унинг ҳамма томонларини ўрганиш лозим. Шундай экан, таҳлил вазифасини ҳам кўп қирралидир. Шу туфайли биз уларнинг энг асосийларини келтирдик, холос.

Таҳлил жараёнида барча камчиликлар аниқланди. Бошқарув қарорларини қабул қилишда эса аниқланган камчиликларга келгусида йўл қўйилмаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Шу тариқа камчиликлар бартараф қилиниб, хўжалик фаолиятининг узлуксиз равишда такомиллашуви ва унинг самарадорлигининг ошиб бориши таъминланади.

Кўриниб турибдики, таҳлилнинг вазифаси бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги шароитда ҳам, келажакда ҳам корхоналар хўжалик фаолиятининг узлуксиз яхшиланиб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга экан.

1-мавзу: «Иқтисодий таҳлил фанининг моҳияти, бозор иқтисодиёти шароитида аҳамияти ва вазифалари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Таҳлил, иқтисодий таҳлил, иқтисодий таҳлил объекти, иқтисодий таҳлил предмети, иқтисодий таҳлил вазифалари, омиллар, омилли таҳлил,

2-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, МЕТОД ИВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Режа:

1. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ва объекти.
2. Иқтисодий таҳлил фанининг методи.
3. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

2.1. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ва объекти

Эркин иқтисодиёт шароитига мос иқтисодий таҳлил фанининг предмети яратилмоғи лозим. Бизнинг фикримизча, у қуйидаги талабларга жавоб бериши мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, у эркин иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ўзида ифодалаши керак.

Иккинчидан, асосан иқтисодий таҳлилда ўз ечимини топадиган объектив ва субъектив омиллар таъсирини аниқлаш зарурлиги кўриниб туриши лозим.

Учинчидан эса, иқтисодий таҳлил ўз чегарасига, фаолият доирасига эга бўлиш учун бутун хўжалик фаолиятидан ўзига тегишли соҳани ажратиб кўрсатиши мақсадга мувофиқ. Бунга, бизнинг фикримизча, корхоналар хўжалик фаолиятида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ходисалар натижасининг маълумотлар манбаида ифодаланган ахборотларни олишни киритиш мумкин.

Бу борада ўзимизнинг чоп қилган адабиётларимизда ҳам айтган эдик. Уни такомиллаштириб юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб иқтисодий таҳлил фани предметига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети деганда эркин иқтисодиёт шароитида ишлаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг (корхоналарнинг) хўжалик фаолиятида объектив (ташки) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ходисалар натижаларининг маълумотлар манбаида (режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқалар) ифодаланган кўрсаткичлар тизими (системаси) орқали,

унинг ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини ишлаб чиқишни ўрганиш тушинилади.

Иқтисодий таҳлилнинг ушбу таърифини назарий жиҳатдан қуйидагича исботлаш мумкин. Иқтисодий таҳлилнинг предметида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар алоҳида ўрин тутаяди, чунки иқтисодий жараёнлар ўз - ўзидан содир бўлмайди. Улар маълум ички ва ташқи омиллар таъсири остида рўй беради. Шу омиллар таъсирини бошқа фанлар иқтисодий таҳлил даражасида атрофлича ўргатмайди. Бу фақат шу иқтисодий таҳлил фанида ўрганилади ва унинг предметининг асосини ташкил қилади. Шунингдек, хўжалик фаолияти натижасига тўғри баҳо бермасдан, унга таъсир қилган ижобий ва салбий омилларни ўрганмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиш қийин. Шу туфайли таҳлил фани предметининг марказида объектив ва субъектив омиллар турганлиги бежиз эмас.

Тадқиқотлар кўрсатдики, иқтисодий таҳлилнинг предметини ўрганишда фақат содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан чекланиб қолиш мутлақо етарли эмас экан. Таҳлилдан мақсад мавжуд натижага одилона баҳо бериш билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларни келгусида бартараф қилиш ва шу орқали таҳлил қилинаётган объектнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилашдан иборатдир. Бу эса содир бўлган ва бўлаётган жараёнларга тўғри баҳо бериб, бўладиган жараёнлар андозасини ҳам кўрсатиб беришни тақозо қилади. Бу хулоса таҳлилнинг предметини ўтган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўз ичига қамраб олишини кўрсатади.

Шуни инобатга олиш жоизки, барча ижтимоий-иқтисодий жараёнлар натижаси кўрсаткичларда ифодаланади. Кўрсаткичлар эса асосан маълумотлар манбаида (режаларда, меъёрларда, ҳисобларда, ҳисоботларда ва ҳ.к.) ўз аксини топади. Объектда иқтисодий жараёнлар яқка-яқка бўлиб эмас, балки бир-бирига диалектик боғлиқ равишда бирданига содир бўлади. Унинг ҳар бир жиҳати алоҳида кўрсаткичларда ифодаланади. Шу туфайли хўжалик фаолиятини ўрганишда битта кўрсаткич эмас, балки кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида таҳлил предметини ўрганишда маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар системасига асосланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Маълумки, жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни ўрганадиган жуда кўп иқтисодий фанлар мавжуд. Лекин уларнинг ичида таҳлил фани хўжалик фаолиятининг натижасига одилона баҳо бера олади. Ундаги ижобий ва салбий ўзгаришларга омиллар таъсирини аниқлайди. Шуларга асосан хўжалик фаолиятини яхшилаш йўллари ишлаб чиқади. Бу хусусиятлар фақат таҳлилга хос бўлганлиги учун ҳам унинг предметида натижага тўғри баҳо бериш ва яхшилаш йўллари ишлаб чиқиш лозимлиги кўрсатилган.

Булардан кўришиб турибдики, иқтисодий таҳлил фани мустақил фан бўлиб, ўзига хос хусусиятларга ўзининг бетакрор предметиغا эга. Таҳлилда ўрганиладиган иқтисодий жараёнлар ва уларнинг муҳим жиҳатлари айнан шу тарзда бошқа фанларда ўрганилмайди ва такрорланмайди. Шу туфайли ҳар бир мустақил фан сингари таҳлил фанининг ҳам ўзига хос предмети шаклланди, таркиб топди, назарий жиҳатдан бойиб йилдан-йилга аниқликлар киритилиб такомиллашиб бормоқда.

Бошқа фанлар сингари иқтисодий таҳлил фанининг ҳам объекти бўлиши лозим. Аммо шу фаннинг назариясига бағишланган энг сўнгги адабиётларда ҳам бу масала етарлича ёритилмаган. Шу туфайли фаннинг предмети билан объектини кўп ҳолларда бир хил тушунчалар деб қаралади. Бу эса ўз навбатида назарий жиҳатдан асоссиз ва чалкаш хулосаларга олиб келиши мумкин.

Иқтисодий таҳлил фанининг объекти унинг предмети қаерларда амалга ошишини кўрсатиши лозим. Таҳлил фанининг предмети, ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда, кўп мулкчиликга асосланган барча ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятида содир бўлаётган жараёнлардир.

Иқтисодий таҳлилнинг объекти деганда унинг қайси маконда (хўжалик юритувчи субъектларда) амалга оширилиши тушунилади. Шу туфайли иқтисодий таҳлил фанининг предмети амалга ошадиган объектларига давлат, жамоат ташкилотлари, корпорациялар, трестлар, биржалар, корхоналар, фирмалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар киради.

Мазкур объектларга иқтисодий асоси жиҳатидан қараладиган бўлса улар давлат, жамоа, кооператив, акциядорлик, хусусий, хорижий ва аралаш каби мулк шаклида фаолият кўрсатадиган объектларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос ва мос иқтисодий тараққиёт йўлини танлади. Бу мустақил йўл билан ҳамма соҳада,

хусусан миллий ҳисоблар тизимида ҳам жаҳон андозаларига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилган. Бу эса ўз навбатида, мулк шаклидан қатъий назар, таҳлилнинг бир хил методологик усулини ёритишни тақозо қилади.

Объектнинг (маконнинг) ва даврнинг (замоннинг) қандай бўлишидан қатъий назар ушбу фан предметининг моҳияти ўзгармаслиги, объект эса таҳлилнинг қайси маконда ўтказилишига қараб ўзгариб туриши мумкин. Шу жиҳатдан унинг предмети объектидан мазмун ва моҳияти жиҳатидан маълум даражада бир-биридан фарқ қилади.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлилнинг предмети ва объекти бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитига мос ҳолда ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий таҳлил фанининг ўрни ва вазифаси ҳам эркин иқтисодиёт шароитига мос тарзда назарий жиҳатдан ҳамон етарли даражада талқин қилинган эмас. Бу эса мазкур муаммони ҳам тадқиқ қилишни тақозо қилади.

2.2. Иқтисодий таҳлилнинг методи

Метод қадимги грек тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва билиш усулидир. Табиат ва жамиятда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва алоқадордир.

Шу туфайли уларнинг қайси жиҳати ўрганилишидан қатъий назар табиат ва жамиятда содир бўлаётган жараёнлар бир-бири билан боғлиқликда, алоқада деб қараш лозим. Бундай қарашни таъминлаш учун уларни ўрганишга диалектик усул билан ёндошиш лозимдир. Бу эса ўз навбатида ўрганилаётган барча ҳодиса ва жараёнларни бир-бири билан узвий боғлиқликда, алоқада ва доим ўзгаришда деб қарашни тақозо қилади.

Таҳлил методининг шундай қоидасини яратиш лозимки у объектнинг ёки тузумнинг ўзгариши билан ўзгармайдиган бўлсин, чунки ҳар қандай фан, хусусан хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани ҳам қайси тузумдан қатъий назар ўзининг назарий жиҳатдан асосланган методига эга бўлиши лозим.

Бундан келиб чиқиб, узоқ йиллар ўтказган тадқиқотларимиз натижасида хўжалик фаолияти таҳлили методининг қоидасини (таърифини) ишлаб чиқишда унинг бирқанча талабларга жавоб

бериши лозим деган хулосага келдик. Буларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ҳар қандай фан методининг назарий асоси бўлиши керак;
- 2) унда нимани ўрганиши ва унинг қаерда ифодаланиши кўриниб турмоғи лозим;
- 3) қаерни, қайси объектни ва қайси даврни ўз ичига олишини ифодалаши даркор;
- 4) нима мақсадда амалга оширилиши кўриниб туриши керак;
- 5) шу мақсадни амалга ошириш учун нималар қилишниши алоҳида таъкидланиши лозим .

Ана шу талабга жавоб берадиган қоида, фикримизга, хўжалик фаолияти таҳлили методининг мазмунини тўлиқ ифода қилади. Бу назарий хулосадан келиб чиқиб, биз иқтисодий таҳлил фанининг методига қуйидагича таъриф берамиз. “Иқтисодий таҳлилнинг методи диалектик методга асосланган бўлиб, унинг предметини моқон ва замонда, ахборотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар системаси асосида ҳар томонлама комплекс ўрганиш, мавжуд ички ва ташқи имкониятларни (резервларни) аниқлаш, объектнинг самарадорлигини ошириш, унинг иқтисодий кудратини юксалтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қўлланиладиган усуллар мажмуидан иборатдир”. Бизнинг фикримизча ушбу таъриф иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилга қуйиладиган барча назарий ва амалий талабларга жавоб беради.


2.3. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Чизмадан кўриниб турибдики иқтисодий таҳлил фани бевосита иқтисодий назария фани билан боғлиқ. Иқтисодий назарий жамиятда содир бўлаётга иқтисодий жараёнларининг маълум қонуниятларини, уларнинг характерланиш ва амал қилиш йўлларини ўргатади. Бу эса унинг барча иқтисодий фанлар учун, жумладан иқтисодий таҳлил фани учун ҳам методологик асос эканлигини таъминлайди. Иқтисодий таҳлил эса шу қонунларнинг микро иқтисодиёт (корхона, фирма, бирлашма кабилар) кўламида содир бўлиш ва амал қилиш жараёнини ўргатади. Бунда иқтисодий назария фанининг илмий-методологик жиҳатларидан фойдаланилади. Иқтисодий таҳлил ўз навбатида иқтисодиётда содир бўлаётган жараёнларни чуқур

ўрганиш билан иқтисодий назария фанининг ривожланиши учун ҳам асос яратиб беради. Шу туфайли бу фанлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Уларнинг боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Иқтисодий назария	Иқтисодий таҳлил
Макро кўламда содир бўлган, бўладиган бўлаётган, иқтисодий жа-раёнларнинг назарий жиҳатини ўрганади.	Микро кўламда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий жараёнлар-нинг амалий жиҳатини ўргатади.

Иқтисодий таҳлил фани бухгалтерия ҳисоби билан ҳам узвий боғлиқ. Бу фанлар мазмун ва моҳияти жиҳатидан аниқ амалий фанлар гуруҳига киради. Таҳлил бухгалтерия ҳисобининг навбатдаги босқичи сифатида унинг мантикий давоми бўлиб ҳисобланади.



Бухгалтерия ҳисобининг вазифаси бухгалтерия ҳисоботини тузиш, ахборотларини умумлаштириш билан тугайди. Шу ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар асосида содир бўлган ва бўладиган иқтисодий жараёнлар қрганиш билан иқтисодий таҳлил шуғулланади. Таҳлилда хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижаси режадаги, меъёрлардаги, ўтган даврлардаги кўрсаткичлар билан солиштирилиб, тегишли фарқлари аниқланади. Унга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади, тегишли хулоса қилиниб, ички имкониятлар ахтариб топилади. Шу билан таҳлил ўз вазифасини бажаради.

Таҳлил маълумотларига асосан тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги чизмада ўз аксини топган:

Кўриниб турибдики иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисоби билан ҳам, бошқарув билан ҳам икки ёқлама алоқада. Чунки

иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотларидан тўлиқ фойдаланиш билан барча тегишли ахборотларни тайёрлаб бериш лозимлиги тўғрисида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиради. Бухгалтерия ҳисоботидаги асосий кўрсаткичлар қуруқ ҳисобот учун эмас, балки таҳлил қилиб шу корхона аҳволини билиш ва уни бошқаришга мўлжалланган.


Ўз навбатида иқтисодий таҳлил бошқарувга тегишли ахборотларни етказиб, тайёрлаб бериш билан бирга бошқарувдан тегишли буюртмаларни ҳам олади. Иқтисодий таҳлил фақат таҳлил қилиш учун эмас, балки бошқарув учун энг зарур ахборотларни етказиб, тайёрлаб бериш учундир. Шундай қилиб, у бухгалтерия ҳисобидаги ахборотлар хом ашёсини бошқарув учун тайёр ҳолига келтириб беради.

Яхши бухгалтерия ҳисоботи унинг чиройлилиги билан эмас, балки таҳлилийлиги билан белгиланади. Таҳлил учун ахборотлар аниқ, тушунарли ва тўғри бўлиши керак. Нотўғри ахборотдан нотўғри хулоса чиқарилади. Нотўғри хулоса нотўғри бошқаришга олиб келади. Оқибатда корхонанинг иқтисодий инқирозига асоаий сабаб бўлади.


Иқтисодий таҳлил фани сататистика фани билан ҳам бевосита боғлиқ. Статистикада иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш усуллари ўргатилса иқтисодий таҳлилда шу кўрсаткичлардан таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари ҳам иқтисодий таҳлил учун ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Шунингдек иқтисодий таҳлил жараёнида бирқанча статистик усулардан фойдаланилади.

Статистика ижтимоий-иқтисодий жараёнларни асосан макро иқтисодиёт даражасида талқин қилса, иқтисодий таҳлил уларни микро иқтисодиёт даражасида ўрганади. Статистика йирик бир тўпламлар, гуруҳларни ўрганса, иқтисодий таҳлил асосан яқка яхлит олинган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш билан чекланади.

Демак, статистика ва иқтисодий таҳлил фанлари бир-бири билан узвий алоқада бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади.



Иқтисодий таҳлил фани молия ва кредит фани билан ҳам мустаҳкам алоқада. Корхоналарда содир булаётган иқтисодий жараёнларни молиявий маблағ билан таъминлаш, агар ўз маблағлари етарли бўлмаса қанча кредит олиш ва унга қанча фойиз тулаш каби пул муносабатлари билан молия ва кредит фани шуғулланади. Уларнинг мақсадга мувофиқ ишлаётганлиги, самарадорлигининг ошиши каби муҳим жиҳатлари билан иқтисодий таҳлил фани шуғулланади. Бу ерда икки фаннинг ҳам ўрганиш объекти (молиявий маблағлар) бир хил. Аммо биринчисда ушбу категориянинг мавжудлиги ва таъминоти ўрганилса, иккинчисда унинг ишлатилиши ўрганилади. Шу жиҳатдан ҳам улар бир-бири билан узвий боғлиқликда.



Шунингдек мутахассис иқтисодий таҳлил қилиши учун молиявий унсурларни, кредит муносабатларини яхши билиши лозим. Ўз навбатида корхонани молиялаштириш кредитдан самарали фойдаланиш учун таҳлил натижаларидан ҳам кенг фойдаланиши лозим. Шундан ҳам кўриниб турибдики моли ва кредит иқтисодий таҳлил билан икки ёқлама узвий алоқада. Бу қўйидаги чизмада ўз аксини топган.

Иқтисодий таҳлил менежмент фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу ҳақда унинг бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқлигини кўрганда қисман тушунча берилган эди. Менежментда бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бу учун у иқтисодий таҳлил натижаларидан ва усулларидан фойдаланади. Бундан ташқари менежментда функционал қиймат таҳлили, мантикий эвристик

таҳлил, фикрлар хужуми каби таҳлилнинг шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти ўта мураккаб иқтисодий жараён . Бу шароитдаги корхонанинг аҳволини яхши ўрганиш ва одилона бошқариш учун иқтисодий таҳлил усуллари ҳам узлуксиз такомиллаштириб бериш лозим. Бу эса унинг ноанъанавий усуллари ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлил менежмент учун ахборот тайёрлаб берар экан у шу фаннинг асосий талаб ва тамойилларини билиши лозим. Менежмент ҳам иқтисодий таҳлилнинг фақат натижаларидан эмас, балки усулларидан ҳам кенг фойланади. Демак, ушбу фанлар ҳам бир-бири билан икки томонлама узвий боғлиқ. Буларнинг боғлиқлиги қўйидагича ифодаланилади:




Иқтисодий таҳлил менежмент учун ахборот тайёрлаб берар экан у шу фаннинг асосий талаб ва тамойилларини билиши лозим. Менежмент ҳам иқтисодий таҳлилнинг фақат натижаларидан эмас, балки усулларидан ҳам кенг фойланади. Демак, ушбу фанлар ҳам бир-бири билан икки томонлама узвий боғлиқ. Буларнинг боғлиқлиги қўйидагича ифодаланилади:



Иқтисодий таҳлил фани маркетинг фани билан ҳам боғлиқ. Маркетинг истеъмолчилар (бозор) талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва сотишни йўлга қўядиган товар ҳаракати билан боғлиқ фан . У бозорни , истеъмолчилар талабини ўрганиш учун иқтисодий таҳлил усулларида кенг фойдаланади. Хатто баъзи адабиётларда маркетинг фаолиятининг иқтисодий таҳлилини “Маркетинг таҳлили” ҳам деб талқин қилади. Ҳақиқатда эса у маркетинг таҳлили эмас, балки маркетингда қўлланиладиган иқтисодий таҳлилнинг бир қисми ёки усули бўлиб ҳисобланади.

Корхона фаолияти кўп қиррали, кенг қамровли. Унинг фаолияти мазмуни жиҳатидан ишлаб чиқариш фаолияти, молиявий фаолият, иш фаолияти, бозор фаолияти каби фаолиятларга бўлинади. Уларнинг ҳамма қирралари иқтисодий таҳлилда таҳлил қилинади, ўрганилади. Демак, корхонанинг маркетинг фаолияти ҳам иқтисодий таҳлилнинг объектига киради.

Маркетинг фаолияти иқтисодий таҳлил қилинар экан, демак таҳлилчи маркетинг сирларини билиши, маркетинг эса ўз навбатида иқтисодий таҳлил усулларида хабардор бўлиши лозим. Демак иқтисодий таҳлил ва маркетинг бир-бири билан узвий боғлиқ экан. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:



Иқтисодий таҳлил фани Аудит фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Аудит фани ва фаолияти бизга бозор иқтисодиётига ўтишимиз муносабати билан кириб келди. Шу туфайли аудит бизга янги фан сифатида ўзимизга хос ҳолда шаклланмоқда. Чунки дунё тажрибаси учун аудит фани янги фан эмас. У Италия, Буюк Британия каби мамлакатларда XIV- XVI асрларда қўлланилиб бошланган.

Ҳозирги пайтда аудит фани Ўзбекистонда шаклланиш босқичини ўтмоқда. Бу борада ҳали турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар аудитни олдинги тафтиш билан тенглаштирса, иккинчи гуруҳ олимлар аудит бу хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш орқали унга ташхис қўйиш деб баҳоламоқда. Учинчи гуруҳ олимлар уни нодавлат холисона ташкилот бўлиб молиявий ҳисоботда

ифодаланган кўрсаткичларнинг реаллигига баҳо беради деб айтадилар.

Бундай турли фикрларга асос бор. Чунки жуда кўп ташкилотлардаги тафтиш бўлимлари аудитор фирмаларига айлантрилиб ҳамон тафтиш билан шуғулланмоқда. Баъзи бир грух аудиторлар хўжалик фаолятини батафсил таҳлил қилиб, унинг молиявий-хўжалик фаолятига атрофлича баҳо бериб, ички имкониятларини ахтариб топиб, самарадорликни ошириш йўлларини кўрсатиб бермоқдалар. Учинчи гуруҳ аудиторлар эса ҳақиқатда молиявий ҳисоботнинг реаллигини исботлаш билангина чегараланиб қолмоқда. Яна баъзи аудиторлар борки, улар солиқ ва башқа тўловларнинг тўғри ҳисобланганлигини текшириб шу бўйича маслаҳат бериш билан чекланиб қолмоқдалар. Кўриниб турибдики аудиторлик амалиёти ҳам, унинг назарияси ҳам ҳали тўлиқ шаклланган эмас.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, аудитор ўз хулосасини тўғри ва асосли қилиб бериши учун ҳар қандай ҳолда ҳам хўжалик фаолятини иқтисодий таҳлил қилиши лозим. Таҳлилчи ҳам ўз навбатида аудит талабларини, тамойилларини билиши керар. Чунки аудитор хулосаси учун бевосита ана шу таҳлил маълумотлари етарли бўлиши мумкин. Шундай қилиб аудит ва таҳлил бир-бири билан узвий боғлиқликда. Уларнинг боғлиқлиги қуйидаги чизмада ўз аксини топган.



Иқтисодий таҳлил иқтисодиётга оид фанлар билан ҳам боғлиқ. Лекин биз унга энг яқин ва асосийларигагина тўхталдик ҳалос.

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий таҳлил жуда кўп ҳолларда фанлар ўртасида кўприк воситасини бажаради. Масалан,

бухгалтерия ҳисоби билан бошқарув ўртасида, статистика, тезкор ҳисоблар билан бошқарув ўртасида, аудиторлик хулосаси билан давлат ташкилотлари (солиқ, молия ва ҳ.к.) ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Бу жараёнларнинг ҳаммасида таҳлил энг муҳим ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил бошқа иқтисодий фанлар ўртасида муҳим ва солмоқли ўринга эга.

Иқтисодий таҳлил иқтисодиётга оид бўлмаган бир қанча фанлар билан ҳам боғлиқдир.

Иқтисодий таҳлил иқтисодиётга оид бўлмаган бирқанча назарий ва фундаментал фанлар билан ҳам узвий боғлиқ.

Булар ўртасида энг юқори ўринда фалсафа фани туради. Фалсафадаги қонунлар ва категориялар бевосита иқтисодий таҳлил фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бу борада ушбу китобнинг 3-бобида батафсил тўхталганмиз.

Бундан ташқари фалсафада қарама-қаршиликлар ва кураш қонуни бор. Агар уни иқтисодиётга тадбиқ этадиган бўлсак корхоналар ўртасидаги рақобатни қиёс қилиш мумкин. Рақобат корхона маҳсулотининг миқдори ва сифатини оширади, уни нархини туширади. Бу аҳоли фаровонлигининг ошиши учун энг асосий омил бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилда корхонанинг рақобатбардошлиги, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлиги баҳоланади ва ўрганилади. Банкротга тушиб қолмаслик чоратадбирлари ишлаб чиқилади.

Мустақиллик йилларида юртбошимизнинг асарларига назар соладиган бўлсак фалсафага янги қонуният кириб келди. Бу мураса фалсафасидир. Чунки зиддият хамиша ҳам самара беравермайди. Кўп ҳолларда ўзимизнинг шарқона, миллий қадриятларимизга таянадиган бўлсак мураса ҳам мувоффақият калити. Бу ерда кураш бир-бирини йўқ қилиш учун эмас, балки бир-бирига ҳамкорлик қилиш, ёрдам бериш устида кетади.

Кўпмулкчилик шароитида хусусий мулкка асосланган эркин фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар том маънода давлат мулкига асосланган хўжаликлар билан рақобатдадир. Аммо жуда кўп иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни давлат мурасага келиб уларни санация йўли билан моддий, молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб қувватлаб турибди. Бу айнан мустақиллик шароитида туғилган иқтисодиётдаги мураса фалсафасига тўғри келади.

Корхонанинг ночорлиги эса айнан шу иқтисодий таҳлил билан аниқланади. Демак иқтисодий таҳлил фалсафа фани билан ҳам бевосита, ҳам билвосита алоқада экан. Иқтисодий таҳлилни иқтисодий фанлар фалсафаси дейиш мумки, чунки иқтисодий таҳлилнинг ҳар бир ҳаракати, унда қилинадиган хулосалар фалсафий тафаккурига, мантиқий усулларга асосланади.

Шундай қилиб иқтисодий таҳлил фани мантиқ фани билан ҳам узаро алоқада. Иқтисодий таҳлилнинг махсус йўналиши мантиқий таҳлил ҳам мавжуд. Чунки таҳлил қилинаётган кўрсаткичларга таъсир қилувчи барса омиллар ҳам ҳисобга олинавермайди. Натижада унга мантиқий нуқтаи назардан ёндошишга тўғри келади. Бундан ташқари натижа ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг кетма-кетлиги, таҳлилнинг босқичлари ҳамма-ҳаммаси маълум мантиқий йўналишга асосланади.

Шу туфайли мантиқ иқтисодий таҳлилда айниқса хулоса чиқаришда назарий асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий таҳлилда мантиқ усулларида фойдаланиш учун фақат битта мантиқ фани эмас, балки психологик системали таҳлил, жараёнларни тадқиқ қилиш каби фанлар усулларида ҳам фойдаланишни тақозо қилади.

Мантиқий таҳлилда бирқанча усуллар қўлланилади. Булар жумласига “Фикрлар хужуми”, идеаллаштириш, тасаввур қилиш, ўхшатиш усуллари, йигирма тўртлик, йигирма бешлик, йигирма олтилик қоидаларини, янги вариантларини ахтариш каби усуллари киритиш мумкин. Бу усуллар ҳақида ушбу китобининг “Функционал қиймат таҳлили мутодологияси” бобида ёритилган.

Иқтисодий таҳлил фани ҳуқуқ фани билан бевосита боғлиқ. Таҳлил жараёнида ҳуқуқга риоя қилиш ҳам ўрганилади. Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг ва уларнинг тегишли хужжатларда ифодаланишининг ҳуқуқийлигига баҳо беришдан иборатдир. Шу туфайли иқтисодий таҳлил пайтида албатта ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланилади. Ҳуқуқ ҳам ўз навбатида таҳлилнинг кўп усулларига таянади.

Иқтисодий жараёнларнинг ҳуқуқийлигини таъминлаш учун ҳам уни ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади. Жиноятнинг очилишига эса асосий усуллардан бири мантиқий таҳлил усуллари. Хуллас таҳлил билан ҳуқуқ ҳам маълум даражада бир-бири билан узвий боғлиқ экан.

Иқтисодий таҳлил математика фани билан ҳам боғлиқ. Ҳозирги пайтда бир томондан иқтисодий жараёнлар ўта мураккаблашиб бормоқда, иккинчи томондан эса ўта мураккаб жараёнларни ҳам ўрганиш, уларни маълум тартибга солиш учун техник имкониятлар ҳам, айниқса компьютер технологияси вужудга келмоқда. Бу икки объектив шароит ҳам иқтисодий таҳлилда математик усуллардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Чунки математика ҳам, иқтисодий таҳлил ҳам содир бўлаётган жараёнларнинг миқдорини ўрганишга қаратилгандир.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар асосан тез ўзгариб туривчи миқдорлардир. Уларнинг ўзгариши, юқорида таъкидланганидек, ўз - ўзидан содир бўлмайди. Уларга бирқанча объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади. Айнан шу омиллар таъсирини аниқлашда математик усуллардан кенг фойдаланилади.

Ўз навбатида математика ҳам турли йўналишлар бўйича ривожланмоқда. Энг аввало, абстрактит далилларга асосланган мумтоз назарий математика бўлса, ҳозирги пайтда амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган амалий математика ҳам тез ривожланмоқда. Шу амалий математика бошқа соҳалар билан бирга иқтисодиёт соҳасини ўрганишга ҳам изчиллик билан кириб келмоқда. Бу асосан унинг иқтисодий таҳлилда қўлланилишида номоён бўлмоқда.

Иқтисодий таҳлил фани иқтисодиётга оид бўлмаган фанлардан бири технология фани билан ҳам боғлиқ. Иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишда унинг камлиги ёки кўплиги қандай технологиядан фойдаланилаётганлигига боғлиқ. Айниқса ишлаб чиқариш соҳасини таҳлил қилиш учун энг аввало унинг қандай технологияга асосланганлигини билиш лозим. Шу туфайли таҳлилчи, технология фанини ва технологик жараёнларнинг сир-саноатларини билишни тақозо қилади.

Ўз навбатида технологик жараён ҳам ўзлуксиз такомиллашиб боришни, самарадорлигининг ошишини талаб қилади. Бу эса уни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Шу туфайли бу икки фан ҳам маълум даражада бир-бири билан ўзвий боғлиқ экан. Масалан, ҳозирги пайтда кўп мамлакатларда технологик жараённи таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш учун функционал - қиймат таҳлилидан кенг кўламда фойдаланмоқдалар.

Иқтисодий таҳлил математика фанининг бир бўлаги бўлган дастурлаш фани билан ҳам ўзвий боғлиқдир. Чунки ҳозирги пайтда иқтисодий юксалиш учун бир хил андоза қилиб бўлмайди. Иқтисодий

жараёнлар қанчалик кўп ва мураккаб бўлса уни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам шунча кўп ва мураккабдир. Шундай шароитда ҳар бир корхона раҳбари, менежери кўп вариантли қарорларни ишлаб чиқара олиши ва ундан энг қулайини (оптималини) танлаб олиши лозим. Бундай натижага иқтисодий таҳлилга дастурлаш фанини қўллаб эришиш мумкин.

Дастурлаш ҳам ўз навбатида миқдорий ва мантикий таҳлил усулларида кенг фойдаланади. Шу жиҳатдан бу икки фан ўртасида ҳам ўзвий боғлиқлик бор.

Иқтисодий таҳлил жараёнида кўп нарсанинг ҳажмини, майдонини, садҳини, оғирлиги, узунлиги, эннилиги каби бирликларни ўлчашга тўғри келади. Бунда албатта геометрия фанининг усулларида фойдаланилади. Демак иқтисодий таҳлил фақат иқтисодий фанлар билан эмас, балки иқтисодиётга оид бўлмаган бир қанча бошқа фанлар билан ҳам ўзвий алоқада экан.

Иқтисодий таҳлил бошқа фанларнинг усуллари, тамойиллари ва мақсадларидан фойдаланиш билан бирга ўзининг тайёр ахборотлари, усуллари ва йўналишлари билан шу фанларнинг ривожланишига ҳам маълум даражада таъсир қилади.

Оламда табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлаётган жараёнлар бир-бири билан ўзвий алоқа ва боғлиқликда бўлгани каби уларни ўрганувчи турли фанлар ўртасида ҳам мустаҳкам боғлиқлик ва алоқалар мавжуд экан. Демак, ҳамма нарса дунёда бир-бири билан диалектик боғлиқликда. Бундай концепция иқтисодий таҳлилнинг назарий асосини ташкил қилади.

2-мавзу: «Иқтисодий таҳлилнинг предмети, объекти, методи ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- ёқоёñîäëé òàҳëëë ôàíëíëíã ìàçíóíë;
- ôàí îðããîàðòëíëíã òàúðëðë;
- фàííëнг асосий âàçëðâëäðë;
- иқòëñîäëé ìàçàðëü âà òàҳëëë ôàíëàððëíëíã áíғëëқëëäë;
- бóðããëðâðëü ҳëñîäë âà òàҳëëë;
- аóäëò âà òàҳëëë;
- мàðëàðòëíã âà òàҳëëë;
- мîëëü âà òàҳëëë;

- сїєєк ва сїєєкка тортиш хамда иқтисодий òàҳєєє.

3-МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Иқтисодий таҳлил фанининг методологик асослари ва уларнинг тавсифи.
2. Таҳлилда анализ ва синтез, индукция ва дедукция ва бошқа услублардан фойдаланиш.
3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар:
 - 3.1. Солиштириш усули
 - 3.2. Мувозанат усули
 - 3.3. Қайта ҳисоблаш усули
 - 3.4. Занжирли алмаштириш усули
 - 3.5. Нисбий миқдорлардан фойдаланиш усули
 - 3.6. Индекс усули
 - 3.7. Фарқлаш усули
 - 3.8. Интеграл усули
 - 3.9. Кичик сонлардан фойдаланиш усули

3.1. Иқтисодий таҳлил фанининг методологик асослари ва уларнинг тавсифи

Иқтисодий таҳлилнинг методи ва методологиясини фарқламоқ лозим. Метод деганда асосан шу фаннинг предметини ўрганиш усули тушунилади. Методология деганда эса, содда қилиб айтадиган бўлса, шу фаннинг предметини ўргатиш усули, ўргатишда қўлланиладиган ёндошувлар, усуллар мажмуаси тушунилади.

Иқтисодий таҳлилнинг методологик асоси, яъни уни ўргатишда қўлланиладиган ёндашувлар турли йўналишда бўлиши таъбиий. Шу туфайли уларни, энг аввало, тўғри таснифлаш лозим. Бизнинг фикримизча, уларни ўрганишда қандай ёндашишига қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ўрганилаётган объектга диалектика нуқтаи назаридан ёндашиш.

2. Ўрганилаётган объектга системали узлуксизликни таъминлаган ҳолда ёндашиш.

Биринчи ёндашиш бўйича таҳлил қилинса барча иқтисодий жараёнлар бир-бири билан ўзвий боғлиқликда, ҳаракатда ва доим ўзгаришда деб қараш лозим бўлади. Бундан келиб чиқадиган бўлса шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий жараёнларни ифодалайдиган кўрсаткичлар ҳам бир-бири билан ўзвий боғлиқликда ва ўзгаришда деб қаралади. Бу ёндашув, айниқса, натижавий кўрсаткичларга омиллар таъсирини аниқлашда кенг қўлланилади.


Иккинчи ёндашув бўйича таҳлил қилинганда ўрганилаётган объектни мураккаб иқтисодий жараёнлар мажмуасидан иборат деб баҳолаб, уларнинг барча қисмлари бир-бири билан ўзоро ўзвий боғлиқликдалигидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда барча жиҳатларини тартибга солган ҳолда яхлит хулосага келгунча қилинадиган ходисаларга узлуксиз равишда системали тарзда ёндашиш лозимлигини тақозо қилади. Бунга ўрганилаётган объектни деталлаштириш, системалаштириш (тартиблаштириш) ва умумлаштириш орқали эришиш мумкин.

Ўрганилаётган объектни **деталлаштириш** деганда мураккаб иқтисодий жараёнларни соддалаштириш ва улардан тўғри ва яхлит хулоса қилиш учун уларни майда бўлақларга бўлиб ўрганиш тушинилади.

Системалаштириш (тартиблаштириш) деганда ўрганилаётган объектни ўрганиш учун унга мантиқан кетма-кетликни таъминлаган ҳолда тартибга солиш тушинилади. Чунки иқтисодий жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Шу туфайли уларни ҳар томонлама, чуқур ўрганиш учун кетма-кет равишда батафсил таҳлил қилиш лозим. Масалан, натижа кўрсаткичи ўзгарса унга таъсир қилувчи барча ижобий ва салбий омиллар батафсил таҳлил қилинади, уларнинг таъсири кетма-кет равишда ҳисоблаб чиқилади.

Ўрганилаётган объектни таҳлил қилганда **умумлаштириш** деганда унинг барча жиҳатларини атрофлича ўрганиб яхлит хулосага келиш тушинилади. Бу йўналиш таҳлилнинг бошқарув функциясидан келиб чиқади. Бошқарув учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишда таҳлил орқали ўрганилаётган объект хақида тегишли тўғри ва яхлит хулосага келиш лозим.

Иқтисодий таҳлилнинг методологик асосларини ифодаловчи чизма қўйидаги 3.1- чизмада акс этирилган.



3.1. - Чизма. Иқтисодий таҳлил методологияси таснифи

Ушбу чизмада келтирилган биринчи йўналиш бўйича келтирилган категорияларнинг қисқача мазмунига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

3.2. Таҳлилда анализ ва синтез, индукция ва дедукция ва бошқа услублардан фойдаланиш

Индукция ва дедукция категориялари иқтисодий таҳлилнинг муҳим методологик асослари сифатида намоён бўлади. Ушбу категориялар иқтисодий таҳлилнинг кетма-кетлигини таъминлайди. Масалан, индукция деганда ўрганилаётган объектнинг хусусийликдан умумийликга қараб ўрганилиши тушинилади. Бунга мисол қилиб меҳнат унимдорлиги таҳлилини олиш мумкин. Унга вақт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак уни бир соатлик меҳнат унимдорлиги, бир кунлик, ўн кунлик, бир ойлик, бир чоралик, ярим йиллик, тўққиз ойлик, бир йиллик меҳнат унимдорлиги даражасигача умумлаштириш мумкин. Ёки айнан ушбу кўрсаткични макон нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, олдин бир кишининг меҳнат унимдорлиги, бир бўлинманинг меҳнат унимдорлиги ва бутун меҳнат жамоасининг умумий меҳнат унимдорлиги даражасигача ўрганиш мумкин.

Дедукция методида таҳлил қилинаётган объект умумийликдан хусусийлик сари, яъни умумий кўрсаткичлардан хусусий (кичик) кўрсаткичларга қараб ўрганиш тушинилади. Бу усулга мисол қилиб бирлашмада фойда режасининг бажарилишини олиш мумкин. Ушбу кўрсаткич олдин бутун бирлашма бўйича ўрганилади, сўнгра унинг алоҳида корхоналари (фирмалари) бўйича, уларнинг алоҳида бўлинмалари бўйича кетма-кетликда ўрганилиб, умумий натижага қайси буғин ва бўлинмаларнинг ижобий ёки салбий таъсир қилганлиги тўғрисида хулоса қилинади.

Индукция ва дедукция усулларининг бир-бири ва амалиёт билан боғлиқлигини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин:

Индукция	Дедукция
Хусусийликдан умумийлик сари ўрганиш	Умумийликдан хусусийлик сари ўрганиш

Макон ва замон категориялари ҳам иқтисодий таҳлилнинг муҳим методологик асосларидан биридир. Зеро, барча иқтисодий жараёнлар маконда (хўжалик юритувчи субъектда) маълум бир замон доирасида (вақт мобайнида) содир бўлади. Шу туфайли замоннинг

ўтиши билан макондаги натижа ўзгаради ва унинг тескариси, яъни маконнинг ўзгариши билан замон ўтгандан кейин натижа бошқача бўлиши мумкин.

Масалан, маконга корхоналарни, иш жойларини, фирма каби хўжалик юритувчи субъектларни мисол келтириш мумкин. Булар таҳлилининг объекти. Замон деганда эса уларнинг маълум бир ҳисобот даври тушинилади. Маконда содир бўлган жараёнлар маълум бир ҳисобот даври (замон) ўтгач жамланади ва умумлаштирилади. Бу ҳам шу ҳисобот даврини таҳлил қилиш учун маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Макон ва замон ўртасидаги ҳамда уларнинг амалиёт билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

МАКОН	ЗАМОН
Корхоналар, фирмалар каби хўжалик юритувчи субъектлар	Ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йиллик ва йиллик)

Анализ ва синтез. (Таҳлил ва умумлаштириш) категорияси ҳам иқтисодий таҳлилнинг методологик асосларидан бири ҳисобланади. Таҳлил деганда бир бутун яхлит предметни алоҳида бўлақларга бўлиб ўрганиш тушинилади. Умумлаштириш (синтез) эса ўрганилаётган объект тўғрисида яхлит хулосага келиш учун фойдаланилади. Унда объектнинг барча бўлақлари бўйича қилинган хулоса умумлаштирилади.

Ўрганилаётган объект ёки иқтисодий жараён ҳақида яхлит ва аниқ хулосага келиши учун у таҳлил қилинади ва барча хулосалар умумлаштирилади. Таҳлил бор жойда умумлаштириш, умумлаштириш учун эса таҳлил қилиш лозим. Шу туфайли ушбу категориялар бир-бири билан узвий боғлиқликда қаралади.

Аммо шуни эътироф этиш лозимки таҳлилнинг тури жуда кўп. У табиатда, жамиятда ва инсон тафаккурида содир бўладиган жараёнларни ўрганади. Биз ўрганадиган таҳлил иқтисодий таҳлилнинг фақат микроиқтисод даражасига мансуб холос. Демак, кўриниб турибдики таҳлил кенг маънода қаралар экан. Лекин бозорли иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил, таҳлиллар тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Таҳлил билан умумлаштириш ўртасидаги боғлиқликнинг иқтисодий таҳлилга тегишли қисмини қуйидагича ифода этиш мумкин:

Таҳлил (анализ)	Умумлаштириш (синтез)
Ҳисобот йилининг натижаси чораклари, ойлари бўйича ўрганилади.	Ҳисобот йилининг умумий натижаси бўйича ўрганилади.
Корхона фаолиятини алоҳида бўлинмалари бўйича ўрганилади.	Корхонанинг умумий натижаси бўйича ўрганилади

Сабаб ва оқибат категорияси ҳам бевосита иқтисодий таҳлилни методологик асоси сифатида намоён бўлади. Иқтисодий таҳлилда натижа ва омиллар тушунчаси мавжуд. Иқтисодий фаолият натижасини ифода этган бирорта кўрсаткич натижа кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Буни фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак оқибатдир. Аммо шу оқибат ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг замирида бирқанча сабаблар бор. Бу сабабларни иқтисодий таҳлилда омиллар деб қаралади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (оқибат) бирқанча омилларга, яъни ходимлар сони, уларнинг малакаси, меҳнат унимдорлиги, қўлланилаётган технологик жараёни, хом ашёнинг ўз вақтида сифатли таъминоти каби омилларга (сабабларга) боғлиқ.

Иқтисодий таҳлилда натижа ўзгаришига омиллар таъсири аниқ маълумотлар асосида аниқланади. Демак сабабнинг оқибатга таъсири ўрганилади. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

САБАБ	ОҚИБАТ
ОМИЛЛАР	НАТИЖА
Ходимлар сони, меҳнат унимдорлиги ва ҳ.к.	Маҳсулот ҳажми

Сабаб оқибатга олиб келганидек, омиллар таъсири ҳам бирор натижага олиб келади. Ижобий сабаб яхши оқибат, ижобий омил юқори натижага олиб келганидек, салбий сабаб ёмон оқибатга, омилларнинг салбий таъсири натижанинг пасайишига олиб келади.

Шакл ва мазмун категорияси ҳам бевосита иқтисодиётга, хусусан, иқтисодий таҳлилга алоқадор. Шаклнинг ўзгариши мазмун

ўзгаришига, мазмуннинг ўзгариши шакл ўзгаришига олиб келади. Иқтисодиётда ушбу боғлиқлик жуда ёрқин номоён бўлади. Масалан, аёллар сумкасининг шакли чиройлик ва чидамлик бўлиши учун, унга қимматбаҳо материаллар, турли безаклар ишлатилади. Натижада унинг мазмуни чидамлилиги, нархининг нисбатан қиматлилиги билан ўзгаради. Ёки оддий материал ўрнига сифатли материал ишлатиб унинг мазмунини бойитиш керак бўлса албатта шакли ҳам ўзгаради.

Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилда шакл ва мазмун бир-бири билан узвий диалектак алоқада бўлганлиги билан ҳам методологик асос сифатида қўлланилади. Масалан, бирор бирлашма таркибида корхоналар сони унинг шаклини ташкил қилса, уларнинг нима билан шуғулланиши, қандай технология ишлатилиши, қанақа кадрлар билан таъминланганлиги каби жиҳатлар унинг мазмунини ташкил қилади. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Шакл	Мазмун
Маҳсулот тури	Унинг сифати, таркиби ва х.к.


Микдор ва сифат категорияси ҳам иқтисодий таҳлилда айниқса иқтисодий жараёнлар натижасини кўрсаткичларда ифодалашда кенг қўлланилади. Кўрсаткичлар мазмуни бўйича микдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади. Масалан, корхонада банд бўлган ходимлар сони микдор кўрсаткичи бўлса, уларнинг меҳнат унимдорлиги сифат кўрсаткичидир. Корхонанинг фойдаси муҳим натижавий кўрсаткич. Аммо у иқтисодий мазмуни жиҳатидан микдор кўрсаткичи бўлса, рентабеллик даражаси унинг сифат кўрсаткичидир. Яна бошқа бир мисол. Жамоа хўжалигининг бир йилда етиштирган пахтаси 50,0 минг тоннани ташкил қилди. Бу микдо кўрсаткич. Унинг 60 фоизи биринчи нав, 20 фоизи иккинчи, 15 фоизи учинчи ва 5 фоизи тўртинчи навга топширилди. Булар пахтанинг сифат кўрсаткичлари. Ёки яна шу пахтадан соф толанинг чиқиш микдори 35 фоизни ташкил қилади. Бу ҳам унинг сифат кўрсаткичларига мисол бўлади.

Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Микдор	Сифат
Фойда	Рентабеллик
Пахта ҳажми	Толанинг чиқиши

Ушбу бобда иқтисодий таҳлилнинг айрим методологик асосларига тўхталдик. Фалсафий категориялар ҳаёт иникоси. Иқтисодий жараёнлар эса иштимой ҳаётнинг бир бўлагидир. Шу туфайли иқтисодий жараёнларни ўрганишга боғишланган иқтисодий таҳлил шу фалсафий категорияларга асосланади.

3.3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар



3.1-Чизма. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи (классификацияси).

3.3.1. Солиштириш усули. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган усулларнинг энг кўп учрайдигани солиштириш усулидир. Бу усулни қўллаш билан таҳлил бошланади. Шу усул орқали таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг фарқи аниқланади. Қолган барча усуллар солиштириш натижасида

аниқланган фарқни исботлашга, аниқлашга қаратилган бўлади. Солиштиришда асос қилиб миқдорлар олинади. Миқдорларга статистика фанида жуда катта аҳамият берилади, чунки иқтисодиётнинг ўлчами миқдорларда ифодаланади. Жумладан, янгидан яратилган миллий ялпи ички маҳсулотнинг бир йиллик миқдори, товар оборотининг (айланмасининг) миқдори, миллий даромаднинг миқдори ва ҳ.к.

Миқдор кўрсаткичлари асосан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз ифодасини топади, чунки содир бўлган иқтисодий жараёнлар биринчи галда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ва ҳисоботида жамланади.

Таҳлил қилиш учун миқдор кўрсаткичларининг барча турлари : мутлоқ миқдор, нисбий миқдор, ўртача миқдор кабилар қўлланилади.

Мутлоқ миқдор ҳар қандай миқдорнинг асоси, иқтисодий жараёнларни санайдиган ва ўлчайдиган бошланғич рақамдир. Масалан, савдо корхоналари сони, корхонада ишлайдиган ходимлар сони, корхонадаги жиҳозлар сони, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони кабиларни санаш йўли билан аниқласа, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти кабилар бевосита ўлчаш йўли билан аниқланади. Бундай мутлоқ миқдорлар ҳажм кўрсаткичлари деб аталади.

Мутлоқ миқдордан таҳлилда фойдаланишда асосан кўшиш ва айириш амаллари ишлатилади.

Мутлоқ миқдорлар ўлчов бирлигига қараб нутура, шартли нутура, пул ва комплекс турларга бўлинади. Режали иқтисодиёт шароитида кўрсаткичлар асосан пул бирлигида ифодаланар эди. Эндиликда пулнинг қадрсизланиш жараёни давом этиб турган пайтда ва кўп мулкчилик шаклидаги иқтисодиётнинг вужудга келиши таҳлил қилишда нутура, шартли нутура ва комплекс кўрсаткичлардан кенг фойдаланиш заруратини туғдирди.

Умуман олганда иқтисодий жараёнлар айниқса уларни маълум рақамларда ифодалаш шунчалик мураккабки унда фақат бир хил ўлчовга эга бўлган кўрсаткич билан чекланиб бўлмайди. Шу туфайли уни таҳлил қилишда бирқанча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Буларсиз таҳлил қилиш, умуман ижтимоий-иқтисодий жараёнларга баҳо бериш, бошқарув қарорларини қабул қилиш қийин. Шу билан биргаликда фақат мутлоқ миқдор орқали хўжалик фаолияти ҳақида чуқур ва батафсил хулоса қилиш ҳам мумкин эмас. Шу туфайли

тахлил учун мутлоқ миқдор билан биргаликда нисбий миқдорлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Нисбий миқдорлар таҳлил қилишда дастлабки ва энг муҳим хулоса чиқариш учун асос бўлади. Нисбий миқдорлардан таҳлилда фойдаланишда асосан бўлиш ва кўпайтириш усуллари ишлатилади. Буларнинг ҳажмини солиштириш ва фарқини аниқлаш учун айириш амалидан фойдаланилади.

Нисбий миқдор таҳлил жараёнида асосан мутлоқ миқдорларни бир-бирига бўлиш натижасида вужудга келади ва иқтисодий жараёнлар ҳақида аниқ маълумотларни беради. Масалан, бирор кўрсаткич бўйича режанинг бажарилиши, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, меъёрга нисбатан эришилганлик даражаси кабилар.

Таҳлил жараёнида нисбий миқдорнинг нимани ифодалаш моҳиятига қараб, бирқанча турлари қўлланилади:

- режа топшириғи ва бажарилишини ифодаловчи нисбий миқдор ;
- ўзгариш суръатини ифодаловчи нисбий миқдор ;
- таркибни ифодаловчи нисбий миқдор ;
- меъёрга (эталонга, ўртачага) нисбатан эришилган даражасини ифодаловчи нисбий миқдор ;
- интенсивлик даражасини ифодаловчи нисбий миқдор ва ҳ. к.

Бу нисбий миқдорлар ҳажми таҳлил учун тўлароқ хулосаларни чиқариш учун асос бўлади. Масалан, режа топшириғи дўконда 105 фоизга бажарилди, ўтган йилга нисбатан корхонанинг ялпи даромади 107 фоизга ошди, шу объектнинг умумий товар маҳсулотидаги улуши 15 фоизни ташкил қилди, меҳнат унумдорлиги эталонга нисбатан 15 фоизга кам бўлди, товар маҳсулотининг 80 фоиз ўсиш суръати интенсив омиллар эвазига вужудга келди ва ҳ. к.

Мана шу келтирилган ҳар бир кўрсаткич таҳлил қилувчи учун маълум хулосага келишда реал асос бўлиб хизмат қилади. Таҳлил жараёнида мутлоқ ва нисбий миқдорлар билан биргаликда ўртача миқдорлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Ўртача миқдорлар таҳлилда иқтисодий ходиса ва жараёнлардаги маълум қонуниятларни ва умумий йўналиш тенденцияларини аниқлашда қўлланилади. Бу миқдорни қўллашнинг зарурлиги шундаки иқтисодий жараёнлар алоҳида объектлар бўйича ўрганилганда вақтинчалик тасоддифлар таъсирида бўлиши мумкин. Масалан, корхона чет мамалакат хом ашёси асосида ишлайди. Хом ашё бир йилда тўлиқ келтирилди. Бу корхонанинг шу йилги кўрсаткичи жуда юқори, аммо иккинчи йилда хом ашёни келтириш

имкони бўлмади. Бу йил эса корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичи жуда паст бўлиши табиий. Албатта бу тасоддифий ҳол, чунки ишчиларнинг малакаси, моддий техника базаси, унинг технологик даражаси ўзгармасдан қолиши мумкин. Бошқа бир мисол. Бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бир қанча корхона мавжуд. Аммо шулардан ярми хом ашёни ўз вақтида келтиришга мувоффақ бўлса фақат ана шу корхоналар иши яхши бўлиши мумкин. Қолган корхоналарда фақат шу омил эвазига ишлаб чиқариш даражаси паст бўлиши табиий. Шунга ўхшаш тасоддифларни бартараф қилиш учун ўртача миқдорлардан фойдаланилади.

Ўртача миқдорларни аниқлашнинг бир қанча усуллари мавжуд.: ўртача арифметик, ўртача гармоник, ўртача хронологик кабилар. Бу усуллар статистика фанининг “Ўртача миқдорлар” бобида батафсил ўрганилади. Шу туфайли ушбу бобда яна ўша мавзуга мурожаат қилишни тавсия қиламиз.

3.3.2. Мувозанат усули. Ушбу усул бухгалтерия ҳисоби, статистика, режалаштириш каби иқтисодий ишларда кенг қўлланилади. Бу усул омиллар билан натижа ўртасида функционал боғланиш бўлганда омиллар таъсирини ҳисоблашда, хўжалик фаолиятидаги мувозанатни сақлашда қўлланилади.

Мувозанат усулининг қўлланилиши иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида тузиладиган товар ва бошқа моддий бойликлар мувозанати мисолида кўриш мумкин. Бунда асосан товар мувозанати формуласидан фойдаланилади :

$$\mathbf{Зйб + КТ = Т + Хч + Зоx.}$$

Бунда Зйб - товар захирасининг ҳисобот йили бошидаги қолдиги ;

КТ - келиб тушган товарларнинг ҳисобот йилидаги ҳажми;

Т - товар обороти (ҳисобот даврида сотилган оварларнинг ҳажми);

Хч- товарларнинг турли сабаблар билан чиқиб кетиши (табиий камайиши, чириши, синиши ва бошқалар) ;

Зоx - товар захираларининг ҳисобот йили охиридаги қолдиги .

Юқоридаги формулага асосан ҳар бир миқдорни қолганларининг алгебраик йиғиндиси кўринишида тасвирлаш мумкин. Масалан, товар обороти ҳажмини қуйидаги функционал боғлиқликда ифодалаш мумкин :

$$T = Z_{йб} + КТ - Хч - Зоx.$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики товар оборотига тўртта омила таъсир қилган. Товар захираларининг бошланғич қолдиғи ва келиб тушган товарлар ҳажмининг кўпайиши товар оборотига ижобий таъсир қилса, товарларнинг ҳар хил чиқимлари ва товар захираларининг йил охиридаги қолдиқ суммасининг кўпайиши натижасига салбий таъсир қилади.

Товарларнинг йил охиридаги қолдиғи ўзгаришининг товар оборотига таъсири ($\Delta T_{зйб}$) ни топиш учун товар захираларининг ҳисобот йилидаги миқдоридан ($Z_{йб_1}$) шу кўрсаткичнинг асос йилидаги миқдорини ($Z_{йб_0}$) айириб ташланади, яъни :

$$\Delta T_{зйб} = Z_{йб_1} - Z_{йб_0} .$$

Товар келиб тушишининг товар обороти ҳажмига таъсирини ($\Delta T_{кт}$) топиш учун унинг ҳисобот йилидаги миқдоридан ($КТ_1$) асос йилидаги миқдори ($КТ_0$) айириб ташланади, яъни :

$$\Delta T_{кт} = КТ_1 - КТ_0.$$

Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетишининг товар обороти ҳажмига таъсирини ($\Delta T_{хч}$) топиш учун унинг ҳисобот давридаги миқдоридан ($Хч_1$) асос давридаги миқдори айрилиб ташланади ($Хч_0$) , яъни :

$$\Delta T_{хч} = Хч_1 - Хч_0.$$

Товар захираси қолдиғининг ҳисобот даври охиридаги ўзгаришининг товар оборотига таъсирини ($\Delta T_{зоx}$) топиш учун, унинг ҳисобот давридаги миқдоридан ($Зоx_1$) асос давридаги миқдори ($Зоx_0$) айирилади, яъни :

$$\Delta T_{зоx} = Зоx_1 - Зоx_0.$$

Омиллар таъсири ҳисобининг тўғрилигини аниқлаш учун ҳамма омиллар таъсирини кўшиш лозим. У ҳолда умумий фарқ барча омиллар таъсирига тенг бўлади :

$$\Delta T = \Delta T_{зйб} \pm \Delta T_{кт} \pm \Delta T_{хч} \pm \Delta T_{зоx}$$

Мувозанат усулини қўллаб натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш қуйидаги мисолда келтирилган (7.1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, товар обороти ҳажми ҳисобот даврида режадагига нисбатан 97,2 минг сўмга ошган. Ушбу ўзгаришга товар келиб тушишининг 106,3 минг сўмга ошиши ва товарларнинг ҳар хил чиқиб кетишининг 0,1 минг сўмга камайиши товар оборотига ижобий таъсир қилган. Бошқа омиллар эса товар оборотининг ўзгаришига салбий таъсир кўрсатган. Жумладан, товар захираларининг ҳисобот даврининг бошида меъёрга нисбатан 6,2 минг сўмга кам бўлиши, шу даврнинг охирида эса меъёрдан 3,0 минг сўмга ошиқча бўлгани товар

3.1- жадвал

Товар обороти ҳажмининг ўзгаришига товар мувозанати кўрсаткичлари билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш.
(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳисобот-да	Фарқи (+,-)	Омиллар таъсири
1.Товар захираларининг бошланғич қолдиғи (Зйб)	648,0	641,8	- 6,2	- 6,2
2.Келиб тушган товарлар (КТ)	3069,8	3176,1	106,3	+ 106,3
3.Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетиши (Хч)	0,4	0,3	- 0,1	+ 0,1
4.Товар захираларининг охириги қолдиғи (Зох)	695,9	698,3	+ 3,0	- 3,0
5.Товар обороти (Т)	3021,5	3118,7	+ 97,2	х

оборотига салбий таъсир қилган. Шундай қилиб, товар оборотининг умумий фарқи 97,2 минг сум вужудга келган :

$$- 6,2 + 106,3 + 0,1 - 3,0 = + 97,2$$

Ушбу таҳлил натижаси товар оборотини кўпайтиришнинг ички имкониятларини топиш учун асос бўлади. Агар ҳисобот йилида товар захираларининг бошланғич ва охириги ғолдиқлари меъёр даражасида бўлганда эди товар обороти яна 9,2 минг сўмга (6,2 + 3,0) кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий товар обороти 3118,7 минг сўм эмас, балки 3127,9 минг сўмни (3118,7 + 9,2) ташкил қилган бўлар эди. Унинг ўтган йилги ёки асос йилига нисбатан фарқи 97,2 минг сўм эмас, балки 106,4 минг сўмни (97,2 + 9,2) ташкил қилган бўлар эди.

Товар оборотининг кўпайиши эвазига бошқа кўрсаткичлар ҳам яхшиланар эди.

3.3.3. Қайта ҳисоблаш усули. Бу усул ҳам омилли таҳлилда кенг қўлланилади. Бу усул натижага битта ёки иккита омил таъсир қилган пайтларда қўлланилиши қулай. Унинг моҳияти режадаги натижани биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинишидан иборатдир. Масалан, товар обороти (Т) асосий капиталнинг ўртача қиймати (Ак) ва шу капиталнинг самарадорлиги билан функционал боҳлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланади:

$$T = Ak \cdot Kc$$

Бунда Кс- Асосий капиталнинг самарадорлиги.

Ушбу формуладан кўришиб турибдики, натижага иккита омил таъсир қилади. Ҳар бир омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун натижани қайта ҳисоблаб оламиз. Бу биринчи омилнинг ҳақиқий миқдорини (Ак₁) иккинчи омилнинг режадаги миқдори билан кўпайтириш йўли билан аниқланади(Кс₀), яъни:

$$T_{kx} = Ak_1 \cdot Kc_0$$

Омилларнинг товар оборотига таъсирини топиш учун қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш лозим.

1. Товар оборотининг асосий капиталининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔT_{ak}) топиш учун товар оборотининг қайта ҳисобланган миқдоридан (Ткх) унинг режадаги ҳажмини айириш кифоя (Т₀) :

$$\Delta T_{ak} = T_{kx} - T_0 = (Ak_1 \cdot Kc_0) - (Ak_0 \cdot Kc_0)$$

2. Товар обороти ўзгаришига асосий капитал самарадорлигининг таъсирини (ΔT_{kc}) аниқлаш учун товар оборотининг ҳақиқий сўммасидан (Т₁) унинг қайта ҳисобланган миқдорини (Ткх) айириш кифоя :

$$\Delta T_{kc} = T_1 - T_{kx} = (Ak_1 \cdot Kc_1) - (Ak_1 \cdot Kc_0)$$

Икки омилнинг таъсири товар обороти фарқининг умумий сўммасига тенг бўлиши керак :

$$\Delta T = \Delta T_{ак} \pm \Delta T_{кс}$$

Ушбу назарий тавсияни аниқ маълумотларни қўллаб ечиш йўлини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (7.2-жадвал).

3.2 - Жадвал.

Товар обороти ҳажмига асосий капитал ва улар самарадорлигининг таъсирини қайта ҳисоблаш усулини қўллаб аниқлаш.

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+,-)		
				Шу жумладан		
				Жами	Ак эвазига	Кс эвазига
Товар обороти, минг сўм	42850,0	44520,0	42636,3	+1670,0	- 213,7	+1883,7
Асосий капиталнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	26664,5	26531,6	26531,6	- 132,9	х	х
Асосий капиталнинг самарадорлиги, сўм	160,7	167,8	160,7	+ 7,1	х	х

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, товар обороти ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 1670,0 минг сўмга ошган. Бу қуйидаги омиллар эвазига вужудга келган :

1. Асосий капитал ўртача йиллик қийматининг 132,9 минг сўмга камайиши товар обороти ҳажмини 213,7 минг сўмга камайтирди:

$$4236,3 - 42850,0 = - 213,7 \text{ минг сум}$$

2. Асосий капитал самарадорлигининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 7,1 сўмга ошганлиги товар обороти ҳажмини 1883,7 минг сўмга оширди :

$$44520,0 - 42636,3 = + 1883,7 = \text{минг сўм}$$

Ушбу усуллар мавжуд бўлган ички резервларни аниқлаш имконини беради. Бизнинг мисолимизда товар оборотини ошириш учун асосий фондларни кўпайтириш лозимлиги аниқланди. Агарда

асосий фондлар ҳисобот даврида ҳеч бўлмаганда ўтган йил ҳажмида қолганда эди товар обороти яна 132,9 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий товар обороти ҳажми 44520,0 минг сўм эмас, балки 44652,9 минг сўмни (44520,0 + 132,9) ташкил қилган бўлар эди. Товар обороти режасининг бажарилиши 103,9 % эмас, (44520,0 . 100 : 42850,0), балки 104,2%ни (44652,9 . 100 : 42850,0) ташкил қилган бўлар эди.

3.3.4. Занжирли алмаштириш усули. Бу усул таҳлилида кенг қўлланиладиган усуллардан биридир. Натижа ўзгаришига учта ва ундан кўп омиллар таъсир қилса, улар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлса ушбу усулдан фойдаланилади. Масалан, товар обороти (Т) ўзгариши ходимларнинг рўйхатдаги сони (Х), уларнинг ўртача иш кунлари (К) ва бир кунлик меҳнат унумдорлиги (М) кўрсаткичлари билан функционал боғлиқдир. Бу қуйидагича ифодаланади:

$$T = X \cdot K \cdot M$$

Ушбу формула асосида натижага учта омил таъсир, қилганлигини кўрамиз. Омилли таҳлилнинг асосий вазифаси натижанинг шу ҳар бир омил эвазига ўзгаришини топишдан иборатдир. Занжирли алмаштириш усулидан фойдаланадиган бўлсак режадаги натижани ҳар бир омил эвазига қайта ҳисоблаб олиш лозим. Бу учун қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

1. Товар обороти ҳажмининг ходимларнинг рўйхатдаги сони ўзгариши эвазига ўзгарганлигини топиш учун биринчидан шу кўрсаткич режасини ходимларининг рўйхатдаги сонининг ҳақиқий миқдори билан ҳисоблаб олинади:

$$T_x = X_1 \cdot K_0 \cdot M_0$$

Бунда “ 1 “ ва “ 0 “ индекслари кўрсаткичларнинг ҳақиқий ва режадаги миқдорини ифодалайди.

Иккинчидан эса, шу қайта ҳисобланган миқдордан режадаги товар обороти айириб ташланади:

$$\Delta T_x = T_x - T_0 = (X_1 \cdot K_0 \cdot M_0) - (X_0 \cdot K_0 \cdot M_0)$$

Бунда ΔT_x - товар оборотининг ходимларнинг рўйхатдаги сонининг ўзгариши таъсирида ўзгарган қисми.

2. Товар оборотининг иккинчи омил, яъни ходимларнинг рўйхатдаги ўртача иш кунининг ўзгарганлиги эвазига ўзгаришини (ΔT_k) топиш учун биринчи омил билан ҳисоблонган миқдорини иккинчи омилнинг миқдори билан ҳисоблаб олинади:

$$T_k = X_1 \cdot K_1 \cdot M_0$$

Шу чиққан натижадан биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан ҳисобланган товар обороти ҳажми олиб ташланади:

$$\Delta T_k = T_k - T_x = (X_1 \cdot K_1 \cdot M_0) - (X_1 \cdot K_0 \cdot M_0)$$

3. Натижанинг учинчи омил - меҳнат унумдорлигининг таъсири эвазига ўзгаришини топиш учун товар оборотининг ҳақиқий сўммасидан (T_1) унинг иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган (T_k) миқдори айрилиб ташланади:

$$\Delta T_m = T_1 - T_k = (X_1 \cdot K_1 \cdot M_1) - (X_1 \cdot K_1 \cdot M_0)$$

Бу учта омилнинг таъсири товар оборотининг умумий фарқига (ΔT) тенг бўлиши керак:

$$\Delta T = \Delta T_x \pm \Delta T_k \pm \Delta T_m$$

Келтирилган ҳисоб-китобларга аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда ечиладиган бўлса қуйидагича жадвал тузилиши мумкин (3.3-жадвал).

3.3- жадвал.

Натижага омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули ёрдамида ҳисоблаш йўллари.

Кўрсаткичлар	Белги-си	Режа да	Ҳақиқатда	Занжирли алмаштириш		
				1	2	3
1. Ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши	X	X ₀	X ₁	X ₁	X ₁	X ₁
2. Ҳар бир ходимга тўғри келадиган иш кунни, кун	K	K ₀	K ₁	K ₀	K ₁	K ₁
3. Ходимларнинг ўртача бир кунлик меҳнат унумдорлиги, сўм	M	M ₀	M ₁	M ₀	M ₀	M ₁
4. Товар обороти, минг сўм	T	T ₀	T ₁	T _x	T _k	T _m

Ушбу жадвалга асосан товар оборотининг ўзгаришига омиллар таъсирини қуйидагича аниқлаш мумкин.

1. Товар оборотининг ходимлар сонининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔT_x) топиш учун қуйидаги амални бажариш лозим. :

$$\Delta T_x = T_x - T_o = (X_1 \cdot K_o \cdot M) - (X_o \cdot K_o \cdot M_o)$$

2. Товар оборотининг ҳар бир ходимнинг ўртача иш кунининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔT_k) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади :

$$\Delta T_k = T_k - T_x = (X_1 \cdot K_1 \cdot M_o) - (X_1 \cdot K_o \cdot M_o)$$

3. Товар оборотининг ҳар ходимнинг бир кунлик меҳнат унумдорлигининг ўзгарганлиги эвазига ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги амални бажариш лозим :

$$\Delta T_m = T_m - T_k = (X_1 \cdot K_1 \cdot M_1) - (X_1 \cdot K_1 \cdot M_o)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T = \Delta T_x \pm \Delta T_k \pm \Delta T_m;$$

Ушбу назарий усулнинг бевосита амалиётга қўлланилишини кўриб чиқиш учун натижа кўрсаткичи сифатида товар оборотини (Т) олиш мумкин. Бу кўрсаткичга аҳолининг сони (А), уларнинг ўртача пул даромадлари (Д) ва товар оборотининг пул даромадини қамраб олиш даражаси (О) таъсир қилади. Бу боғлиқликни қуйидаги формула билан тасвирлаш мумкин :

$$T = \frac{A \cdot D \cdot O}{100} .$$

Бу формулага занжирли алмаштириш усулини қўллаб ҳар бир кўрсаткич бўйича амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижага омиллар таъсирини аниқлаш мумкин (3.4-жадвал).

3.4 - Жадвал.

Чакана товар оборотига аҳолининг сони ва уларнинг пул даромади билан боғлиқ бўлган омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечиш йўллари.

Кўрсаткичлар	Режа-да	Ҳақи-қатда	Занжирли алмаштириш		
			1	2	3
Аҳолининг ўртача йиллик сони, киши	50265	50986	50986	50986	50986
Битта аҳолига тўғри келадиган ўртача пул даромади, сўм	778,2	781,6	778,2	781,6	781,6
Аҳоли пул даромади-нинг товар обороти билан камраш дара-жаси, %	72,5	76,4	72,5	72,5	76,4
Чакана товар обороти, минг сўм	28359,6	30446,3	28766,4	28892,1	30446,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида товар оборотининг ҳажми 2086,7 минг сўмга (30446,3 - 28859,6) ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган :

1. Аҳолининг ўртача йиллик сони режага нисбатан 721 кишига ошганлиги товар обороти ҳажмини 406,8 минг сўмга (28766,4 - 28359,6) кўпайтирган.

2. Аҳолининг ўртача пул даромади ҳисобот йилида 3,4 сўмга ошган. Бу омил товар оборотини 125,7 минг сўмга (28892,1 - 28766,4) кўпайтириш имконини берган.

3. Пул даромадининг аҳолига сотилган товар оборотининг қамраб олиш даражаси 3,9% га ошганлиги умумий товар обороти сўммасини 1554,2 минг сўмга (30446,3 - 28892,1) кўпайтирган.

Кўриниб турибдики, товар оборотининг ўзгаришига учала омил ҳам ижобий таъсир қилган. Натижада умумий фарқ келиб чиқади :

$$406,8 + 125,7 + 1554,2 = + 2086,7 \text{ минг сўм.}$$

Занжирли алмаштириш усулидан фақат кўрсаткичлар ўртасидаги боғланиш кўпайтма шаклидагина эмас, балки бўлинма шаклидаги боғланишларда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарида рентабеллик кўрсаткичини олайлик. Бу қуйидагича боғлиқликка эга :

Ф

$$P = \text{-----}$$

$$A_k + A_m$$

Бунда P - рентабеллик даражаси ; Φ - фойда сўммаси ;

A_k - асосий капиталнинг ўртача йиллик қиймати ;

A_m - айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Ушбу формуладан кўришиб турибдики рентабеллик даражасига учта омил : фойда сўммаси, асосий капитал, айланма капиталларнинг ўзгаришлари таъсир қилади. Рентабеллик даражасига фойда сўммасининг таъсирини ($\Delta P\phi$) занжирли алмаштириш усули билан ҳисоблаш учун рентабеллик даражасини фойда сўммасининг ҳақиқий даражаси билан қайта ҳисобланади ва ундан рентабеллик даражасининг режадаги миқдори айрилади :

$$\Delta P\phi = \left(\frac{\Phi_1}{A_{k_0} + A_{m_0}} \right) - P_0$$

Рентабеллик даражасининг асосий капиталнинг ўртача йиллик сўммасининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔP_{ak}) аниқлаш учун рентабеллик даражасини асосий капиталнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланади ва ундан рентабеллик даражасининг фойда сўммаси билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади :

$$\Delta P_{ak} = \left(\frac{\Phi_1}{A_{k_1} + A_{m_0}} \right) - \left(\frac{\Phi_1}{A_{k_0} + A_{m_0}} \right) ;$$

Рентабеллик даражасига айланма капиталнинг ўртача йиллик сўммаси ўзгаришининг таъсирини (ΔP_{am}) аниқлаш учун рентабеллик даражасининг ҳақиқий миқдоридан унинг асосий капиталнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган ҳажмини айириб ташлайди :

$$\Delta P_{am} = P_1 - \left(\frac{\Phi_1}{A_{k_1} + A_{m_0}} \right)$$

Бунда ҳам барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta P = \Delta P\phi \pm \Delta P_{ak} \pm \Delta P_{am}$$

Ушбу боғланишни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечилишини кўриш мумкин (3.5-жадвал).

Рентабеллик даражасига фойда, асосий ва айланма капиталлар ўзгаришининг таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш йўллари.

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Занжирли алмаштиришлар		
			1	2	3
1. Фойда, минг сўм	51,7	62,7	62,7	62,7	62,7
2. Асосий капиталнинг ўртача қиймати, минг сўм	985,6	997,2	985,6	997,2	997,2
3. Айланма капиталнинг ўртача қиймати, минг сўм	245,0	231,5	245,0	245,0	231,0
4. Рентабеллик даражаси, %	0,042	0,051	0,051	0,050	0,051

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рентабеллик даражаси ҳисобот йилида 0,009 % га ошган (0,051 - 0,042) . Бу ўзгариш қуйидаги омиллар эвазига вужудга келган :

1. Фойда сўммасининг 11,0 минг сўмга (62,7 - 51,7) кўпайиши рентабеллик даражасини 0,009 % га (0,051 - 0,042) оширган.

2. Асосий капиталнинг ўртача қиймати ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан 11,2 минг сўмга ошган (997,2 - 985,6) . Аммо бу тегишли самара бермаган. Оқибатда рентабеллик даражаси 0,001 % га (0,050 - 0,051) камайган.

3. Айланма капиталнинг ўртача йиллик сўммаси таҳлил даврида 13,5 минг сўмга (231,5 -245,0) камайган. Бу ўз навбатида айланма капитал билан боғлиқ бўлган жуда кўп омиллар, хусусан харажатларнинг камайишига олиб келган. Оқибатда, рентабеллик даражаси 0,001 % га ошган (0,051 - 0,050) .

Барча омиллар таъсирида рентабеллик даражасининг умумий фақи келиб чиқади: $0,009 - 0,001 + 0,001 = + 0,009$.

Шундай қилиб, таъкидлаш лозимки, хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда занжирли алмаштириш усули кенг қўлланилади. Энг муҳими бу усул ҳам бошқа усуллар сингари ички имкониятларни (резервларни) аниқлашга ёрдам беради. Масалан, бизнинг охириги мисолимизда кўриниб турибдики корхонанинг рентабеллигини ошириш учун асосий капиталнинг самарадорлигини ошириш лозим экан.

3.3.5. Нисбий миқдорлардан фойдаланиш усули. Бу усул ҳам омилли таҳлилда кенг қўлланилади, чунки амалда мутлоқ рақамлар билан биргаликда нисбий миқдорларнинг қўлланилиши ҳам тез учраб турадилар.

Нисбий миқдордан фойдаланиш усулининг моҳияти натижага омиллар таъсирини аниқлашда уларнинг нисбий ўзгариши натижанинг нисбий ўзгаришидаги улушида ифодаланишидир. Масалан, ишлаб чиқариш корхонаси ялпи маҳсулоти ҳажми (М), ишчилар сони (И) ва уларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига (МУ) боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланди :

$$M = I \times MU$$

Нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш учун ушбу формуладаги натижа ва омилларнинг ўсиш суръатлари олинади. Ҳисоб-китобларда ана шу нисбий кўрсаткичлар иштирок этади. Масалан, ялпи маҳсулотнинг ишчилар сонининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини топиш учун ишчилар сонининг ўсиш суръатини (ΔI) юзга кўпайтириб ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатига бўлинади (ΔM) :

$$\Delta I \cdot 100$$

$$\Delta M_{и} = \frac{\Delta I \cdot 100}{\Delta M}$$

$$\Delta M$$

Натижага иккинчи омилнинг - меҳнат унумдорлигининг таъсирини ($\Delta M_{му}$) аниқлаш учун юздан шу чиққан натижа миқдори, яъни биринчи омилнинг натижага таъсири айрилади :

$$\Delta I \cdot 100$$

$$\Delta M_{му} = 100 - \frac{\Delta I \cdot 100}{\Delta M}$$

$$\Delta M$$

Одатдагидек икки омилнинг умумий таъсири натижа ўзгаришига тенг бўлиши керак. Бу ҳолда икки омил таъсири 100 га тенг бўлади.

Масалан, ялпи маҳсулот ҳисобот даврида 20 % га, ишчилар сони эса 4 % га ошди. Бу ҳолда ялпи маҳсулотнинг ишчилар сони эвазига ўзгарганлиги 20 % ни ташкил қилади :

$$4 \cdot 100$$

$$\left(\frac{\Delta I \cdot 100}{\Delta M} \right)$$

$$20$$

Натижанинг меҳнат унумдорлиги эвазига ўзгарганлиги 80 % ни (100 - 20) ташкил қилади.

Бу усулни аниқ маълумотларни қўллаб қуйидаги жавдал мисолида ҳам кўриш мумкин (3.6-жадвал).

**Нисбий миқдолардан фойдаланиш усулини
қўллаб натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш.**

Кўрсаткичлар	Ўтган Йилда	Ҳисобот йилида	Ўсиш суръати
1. Ялпи маҳсулот, минг сўм (М)	29450	30245	102,7
2. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши (И)	1980	2010	101,5
3. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (МУ)	14,9	15,0	100,7

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ялпи маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 2,7 % га ошганлигини ишчиларнинг 1,5 % га кўпайганлиги ва меҳнат унумдорлигининг 0,7 % га ошганлиги эвазига вужудга келган. Буларнинг нисбий кўрсаткичдаги таъсири қуйидагича :

1. Ялпи маҳсулотнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатини 100 % га тенг деб олсак, унинг 55,6 % ($1,5 \cdot 100 : 2,7$) ишчилар сонининг кўпайиши эвазига содир бўлган.

2. Ялпи маҳсулот ўсишининг 44,4 % ($100 - 55,6$) меҳнат унумдорлиги ошиши эвазига вужудга келган.

Ушбу амалларни бажариб бўлгандан сўнг натижага омиллар таъсирини мутлоқ миқдорда ҳам аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда ялпи маҳсулот ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 795,0 минг сўмга ($30245 - 29450$) ошган. Шундан 442,0 минг сўми ($795,0 \cdot 55,6 : 100$) ходимлар сонининг кўпайганлиги эвазига вужудга келган. Меҳнат унумдорлиги ошганлиги эвазига ялпи маҳсулот ҳажми 353,0 минг сўмга ($795,0 \cdot 44,4 : 100$) кўпайган. Икки омил таъсири умумий натижани беради, яъни :

$$442,0 + 353,0 = + 795,0 \text{ минг сўм.}$$

3.3.6. Индекс усули. Бу усул статистика назарияси фанида батафсил ёритилган. Таҳлил фани бухгалтерия учёти ва статистика фанлари асосида вужудга келганлигини олдинги бобларда таъкидлаган эдик. Шунингдек таҳлил фани статистика фанининг бирқанча усулларида фойдаланади. Шулардан бири индекс усулидир.

Бу усул жуда кўп қиррали мавзу. Биз эса ушбу бобда шу усулнинг омилли таҳлилида қўлланилишини кўрамиз холос.

Индекс усулида жуда кўп қўлланиладиган боғланиш : маҳсулот ҳажмининг (Q) ўзгариши унинг миқдори (q) ва баҳосига (p) боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Маҳсулотнинг режадаги ҳажмини ($q_0 p_0$) ва ҳақиқатдаги ҳажмини ($q_1 p_1$) тегишли формулада ифодалаб олинса, унинг режа бажарилиш индекси қуйидаги кўринишга эга бўлади :

$$J_{qp} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0}$$

Маҳсулотнинг ҳисобот давридаги ўзгаришининг мутлоқ миқдорини аниқламоқчи бўлсак унинг суръатидан маҳражини айириш кифоя :

$$\Delta Q = \sum q_1 p_1 - \sum q_0 p_0$$

Формуладан кўриниб турибдики натижага иккита омил таъсир қилади. Бу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун биринчидан, маҳсулот ҳажмининг ҳақиқий миқдорини режадаги (асос йилидаги) нархда ифодалаш лозим, яъни $q_1 p_0$. Натижа ўзгаришига маҳсулот миқдорининг таъсирини (ΔQq) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\Delta Qq = \sum q_1 p_0 - \sum q_0 p_0$$

Маҳсулот ҳажмининг баҳо эвазига ўзгарганлигини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир :

$$\Delta Q = \sum q_1 p_1 - \sum q_1 p_0$$

Ушбу ҳисоб - китобни аниқ маълумотларни қўллаб ҳам амалга ошириш мумкин (3.7-жадвал).

3.7 - Жадвал

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига унинг миқдори ва баҳосининг таъсирини индекс усули билан аниқлаш

Маҳсулот турлари	Миқдори, дона		Баҳоси, сўм		Маҳсулот ҳажми	
	Режада	Ҳақиқатда	Режада	Ҳақиқатда	Режада	Ҳақиқатда
А	450	500	15	16	6750	8000
Б	230	235	8	6	1840	1410
В	670	710	7	9	4690	6390
Жами					13280	15800

Жадвал маълумотлари асосида маҳсулот ҳажми бўйича режанинг бажарилиш индекси 1,190 га тенг :

$$J_{qr} = \frac{15800}{13280} = 1,190 \text{ ёки } 119,0 \%$$

Натижанинг умумий мутлоқ фарқи 2520 сўмни (15800 - 13280) ташкил қилади. Маҳсулот физик ҳажмининг агрегат индекси (маҳсулотнинг режадаги ва ҳақиқатдаги миқдори бир хил баҳода ҳисобланганда) куйдагини ташкил қилади:

$$J_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} = \frac{(500 \times 15) + (235 \times 8) + (710 \times 7)}{13280} = \frac{14350}{13280} = 1,081 \text{ ёки } 108,1 \%$$

Шундай қилиб, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори кўпайиши маҳсулот ҳажмини режадагига нисбатан 8,1 % ёки 1070 сўмга (14350 - 13280) оширган.

Баҳо агрегат индекси (суратида маҳсулот миқдори ва баҳоси режада) 1,101 ни ташкил қилган :

$$J_q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} = \frac{15800}{14350} = 1,101 \text{ ёки } 110,1\%$$

Демак, маҳсулотнинг умумий ҳажми баҳо омили таъсирида 10,1% га ошган, мутлоқ миқдори эса 1450 сўмга (15800 - 14350) кўпайган.

Натижада шу икки омилнинг таъсири нисбий ва мутлоқ миқдорда ҳам аниқлаш мумкин. Икки омил индексининг кўпайтмаси умумий индексга тенг бўлиши керак:

$$1,081 \cdot 1,101 = 1,190$$

Натижа ўзгаришининг мутлоқ миқдорини топиш учун шу икки омил йиғиндиси олинади:

$$1070 + 1450 = + 2520 \text{ сўм}$$

Индекс усулидан фойдаланганда омиллар таъсирини индивидуал индекслар орқали ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан, пойафзал буюмлари бўйича товар обороти ҳажмига хизмат кўрсатилаётган аҳолининг сони (А), ўртача жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражаси (И) ва ўртача баҳо (Р) таъсир қилади. Бу боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$Q = A \cdot I \cdot P$$

Бунда Q - пойафзал буюмлари бўйича товар оборотининг умумий ҳажми.

Ушбу омилларнинг товар оборотига таъсирини аниқлаш учун уларнинг индивидуал индекслари аниқланади (3.8-жадвал).

Пойафзал сотилишининг умумий ҳажмига омиллар таъсирини индивидуал индексини қўллаб ечадиган бўлсак у қуйидаги боғланишга эга бўлади :

$$JQ = ia \cdot ii \cdot ip$$

3.8 - Жадвал.

Товар обороти ўзгаришига кўрсаткичларнинг индивидуал индексларини аниқлаш йўли билан омиллар таъсирини ҳисоблаш усули.

Кўрсаткичлар	Асос йилида	Ҳисобот йилида	Индивидуал индекслар
1. Аҳолининг сони, минг киши (А)	10,4	10,9	1,048
2. Ўртача жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражаси, жуфт (И)	2,6	2,9	1,115
3. Ўртача баҳоси. Сўм (Р)	36,2	37,4	1,034
4. Пойафзал маҳсулоти бўйича товар обороти, минг сўм (Q)	978,8	1182,2	1,208

Натижага омиллар таъсири қуйидагича аниқланади :

1. Аҳоли сонининг асос йилига нисбатан 0,5 минг кишига (10,9 - 10,4) ошиши пойафзал маҳсулотларига бўлган талабни оширган ва шунинг эвазига пойафзал сотилишининг умумий ҳажми 47,0 минг сўмга кўпайган :

$(Q_a = (Q_0 \cdot i_a) - Q_0 = (978,8 \cdot 1.048) - (978,8) = 1025,8 - 978,8 = +47,0$
минг сўм.

2. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пойафзал буюмларига бўлган истеъмол даражасининг 0,3 жуфтга (2,9 - 2,6) ошиши пойафзал сотилиши ҳажмини кўпайтиришнинг асосий омили бўлган. Бу омил таъсирида ўрганилаётган кўрсаткич 118,0 минг сўмга ошган:

$(Q_i = (Q_0 \cdot i_a \cdot i_i) - (Q_0 \cdot i_a) = (1025,8 \cdot 1,115) - 1025,8 =$
 $= 1148,8 - 1025,8 = + 118,0$ минг сўм.

3. Пойафзалнинг ўртача баҳоси 1,2 сўмга ошган. Бу омил эвазига товар обороти 38,4 минг сўмга кўпайган:

$\Delta Q_p = (Q_0 \cdot i_a \cdot i_i \cdot i_p) - (Q_0 \cdot i_a \cdot i_i) = 1143,8 \cdot 1,034 - 1148,8 = 1182,2 -$
 $1148,8 = + 38,4$ минг сўм.

Ҳамма омиллар таъсирининг йиғиндиси пойафзал сотилиши умумий ҳажмининг ҳисобот йилида, асос йилига нисбатан умумий фарқини беради:

$\Delta Q = \Delta Q_a \pm \Delta Q_i \pm \Delta Q_p = 47,0 + 118,0 + 38,4 = + 203,4$ минг сўм.

Омилли таҳлилда қўлланиладиган усуллардан анча қўлайи индекс усулидир, чунки бу усулни қўллаш жараёнида бир вақтнинг ўзида омилларнинг натижага ҳам мутлоқ, ҳам нисбий таъсирини аниқлаш мумкин.

3.3.7. Фарқлаш усули. Ушбу усул натижага омиллар таъсирини ҳисоблашда кенг қўлланилади. Хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бунда бир кўрсаткич натижа деб қаралса, шунга боғлиқ бўлган қолган кўрсаткичлар таъсир қилувчи омиллар сифатида намоён бўладилар.

Фарқлаш усулининг моҳияти шундаки, натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини аниқлаш учун ҳисобланаётган омилнинг фарқи олиниб қолган омилларнинг жойлашиш тартибига қараб асос ёки ҳисобот давридаги миқдори олинади. Масалан, натижа кўрсаткичи (товар обороти) билан унга таъсир қилувчи омиллар: ходимларнинг рўйхатдаги сони (X) ва меҳнат унумдорлиги (МУ) ўртасидаги боғланиш қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T = X \cdot MU$$

Ушбу формуладаги омилларнинг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлайдиган бўлсак, биринчи омил, яъни ходимларнинг рўйхатдаги сонининг товар оборотига таъсирини (ΔT_x) ҳисоблаш учун шу омилнинг фарқини ($X_1 - X_0$) иккинчи омил, яъни меҳнат унумдорлигининг асос (режа) кўрсаткичига (MU_0) кўпайтирилади:

$$\Delta T_x = (X_1 - X_0) \cdot MU_0$$

Иккинчи омил, яъни меҳнат унумдорлигининг товар обороти ҳажми ўзгаришига таъсирини ($\Delta T_{му}$) топиш учун шу омилнинг фарқи олинади ($MU_1 - MU_0$) биринчи омил - ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сонининг ҳисобот давридаги миқдorigа (X_1) кўпайтирилади:

$$\Delta T_{му} = X_1 \cdot (MU_1 - MU_0)$$

Шу икки омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T = \Delta T_x \pm \Delta T_{му}$$

Ушбу боғланишни аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш мумкин. Бу эса тавсия қилинаётган назарий ҳисоб-китобларнинг амалиётга қулланилишидан ҳам далолат бередиди (3.9 - жадвал).

3.9 - Жадвал

Товар обороти ҳажмига ходимларнинг рўйхатдаги сони ва меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлаш йўллари.

Кўрсаткичлар	Режа-да	Ҳақи-қатда	Фарқи (+,-)		
			Жа-ми	Шу жумладан	
				Ходимлар сони эвазига	Меҳнат унумдорлиги эвазига
1. Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сони, киши	8038	8057	+ 19	x	X
2. Меҳнат унумдорлиги, сўм	6282,0	6365,5	83,5	x	x
3. Товар обороти, минг сўм	50495	51287	+792,0	+119,3	+ 672,7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, товар обороти режага нисбатан 792,0 минг сўмга кўп бўлган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган :

1. Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сонининг 19 кишига кўпайганлиги товар обороти ҳажмини 119,3 минг сўмга кўпайтирган: (19 . 6282,0 = + 119,3)

2. Ҳисобот йилида меҳнат унумдорлигининг 83,5 сўмга кўпайиши товар оборотини 672,7 минг сўмга кўпайтиришга мувоффақ бўлган:

$$(8057 \cdot 83,5 = + 672,7).$$

Ушбу икки омил таъсири товар оборотининг умумий фарқига тенг :

$$119,3 + 672,7 = + 792,0 \text{ минг сўм.}$$

Фарқли усули натижага таъсир этувчи омиллар сони учта ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳам, агар улар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланса, қўлланилиши мумкин. У ҳолда натижага биринчи омилнинг таъсирини топиш учун унинг фарқини қолган икки омилнинг режадаги миқдорига кўпайтирилади. Чикқан натижа биринчи омил таъсири бўлиб ҳисобланади.

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини топиш учун биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори иккинчи омилнинг фарқига ва учинчи омилнинг режадаги даражасига кўпайтирилади. Чикқан натижа шу омилнинг таъсири бўлиб ҳисобланади.

Натижага учинчи омилнинг таъсири ҳам худди шу тартибда ҳисобланади. Унда биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдорига учинчи омилнинг фарқи кўпайтирилади. Чикқан натижа учинчи омил таъсири бўлиб ҳисобланади. Мисол учун қуйидаги математик боғлиқликни олайлик :

$$T = Ш \cdot Mш \cdot Tм.$$

Бунда : T - товар обороти ҳажми ;

Ш - савдо шахобчаларининг ўртача сони ;

Mш- ҳар бир савдо шахобчасига тўғри келадиган савдо майдони ;

Tм - бир кв. м. савдо майдонига тўғри келадиган

товар обороти ҳажми .

Товар обороти ўзгаришига савдо шахобчалари сони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади :

$$\Delta T_{ш} = (Ш_1 - Ш_0) \cdot M_{ш_0} \cdot T_{м_0}$$

Чакана товар оборотининг битта савдо шахобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдони ўзгариши эвазига ўзгарганлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади :

$$\Delta T_{мш} = Ш_1 \cdot (M_{ш_1} - M_{ш_0}) \cdot T_{м_0}$$

Чакана товар обороти ҳажмининг бир кв.м. савдо майдонига тўғри келадиган товар обороти эвазига ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз :

$$\Delta T_{тм} = Ш_1 \cdot M_{ш_1} \cdot (T_{м_1} - T_{м_0})$$

Одатдагидек барча омиллар таъсири товар оборотининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим :

$$\Delta T = \Delta T_{ш} \pm \Delta T_{мш} \pm \Delta T_{тм}$$

Юқорида келтирилган усулнинг амалиётда қўлланилишини аниқ маълумотларни қўллаб исботлаш мумкин (3.10-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики чакана товар обороти ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 1579,6 минг сўмга кўпайган. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Савдо шахобчалари сонининг 2 тага кўпайганлиги товар обороти ҳажмини 388,2 минг сўмга (2 . 4,1 . 47,34) кўпайтирган.

3.10 - жадвал

Товар оборотининг ўзгаришига савдо шахобчалари, уларнинг савдо майдони ва самарадорлигининг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлаш ҳисоби.

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)
1. Савдо шахобчаларининг сони, бирликда	128	130	+ 2
2. Битта савдо шахобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдони, кв.м.	4,1	4,5	+0,4
3. Бир кв.м. савдо майдонига тўғри келадиган товар обороти, минг сўм	47,34	45,17	- 2,17
4. Товар обороти, минг сўм	24845,6	26425,2	+ 1579,6

2. Битта савдо шахобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдонининг 0,4 кв.м. га кўпайиши товар оборотини 2461,9 минг сўмга оширган : $(130 \cdot 0,4 \cdot 47,34)$.

3. Савдо майдони самарадорлигининг, яъни бир кв.м. савдо майдонига тўғри келадиган товар оборотининг 2,17 минг сўмга пасайишини товар обороти ҳажмини 1268,5 минг сўмга камайтирган: $(130 \cdot 4,5 \cdot (- 2,17))$.

Барча омилларнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг :

$$388,2 + 2461,9 - 1268,5 = + 1579,6 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу омилли таҳлил натижасига асосан мазкур корхонада мавжуд ички имкониятларни аниқлаш мумкин. Бу имконият савдо майдонидан самарали фойдаланишдир. Агар ҳисобот йилида ушбу омил ўтган йилги даражада бўлганда эди товар обороти яна 1268,5 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда товар оборотининг ҳақиқий ҳажми 26425,2 минг сўм эмас, балки 27693,7 минг сўмга тенг бўлар эди:

$$(26425,2 + 1268,5).$$

Товар оборотининг режаси ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати ҳам ошган бўлар эди. Ҳисобот даврида товар оборотининг ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил қилди:

$$(26425,2 : 24845,6 \cdot 100) - 100).$$

Агарда аниқланган ички резервлардан тўлиқ фойдаланилганда эди ҳисобот йилида товар оборотининг ўсиш суръати 111,5 фоизни ташкил қилган бўлар эди:

$$(27697,3 : 24845,6 \cdot 100) .$$

3.3.8. Интеграл усул. Бу усул бир томондан анъанавий усулларга , иккинчидан эса математик усулга мансуб такомиллашган усулдир. Натижа кўрсаткичига алоҳида омиллар таъсирини интеграл усули билан аниқлаш фарқлаш, занжирли алмаштириш каби усулларнинг такомиллашган шаклидир. Интеграл усулининг ижобий томонидан

бири шундан иборатки, агарда занжирли алмаштириш ёки фарқлаш усулларида омиллар, кетма-кетлиги ўзгарса, уларнинг натижа ўзгаришига таъсир ҳар хил бўлади. Бу усулда эса у ёки бу омилнинг таъсирини ҳисоблашда кетма-кетликка риоя қилишни талаб қилмайди. Омилларнинг кетма-кетлиги ўзгаришидан қатъий назар омиллар таъсири ҳаммаша бир хил, энг муҳими тўғри топилади.

Интеграл усули детерминал омили таҳлилнинг бош муаммосини тушунтиришга ёрдам беради. Битта ҳисобот давр чегарасида омиллар ўзгариши динамикаси аниқ бўлган тақдирда омиллар таъсирини фақат интеграл усули билан илмий асослаб баҳолаш мумкин.

Интеграл усули билан боғлиқ ҳисоблар бир тарафдан математик таҳлил асосларини билишни талаб қилса, бошқа томондан занжирли алмаштириш усулига нисбатан ҳисобларни бажаришни тақозо қилади. Шу сабабли бу усулнинг қўлланилиши ЭХМ шароитида яхши самара беради. Натижа кўрсаткичга омиллар таъсирини ҳисоблашнинг турли шакллари мавжуд. Натижага иккита омил таъсир қиладиган бўлса, қуйидаги боғлиқлик бўлади :

$$Y = X_1 \cdot X_2$$

Бу ҳолда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади :
Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири:

$$\Delta Y_{X_1} = X_2^0 \cdot \Delta X_1 + \left(\frac{1}{2} (\Delta X_1 \cdot \Delta X_2) \right)$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири:

$$\Delta Y_{X_2} = X_1^0 \cdot \Delta X_2 + \left(\frac{1}{2} (\Delta X_1 \cdot \Delta X_2) \right)$$

Юқоридаги формулаларга асосан, натижа кўрсаткичларига омиллар таъсирини ҳисоблашни аниқ мисолларда кўриб чиқамиз. Масалан, маҳсулот ҳажмига ишлаб чиқариш фондлари ва улар самарадорлигининг таъсирини ҳисоблаш талаб қилинсин. (3.11-Жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида натижанинг ўзгаришига омиллар таъсирини интеграл усулида аниқлаш мумкин.

1. Ялпи маҳсулотнинг асосий фондлар ўртача йиллик қиймати таъсири эвазига ўзгариши 668,5 минг сўмни ташкил қилди.

3.11 - Жадвал.

Ялпи маҳсулотга асосий фондлар ва улар самарадорлигининг таъсирини интеграл усулида аниқлаш

Кўрсаткичлар	Шартли белгилари	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)
Ялпи маҳсулот, минг сўм	М	43420	45850	+ 2430
Асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	АФ	47115	47825	+ 710
Фондлар самарадорлиги (бир сўм фондга тўғри келадиган товар маҳсулоти), тийин	ФС	92,16	95,87	+ 3,71

$$710 \cdot 3,71$$

$$\Delta M_f = 710 \cdot 92,16 + \frac{\quad}{2} = + 668,5 \text{ минг с.с.м.}$$

2. Ялпи маҳсулотнинг фондлар самарадорлиги таъсири эвазига ўзгариши 1761,5 минг сўмни ташкил қилди :

$$710 \cdot 3,71$$

$$\Delta M_{fs} = 3,71 \cdot 47115 + \frac{\quad}{2} = + 1761,5 \text{ минг сўм.}$$

Икки омилнинг таъсири биргаликда ялпи маҳсулотнинг умумий фарқини беради $668,5 + 1761,5 = + 2430$ минг сўм.

Натижа ўзгариши учта омилга боғлиқ бўлган шароитда интеграл усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан , “У” натижа X_1 , X_2 , X_3 омиллар ўзгаришига боғлиқ бўлса тенглама қуйидагича бўлади :

$$Y = X_1 \cdot X_2 \cdot X_3$$

Бу ҳолда натижа ўзгаришга биринчи омилнинг таъсири (ΔU_{X_1}) қуйидагича аниқланади :

$$\Delta U_{X_1} = \frac{1}{2} \Delta X_1 (X_2^0 \cdot X_3^1) + (X_1^2 \cdot X_1^3) + \frac{1}{3} (\Delta X_1 \cdot \Delta X_2 \cdot \Delta X_3).$$

Натижа ўзгаришига иккичи омилнинг таъсирини (ΔY_{X_2}) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади :

$$\Delta Y_{X_2} = \frac{1}{2} \Delta X_2 (X_1^0 \cdot X_3^1) + (X_1^1 \cdot X_3^0) + \frac{1}{3} (\Delta X_1 \cdot \Delta X_2 \cdot \Delta X_3).$$

Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини (ΔY_{X_3}) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади :

$$\Delta Y_{X_3} = \frac{1}{3} \Delta X_3 (X_1^0 \cdot X_2^1) + (X_1^1 \cdot X_2^0) + \frac{1}{3} (\Delta X_1 \cdot \Delta X_2 \cdot \Delta X_3).$$

Ушбу назарий усулни аниқ маълумотлар қўллаб амалиётда фойдаланиш йўлини кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик , товар захирасининг айланиш тезлиги савдо залида банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги (X_1) , уларнинг умумий ходимлардаги улуши (X_2) ва товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлиги (X_3) га боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланади :

$$Y = X_1 \cdot X_2 \cdot X_3$$

Ушбу боғлиқликни амалий маълумотлар ёрдамида қуйидаги жадвалда кўриб чиқилади (3.12-жадвал).

3.12 - Жадвал.

Товар захиралари айланиш тезлигига таъсир этувчи омилларни интеграл усул билан аниқлаш йўллари.

Кўрсаткичлар	Шартли Белгилар	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)
1.Савдо зали ходимларининг меҳнат унумдорлиги, минг сўм	X_1	120,5	122,1	+ 1,6
2.Савдо зали ходимларининг умумий ходимлардаги улуши, %	X_2	65,2	63,4	- 1,8
3.Товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлиги, киши	X_3	40,5	42,1	+ 1,5
4.Товар захираларининг айланиш тезлиги,марта	Y	3,18	3,26	+ 0,08

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар захираларининг айланиш тезлигига савдо зали ходимларининг меҳнат

унумдорлиги, савдо зали ходимларининг умумий ходимлар сонидаги улуши ва ходимларнинг товар захиралари билан таъминланганлиги таъсир кўрсатади. Ушбу омилларнинг товар захираларнинг айланиш тезлигига таъсирини топиш учун юқорида келтирилган боғланишдан ва интеграл усулидан фойдаланилади.

1. Савдо зали ходимларининг меҳнат унумдорлиги ошиши товар захиралари айланиш тезлигини 0,05 марта оширган :

$$\Delta Y_{X_1} = \frac{1}{2} \cdot 1,6 \cdot (65,2 \cdot 12,1 + 63,4 \cdot 40,5) + \frac{1}{3} \cdot 1,6 \cdot (-1,8) \cdot 1,5 =$$

$$= 0,8 \cdot (2744,92 + 2567,7) - 1,44 = 0,8 \cdot 5312,62 - 1,44 = 4250,1 - 1,44 =$$

$$= 4248,7 \text{ ёки } 0,05 \text{ марта.}$$

2. Савдо зали ходимларининг умумий ходимлар сонидаги ҳиссасининг камайиши ўрганилаётган кўрсаткични режага нисбатан 0,09 мартага камайтирган:

$$\Delta Y_{X_2} = \frac{1}{2} \cdot (-1,8) \cdot (120,5 \cdot 42,1 + 122,1 \cdot 40,5) + \frac{1}{3} \cdot 1,6 \cdot (-1,8) \cdot 1,5 =$$

$$= 1,9 \cdot (5073,05 + 4945,05) - 1,44 = -0,9 \cdot 10018,1 - 1,44 = -9016,29 - 1,44 =$$

$$= -0,9 \cdot 10018,1 - 1,44 = -9016,29 - 1,44 = -9017,7 \text{ ёки } -0,09.$$

3. Товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлигининг ошиши товар захиралари айланиш тезлигини ҳам 0,12 мартага оширган:

$$\Delta Y_{X_3} = \frac{1}{2} \cdot 1,5 \cdot (120,5 \cdot 63,4 + 122,1 \cdot 65,2) + \frac{1}{3} \cdot 1,6 \cdot (-1,8) \cdot 1,5 =$$

$$= 0,75 \cdot (7639,7 + 7960,2) - 1,44 = 0,75 \cdot (15600,62 - 1,44) = 11700,5 - 1,44 =$$

$$= 11699,0 \text{ ёки } 0,12 \text{ марта.}$$

Ҳамма омилларнинг йиғиндиси натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади :

$$\Delta Y = \Delta Y_{X_1} \cdot \Delta Y_{X_2} \cdot \Delta Y_{X_3} = 0,05 - 0,09 + 0,12 = +0,08 \text{ марта.}$$

Амалда натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликлар касрли бўлиши ҳам мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлиги (Y) товар

оборотининг ҳажми (X_1) ва ходимлар сони (X_2) билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳолда қуйидаги тенглама келиб чиқади:

$$Y = \frac{X_1}{X_2}$$

Ушбу формулага интеграл усулини қўллаб натижага биринчи омилнинг, яъни товар обороти ўзгаришининг таъсирини аниқлаш лозим бўлса қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Y_{X_1} = \left(\frac{\Delta X_1}{X_1} \right) \cdot \ln \left(\left| \frac{X_2^0}{X_2^1} \right| \right)$$

Натижанинг иккинчи омил эвазига ўзгаришини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади :

$$\Delta Y_{X_2} = \Delta Y - \Delta Y_{X_1}$$

Жуда кўп ҳолларда ишлаб чиқариш корхоналарида рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашга тўғри келади. Бу боғлиқликни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин :

$$Y = \frac{X_1}{X_2 + X_3}$$

Бунда Y - рентабеллик даражаси ; X_1 - фойда суммаси ;

X_2 - асосий капиталнинг ўртача қиймати ;

X_3 - айланма капиталнинг ўртача қиймати.

Ушбу формулага асосан рентабеллик даражасига барча омилларнинг таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Рентабеллик даражасининг фойда суммаси эвазига ўзгаришини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади :

$$\Delta Y_{X_1} = \frac{\Delta X_1}{X_1} \cdot \ln \left(\left| \frac{X_2^1 + X_3^1}{X_2^0 + X_3^0} \right| \right)$$

2. Рентабеллик даражасининг ўзгаришига асосий капиталнинг таъсирини (ΔU_{x_2}) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир :

$$\Delta U_{x_2} = \frac{\Delta U - \Delta U_{x_1}}{\Delta X_2 + \Delta X_3} \cdot \Delta X_2$$

3. Айланма маблағлар (капитал) суммаси ўзгаришининг рентабеллик даражасига таъсирини топиш учун (ΔU_{x_3}) қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta U_{x_3} = \frac{\Delta U - \Delta U_{x_1}}{\Delta X_2 + \Delta X_3} \cdot \Delta X_3$$

Умумий натижанинг ўзгариши (ΔU) шу учта омил таъсиринига тенг бўлиши керак :

$$\Delta U = \Delta U_{x_1} \pm \Delta U_{x_2} \pm \Delta U_{x_3}$$

Шуни таъкидлаш лозимки, интеграл усули анча мураккаб бўлиб, кўпроқ меҳнат ва ортиқча харажатлар талаб қилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, омиллар бўйича фарқ унчалик катта бўлмаган тақдирда, яъни 10 % гача бўлганда интеграл усули билан аниқланган омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлангани каби деярли фарқ қилмайди. Бундай ҳолларда, ишни осонлаштириш мақсадида занжирли алмаштириш усулидан бемалол фойдаланиш мумкин. Агар омиллар кетма-кетлиги тўғри аниқланиб қўйилган бўлса барча ҳолларда ҳам занжирли алмаштириш усулидан бемалол фойдаланавериш мумкин.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан асосий мақсад ҳар бир ишлаб чиқарувчи, хизмат қилувчи ёки бошқа фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган ички имкониятларни ахтариб топишдан иборатдир. Бу таҳлилда қўлланиладиган барча усуллар билан ҳам аниқланиши мумкин. Бироқ таҳлилчи қайси усулни қачон қўллашни яхши билиши лозим. Бу эса,

ўз навбатида, таҳлилда қўлланиладиган усулларни мукаммал ўзлаштириб олишни тақозо қилади.

Келажакда таҳлилни такомиллаштириш фақат унда қўлланиладиган усулларни такомиллаштириб қолмасдан, балки фаолиятни тўғри ифодаладиган кўрсаткичларни ҳам токомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шаклланаётган бир пайтда иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ўзгармоқда. Миллий ҳисоб тизими бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари жорий қилинмоқда. Амалиётда эса шуларга мос кўрсаткичлар вужудга келмоқда. Булар эса бухгалтерия ва статистик ҳисоботлардаги кўрсаткичлар тизимига ҳам тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо қилади.

3.3.9. Кичик сонлардан фойдаланиш усули. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий - хўжалик фаолиятини тўғри ва ҳаққоний баҳолаш лозимлигини ҳаёт тақозо қилмоқда. Олдинги режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий фаолият натижасини баҳолашнинг асосий мезони умумлашган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилиши эди. Эндиликда фақат бундай кўрсаткичлар билан натижага тўғри баҳо бериб бўлмайди. Бу камчиликни бартараф қилиш учун таҳлилда қўлланиладиган кичик сонлар усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу усулнинг моҳияти шундаки, агар фирма бирданига бирқанча фаолият билан шуғулланаётган бўлса, ёки бирқанча маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса ҳаммасидан фойда олиши, манфаатдор бўлиши лозим. Акс ҳолда, ҳозирги шароитда бир қисм фаолият самарасиз бўлади, у фақат фирмага зарар келтиради. Масалан, фирма 5 та фаолият билан шуғулланади деб фараз қиламиз. Унинг натижаси қуйидагича (3.13-жадвал).

Фирма шуғулланадиган бешта фаолият бўйича 3280 минг сўм фойда олишга мувоффақ бўлган. Умуман олганда бу кўрсаткич ёмон натижа эмас. Аммо фирма шуғулланаётган бешта фаолиятнинг

3.13 - Жадвал.

**Фирма шуғулланаётган фаолият бўйича молиявий
натижанинг ҳолати.**

Фаолият турлари	Сотиш қиймати (даромад)	Таннархи (харажатлари)	Фойда + (зарар)	Ҳисобланган харажати (таннархи)
1. Кийим тикиш	48530	41371	+7159	41371
2. Мева шарбати ишлаб чиқариш	22450	23542	- 1092	22450
3. Савдо	51230	56213	- 4983	51230
4. Маиший хизмат	4150	3186	+965	3186
5. Биноларни таъмирлаш	11342	10111	+1231	10111
Жами :	137703	134423	+3280	128348

иккитаси зарар билан яқунланган. Оқибатда бу зарар қолган учта фаолият эвазига қопланиб кетилган. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай натижа билан тугалланиши мақсадга мувофиқ эмас. Фирма ёки бошқа хўжалик субъекти ҳозирги шароитда ҳар қандай фаолиятдан фойда олиши лозим. Шу туфайли ушбу таҳлил қилаётган фирмани 3280 минг сўм фойда олиб ишлабди дейиш нотўғри бўлади. Бу фойда замирида унинг қилган зарарлари ҳам қопланиб кетилган. Шу туфайли бу жараёндан тўғри хулоса чиқариш учун кичик сонлар усулини қўллаб ечамиз.

Фирма кийим тикиш бўйича яхши ишлаган. Худди шундай ҳол маиший хизмат ва биноларни таъмирлашда ҳам содир бўлган. У ҳолда сотилган маҳсулот харажатга нисбатан кўп бўлганлиги туфайли кичик сонлар билан ҳисобланиши зарур бўлган суммага ҳаражатлар суммасини оламиз. Мева шарбати ишлаб чиқаришда ва савдода ҳаражатлар кўп бўлган. Уларни сотиш қиймати даражасида бўлиши керак эди деб фараз қиламиз ва шу тур фаолиятлар бўйича ҳаражатларни сотиш қиймати миқдорида оламиз. Ҳаммаси қўшилиб чиқилади ва аниқланган суммасини ҳақиқий ҳаражат билан солиштириб кўрилса бошқа фаолият эвазига қанча ҳаражат қопланганлиги аниқланади. Бизнинг мисолимизда бу миқдор 6075 минг сўмни (134423 - 128348) ташкил қилади, яъни иккита зарар билан ишлаётган фаолиятнинг 6070 минг сўм ҳаражати (1092 + 4983) қолган учта фаолият эвазига қопланганлиги аниқланади.

Ушбу усул орқали фирма фаолияти мавжуд бўлган ички имкониятлар аниқланади. Агар ушбу фирма шу икки фаолият бўйича зарар кўрмай ишлаганда, яъни унинг фаолиятининг фойдалилик нуқтаси нолга тенг бўлганда қанча фойда олиш лозимлигини аниқлаш мумкин. Бу ҳолда фирма 3280 минг сўм эмас, балки 9355 минг сўм (137703 - 128348) фойда олиш мумкин экан.

Кичик сонларни режа бажарилишида ҳам қўллаш мумкин. Фирма 4 та маҳсулот ишлаб чиқаради деб фараз қиламиз. Бу бўйича фирма қуйидагича натижага эга (3.14-жадвал).

3.14 - Жадвал.

Фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича бизнес режасининг бажарилиши.

(минг сўм)

Маҳсулот турлари, номлари	Режада	Ҳақиқат- да	Режа ва ҳа- қиқатдаги кичик сонлар	Режанинг бажарилиши
Ўсимлик ёғи	5000	5000	5000	100,0
Совун	6000	6100	6000	101,7
Кунжара	7000	6800	6800	97,1
Сариқ ёғ	4000	4150	4000	103,8
Жами :	22000	24050	21800	109,3

Ушбу фирмада режа 109,3 фоизга бажарилганлиги ушбу жадвал натижасидан кўриниб турибди. Аммо кунжара бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 2,9 фоиз бажарилмаганлиги туфайли умумий кўрсаткичнинг миқдори 99,1 фоизни ташкил қилади.

$$(21800 : 22000) \cdot 100 = 99,1 \%$$

3-мавзу: «Иктисодий таҳлилнинг методологик асослари ва унда қулланиладиган усуллар» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- ôáí îàðîäëíëíã òóøóí÷àñè;
- иктисодий таҳлил îàðîäííëíã îóçèì çóñóñèýòëàðè;
- èçòèññîäëé òàçèëëíëíã áíúáíáâëé óñýëëàðè;
- òàққîñèàø óñýëë;
- ãóððóçèàøòèðèø óñýëë;
- àáñîèðò àà íèñáëé èýðñàòèë÷èàðíè àíèқèàø óñýëë;
- áàèáíñèè áíçèèқèèè óñýëë;
- çáíæèðèè áíçèáíèø óñýëë.
- иқòèññîäëé-îàðáíàòèè óñýëëàðèíëíã òóðèàðè;
- иíðááðàè óñýëí;
- кîððáèýòèíí àà ðááðàòèèíí óñýëëàð;
- эáðáñòèè òàçèëë;
- наçàðèé ýðèí àà íàçàðèé ðèçíàò èýðñàòèèø óñýëëàðè

4-МАВЗУ: КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлилининг вазифалари
2. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сотишни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
3. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларининг таҳлили.
4. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таъсири.

4.1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлилининг вазифалари.

Жамият эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш, асосан ишлаб чиқариш корхоналарининг зиммасига тушади.

Маҳсулоти ишлаб чиқаришни оғишмай ўстириш натижасида миллий даромад ҳажмини оширади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларининг юксалиши учун қўшимча манбаларни яратади ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини янада оширади. Бозор муносабатлари шароитида энг долзарб масалалардан бири фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришдир. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан замонавий тарзда қайта қуроллантириш ва қайтадан ускуналаш (реконструкциялаш), барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан (имкониятидан) жадал (интенсив) фойдаланиш, бошқарув тизимининг хўжалик механизмини такомиллаштириш бозор муносабатларига ўтиш суръатларини ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда халқнинг фаровонлигини юксалтиришни таъминлайди. Бинобарин ишлаб чиқариш корхоналарининг олдидаги бош вазифаси яна ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат. Бу дегани, ҳар бир меҳнат, моддий ва молиявий ҳаражат бирлигига ишлаб чиқариш ҳажми ва миллий даромадни кескин тарзда оширишни тақозо қилади. Ана шундагина меҳнат унумдорлигини жадал оширишга эришиш мумкин.

Бозор муносабатлари корхона фаолиятининг энг замонавий хўжалик механизмини вужудга келтириш вазифасини ўртага қўйди. Бундай механизм корхонани ривожлантириш учун таъсирчан ички

омилларни таъминаши керак. Истеъмолчи учун ишлашга, ресурсларни бутун чоралар билан тежашга, фан ва техника ютуқларини кенг қўллашга ундаши зарур. Бу механизм корхона манфаатини жамият манфаати билан уйғун ва чамбарчас боғлаб олиб боришни тақозо қилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича бизнес-режани асосланганлигини ва тиғизлигини аниқлаш;
- корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръати, таркиби, номенклатура, ассортиментни, сифати ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериш;
- ўтган йилга нисбатан маҳсулот хажмининг ўсиши ва унинг сабабларини аниқлаш;
- тузилган шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича сотиш режасининг бажарилишига баҳо бериш;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотишни ошириш бўйича резервларни аниқлаш ва унинг таркиби ҳамда сифатини яхшилаш кабилар.

Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилишда бир қанча ахборот манбалари I-II сонли «Корхона (бирлашма)нинг маҳсулот бўйича йиллик ҳисоботи» қўлланилади. Бундан ташқари ойлик, чораклик ҳисоботлари ҳам қўлланилади, 5-сонли «Корхоналар (ташкilotлар) маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар харажатлари тўғрисида ҳисобот», янги техникани жорий қилиш бўйича ҳисобот, маҳсулотнинг сифати ва нави бўйича статистик маълумотлар ва ҳоказо.

4.2. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сотишни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.

Хажм кўрсаткичлари орасида маҳсулотни реализация қилиш кўрсаткичи ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Дарҳақиқат, сотиш жараёни – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бериши демакдир. Бундай шароитда корхоналар маҳсулот ассортиментини кенгайтиришдан ва унинг сифатини яхшилашдан у ёки бу товарларга

бўлган таклиф ва талабларни ўрганишдан манфаатдор эдилар, зеро ишлаб чиқариш сотиш жараёни билан тугалланиши керак эди.

Корхоналарнинг сотиш кўрсаткичлари орқали иш юритиш тажрибасини, жиддий нуқсонлар мавжудлигини кўриш мумкин. Гап шундаки, корхоналар сотиш режасини орттириб бажарганлари ҳолда, уларнинг айрим истеъмолчилари билан тузилган шартнома мажбуриятига асосан товар етказиб бермаслик ҳоллари кўпайиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётнинг ривожланишига жуда катта зарар етказарди. Шу сабабли корхоналарнинг хўжалик фаолиятига баҳо беришда муҳим кўрсаткич сифатида сотиш режасининг шартнома мажбуриятларига нисбатан бажарилишини олиш лозим.

Дарвоқе, мазкур кўрсаткич бўйича режа бажарилиш даражасининг энг мақбул миқдори 100 фоиздир. Маҳсулотни реализация қилиш авваламбор, товар маҳсулотини ишлаб чиқаришга боғлиқ.

Товар маҳсулоти деганда, барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтаган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ўтган ва омборга топширилиб сотишга мўлжалланган маҳсулот тушунилади.

Сотилган маҳсулот деганда, товарлар истеъмолчиларга юборилганда ёки унинг пули товар юборувчиларининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилиши тушунилади.

Саноат маҳсулоти ҳар хил баҳоларда, яъни режада қабул қилинган улгуржи баҳода ҳисобланилар эди. Бу эса ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулотни таққослаш учун имконият яратади. Бундан ташқари товар маҳсулоти ҳисоботида амалдаги улгуржи баҳо билан ҳам ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини таннарх, фойда каби кўрсаткичлар билан боғлаш учун имконият беради, чунки таннарх ва фойда кўрсаткичларини ўлчаш учун асос қилиниб амалдаги улгуржи баҳо олинадди.

Товар маҳсулоти асосан шартнома баҳода, ўзгармас улгуржи ва амалдаги улгуржи баҳода ҳисобланади

Товар ва реализация кўрсаткичлари бир-бири билан узвий равишда боғлиқ. Масалан, ҳисобот даврида реализация қилинмаган маҳсулот (тайёр маҳсулот, жўнатилган товарлар)нинг йил бошига бўлган қолдиғига ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти кўшилиб реализация қилинмаган маҳсулотларнинг йил охиридаги қолдиғи айириб ташланади.

Соф маҳсулот товар маҳсулоти билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар (шу жумладан асосий ишлаб чиқариш воситаларининг амортизацияси) суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланилади. Бу кўрсаткичдан фойдаланиш меҳнат жамоаларини буюмлашган меҳнатни кам сарфлаб маҳсулот чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдор қилади. Моддий ишлаб чиқаришда барча таромоқларнинг соф маҳсулот суммаси мамлакатда ҳосил қилинган миллий даромадни ташкил этади. Соф маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш чиқимсиз хўжалик механизмини шакллантиришнинг йўналишларидан биридир.

Айрим ҳолларда бошқарув таҳлилида тўғри баҳо беришга эришиш учун норматив соф маҳсулот (НСМ) кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Норматив соф маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақини, социал суғурта учун ажратмалар ва норматив фойдани жамлаш орқали аниқланади.

Соф маҳсулотда бўлганидек, НСМнинг иқтисодий мазмунини янгидан ҳосил қилинган қиймат ташкил қилади.

НСМ соф маҳсулот сингари чиқимсиз хўжалик механизмининг муҳим йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Лекин НСМ бир қанча нуқсонлардан ҳоли эмас. Уни қўллаш доираси жуда ҳам чекланган. У асосан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларини аниқлаш ва иш ҳақи нормативларини белгилашда фойдаланилади. Бундан ташқари, у таннарх, фойда, рентабеллик, корхонанинг даромади сингари молиявий ҳолатга доир кўрсаткичлари билан боғланмаган ва ниҳоят, НСМ кўрсаткичи маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгариш таъсирига берилувчи бўлади: иккинчи даражали, аммо нисбатан кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулотларни кўпайтириш ҳисобига НСМни товар маҳсулотига нисбатан жадалроқ ўстиришни таъминлаш мумкин.

Шартли соф маҳсулот (ШСМ) – бу соф маҳсулот қўшув асосий воситаларнинг амортизациясидир. Бу кўрсаткич ҳам айрим корхоналарда қўлланилиши мумкин. Бироқ бозор муносабатлари шароитида асосий кўрсаткич эркин шартномавий нарх бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини мустақил ҳал қилади. Бу эса унинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб қайси кўрсаткични қўллашни ўзлари мустақил танлаш имконини беради.

4.3. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларининг таҳлили

Корхоналар фаолиятини ифодаловчи ҳажм кўрсаткичлари таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Деярли барча иқтисодий таҳлилга бағишланган дарсликларда ушбу масалага у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган.

Аммо бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётнинг эркинлашуви, кўпмулкчиликка асосланган иқтисодий тизимда кичик бизнесга асосланган хусусий сектор корхоналарининг вужудга келиши бу соҳага янгича ёндошишни, иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки корхонани бевосита оқилона бошқариш учун зарур бўлмоқда. Шу туфайли иқтисодий таҳлилга талаб ва уни амалга ошириш зарурати янада кучайди. Боз устига ҳозирги иқтисодий вазият ички имкониятларни ахтариб топишни тақозо қилмоқда. Бу эса бевосита омилли таҳлил усулларини ҳам кенг миқёсда қўллашни талаб қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий корхоналарда ҳажм кўрсаткичлари ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўзига хос хусусиятларга эга. Кичик ҳажмга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар ҳам ўзгаради. Бу эса уларни таҳлил қилиш усулларига ҳам ўзига хос тарзда ёндошувни тақозо қилади. Аммо юқорида номлари зикр этилган шу соҳанинг етакчи олимлари адабиётларида айнан, хусусий мулкка асосланган кичик бизнес корхоналарига хос таҳлил усуллари, айниқса омилли таҳлил етарли даражада ёритилмаган. Шуларни инобатга олиб мазкур корхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, таннарх, фойда каби натижавий кўрсаткичлар ҳамда рентабеллик, рақобатбардошлик каби нисбий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш йўллари кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида товарни ишлаб чиқариш билан бирга уни сотиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин товарни сотиш қанчалик муҳим бўлмасин олдин уни ишлаб чиқариш лозим. Ишлаб чиқариш бўлмаса, табиийки, сотиш бўлмайди. Аммо ишлаб чиқариш, олдингидек, фақат ишлаб чиқариш

учун эмас, балки сотишга қаратилган, товар эса истеъмолчининг талабига жавоб берадиган бўлиши лозим.

Бу жараёнлар ўз-ўзидан ушбу кўрсаткичлар таҳлилига ҳам алоҳида, бугунги замон нуқтаи назари билан ёндошишни талаб қилади. Ушбу талабдан келиб чиқиб маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш учун қуйидаги умумлашган жадвални тузишни тавсия қиламиз (4.1-жадвал).

4.1 - Жадвал

«Турон» кўптармоқли масъулияти чекланган жамиятда 2003 йилда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилиши ва уларнинг ўзгаришини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йил-да	Ҳисобот йилида		Фарқи (+,-)		Ўзгариш суръати	
		режада	ҳақиқатда	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан
1. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, шартли банка	41040	43646	44025	+379	+2985	100,9	107,3
2. Сотилган маҳсулот ҳажми, шартли банка	40237	42815	43811	+996	+3574	102,3	108,9
3. Сотилган маҳсулотнинг улуши, %	98,05	98,11	99,51	+1,40	+1,46	X	X

Манба: Корхонанинг йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот йилида режани 100,9 %, сотиш ҳажми бўйича эса 102,3 % га бажарган. Ўтган йилга нисбатан ўзгариш суръати ҳам маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича 107,3 % ни ташкил қилган бўлса, сотиш бўйича эса 108,9 % ни ташкил қилган. Сотиш ҳажмининг тез ўсиши сотилмай қолган товарнинг камайишидан, барча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз харидорини топаётганидан долалот беради. Ўтган йилда барча ишлаб чиқарилган товарларнинг 98,05 % сотилган бўлса, ҳисобот йилида бу кўрсаткичнинг миқдори 99,51 % га етган. Бу ҳам сотилган маҳсулот бўйича ижобий натижага эришилганлигидан далолатдир.

Ушбу жадвал маълумотлари ишлаб чиқарилган ва сотилган товарлар ҳақида умумий хулоса қилишга асос бўлади. Аммо кўпинча шундай ҳолатлар бўладики, бу умумий мувоффақиятларнинг ичида айрим камчиликлар, ҳали ишга солинмаган имкониятлар (резервлар)

яшириниб ётган бўлиши мумкин. Буларни аниқлаш учун ушбу умумий ҳажми алоҳида товар гуруҳлари бўйича ҳам ўрганишни тақозо қилади. Бу учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (4.2-жадвал).

4.2 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2003 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини алоҳида товар гуруҳлари бўйича режа бажарилишининг ҳисоб-китоби

(натурал миқдорда)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил-да	Ҳисобот йилида		Фарқи (+,-)		Ўзгариш суръати	
		Режа-да	ҳақиқатда	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан	режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан
1. Олма шарбати	6253	6640	6711	+71	+458	101,1	107,3
2. Ўрик шарбати	7360	7818	5350	-2468	-2010	68,4	72,7
3. Узум шарбати	4130	4400	6205	+1805	+2075	140,7	150,2
4. Памидор шарбати	4815	5119	4912	-207	+97	96,0	102,0
5. Гилос шарбати	6252	6641	7881	+1240	+1629	118,7	126,1
6. Сабзи шарбати	7258	7717	7548	-169	+290	97,8	104,0
7. Беҳи шарбати	4972	5311	5418	+107	+446	102,0	109,0
Жами:	41040	43646	44025	+379	+2985	100,9	107,3

Манба: Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлари асосида тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ҳисобот йилида умумий ҳажми бўйича 100,9 % бажарилган. Уларни алоҳида товар гуруҳлари бўйича таҳлил қилганда шу аниқ бўлдики, ишлаб чиқариш режаси умуман бажарилганлиги билан айрим маҳсулот турлари бўйича ҳақиқий миқдор режага нисбатан анча кам бўлган. Хусусан, ўрик шарбати бўйича режа атиги 68,4 % бажарилган, памидор шарбати ишлаб чиқариш бўйича режа бажарилиши 96,0 % ни ташкил қилган бўлса, сабзи шарбати бўйича 97,8 % га тенг бўлган. Кўриниб турибдики, етти хил маҳсулотнинг тўрттаси бўйича режа бажарилган бўлса, учтаси бўйича бажарилмаган. Агар шу маҳсулотлар бўйича режа бажарилганда эди, ҳақиқий натижа яна 2844 шартли банкага (2468+207+169) ошган бўлар эди. У ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ҳақиқий ҳажми 44025 шартли банка эмас, балки 46869 шартли банкага (44025+2844) тенг бўлар эди. Агар ушбу ички имкониятдан тўлиқ фойдаланилганда маҳсулот ишлаб чиқариш

режаси 100,9 % эмас, балки 107,4 % ни $(46869:43646 \cdot 100)$ ташкил қилган бўлар эди.

Худди шундай хулосани ўтган йилги маълумотлар билан солиштириб ҳам чиқариш мумкин. Ўтган йилга нисбатан ҳам ўрик шарбатини ишлаб чиқариш 2010 шартли банкага ёки 27,3 % га $(100,0-72,7)$ кам бажарилган. Бу ҳам корхонанинг ички имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Албатта, шунини инобатга олиш лозимки, шу охириги икки йил мобайнида ўрикзорларнинг ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятида, айниқса, шу кичик корхона жойлашган Оқдарё туманида яхши бўлмади. Аммо бу масаланинг олдини олиш, яъни ўрикни яқин Навоий ва Жиззах вилояти туманларидан, ҳосилдорлик яхши бўлган жойлардан тайёрлаб олиб келиш мумкин эди. Бундан ташқари мазкур корхона ўрик шарбати етиштириб бериш бўйича охириги икки йилда тузган шартнома шартларини ҳам тўлиқ бажармади. Демак, бундай сусткашлик оқибати нафақат битта корхонага, балки уларнинг ҳамкорлари фаолияти натижаларига ҳам салбий таъсир қилди.

4.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

Маҳсулот ҳажмининг натурал миқдори бўйича умумий ўзгаришига ҳам бирқанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз. Биринчиси, маҳсулот умумий натурал миқдорининг бажарилиш коэффиценти ва иккинчиси, маҳсулот ассортиментининг таркибий ўзгариши. Таҳлил жараёнида шу икки омилнинг ҳам таъсирини аниқлаш лозим. Буларни аниқлаш учун бир қанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Энг аввало, барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича натурал миқдорининг умумий бажарилиш коэффиценти (Кнм) аниқлаб олиш лозим. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\begin{array}{l} \text{Умумий маҳсулот нату-рал} \\ \text{миқдори режасининг} \\ \text{бажарилиш коэффици-енти} \\ \text{(Кнм)} \end{array} = \frac{\text{Ҳақиқий} \\ \text{бажарилгани}}{\text{Режада кўзда} \\ \text{тутилгани}} = \frac{44025}{43646} = 1,00868$$

Ушбу коэффицент аниқлангач мазкур омилнинг маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирини ($\Delta Q_{\text{Кнм}}$) ҳисоблаш мумкин. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{\text{кнм}} = (Q_p \cdot K_{\text{нм}}) - Q_p$$

Бунда: Q_p – ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги миқдори ва режадаги баҳода ифодаланиши;

$K_{\text{нм}}$ - маҳсулот натурал миқдори режасининг умумий бажарилиш коэффициентини;

Агар ушбу формулани кенгайтириб ёзадиган бўлсак қуйидаги формулага эга бўлиш мумкин:

$$\Delta Q_{\text{кнм}} = (q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{нм}} - (q^p \cdot p^p);$$

Ушбу формуланинг биринчи қисмини яна бошқача кўринишда ҳам ифодалаш мумкин:

Режадаги баҳо ва режадаги таркибдаги ҳақиқий товар маҳсулотининг миқдори	=	Ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги миқдори ва режадаги баҳодаги ҳажми	X	$K_{\text{нм}}$;
--	---	---	---	-------------------

Ушбу омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун маҳсулот ҳажмининг қиймати аниқланади ва ушбу жадвални тузиш тавсия қилинади (4.2-жадвалга қаралсин).

У ҳолда олма шарбати бўйича режа баҳосидаги товар маҳсулоти ҳақиқатдаги режадаги таркибда $K_{\text{нм}}$ ни қўллаб қуйидагича ҳисобланади:

$$2363,8 \times 1,00868 = 2384,3 \text{ минг сўм}$$

Худди шу тарзда бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин (6-устун).

Товар маҳсулоти ҳажмининг иккинчи омил, яъни товар гуруҳларининг таркибий тузилиши ўзгариши эвазига ўзгарганлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{\text{тт}} = (q^x \cdot p^p) - (q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{нм}};$$

Бунда: $\Delta Q_{\text{тт}}$ - маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига уларнинг таркибий тузилиши ўзгаришининг таъсири;

q^x - маҳсулотнинг ҳақиқатдаги натурал миқдори;

q^p - маҳсулотнинг режадаги натурал миқдори;

p^p - 1 шартли банка маҳсулотнинг режадаги баҳоси.

Ушбу формуланинг биринчи қисмини яна қуйидагича ҳам ифодалаш мумкин:

Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг режадаги баҳоси	=	Ҳақиқатда иш-лаб чиқарил-ган маҳсулот ҳажми	х	г	Маҳсулотнинг режадаги баҳоси	;
---	----------	--	----------	----------	---	----------

Ушбу кўрсаткични 4.2-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолдаги аниқланганда олма шарбати бўйича ҳақиқатдаги маҳсулот қиймати режадаги баҳода қуйидагича бўлади:

$$6711 \times 356 = 2389,1 \text{ минг сўм}$$

Худди шу кўрсаткич ўрик шарбати бўйича:

$$5350 \times 741 = 3964,4 \text{ минг сўм ва ҳ.к.}$$

1. Агар ушбу омилларни маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича аниқлаш лозим бўлса, шу товар ассортиментлари бўйича

4.3 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2003 йилда ишлаб чиқариш хажмига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби

Маҳсулотларнинг номи	Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, шартли банкада			1 шартли банка маҳсулотнинг режадаги баҳоси	Режа баҳосидаги товар маҳсулоти			Фарқи		
	Режада	ҳақиқатда	фарқи (+,-)		режада	ҳақиқатда	ҳақиқатда	Жами	Шу жумладан	
									умумий миқдори ўзгариши эвазига	тар-киби ўзгариши эвазига
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1. Олма шарбати	6640	6711	+71	356	2363,8	2384,3	2389,1	+25,3	+20,5	+4,8
2. Ўрик шарбати	7818	5350	-2468	741	5793,1	5843,4	3964,4	-1828,7	+50,3	-1879,0
3. Узум шарбати	4411	6205	+1794	652	2876,1	2901,1	4045,7	+1169,6	+25,0	+1144,6
4. Памидор шарбати	5119	4912	-202	231	1181,3	1191,6	1135,7	-45,6	+10,3	-55,9
5. Гилос шарбати	6641	7881	+1240	852	5658,1	5707,2	6714,6	+1056,5	+49,1	+1007,4
6. Сабзи шарбати	7717	7548	-163	456	3516,2	3546,7	3441,9	-74,3	+30,5	-104,8
7. Беҳи шарбати	5311	5418	+107	584	3101,5	3128,5	3164,1	+62,5	+26,9	+35,6
Жами:	43646	44025	+379	X	24490,1	24702,8	24855,5	+365,4	+212,7	+152,7

Манба: 4.2-жадвал маълумотлари асосида тавсия қилинган усулни қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб қилинди.

ҳисобланган омилларни жамлаш мумкин. Бу учун қуйидаги иккита формула тавсия қилинади:

Биринчи омил учун: $\Delta Q_{\text{КНМ}} = \Sigma (q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{НМ}} - \Sigma (q^p \cdot p^p)$;

Иккинчи омил учун: $\Delta Q_{\text{ТТ}} = \Sigma (q^x \cdot p^p) - \Sigma (q^p \cdot p^p) \cdot K_{\text{НМ}}$;

Шу икки омилнинг амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш ушбу назарий тавсияларнинг амалий қимматини оширади. Бу учун яна 4.3-жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳақиқий ҳажми режа баҳосида 365,4 минг сўмга (24855,5-24490,1) кўпайган. Бу ўзгаришга иккита омил таъсир қилганлигини кўрамиз.

Биринчидан, товар маҳсулотининг ўзгаришига маҳсулот натурал миқдорининг кўпайиши таъсир қилган. Мазкур кўрсаткич режаси бажарилиш коэффицентининг 0,87 фоиз бандга ошганлиги товар маҳсулоти ҳажмини 212,7 минг сўмга кўпайтирган:

$$24702,8 - 24490,1 = + 212,7 \text{ минг сўм}$$

Иккичидан, товар маҳсулотининг ўзгаришига уларнинг таркибий тузилишидаги ўзгариши таъсир қилган. Уни аниқлаш учун ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги баҳосидаги миқдоридан унинг режадаги таркибдаги миқдори айрилади, у ҳолда натижа қуйидагича бўлади.

$$24855,5 - 24702,8 = - 152,7 \text{ минг сўм.}$$

Шу икки омилнинг таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$212,7 + 152,7 = + 365,4 \text{ минг сўм.}$$

Товар маҳсулоти ўзгаришига ушбу омиллардан ташқари яна бир қанча омиллар ҳам таъсир қилишини инобатга оладиган бўлсак мазкур ҳисоб-китобларни давом эттириш мумкин. Умуман олганда товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига юқорида кўрсатилганлар билан бирга яна бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига:

- * товар маҳсулотининг натурал миқдори;
- * товар маҳсулотининг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар;
- * товар маҳсулотининг таннархи;
- * товар маҳсулотининг баҳоси

каби омиллар киради. Уларнинг таъсирини ҳисоблаш учун бирқанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни тавсия қиламиз.

Корхонада товар маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг натурал миқдори ошганлигининг умумий қийматига таъсирини ($\Delta T_{M.нм}$) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{M.нм} = \sum_{i=1}^n [T_{mi}^P \cdot (T_{m.нқі}^X / T_{m.нқі}^P)] - \sum_{i=1}^n T_{m.i}^X ;$$

Бунда: T_{mi}^P - i - товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг режадаги қиймати;

$T_{m.нқі}^X$ - i -товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, ҳақиқатда;

$T_{m.нқі}^P$ - i товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, режада;

i - товар гуруҳларининг тартиб рақами ($i=1, n$)

n - товар гуруҳларининг умумий сони.

2. Товар маҳсулотининг ўзгаришига унинг таркибий тузилишидаги ўзгариш ($\Delta T_{M.тг}$) ҳам сезиларли даражада таъсир қилади. Уни аниқлаш учун ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги баҳоси билан ҳисобланган миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{m.p} b_i^X$) ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги таркибдаги миқдори ($\sum_{i=1}^n T_{m.i}^P \cdot K_{нмі}$) айрилади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta T_{M.тг} = \sum_{i=1}^n T_{m.p} b_i^X - (\sum_{i=1}^n T_{m.i}^P \cdot K_{нмі});$$

3. Товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига баҳонинг ўзгариши ҳам алоҳида таъсир қилади. Ушбу кўрсаткични ($\Delta T_{M.б}$) аниқлаш учун ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги таннархи билан ҳисобланган ҳажмидан ($\sum_{i=1}^n T_{m.pтн}^X$) ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги баҳосида ҳисобланган ҳажмини ($\sum_{i=1}^n T_{m.p} b_i^X$) айириб ташланади. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta T_{M.б} = \sum_{i=1}^n T_{m.pтн}^X - \sum_{i=1}^n T_{m.p} b_i^X;$$

4. Товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгариши бевосита унинг таннархидаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Агар таннархи қанча паст бўлса бир хил баҳода кўп фойда олиш мумкин ва аксинча. Агар маҳсулотнинг таннархини камайтирсак, тенг ҳолда, унинг нархини

пасайтириб ҳам фойда олишга эришишимиз мумкин. Шу туфайли маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таннархнинг таъсири ҳам ҳисобланиши лозим. Ушбу омилнинг таъсирини ($\Delta T_{M.TH}$) аниқлаш учун товар маҳсулотининг ҳақиқий миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{M.X}$) унинг режадаги таннарх билан ҳисобланган миқдори айрилади ($\sum_{i=1}^n T_{M.rTH}^X$). Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{M.TH} = \sum_{i=1}^n T_{M.X} - \sum_{i=1}^n T_{M.rTH}^X;$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta T_M = \Delta T_{M.HM} \pm \Delta T_{M.TT} \pm \Delta T_{M.B} \pm \Delta T_{M.TH};$$

Ушбу формулаларга аниқ маълумотларни қўллаб ечиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (4.4-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳажми ҳисобот даврида 2195,9 минг сўмга ёки 9,0 % га (26686,0 : 24490,1 · 100) кўпайган. Ушбу ўзгаришга бир қанча омиллар таъсир қилган. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Ушбу корхонада товар маълумотининг натурал миқдори 379 шартли банкага кўпайиши унинг қийматини 212,7 минг сўмга оширган.

4.4 - Жадвал

«Турон» КМЧЖда 2003 йилда товар маҳсулоти ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби

Маҳсулотнинг номи	Товар маҳсулоти (минг сўм)				ҳақиқатдаги таркиб, таннарх баҳода	фарқи (+,-)
	режада	Ҳақиқатда				
		режадаги таркибда	режадаги таннархда	режадаги баҳода		
А	1	2	3	4	5	6
1. Олма шарбати	2363,8	2384,3	2389,1	2134,1	2496,5	+132,7
2. Ўрик шарбати	5793,1	5843,4	3964,4	3761,1	4215,8	-1577,3
3. Узум шарбати	2876,0	2901,1	4045,7	3859,5	4300,1	+1424,1
4. Памидор шарбати	1181,3	1191,6	1135,7	992,2	1286,9	+105,6
5. Гилос шарбати	5658,1	5707,2	6714,6	6391,5	7132,3	+1474,2
6. Сабзи шарбати	3516,2	3546,7	3441,9	3049,4	3781,5	+265,3
7. Беҳи шарбати	3101,6	3128,5	3164,1	2958,2	3472,9	+371,3
Жами:	24490,1	24702,8	24855,5	23145,7	26686,0	+2195,9

МАНБА: Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ҳамда 4.2. ва 4.3-жадваллар маълумотлари асосида ҳисобланди.

$$24702,8 - 24490,1 = +212,7 \text{ минг сўм}$$

2. Товар маҳсулоти таркибида нархи қиммат бўлган товарларнинг улуши камайганлиги унинг умумий қийматини анча пасайиб кетишига сабаб бўлган. Бунинг натижаси бизнинг мисолимизда 152,7 минг сўмга тенг:

$$24855,5 - 24702,8 = +152,7 \text{ минг сўм}$$

3. Мазкур корхона ишлаб чиқарган товар маҳсулотини таннархи ҳажмида сотганда эди, унинг умумий ҳажми 1709,8 минг сўмга кам бўлар эди. Кўриниб турибдики, корхона ўз маҳсулотини қимматроқ баҳода сотиб анча фойда олишга эришган. Ушбу ҳисоб-китоб бизнинг мисолимизда қуйидагича аниқланган:

$$23145,7 - 24855,5 = -1709,8 \text{ минг сўм}$$

4. Маҳсулот баҳосининг ошганлиги товар маҳсулоти ҳажмини 3540,3 минг сўмга кўпайтирган. Бу бизнинг мисолимизда қуйидагича аниқланади:

$$26686,0 - 23145,7 = +3540,3 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$212,7 - 152,7 - 1709,8 + 3540,3 = +2195,9 \text{ минг сўм}$$

Кўриниб турибдики, товар маҳсулотининг ҳажмининг ўзгаришига тўртта омилдан учтаси ижобий, биттаси эса салбий таъсир қилган. Келгусида салбий таъсир қилган омилларга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади.

4-мавзу: «Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- ишлаб чиқариш ҳажми;
- маҳсулот номенклатурасининг тавсифи;
- маҳсулот ассортиментини таҳлил этиш услублари;
- маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришларни аниқлаш услублари;
- ишлаб чиқариш маромийлиги;
- ишлаб чиқариш маромийлигини бузилиш сабаблари;
- маромийликни корхона иқтисодий кўрсаткичларига таъсири;
- маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар таснифи;
- тадбиркорлик омили;

- меҳнат омили;
- товар-моддий захиралар билан таъминланганлик омили;
- асосий воситалар билан қуролланганлик омили
- сотиш ҳажми;
- сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлилини услублари;
- маҳсулот етказиб бериш ва сотиш шартномалари;
- шартнома бажарилишини таҳлил этиш усуллари;
- сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- маҳсулот сифатини таҳлил этиш услублари;
- рекламация тўғрисида тушунча

5-МАВЗУ: КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Ишлаб чиқариш жараёнлари таннархи таҳлилининг зарурияти ва вазифалари.
2. Ишлаб чиқариш жараёнлари таннархи таҳлили.
3. Ишлаб чиқариш харажатларига таъсир қилувчи омиллар таҳлили.

1. Ишлаб чиқариш жараёнлари таннархи таҳлилининг зарурияти ва вазифалари

Ишлаб чиқариш фаолияти биринчи навбатда жонли ва моддийлаштирилган меҳнат харажатлари, меҳнат воситалари ва молиявий ресурсларнинг ишлатилишига боғлиқдир.

Ҳар қандай тадбиркор ўз фаолиятини бошлаётганда фаолиятига мувофиқ келадиган даражада ресурсларга эга бўлиши лозим. Уларни ишлаб чиқариш жараёни маҳсулотни сотиш эвазига даромад олишга тайёр бўлиши керак. Бу даромад ишлаб чиқариш харажатларидан кўп бўлиши керак. Фарқ қанча катта бўлса, фойда ва фаолиятининг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётиб, унинг қилган харажатлари маълум даражада фойда келтиришга интилади. Фойдасиз ва кераксиз харажатлар иложи борича йўқ қилиниши ёки минимумгача келтирилиши керак.

Бунинг ҳаммасига харажатларни режалаштириш, тўғри ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш орқали уни моҳирлик билан бошқариш натижасида эришиш мумкин. Бу эса ўз навбатида «Харажат» турларини ва кўрсаткичларини, уларни ифодаловчи ҳисоб усуллари, харажатларни режалаштириш ва таҳлил қилишни амалга оширишни талаб қилади.

Ҳамма харажатлар кўйидаги белгилар асосида категорияларга туркумланади:

- бошқарув соҳасидаги роли бўйича;
- харажатларни назорат қилиш даражаси бўйича;
- харажатнинг функционал ўзгариши бўйича;
- иқтисодий мазмуни бўйича;

- калькуляция моддалари бўйича;
- харажатларнинг ҳисоби ва маҳсулот таннархига киритилиши бўйича.

Бошқарув соҳасидаги роли бўйича харажатлар икки гуруҳга бирлаштирилган:

- а) ишлаб чиқариш харажатлари;
- б) ноишлаб чиқариш харажатлари.

Ишлаб чиқариш харажатлари бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Улар ўз навбатида қўйидаги бўлимларга ажратилади;

- материалларнинг бевосита харажатлари;
- меҳнат ҳақи учун бевосита харажатлар;
- ишлаб чиқариш умумий харажатлари.

Материалларнинг бевосита харажатлари ва меҳнат ҳақи учун бевосита харажатлар бирламчи харажатлар ҳисобланади, чунки улар бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва тўғри маҳсулот бирлигининг таннархига киритилади. Ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари бевосита харажатлар дейилади, яъни ўз қийматини тайёр маҳсулотга қисман-қисман ўтказиб борадиган харажатлардир. Масалан, асосий воситаларнинг таннархига киритиладиган харажатлари бўйича мисол бўлади. Унинг натурал шакли ўзгармайди. Маҳсулот шаклида ёки таркибида ўз ифодасини топмайди. Лекин б харажатларга киритилади. Бирламчи ва билвосита харажатлар йиғиндиси маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

Ноишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ эмас. Улар маҳсулот сотиш, илмий изланиш, маъмурий бошқарув харажатларини, кредит бўйича фоизларни тўлаш харажатларини ва бевосита корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Харажатларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларига бўлиниши бухгалтерия ҳисоб ва таҳлилини амалга оширишда ва корхона фаолияти натижаларига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашда инобатга олиш зарурлиги билан ифодаланади. Бундан ташқари, корхона улар асосига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларнинг умумий харажатлар суммасидаги улуши тўғрисида хулосалар қилишда ва харажатларни қисқартириш ва тежаш бошқарув қарорларини қабул қилишида ҳам фойдаланиш мумкин. Ноишлаб чиқариш

харажатларининг улуши ошиши фойданинг камайишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари суммаси тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг 2 шакл «Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот», 5 шакл «Бухгалтерия балансига илова», 6 бўлим «Корхона томонидан қилинган харажатлар», шунингдек, «Корхона маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш тўғрисидаги ҳисобот» номли статистик ҳисоботларида келтирилади.

Харажатларни назорат қилиш даражаси бўйича, яъни объект таннархнинг калькуляция қилиниши мумкинлигига қараб тўғри ва эгри (тўғри бўлмаган) харажатларга бўлиш мумкин.

Тўғри харажатлар – бу алоҳида турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда таннархига бевосита киритиладиган харажатлар: Аниқ маҳсулот учун қилинган тўғри харажатларни ва бўлимлар учун қилинган тўғри харажатларни фарқлай билиш керак.

Агар харажатларни тўғридан-тўғри аниқ маҳсулотга олиб бориш мумкин бўлса бу ушбу маҳсулот учун тўғри харажат бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг бўлимлари билан бевосита боғлиқ харажатлар бу бўлимнинг тўғри харажати ҳисобланади, лекин ушбу бўлимда чиқариладиган аниқ маҳсулотга нисбатан улар эгри харажат ҳисобланади.

Тўғри харажатлар бевосита маҳсулот таннархига ишлаб чиқариш харажатлари миқдоридан олиб борилади. Бу харажатлар бутунлай ўз қийматини аниқ ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказилади.

Тўғри харажатларнинг асосий моддалари кўйидагилар:

- хом ашё ва асосий материаллар;
- сотиб олинладиган ашёлар ва ярим фабрикантлар;
- ишлаб чиқариш ходимларининг асосий иш ҳақи;
- электр қуввати қиймати кабилар.

Эгри харажатларни, уларни яна билвосита харажатлар дейилади. Уларни маҳсулотнинг аниқ турига бевосита олиб бориб бўлмайди (агар маҳсулотнинг бир неча тури ишлаб чиқарилса). Бир вақтнинг ўзидан маҳсулотларнинг ҳар хил турларига олиб бориладиган харажатлар ишлаб чиқаришнинг қўшма ёки комплекс харажатлар дейилади ва эгри харажатлар туркумига киради. Масалан, цех ходимларининг меҳнат ҳақи (цех бошлиғининг,

хизмат кўрсатувчи ходимларнинг), коммунал хизмати, цех биноларининг амортизацияси ва умумий фойдаланишдаги ускуналар ва бошқалар

Эгри харажатларнинг асосий моддалари қўйидагилардир:

- умумцех харажатлари;
- умумзаовд харажатлари;
- ноишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми.

Харажатлар бўлимлар учун тўғри харажат, шунинг билан бирга маҳсулот учун эгри харажат бўлиши мумкин. Ремонт-механика цехи бошлиғининг меҳнат ҳақи цех учун тўғри харажатдир, лекин шу цехда тайёрланадиган кўплаб маҳсулот турлари учун эгри харажат ҳисобланади.

Тўғри харажатлар бевосита «Асосий ишлаб чиқариш счётида ўз аксини топади, эгри харажатлар эса «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётига тааллуқлидир ва харажатларни тақсимлаш усули қўллаш йўли билан маҳсулот турлари бўйича улар ой охирида «Асосий ишлаб чиқариш» счётига олиб борилади.

Корхона раҳбарияти тўғри ва эгри харажатларни таҳлил қилганда, маҳсулот сифатини пасайтирмай унинг таннархини пасайтириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишига эришиш лозим.

Функционал ўзгариши бўйича харажатлар ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга бўлинади.

Ўзгарувчан харажатлар шундай харажатларки, улар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш хажмининг ўзгаришига тўғри пропорционал тарзда ўзгаради. Масалан, материаллар ва хом ашё харажатлари, ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи, транспорт ва бензин харажатлари ва бошқалар.

Ўзгармас харажатлар бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ўзгаришига қарамай бутунлай ўзгармай қоладиган харажатлардир. Масалан, маъмурий бошқарув харажатлари, ижара харажатлари, суғурта ва солиқлар тўлови.

Харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга бўлиниши уларни режалаштириш, фойдалилик нуқтасини аниқлаш, режалаштирилган фойдани ҳисоблаш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш учун керакдир.

Режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисоб амалиётида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари харажат элементлари

бўйича гурухлаштирилади ва уларнинг асосийлари қўйидагилар ҳисобланади:

- хом ашё ва материаллар;
- ёрдамчи материаллар;
- четдан олинган ёнилғи ва электр қуввати;
- асосий воситалар амортизацияси;
- саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи фонди;
- ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот ажратиладиган учун маблағлар;
- бошқа пулли харажатлар.

Харажатларни элементлари бўйича бўндай гурухлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажатлар структурасини аниқлашга, турлари бўйича ҳажмини режалаштиришга, зарурий материал, меҳнат ва молиявий ресурслар билан узлуксиз таъминланишига имкон яратади.

Харажатларни у ёки бу элементларига эгалик қилишига қараб тармоқ фаолияти меҳнат талаб, материал талаб, энергия талаб ва фонд талабларга бўлинади.

Меҳнат талаб корхоналар шундай корхоналарки, унда меҳнат ҳақи харажатлари ҳамма харажатлардан устун. Ишлаб чиқаришга замонавий ускуналар кириб келиши, автоматлаштирилиши ва компьютерлаштирилиши туфайли энг меҳнат талаб тармоқлар аста-секинлик билан фонд талаб тармоқларга айланмоқда ва меҳнат унумдорлиги ошмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, корхонанинг харажатлари маҳсулот қийматининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар асосида корхоналар ўз маҳсулотини сотиши ва кутилаётган фойдани олиши мумкин бўлган қиймат даражасини аниқлайди. Бунинг учун ҳар бир корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот (иш, хизмат) таннархи калькуляциясини тузиши керак.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш моддаларининг энг асосийлари қўйидагилар:

- хом ашё ва материаллар;
- кўмакчи материаллар;
- ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи;
- ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи бўйича ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта;

- технологик эҳтиёж учун ёқилғи;
- технологик эҳтиёж учун электр қуввати;
- умумишлаб чиқариш харажатлари (цехники);
- давр харажатлари (умумзавод харажатлари);
- бошқа харажатлар.

Юқорида келтирилган моддалардан кўриниб турибдики, умумишлаб чиқариш ва умумзавод харажатларидан ташқари харажатларнинг ҳамма моддалари тўғри харажатларга тегишли. Бу моддаларни режалаштиришда норматив метод қўлланилади. Умумишлаб чиқариш ва умумзавод харажатлари комплекс харажатларига киради. Улар ҳисоб сиёсати методикасига асосан маҳсулот бирлигига тақсимланади.

Маҳсулотни ҳақиқий таннархини бутунлай ёки уларнинг моддалари бўйича режа ёки утган йил билан солиштирилиб мутлақ ёки нисбий фарқ ва унинг сабаблари аниқланади. Кейин омили таҳлил асосида маблағларни самарали тақсимлаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

«Корхона харажатлари», корхона ва ташкилотларнинг ҳамма харажатлари 3 гуруҳга бўлинган:

- кундалик (оддий) фаолият турлари бўйича харажатлар;
- операцион харажатлар;
- реализация (сотиш)дан ташқари харажатлар.

Кундалик фаолият турлари бўйича харажатлар бўлиб, маҳсулот сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш, харажатлари ҳисобланади. Буларга яна хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ҳам киради.

Шартнома асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш бўйича ижара ва бошқалар. Жараёнлар ҳам корхоналарда кундалик фаолият турлари бўйича харажат бўлиб ҳисобланади.

Кундалик фаолият турлари бўйича харажатлар кўйидагиларни ўз ичига олади:

- хом ашё, материаллар, товарлар ва бошқа моддий ишлаб чиқариш заҳираларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- моддий ишлаб чиқариш заҳираларини маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ва уларни сотиш, шунингдек, маҳсулотларни сотиш (қайта сотиш) мақсадида (асосий воситалар ва бошқа оборотда бўлмаган активларни сақлаш

ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, уларни соз ҳолатда сақлаш, тижорат ва бошқарув харажатлари) қайта ишлаш жараёнида юзага келадиган харажатлар.

Иқтисодий мазмунига қараб бу харажатлар қўйидаги элементлари бўйича гуруҳлаштирилган:

- материал харажатлари;
- меҳнат ҳақи харажатлари;
- ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмалар;
- асосий воситалар амортизацияси;
- бошқа харажатлар.

Бошқаришни такомиллаштириш мақсадида харажатлар моддалари бўйича бухгалтерия ҳисобида юритилади. Харажат моддалари руйхати корхона томонидан ишлаб чиқилади.

«Материал харажатлари» моддасида хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим фабрикатларни, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги ёқилғи, технологик мақсад учун маҳсулотни қадаҳлаш ва ўраш мақсадида четдан сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ўз аксини топади. Бу гуруҳга яна кирим қилинган маҳсулотларнинг табиий камайиши туфайли йўқотишлар ҳам киради.

«Меҳнат ҳақи харажатлари» моддасида корxonанинг асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари ўз аксини топади. Бунга яна ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш натижалари учун мукофатлар, компенсация тўловлари, ёш боласи белгиланган ёшга етгунга қадар татил бўлган аёлларнинг компенсациялари, шунингдек, асосий фаолиятда банд бўлган, лекин корхона штатида бўлмаган ишчиларнинг меҳнат ҳақи харажатлари ҳам киради.

Ижтимоий эҳтиёж учун ажратмалар моддасида қонун билан белгиланган ижтимоий суғуртага, пенсия жамғармасига, давлат бандлик жамғармасига ва тиббий суғуртага мажбурий ажратмалар ўз аксини топади. Булар «меҳнат ҳақи харажатлари» моддаси бўйича маҳсулот (иш хизмат) таннархига кирувчи ишчилар меҳнат ҳақи харажатларига кирмайдиган ажратмалардир.

«Асосий воситалар амортизацияси»га асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари суммаси ўз аксини топади, шунингдек, уларнинг актив қисмининг тезлаштирилган амортизацияси сўммаси ҳам киради.

«Бошқа харажатлар» моддасига солиқлар, йиғимлар ва тўловлар (суғуртанинг мажбурий турлари бўйича харажатлар, шунингдек, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи таркибига кирувчи бошқа харажатлар) ўз аксини топади.

Операцион харажатлар бу корхона активларидан вақтинчалик фойдаланганлиги учун тўлов билан боғлиқ харажатлар; бошқа корхоналар устав капиталига ўз хиссасини кўшиши билан боғлиқ харажатлар; товарлар ва маҳсулотларни, асосий воситалар ва бошқа активларни сотилиши ва бошқа активларни сотилиши, ва хисобдан чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар; корхона томонидан фойдаланишга олинган пул маблағлари фондларини тўлаш; кредит ташкилотлари қилган хизматлари учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар; бухгалтерия ҳисоби қоидаларига асосан тузилган даргумон қарзлар бўйича резерв (захира) ва бошқалар.

Сотиш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар; шартнома шартларини бузганлиги учун жарималар, пенялир; корхона томонидан қўрилган зарарларни қоплами; ҳисобат йили тан олинган ўтган йилги зарарлар; муддати ўтган дебиторлик қарзлари; курс фарқлари ўтказиб берилган маблағлар (қўйилмалар, тўловлар) ва бошқа ижтимоий тадбирлар боғлиқ харажатлар.

Бухгалтерия ҳисоби низомида «Ташкилот харажатлари» бу кундалик фаолият турлари бўйича харажатлардан фарқли ўлароқ уларни бошқа харажатлар деб юритилади. Бундай бошқа харажатларга; операцион харажатлар, сотиш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, шунингдек, фавқулоддаги харажатлар кирази.

Фавқулоддаги харажатлар бухгалтерия ҳисоби низомига асосан қўйидагиларни акс эттиради; хўжалик фаолиятида юзага келадиган фавқулодда ҳолатлар оқибатлари (табiiй офатлар, ёнғин, мулкни миллийлаштириш ва бошқалар).

Фонд бозорида қимматли қоғозлари муоммалада бўлган қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари йиллик бухгалтерия ҳисобатларини ҳалқаро молиявий стандартлар талабларидан келиб чиқиб тузиши ва тақдим этиши керак. Бу ҳисобатларни молиявий ҳисобатлар ҳалқаро стандартларини тўзувчи қўмига, инвесторларга ва бошқа қизиқувчи шахсларга тақдим этилиши лозим.

Халқаро стандартларга асосан ҳамма харажатлар тўртта гуруҳга тақсимланган:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кирувчи харажатлар;
- давр харажатларига кирувчи харажатлар
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда зарарлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кирувчи харажатлар бухгалтерия ҳисоби низомида акс эттирилган «Кундалик фаолият турлари бўйича харажатлар» билан мос келади.

Давр харажатлари бу ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлардир, улар қўйидаги гуруҳларга бирлаштирилган:

- реализация бўйича харажатлар;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа операцион харажатлар.

Бу харажатлар маҳсулот (иш хизмат) билан бевосита боғлиқ бўлмаганлиги сабабли уларни операцион харажатлар ҳам дейилади. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмига боғлиқ эмас, балки вақт ва хўжалик фаолияти давомийлигига боғлиқ. Бу харажатлар юзага келган ҳисобот давридаги маҳсулот таннархига киритилади ва умумлаштирилади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар бу корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлардир, шунинг учун валюта операциялари, қимматли қоғозлар реализацияси ва ишлаб чиқарилиши, кредит ва қарз олиш, банк операциялари билан боғлиқ умум хўжалик харажатлардир.

Фавқулодда зарарлар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатий фаолияти чегараларидан чиқадиган воқеа ва операциялар натижасида юзага келадиган халқаро стандарт (андоза)лар бўйича ғайритабиий харажатлар моддаларидир.

5.2. Ишлаб чиқариш жараёнлари таннархи таҳлили

Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш усули ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш билан боғлиқдир.

Маҳсулот бирлигига қилинган материал, меҳнат ва молиявий харажатларнинг умумий сўммаси маҳсулот таннархи дейилади.

Маҳсулот (иш) таннархини қўйидаги калькуляция методларининг бири ёрдамида аниқлаш мумкин:

- Харажатларнинг намунавий калькуляцияси;
- Жараёнли калькуляция;
- Норматив калькуляция.

Таннархнинг намунавий калькуляцияси маҳсул буюртма, бир тўда товар ва шартнома таннархи калькуляциясини ифодалайди.

Таннархни намунавий калькуляция усули компания истеъмолчидан калькуляция қилинаётган маҳсулотнинг бир гуруҳ ёки бир бирлигини ишлаб чиқариш буюртмасини олганда қўлланилади, масалан, қурилишда, типографияларда, авиасозликда, мебель фабрикаларида машинасозликда, ремонт ишларини амалга оширишда, аудиторлик ёки консалтинг хизматларини кўрсатишда ва бошқалар.

Калькуляциянинг намунавий методи буюртма бажариш ҳажмига боғлиқ ҳолда уч турга бўлинади:

1. буюртма таннархнинг калькуляцияси;
2. товар партияси (гуруҳи) таннархнинг калькуляцияси.
3. шартнома таннархнинг калькуляцияси.

Буюртма таннархини калькуляция қилишда харажатлар таҳлили ва баҳоланиши. Буюртмани бажарувчи корхоналар маҳсул бир марталик товар ва хизматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар.

Ушбу ҳолатда фирма оммабоп ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифат стандартидан юқори маҳсулотга бўлган талабни қондириши керак. Агар бундай сифатли маҳсулот ишлаб чиқармаса, ишлаб чиқаришга бошқа корхоналарни жалб қилмаслиги ва маҳсул режалаштириш ва ускуналар билан шуғулланмаслиги керак.

Намунавий методда калькуляция қилинадиган маҳсулотларга қилинадиган харажатларни таҳлил қила туриб буюртмаларнинг калькуляция карточкасида кўрсатилган ҳақиқатда қилинган харажатларни дастлабки ҳисоблар билан солиштириш керак.

Буюртманинг калькуляция карточкаси истеъмолчининг ҳар бир буюртмаси бўйича очилади ва унда қўйидагилар кўрсатилади;

- захирадан олинган материаллар (буюртма асосида);

- ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи (буюртмани бажаришга сарфланган вақтни ҳисобга олувчи табель карточкаси асосида;

- тўғри харажатлар (счёт фактуралар асосида).

Буюртмани бажарилишида калкуляция карточкасида тўғри харажатларнинг жами сўммаси чиқарилади. Бундан кейин бу методларнинг бири асосида ушбу буюртмага кирувчи қўшимча харажатлар ҳисоблаб чиқилади.

Агар ҳисобат даврининг охирида буюртма тугалланмаган бўлса, жами харажатлар маълум бир санага калькуляция карточкасига ёзиб қўйилади ва у тугулланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Маҳсулотнинг нархи белгиланишга намунавий усулнинг таннарх калькуляциясини тўғри аниқланишига боғлиқдир.

Маҳсулот нархининг ошиб кетиши буюртмачиларнинг қочишига олиб келади. Буюртма бажарилиши нархининг пасайиши фойданинг камайишига ёки ушбу буюртманинг зарар келтиришига олиб келади.

Маҳсулот таннархи яна бир бирлик маҳсулотга қилинадиган қўшимча харажатлар улушининг ҳисобига, ишлаб чиқариш ҳажмига ҳам боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ёки камайиши ҳар бир буюртма маҳсулотининг нархига таъсирини кўрсатади.

Шунинг учун, буюртмалар бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхоналарда маҳсулот таннархини калькуляцияси тўғри тузилиши катта аҳамиятга эга ва у асосида маҳсулот (хизмат) баҳоси аниқланади.

Товар партияси таннархини калькуляция қилишда харажатлар таҳлили ва баҳоланиши. Кўплаб компаниялар таннархининг намунавий калькуляциясини товар партияси таннархини калькуляцияси билан бирлаштириб юборади.

Бундай ҳолатлар мижознинг технологик талабига мувофиқ маҳсулот йиғимини амалга оширувчи корхоналарда учрайди. Шу билан бирга маҳсулот йиғиш, яъни конструкциянинг ўзи бир қатор комплектловчи деталдан ташкил топади, яъни комплекловчи деталлар партияси тайёрланиб ҳамма харажатлар маҳсус буюмлар партиясининг калькуляция қайдномасида ҳисобга олинади.

Комплектловчи буюмлар тайёрланиши тугаши билан буюртма-наряд ёпилади ва тайёрланган маҳсулот тайёр деталлар омборига жами буюм партияси ўртача таннархда топширилади.

Мижознинг маълум бир ишига буюртма-наряд тузилади.

Товар партияси таннархини калькуляцияси бўйича харажатларни таҳлил қилаётганда ушбу буюртма партияси учун зарур деталлар ҳажмини тўғрилигини аниқлаш керак. Унинг учун қуйидагилар ўрганилади:

- истеъмол миқдори;
- маҳсулотларни сақлаш ва фойдаланишга тайёр қилиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш тизимини бузиш ва ўрнатиш учун зарур вақт;
- ишчи кучи, хизмат ва станокларнинг бошқа маҳсулотга нисбатан унумдорлиги (ПОМ).

Партиянинг оптимал миқдорини дастлабки ҳисобини қуйидагилар асосида амалга ошириш мумкин:

- бир бирлик маҳсулот энг паст таннархини аниқлаш мақсадида партияларнинг ҳар хил миқдори бўйича маҳсулот бирлиги таннархини калькуляция қилиш таҳлили;

- ишлаб чиқарилган товарларни партияларини сақлаш бўйича уларни ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан таҳлили;

- партияни оптимал миқдорини ҳисоби (ПОМ), қуйидаги формула бўйича амалга оширилади

$$\text{ПОМ} = 2 \frac{2 X_y T_{ii}}{X_c}$$

бунда: T_{ii} – йиллик талаб

X_y – бузиш ва ўрнатиш сарфи

X_c – сақлаш сарфи.

Товарлар партияси таннархининг калькуляциясида харажатларни таҳлил қилишнинг кейинги босқичи бўлиб, ҳар бир товар партиясининг таннархини ўрганиш ҳисобланади. Бу алоҳида харажат турлари: ўрнатиш, станокларни ишга тушириш ва захираларни ҳаракати бўйича захиралар даражасини сақланишини режалаштириш мақсадида амалга оширилади, шунингдек ҳар бир товар партияси рентабиллигининг даражасини сақлаш учун ҳам қўлланилади.

Шартнома таннархини калькуляция қилишда харажатлар таҳлили. Ҳар бир шартнома маҳсулотнинг алоҳида бирлигини калькуляция қилинишини англатади, шунинг учун ҳар бир шартнома бўйича харажатлар бухгалтерия бош китобида алоҳида счётда йиғилади.

Шу туфайли харажатлар қуйидаги модда турлари бўйича йиғилади.

1. Асосий материаллар.
2. Ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи.
3. Ишлаб чиқариш қурилмалари учун сарфлар.
4. Суб контракт (субшартнома) бўйича сарфлар.
5. Эгри харажатлар.

Контрактга кирувчи материаллар ўз ичига маҳсус сотиб олинган материалларни олибгина қолмай, пудратчи омборидаги маҳсулотни ҳам ўз ичига олади.

Материал харажатларини таҳлил қилишда қурилиш майдончасидан омборга ортиқча материалларнинг келиб тушиши ва қайтарилишини ҳисобга олиш қийинлигини инобатга олиш керак. Маҳсулотлар сарфланиши ҳисоби тўғрилигини ва ўрнатилган сарф нормасини батафсил синчиклаб текшириш зарур.

Шартномага кирувчи меҳнат учун сарфлар, режа ва хужжатлар тузиш билан боғлиқ офис ишини, бевосита заводдаги ишлаб чиқариш операцияларини ва қурилиш майдончасидаги ишларни ўз ичига олади. Қурилиш жойидаги барча ишларга шартнома бўйича тўғри меҳнат сифатида қаралади.

Ҳар хил майдончалардаги қурувчиларнинг иш вақтлари маҳсус иш вақтининг ҳисоби табелларида олиб борилади. Бундай меҳнат билан боғлиқ барча харажатлар шартнома ҳисобига ёзилади.

Материаллар ва меҳнатдан ташқари шартнома бўйича тўғри харажатлар ҳам мавжуд. Уларга субшартнома бўйича ишлар ва ишлаб чиқариш қурилмалари учун сарфлар киради.

Ишлаб чиқариш қурилмалари ва жиҳозлари учун харажатлар маҳсус ушбу шартнома учун қилинган бўлиши мумкин ёки ижарачи фойдаланиши учун берилган бўлиши мумкин.

Агар ишлаб чиқариш қурилмалари ва жиҳозлар ушбу шартнома учун маҳсус сотиб олинган бўлса, унда сотиб олинган жиҳозларнинг таннархи бутунлай шартнома ҳисобига ўтади.

Агар ишлаб чиқариш қурилмалари ва жиҳозлар бошқа шартномаларга берилса, унда уларнинг ҳисобдан чиқарилган қиймати дастлабки шартномада қолади, қолган сумма эса янги шартномага ўтади.

Ишлаб чиқариш қурилмалари маълум бир шартнома бўйича фойдаланиш учун ижарага олинган бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда компания бу ишлаб чиқариш қурилмаларига эгалик қилаолмаслиги учун ижара суммаси шартнома ҳисобига кўчирилади.

Йирик шартнома ёки маълум бир иш тури бўйича мутахассис фаолияти билан боғлиқ шартнома бўлса корхона субпудратчиларни жалб қилиши мумкин. Субпудратчининг ҳамма бажарган ишининг таннархи шартноманинг тўғри харажати сифатида қаралиб шартнома ҳисобига олиб борилади.

Кўплаб пудратчилар ўз харажатларини алоҳида шартномалар бўйича тақсимламайдилар, чунки улар одатда тўғри харажатларга нисбатан муҳим ҳисобланмайди. Лекин, алоҳида ҳолларда шартнома бўйича эгри харажатлар алоҳида шартномалар ўртасида корхона учун белгиланган усул бўйича тақсимланиши мумкин.

Ҳар бир шартноманинг қиймати ижрочи ва мижоз ўртасида келишиб олинади ва у шартнома қиймати ҳисобланади. Агар шартномалар йирик бўладиган бўлса, пудратчи мижоздан бажарган иш ҳажми ва шартнома қийматига мос равишда оралик тўловларни олиши мумкин.

Ушбу ҳолларда шартноманинг бажарилган иши бўйича буюртмачининг эксперти хулоса беради, унда шартноманинг жами қийматидан бир қисми аниқланади ва у ижрочига бажарган иш ҳажмига мувофиқ равишда тўланиши мумкин. Ижрочи ўз навбатида буюртмачига оралик тўлов суммаси учун счет фактура беради.

Шартноманинг бажарилиш даврида ижрочи одатда эксперт хулосасида кўрсатилган қийматнинг бир қисмини олади. Буюртмачи ишлаб қоладиган қолган сумма ижрочига шартномани бажарилиши билан ва деффектларни тузатиши билан (агар улар бўлса) тўлаб беради.

Таннархни жараёнли калькуляция қилишда харажатлар таҳлили ва баҳоланиши. Ишлаб чиқариш харажатларнинг жараёнли калькуляцияси бу саноатда оммабоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, лекин жараён доимо такрорланадиган операцияларга

бўлинган, яъни узоқ вақт давомида оммабоп маҳсулот бир нечта қайта ишлаш босқичидан ўтадиган ишлаб чиқаришда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш методи. Уларга химик, нефтни қайта ишлаш, текстил, лак-буёқ, тегирмон, резина техник металлургия, шиша, тоғ, цемент саноати корхоналари киради.

Жараёнли метод носаноат соҳасида ҳам қўлланилади, масалан, почта хатларини саралашда, ўз-ўзига хизмат қилиш кафеларида ва бошқалар.

Жараёнли методда маҳсулот бир жараёндан бошқа жараёнга тўлиқ тайёр бўлмагунча ўтаверади. Тайёрлаш жараёни билан биргаликда ишлаб чиқариш харажатларини йиғилиши жараёни ҳам олиб борилади. Ҳар бир технологик жараён учун тўғри ва эгри харажатлар аниқланиши зарур.

Харажатлар худди калькуляциянинг намунавий методидоғидай аниқланади. Ҳамма материал хом ашё меҳнат ҳаққи учун тўғри харажатлар, шунигдек, ишлаб чиқаришнинг қўшимча харажатлар ҳисобга олинади. Намунавий методда эгри ҳисобланган харажатларни катта қисми жараёнли методда тўғри харажат ҳисобланади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини назорати учун сарфлар, жараёндаги ускуналар амортизацияси ва бошқалар.

Жараёнли методнинг намунавийдан фарқи харажатлар ҳисоби объектининг танланишидадир. Бирлик маҳсулотнинг таннархини аниқланиши иккала методда ҳам ҳисоблаш йўли билан аниқланади, яъни ишлаб чиқаришни жами таннархини ушбу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сонига бўлиш йўли билан асосий фарқ маҳражнинг катталигида. Намунавий методда у кичик (масалан, битта қадақловчи машина), жараёнли методда эса катта (масалан, минг метр, бирлик, куб, галон ва ҳ.к.).

Таннархни норматив калькуляция қилишда харажатлар таҳлили ва баҳоланиши. Таннархни норматив калькуляция қилишда харажатларни таҳлил қила туриб норматив харажат ва даромадни ҳақиқий натижа билан солиштирилади. Бу корхона фаолияти самарадорлигини ошириши ва уларнинг сабабларини аниқлаш учун ишлатиладиган аниқлаш мақсудида амалга оширилади.

Харажатларни шаклланиш асосини танланишига боғлиқ ҳолда нормативлар қуйидагича фарқланади:

- асосий норматив;

- идеал норматив (энг юксак);
- эришиладиган норматив;
- жорий норматив.

Асосий норматив – узоқ муддатда ишлатиш учун ўрнатилган норматив бўлиб, бу асосида жорий нормативлар ишлаб чиқиш мумкиндир.

Идеал норматив – бу ускуналарни туриб қолишини, йўқотишлар, оддий зарарларни компенсациясиз қулай шароитларда эришиш мумкин бўлган норматив. У яна потенциал норматив ҳам дейилади.

Эришиладиган норматив – бу шундай нормативки, агар ишнинг норматив бирлиги самарали бажарилса, ускуна ва материаллар керакли жойида ишлатилса, унга эришиш мумкин.

Жорий норматив – бу ва қисқа вақт даврида фойдаланиш учун ўрнатилган ва жорий шароитга алоқаси бўлган нормативдир.

Харажатларнинг норматив кўрсаткичларидан фойдаланиб норматив таннарх карточкиси тузилади ва маҳсулот борлигининг норматив таннархи ҳақида маълумотларга эга бўлади.

Харажатларни таҳлил қилишда маҳсулот таннархининг норматив кўрсаткичлари ҳақиқий харажатлар билан солиштириш учун асос бўлиб ҳисобланади ва улар ёрдамида йўл қўйилган фарқлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади.

Ҳақиқий харажатлар фарқи уларнинг турлари, маҳсулот бирлиги ва харажатлар умумий суммасининг четланишини аниқланиши бўйича ҳисобга олиб борилади.

Таннархнинг норматив калькуляцияси бўйича харажатлар таҳлили қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади: норма-соат, ишлаб чиқарш ҳажми коэффиценти, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти, ишлаб чиқариш қуввати самарадорлиги (унумдорлиги) коэффиценти.

Норма-соат – бу норматив унумдорлиги билан бир соатда бажарилиши керак бўлган иш ҳажми, масалан, бир соатда маҳсулот ишлаб чиқарш 20 та маҳсулотни ташкил қилса, унда 100 дона маҳсулотни ишлаб чиқариш нормативи бўйича 5 соат бўлиши керак ва уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган ҳақиқий вақтдан қатъий назар шу 5 соатнинг норматив қиймати бўйича баҳоланади.

Ишлаб чиқариш ҳажми коэффиценти (Ки/ч.х) ишлаб чиқаришни ҳақиқий ҳажмини (норма-соатда ўрганган) режада

кўрсатилганлиги нисбати орқали аниқланади ва фойдаланилади:

$$K_{и/ч.х} = \frac{И/Ч.Х_{хақ} \cdot 100}{И/Ч.Х_{режа}}$$

*Бу ерда: И/Ч.Х хақ - маҳсулот ишлаб чиқаришига ҳақиқатда сарфланган вақт;
И/Ч.Х режа-вақт сарфининг режавий ҳажми.*

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти ($K_{и/ч.кув.фой}$) режада кўрсатилган ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражасини характерлайди. У ҳақиқатда ишланган вақтни (норма-соатда) режадагига нисбати орқали ҳисобланади:

$$K_{и/ч.кув.фой} = \frac{И_{ш.Вақт.хақ} \cdot 100}{И/Ч.Х_{режа}}$$

Бунда: И_ш Вақт хақ – Ишлаб чиқариш қувватида ҳақиқатда ишланган иш вақти (норма-соатда).

Ҳақиқатдаги иш вақтидан фойдаланиш самарадорлиги коэффиценти ($K_{хақ}$ ишлат иш вақ) ҳақиқатда ишланган вақтни ($И/Ч, Х_{хақ}$) ишлаб чиқариш қувватида ҳақиқатда ишланган иш вақтига нисбати ($И_{ш}$ Вақт хақ) формуласи билан аниқланади:

$$K_{хақ.ишлат. иш вақт} = \frac{И/Ч.Х_{хақ} \cdot 100}{И_{ш} Вақт хақ}$$

Маҳсулот таннархини норматив калькуляцияси қўлланиладиган ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишда фўрқлашлар усулидан фойдаланиш керак.

Норматив харажатлардан фарқи кўзда тутилган норматив харажатлар асосида орасидаги фарқ. Бу методдан фойдаланиб фойдаланилган материаллар миқдори (физик ҳажми) ва материал харажатлар сўммасига нархнинг ўзгариши таъсирини аниқлаш лозим.

Нархнинг ўзгаришини материал харажатлар сўммасига таъсирини аниқлаш физик ва норматив нархлар орасидаги ҳақиқатда сарфланган материаллар миқдорига кўпайтириш керак:

$$\Delta MX_n = (H_x - H_{\text{нор}}) \cdot CMM_x$$

Бунда: ΔMX_n – материал харажатлари сўммасини материал нархнинг ўзгариши ҳисобига четланиши;

H_x - сарфланган материалларнинг ҳақиқий, нархи;

$H_{\text{нор}}$ – сарфланган материалларнинг норматив нархи;

CMM_x – ҳақиқатда сарфланган материаллар миқдори.

Харажатлар сўммасига сарфланган материаллар миқдорини ўзгариши ҳисобига четланишлар таъсирини аниқлаш учун материал харажатнинг ҳақиқий миқдори ва норматив бўйича материал харажатлар, миқдори орасидаги фарқни материалларнинг норматив қийматига кўпайтириш керак:

$$\Delta MX_{\text{миқ}} = (CMM_x - CMM_n) \cdot MN_{\text{нор}}$$

Бунда: $\Delta MX_{\text{миқ}}$ – материал харажатлари сўммасини сарфланган материаллар миқдорини ўзгариши ҳисобига четланиши;

CMM_x – ҳақиқатда сарфланган материаллар миқдори;

CMM_n – норматив бўйича сарфланган материаллар миқдори;

$MN_{\text{нор}}$ – сарфланган материалларнинг норматив қиймати.

Меҳнат ҳақи харажатлари меҳнат қиймати ва фойдаланилган меҳнат қиймати ва фойдаланилган меҳнат миқдорини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Шунга боғлиқ ҳолда таҳлил мобайнида иккита омил таъсирини ҳисобга олиш зарур:

- меҳнат ҳақи ўртача ставкасининг ўзгариши;
- ишланган вақтнинг четланиши.

Меҳнат ҳақи ставкасининг ўртача ўзгариши таъсирини аниқлаш учун меҳнат ҳақининг ҳақиқатдаги норматив ставкалар ўртасидаги фарқни ҳақиқатда ишланган вақтга (агар соатбай меҳнат ҳақи бўлса) ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига (агар меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўлаш) кўпайтирилади. Унинг формуласи:

$$\Delta MXЧ_{\text{м.х.ў.}} = (MX_{\text{ўр.ҳақ}} - MX_{\text{ўр.нор}}) \cdot \text{Вақт ишлан}_{\text{ҳақ.}}$$

Бунда – $\Delta MXЧ_{\text{м.х.ў.}}$ – меҳнат ҳақи бўйича ўртача ставканинг ўзгариши натижасида меҳнат ҳақини четланиши;

$MX_{\text{ўр.ҳақ}}$ - меҳнат ҳақи бўйича ўртача ҳақиқий ставкаси;

$MX_{\text{ўр.нор}}$ – меҳнат ҳақининг ўртача норматив ставкаси;

$\text{Вақт.ишлан}_{\text{ҳақ}}$ - ҳақиқатда ишланган вақт (норма-соатда) ёки ишлаб

чиқарилган маҳсулот сони.

Меҳнат унумдорлигининг таъсири, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишланган вақтни ўзгариши ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун кетган ҳақиқий (соатда) вақт ва норматив (соатда) вақт орасидаги фарқни иш ҳақини норматив соатбой ставкасига (ўртача) кўпайтирилади:

$$\Delta IX_{и. вақт} = (\text{Вақт}_{а.ишлан_{ҳақ}} - \text{Вақт}_{ишлан_{нор}}) \cdot \text{Иш.ҳақ}_{нор.ўр.}$$

Бунда: $IX_{и.вақт}$ – ишланган вақтни ўзгариши натижасида харажатларни четланиши;

Вақт.ишлан_{ҳақ} – ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сарфланган ҳақиқатда ишланган вақт (соатда);

Вақт.ишлан_{нор} – ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сарфланган норматив вақт (соатда);

Иш.ҳақ_{нор.ўр} иш ҳақининг норматив соатбой ставкаси.

Кейинчалик ҳақиқий харажатларни нормативдан (режадан) четланиш сабабларини аниқлаш зарур. Четланишлар ҳисоби – бу фақатгина биринчи қадам.

Раҳбариятга режалаштириш бўйича қарор қабул қилиш ва харажатлар самарадорлигини назоратини амалга ошириш учун аҳборот лозим. Четланиш мавжудлигини билиш камлик қилади, унинг сабабларини аниқлаш зарур.

Сабаблари қуйидагилар бўлиш мумкин:

- ёмон молиявий режалаштириш;
- ёмон ўлчаш ёки нотўғри ҳисоб;
- тасодифий омиллар;

Материаллар қиймати бўйича четланиш қуйидагилар натижасида бўлиши мумкин:

- ҳар хил таъминот манбаи;
- нархнинг умумий ошиши;
- ҳар хил нав материалларни алмаштириш;
- катта партиядаги товар сотишдаги чегирмаларнинг ўзгариши.

• маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича четланишлар қуйидагилар натижасида бўлиши мумкин;

• маҳсулот дизайнининг ўзгариши юқори ёки кам материаллар сарфи;

• ҳар хил сортли материалларнинг алмаштирилиши;

• меҳнат ҳақи бўйича четланишлар қуйидагилар ҳисобига бўлади;

- мамлакат миқёсида ҳукуматнинг ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақини ошириш бўйича қарори;

- режада назарда тутилмаган иш вақтидан ташқари бажарилган ишга ва мукофат тўловлари;

- ҳар хил мураккаб даражали ишнинг алмаштирилиши.

Меҳнат унумдорлиги бўйича четланишлар қуйидагилар натижасида содир бўлади:

- иш шароитларини такомиллаштирилиши;

- ўқитиш эффе́ктивнинг натижалари;

- моддий рағбатлантириш тизими жорий қилиниши ёки ходимларни ўқитиш;

- ҳар хил мураккаб даражали ишнинг алмаштирилиши.

Таҳлил қилаётганда бу четланишларни мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқиш лозим. Уларнинг сабабларини аниқлаш зарур, корхонанинг молиявий натижаси ва жами харажат сўммасига уларнинг таъсирини аниқлаш керак мақсадга мувофиқ.

5.3. Ишлаб чиқариш харажатларига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилатуриб ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришини жами харажатларга ва маҳсулот бирлигига таъсирини аниқлаш лозим. Бу маблағларни тежаб сарфлаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва умуман корхона фаолияти самарадорлиги учун керак.


Корхона раҳбарияти ишлаб чиқаришнинг ҳар хил ҳажмдаги харажатлар ҳисобига эга бўлиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш харажатлари доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади.


Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш фаолияти даражасига (ишлаб чиқариш ҳажмига) тўғри пропорционал равишда ўзгаради. Бу шу билан боғлиқки, маҳсулот бирлиги учун ўзгарувчан харажатлар (хом ашё, материаллар, ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи ва ҳ.к) доимийдир.

Шундай қилиб, умумий ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ҳажмига бевосита боғлиқ, бир маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган ўзгарувчи харажатлар эса, доимий ҳисобланади. Буни қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин:

Умумий
харажатлар
қилинган
харажатлар



Ишлаб чиқариш ҳажми
1-чизма. Умумий ўзгарувчан
харажатлар.




Ишлаб чиқариш ҳажми
2-чизма. Маҳсулот бирлигига
қилинган ўзгарувчан харажатлар

Доимий харажатлар ишлаб чиқаришнинг турли хил масштаби учун маълум вақт даври учун ўзгармай қолади. Лекин ишлаб чиқариш масштаби ўзгариши билан маҳсулот бирлиги учун улар улуши ўзгаради. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан доимий харажатлар сўммаси ўзгармайди, лекин маҳсулотнинг ҳар бир бирлиги учун харажатлар қисқаради. Чизмада у қуйидагича ифодаланади:

Амалиётда доимий харажатлар ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришнинг барча даражалари учун бир хил бўлавермайди. Бир неча йиллар билан ўлчанадиган солиштирма, узоқ вақт даври учун, барча харажатлар ўзгарувчан ҳисобланади. Шунингдек, фаолият даражасини катта миқдорда кенгайтиши харажатларнинг барча туркумларини ошишига олиб келади. Қисқа вақт даври учун харажатлар ўзгарувчан ёки ишлаб чиқариш


Умумий
доимий
харажатлар
харажат



Ишлаб чиқариш ҳажми

3-чизма. Умумий доимий
харажатларнинг
ишлаб чиқариш
ҳажмига боғлиқлиги

Маҳсулот
бирлиги учун
қилинган



Ишлаб чиқариш ҳажми

4-чизма. Маҳсулот бирлигига қилинган
доимий харажатларнинг ишлаб
чиқариш ҳажмига боғлиқлиги

даражаси ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий бўлади. Қанча қисқа бўлса, вақт даври маълум бир харажатлар доимий бўлиш эҳтимоли катта.

Жами ва маҳсулот бирлигига қилинган умумий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқдир. Фаолият ҳажмининг ошиши билан умумий харажатлар ошади, лекин ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал равишда эмас. Маҳсулот бирлигининг умумий таннархи доимий харажатлар моддаси ҳисобига камаяди ва маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатларга интилади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан боғлиқ маҳсулот бирлигига қилинган умумий харажатларнинг камайиши корхоналар учун катта ҳажмдаги маҳсулот буюртмаларига чегирмалар қилишга имконият беради.

Маҳсулот таннархини пасайишига яна аниқ давр ва маълум бир ишлаб чиқариш даражаси учун доимий ҳисобланадиган ярим ўзгарувчан харажатлар киритилади, лекин критик вақтда маълум миқдорга улар ошиб ёки камайиб кетади. Масалан, агар ишлаб чиқариш қувватлари маълум критик кўрсаткичгача кўпайиб кетса унда кўшимча ишчилар, назоратчилар ва хизмат кўрсатиш штати ёлланилади. Агар бу кўпайиш унча катта бўлмаса, кўшимча харажатлар қилинмаслиги мумкин.

Ярим ўзгарувчан харажатларга доимий ва ўзгарувчан компонентлар киради. Бу харажатлар ҳеч қачон нолга тенг бўлмайди, ишлаб чиқариш нолинчи даражада бўлса ҳам.

Амалиётда харажатларни ярим ўзгарувчанларга ажратилиши жуда мушкул, лекин зарарсизликни таҳлил қилиш учун зарурдир. Бунинг учун математик методлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$y = a + bx$$

Бунда: y – умумий харажатлар;

a – доимий харажатлар;

b – бир бирлик учун ўзгарувчан (маржинал) харажатлар;

x – унумдорлик даражаси.

Маржинал даромад реализация ҳажмидан ўзгарувчан харажатларни айирмасига тенг, яъни y доимий харажатлар ва соф фойдани ўз ичига олади.

Маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатлар ва маҳсулот бирлигининг реализация қиймати доимий

ҳисобланганлиги учун маҳсулот бирлигидан олинадиган маржинал даромад ҳам доимий бўлади.

Ҳар бир сотилган маҳсулот бирлигидан олинган маржинал даромад доимий харажатларни қоплаш учун кетади, ундан кейин қолган қисми эса фойдани оширишга ишлатилади. Бу шунга олиб келадики, ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан маҳсулот бирлигининг таннархи пасаяди, ўзгарувчан харажатлар миқдорига яқинлашади ва маҳсулот бирлигининг фойдасини ва доимий харажатлари улушини оширади. Буларни ҳаммасини харажатларни таҳлил қилишда ва ишлаб чиқаришни зарарсизлигини аниқлашда ҳисобга олиш керак.

Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишда *минимум* ва *максимум* методидан фойдаланиб харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажритиш керак.

Бу методнинг асл моҳияти шундаки, ўтган давр унумдорлигини ва харажатларни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми даражаларининг энг юқори ва энг пастини танлаш ва ушбу даражаларда маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида содир бўлган харажатлар ўзгаришини солиштириш.

Ҳисобни амалга ошириш учун қуйидаги ҳаракатлар бажарилади:

Ҳисоб бошида ҳажмнинг ва умумий харажатларини *минимал* ва *максимал* кўрсаткичлари орасидаги фарқ аниқланади:

$$\Delta \text{МИЧ}_{\text{миқ.}} = \text{МИЧ}_{\text{макс. миқ.}} - \text{МИЧ}_{\text{мин.миқ.}}$$

$$\Delta \text{Хар}_{\text{ум}} = \text{Хар}_{\text{ум макс.}} - \text{Хар}_{\text{ум.мин.}}$$

Бунда: $\Delta \text{МИЧ}_{\text{миқ.}}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг *максимал* ва *минимал* ҳажмлари орасидаги, *натура* ўлчамидаги, фарқ;

$\Delta \text{Хар}_{\text{ум}}$ - ишлаб чиқаришнинг *минимал* ва *максимал* ҳажмидаги умумий ишлаб чиқариш харажатларининг фарқи;

$\text{МИЧ}_{\text{макс.миқ.}}$ - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг *максимал* миқдори;

$\text{МИЧ}_{\text{мин.миқ.}}$ ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг *минимал* миқдори;

$\text{Хар}_{\text{ум.макс.}}$ *максимал* ишлаб чиқаришдаги умумий харажатлар;

$\text{Хар}_{\text{ум.мин.}}$ *минимал* ишлаб чиқаришдаги умумий харажатлар.

2. Кейин харажатлар орасидаги фарқни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмлари орасидаги фарққа бўлиш йўли билан маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатлар сўммаси ($\text{Хар}_{\text{ўз.ма.бир.}}$) аниқланади, чунки умумий харажатлар таркибидаги

ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ўзгаради;

$$\text{Хар}_{\text{ўз.мах.бир}} = \Delta \text{Хар}_{\text{ум.}} : \Delta \text{МИЧ}_{\text{мик.}}$$

3. Ҳисобнинг кейинги қадами бўлиб умумий ўзгарувчан харажатларни ($\text{Хар}_{\text{ўз.мах.бир}}$) аниқлаш ҳисобланади. У маҳсулот бирлигига қилинган ўзгарувчан харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг максимал миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади:

$$\text{Хар}_{\text{ўз.ум}} = \text{Хар}_{\text{ўз.мах.бир}} \times \text{МИЧ}_{\text{макс.мик.}}$$

4. Доимий харажатлар сўммасини ($\text{Хар}_{\text{доим.ум.}}$) аниқлаш учун умумий харажатлар сўммасидан ўзгарувчан харажатлар сўммасини айтириб ташлаш лозим:

$$\text{Хар}_{\text{доим.ум}} = \text{Хар}_{\text{ум.макс}} - \text{Хар}_{\text{ўз.ум}}$$

ёки

$$\text{Хар}_{\text{доим.ум}} = \text{Хар}_{\text{ум.макс}} - (\text{МИЧ}_{\text{мин.мик}} \times \text{Хар}_{\text{ўз.мах.бир.}}$$

Буни аниқ бир мисолда кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, 2004 йилнинг ойлар бўйича харажатлар ва ишлаб чиқариш даражалари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар олинган.

Ойлар	Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	Минимал кўрсаткичлар		Максимал кўрсаткичлар	
			Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Харажатлар, минг сўм	Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Харажатлар, минг сўм
Январ	400	1050	400	1050	-	-
Феврал	600	1700	-	-	-	-
Март	550	1600	-	-	-	-
Апрел	800	2100	-	-	-	-
Май	750	2000	-	-	-	-
Июн	900	2300	-	-	900	2300

Ишлаб чиқаришнинг минимал ҳажми январда, максимал ҳажми эса июн ойида.

1. Биринчи ўринда максимал ва минимал кўрсаткичлар орасидаги фарқни ҳисоблаймиз.

а) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – 500 дона

$$\Delta \text{МИЧ}_{\text{мик}} = 900 - 400 = 500 \text{ дона}$$

б) ишлаб чиқариш харажатлари – 1250 минг.сўм.

$$\Delta \text{хар}_{\text{ум}} = 2300 - 1050 = 1250$$

2. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар – 2,5 минг.сўм.

Хар_{ўз.мах.бир} = 1250 : 500 = 2,5. минг сўм

3. Умумий ўзгарувчан харажатлар – 2250 минг.сўм

Хар_{ўз.ум} = 2,5 · 900 = 2250 минг сўм

4. Умумий доимий харажатлар – 50 минг.сўм.

Хар_{доим.ум} = 2300 – 2250 = 50 ёки 1050 – (400 · 2,5) = 50.

Ишлаб чиқариш зарарсизлигининг таҳлили. Зарарсизлик (Cost – volume – profit) таҳлилини ёки CVP- таҳлилини мақсади - маҳсулот ишлаб чиқариш вақт бўйича чекланган ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгармаган ҳолда ўтган давр учун молиявий натижаларни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини аниқлаш.

Шу билан бирга асосий шартлар қуйидагилар бўлиши керак:

1. Ўзгарувчан харажатлар ва сотиш нархи, яъни маҳсулот бирлигининг маржинал даромади ўзгармас ҳисобланади ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмас.

2. Умумий доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ўзгармайди, лекин маҳсулот бирлиги учун ўзгаради.

3. Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариш билан маҳсулот бирилигининг фойда сўммаси ўзгаради.

Юқорида таъкидланганидек кўринадик, CVP – таҳлил зарарсизлик нуқтаси ва маржинал даромаднинг таҳлили ва ҳисобига асосланган.

Зарарсизлик нуқтаси - бу реализациядан олинган даромад умумий харажатларга тенг бўлган нуқта, яъни даромад ҳам зарар ҳам йўқ.


Фойда (зарар) – бу маржинал даромад ва доимий харажатлар орасидаги фарқ. Зарарсизлик нуқтаси маржинал даромад (МД) доимий харажатларга тенг бўлган жойда бўлади. Шундай қилиб, юқорида келтирилганидек нисбат тузиш мумкин.

МД бир бирлик учун (МД_{дона}) = Нарх (Н) – Хар_{ўз.мах.бир}.

Умумий МД(МД) = МИЧ_{мик} · МД_{дона} = МИЧ_{мик} · (Н - Хар_{ўз.мах.бир})

МД = Доимий харажатлар (Хар_{доим}) + фойда (Ф)

Буни яна чизмада ҳам ифодалаш мумкин.



7- чизма. Маржинал даромад ва зарарсизлик нуқтасининг чизмаси.

Реализациянинг зарарсизлик ҳажми фирманинг даромади харажатларга тенг ёки кўплигидан маҳсулот реализацияси ва ишлаб чиқариш ҳажмини характерлайди. Реализациянинг зарарсизлик ҳажми зарарсизлик нуқтасидан бошланади ва релевантлик соҳаси деб номланувчи фирма фаолиятини қамраб олади.

Хавфсизлик маржаси – бу режавий сотиш ҳажми ва зарарсизлик нуқтасидаги сотиш ҳажми орасидаги фарқ. У компания зарар кўришдан олдин реализация ҳажми қанчага қисқариши мумкинлигини кўрсатади. (бу 7-чизмада яққол кўринади).

Зарарсизлик маржасини яна фоизларда ифодалаш мумкин.

$$\text{Зарарсизлик маржа даражаси} = 1 - \frac{\text{Зарарсизлик нуқтасидаги сотиш ҳажми} \times 100}{\text{Режавий сотиш ҳажми}}$$

Буни аниқ мисолда кўрамиз.

Маҳсулот реализациясининг режавий ҳажми – 80000,0 минг. дона

Реализация нархи - 80 сум .

Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан харажати – 40 сум

Доимий харажатлар 200,0 млн. сўм

Зарарсизлик нуқтасини ва зарарсизлик маржаси даражасини аниқлаш талаб қилинади.

$$\text{Зарарсизлик нуқтаси} = \frac{200000000}{80 - 40} = 5000,0 \text{ минг дона}$$


$$\text{Зарарсизлик маржаси даражаси} = 100 - \frac{5000,0 \cdot 100}{8000,0} - 100 - 62,5 = 37,5\%$$

яъни фирма зарар кўришдан олдин ишлаб чиқариш ҳажмини 37,5 % гача камайтириш мумкин экан.

Шундай қилиб ишлаб чиқариш харажатларининг ҳажми ва таркиби, яъни фойда даражаси ва суммаси кўплаб ички ва ташқи омиллар таъсирига боғлиқ: ишлаб чиқариш ҳажми, хом-ашё нархи, материаллар, сотиб олинadиган ярим фабрикатлар, ускуналар ва меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши, фавқулотда ҳолатлар, бирлашма ва маҳаллий органлар чиқарадиган қонунлар.

Корхонанинг зарарсизлигини таҳлил қила туриб бу омилларнинг барчасини таъсирини ўрганиб чиқиш лозим ва улар асосида ишлаб чиқариш харажатларини самарадорлиги ва фойда рентабеллигини ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш керак.

Фойданинг ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатларга боғлиқлиги 8-чизмада келтирилган графикда кўрсатилган.



8- чизма. Фойданинг харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги.

**5-мавзу: «Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таҳлили» мавзуси бўйича
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

- таннарх тўғрисида тушунча ва уни ҳисоблаш услублари;
- таннарх таҳлил этишининг мазмуни ва мақсади;
- харажатларни туркумлаш;
- ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар;
- маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар;
- 1 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил этиш услуби;
- 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатларга таъсир этувчи омиллар;
- харажатларни иқтисодий элементи бўйича таҳлил этиш услублари;
- иш ҳақини банк усули орқали назорат қилиш тартиби;
- иш ҳақини мутлоқ фарқини аниқлаш услуби;
- иш ҳақини нисбий фарқини аниқлаш услуби;
- ишчилар иш ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар ҳисоблаш услуби;
- меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақини таҳлил этиш услуби;
- материаллар харажатини таҳлили;
- сарф меъёрини таъсирининг аниқлаш тартиби;
- материал баҳосининг ўзгариш сабаблари;
- ишлаб чиқариш йўналишидаги бошқа харажатларни таҳлил этиш услуби;
- айрим маҳсулот турлари таннархни таҳлил этиш услуби;
- маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича резервларни аниқлаш тартиби.

6-МАВЗУ: КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АХБОРОТЛАР ТАЪМИНОТИ.

Режа:

1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизими.
2. Корхоналар молиявий ҳисоботлари ва мазмуни.
3. Бухгалтерия баланси: тузилиши таркиби ва мазмуни.
4. Молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

6.1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизими

Корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар манбаи бўлиб ҳисобланади.

Республикада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаб ва рағбатлантириш кўплаб янги-янги хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу фирмаларнинг раҳбарлари яхши ғоялар ва уларнинг молиявий таъминланиши корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши ҳамда жуда кўп фойда топишига асос бўлади, деб ўйлашади. Тажриба кўрсатмоқдаки, кўпчилик бизнесменларимиз янги бир ишга киришишдан олдин уни аниқ ҳисоб-китоб ва назорат тизими зарурлиги тўғрисида унчалик бош қотиришмайди. Аслида эса, улар ишни аввало яхши малакали ҳисобчи топишдан бошлашлари керак.

Борди-ю, шундай қилинмаса, охир оқибатда раҳбар боши берк кўчага кириб қолиши, молиявий имкониятлардан самарали фойдаланаолмаслиги, ишни илгари силжитолмаслиги, ташқаридан қаралганида фаолияти дурустгина бўлиб кўринган корхонасида молиявий талон-тарожлар содир бўлишига йўл очилиши мумкин.

Шу туфайли ташкилотнинг аҳволи ифода этилган ахборотлар тизимидан тўғри фойдалана оладиган ҳисобчи айниқса эркин иқтисодиёт шароитида ўта муҳимдир.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар одатда иккига бўлинади: ҳисобланадиган ва ҳисобланмайдиган.

Ҳисобланадиган ахборот манбаларига қуйидагилар киради:

- * бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи;

- * статистика ҳисоби ва ҳисоботи;
- * тезкор ҳисоб ва ҳисобот;
- * танлаб кузатилган ҳисоб маълумотлари.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида хўжалик операциялари, хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари ифодаланади.

Статистика ҳисоби ва ҳисоботида ҳодиса ва жараёнлар умумий мажмуасининг миқдорий жиҳатлари ифодаланади.

Тезкор ҳисоб ва ҳисоботларга ҳисобот даври ичида олиш мумкин бўлган ахборотлар мажмуаси киради.

Танлаб кузатиш натижасида олинган маълумотлар ҳисоботдаги кўрсаткичларни чуқурлаштириш ҳамда ҳодиса ва жараёнларни алоҳида ўрганиш имконини беради.

Ҳисобланмайдиган маълумот манбаларига қуйидагилар киради:

- * ички идора ва идорадан ташқари тафтиш маълумотлари;
- * ички ва ташқи аудит ҳисоботлари;
- * лаборатория ва тиббий-санитария назорати материаллари;
- * солиқ хизмати ходимларининг текшириш натижалари;
- * меҳнат жамоасининг мажлис ва йиғилиш қарорлари.

Шунингдек, таҳлил жараёнида тасдиқланган режа, бизнес-режа ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар ошкоралиги нуқтаи назаридан ёпиқ ва очик маълумотларга бўлинади. Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда ифодаланган маълумотлар ташқарига, бошқа субъектларга тақдим қилинади ва улар очик маълумотларга киради.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг меъёрий кўрсаткичларини, таърифлари, лимитлари ва уларни баҳолаш йўллари ишлаб чиқади. Бу кўрсаткичлар хўжалик субъектининг тижорат, технологик, ишлаб чиқариш сири бўлиб ҳисобланади.

Корхона ҳисоботлари йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар шаклини тузиш бўйича кўргазмага амал қилган ҳолда тузилади. Аммо унда хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Буни аниқлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Бухгалтерия баланси кўрсаткичларини бош китоб кўрсаткичларидаги рақамлар билан солиштириш. Улар бири-бирига мос равишда тўғри келиши лозим.

2. Бухгалтерия балансидаги ҳар бир бўлимнинг моддаларидаги сўммаси шу бўлим жами сўммасига ва актив қисмининг пассив қисмига тўғри келиши аниқланади.
3. Бухгалтерия балансидаги молиявий ҳисобот таркибига кирувчи бошқа ҳисобот кўрсаткичлари билан тўғри келиши текширилади.
4. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1994 йил 26 мартда ишлаб чиқилган 164-сонли «Бухгалтерия ҳисоботи ва баланси тўғрисидаги Низом»га ва 1997 йил 25 январда тасдиқланган «Корхона ва ташкилотларнинг йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларини тўлғазиш бўйича Қўлланма»га тўғри келиши кўриб чиқилади. Бу қўлланмага ҳар йили қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб борилади.

Раҳбар молиявий ҳисоботни тасдиқлашда шу қўйилган талабларнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини текшириб кўриниши ва ишонч ҳосил қилгандан сўнг, унга имзо чекиши мумкин.

6.2. Корхоналар молиявий ҳисоботлари ва мазмуни

Корхонанинг молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳар йилги ўзгаришларни ўзида ифода этадиган «Корхона (ташкilot)ларда йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларнинг шакли ва ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан тузилади.

Ушбу буйруққа асосан барча ҳуқуқий шахслар (бюджет, суғурта, банк муассасаларидан ташқари) тегишли ташкilotларга ўзларининг молиявий ҳисоботларини топширадилар.

Йиллик ҳисоботларнинг таркибига қуйидагилар киради:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома»

3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»

4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»

5-шакл «Ўз маблағлари (капитали) тўғрисидаги ҳисобот»

Ярим йиллик ҳисобот таркибига:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома»

3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»

4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»

Чораклик ҳисобот таркибига:

1-шакл «Бухгалтерия баланси»

2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»

2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома».

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1998 йил 25 июндаги 79-сонли буйруғи билан молиявий ҳисоботлар таркибига 2-б шакл «Молиявий-иқтисодий ҳолат тўғрисида» маълумотнома киритилган. Бу маълумотнома корхонанинг чораклик ва ярим йиллик ҳисоботлари билан биргаликда топширилади. Ушбу ҳисобот ва маълумотномалардан фойдаланган ҳолда, корхона раҳбари молия-хўжалик фаолиятининг аҳволи жорий йилда қандай эканлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Бироқ молиявий ҳисоботнинг барча имкониятларидан фойдаланиш бевосита ундан фойдаланувчиларнинг малакаси, билим савияси ва шахсий сифатларига боғлиқ. Раҳбар корхонанинг умумий иқтисодий муаммоларини яхши билиш билан бирга, бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисоботларни ўқий олиши, улар ўртасидаги боғлиқликларни ҳам билиши лозим.

Масалан, «Бухгалтерия баланси» ва бошқа молиявий ҳисоботлар маълумотларига асосан корхона раҳбари маблағларнинг миқдорини, уларнинг шаклланиш манбаларини, умумий маблағларда ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган мажбуриятлар ҳиссасини, узоқ муддатли ва оборот активларининг улушини, хўжалик фаолиятидаги иштирок этаётган ўзининг айланма маблағлари, улардан қанча фойда олганлиги, бюджетдан қанча қарздор эканлиги, дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолати, шундан қанчаси муддати ўтганлиги, баланснинг ликвидлиги, корхонанинг молиявий барқарорлиги каби муҳим кўрсаткичларни аниқлаши, билиши ва шулар бўйича корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида зудлик билан хулоса чиқариши лозим.

Раҳбар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шакл маълумотларига асосан корxonанинг даромади, харажатлари ва соф фойданинг шаклланиш йўллари аниқлаши мумкин.

У «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» 3-шакл маълумотларига таяниб, асосий воситаларнинг ҳисобот даври боши ва охиридаги қолдиқларда ўзгаришлар нималар эвазига содир бўлганлигини, қанча асосий восита сотиб олинганлигини, уларнинг қанчаси ишга туширилганлиги ва қандай йўллар билан камайганлигини (сотилганлиги ва ҳисобдан чиқарилганлиги) билиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳисобот асосида асосий воситаларнинг қанча қисми эскирганлиги, унинг яроқлилик даражаси ва қанча қисми актив ва пассив қисмлардан иборат эканлиги тўғрисида ҳам хулоса қилиш мумкин.

4-шакл - «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»дан корхона пул маблағларининг турлари бўйича ҳисобот давридаги кирими ва чиқими тўғрисида маълумотларни олиш мумкин. Бунда пул оқимлари барча фаолият турлари бўйича алоҳида кўрсатилади. Шунингдек, корxonанинг валюта маблағлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ушбу ҳисоботда ўз аксини топган.

5-шакл - «Ўз маблағлари (капитали) тўғрисида ҳисобот»да корхона маблағлари, уларнинг таркиби, ҳаракати, ҳисобот давридаги ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар ифодаланади.

Ҳозирги пайтда молиявий ҳисоботларнинг энг муҳимларидан бири «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома» - 2а-шаклдир. Бу ҳисоботда давлатимиз ичидаги ва ташқарисидаги корxonаларнинг ушбу қарзлар бўйича маълумотлари ўз ифодасини топган. Ҳар бири бўйича муддати ўтган дебиторлар ва кредиторлар ҳам ушбу ҳисоботда кўрсатилган. Ушбу ҳисобот бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳужжатдир. Чунки миллионлаб пул маблағи муддати ўтган дебитор ва кредитор бўлиб, оборотдан четлаштирилган. Бу эса корxonанинг ҳам, давлатимизнинг ҳам иқтисодий қудратини пасайтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ушбу маълумотларга корхона раҳбарлари алоҳида аҳамият беришлари ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишлари лозим.

Яқинда жорий қилинган «Молиявий-иқтисодий ҳолат тўғрисидаги маълумотнома»да қуйидагилар: корхона хўжалик маблағларида давлат маблағларининг ҳиссаси; ходимлар сони;

ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициентлари; ишлаб чиқаришга жалб қилинган хом ашёнинг четдан келтирилган ва маҳаллий манбалари бўйича улуши; экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми каби ахборотлар ўз аксини топган.

Ушбу молиявий ҳисобот маълумотларидан оқилона фойдалана билиш катта самаралар келтиради. Ахборотлар шунчаки ахборотлар учун эмас, балки улардан тўғри фойдаланиб, корхонанинг аҳволини ўрганиб тегишли хулоса чиқариш ва шу асосда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида махсус чоратадбирлар ишлаб чиқиш учун қўлланилиши лозим.

6.3. Бухгалтерия баланси: тузилиши, таркиби ва мазмуни

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг асосий қисмларидан биридир. Шунинг учун корхона раҳбари уни иқтисодий жиҳатдан ўқий олиши, ҳар бир моддасида ифода этилган маълумотлар асосида корхонаси аҳволини кўра билиши, маблағлар қаердан келиб тушди, улар қаерга жойлаштирилди, самарали ишлаш учун шу маблағлар етарлими деган саволларга жавоб топа олиши лозим. Шу саволларга жавоб бериш учун корхона раҳбари баланс тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиши керак.

«Баланс» атамаси латинча *vis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади. У тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бухгалтерия балансининг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги белгилари бўйича таснифланади: тузилиш вақти, ахборот ҳажми, мулкчилик шакли, акс эттириш объекти, тозалаш усули.

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия баланслари: кириш, жорий, тугатиш, бўлиш ва бирлаштириш баланслари бўлиши мумкин.

Кириш баланси корхонанинг пайдо бўлиш вақтида тузилади. Унда корхона ўз фаолиятини бошлаётган пайтдаги бойликлар сўммасини белгилайди.

Жорий баланслар корхона фаолиятини ифода этиб, қонунда белгиланган муддатда мавжуд вақт мобайнида тузилиб турилади.

Тугатиш баланслари корхона тугатилганда тузилади.

Бўлиш баланслари йирик корхона бир неча майда корхоналарга бўлиниш вақтида ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасининг бошқа корхонага берилиши вақтида тузилади. Шунинг учун бу баланс баъзида бериш баланси ҳам дейилади.

Бирлаштириш баланси бир неча корхоналар бир корхонага бирлашганда (қўшилганда) тузилади.

Ахборот ҳажми бўйича баланслар бир марталик ва йиғма балансларга бўлинади. Бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилади.

Йиғма баланс бир марталик баланслар асосида тузилади ва бирлашмалар (вазирликлар, фирмалар, акциядорлик жамиятлари ва шу кабилар)нинг хўжалик маблағларини акс эттиради.

Мулкчилик шаклларига кўра давлат, корпоратив, хусусий, аралаш ва қўшма корхоналар, шунингдек, жамоат ташкилотлари балансларига бўлинади.

Акс эттириш объектига кўра баланслар мустақил ва алоҳида балансга ажратилади. Мустақил балансни ҳуқуқий шахс бўлган корхоналар тузади. Алоҳида балансни корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, цехлар, корхонанинг автотранспорт ва турар жой-коммунал хўжаликлари ва шу кабилар) тузади.

Тозалаш усулига кўра - баланслар баланс-брутто ва баланс-неттога ажратилади.

Баланс-брутто - тартибга солувчи моддаларни ўз ичига оловчи балансдир. Асосий воситаларнинг ҳақиқий қийматини (таннархи ёки қолдиқ қийматини) аниқлашда қилинадиган сўммалар, бошқа моддалар миқдоридаги сўммалардан чегириладиган моддалар тартибга солувчи моддалар дейилади. Масалан, асосий воситалар қолдиқ қийматини аниқлаш учун «Асосий воситалар» сўммасидан «Асосий воситаларнинг эскириши» сўммаси чегирилади. Баланс-бруттода тартибга солувчи моддалар сўммаси баланс якуни қийматига киритилади.

Баланс-неттода - баланснинг умумий қийматидан тартибга солувчи моддалар сўммаси чегирилади. Бу жараён балансни «тозалаш» дейилади. Ўзбекистондаги барча корхоналар ҳозирги пайтда баланс-нетто тузмокда, яъни баланс якунига: асосий воситалар, ярзон ва тез эскирувчан буюмлар қолдиқ

қиймати, қайта сотиладиган товарлар эса таннархи бўйича киритилмоқда.

Бухгалтерия балансига қўйиладиган асосий талаблар: тўғрилиқ, реаллиқ, яхлитлиқ, изчиллиқ ва тушунарлиқдир.

Баланснинг тўғрилиги унинг тузиш жараёнида асос қилиб олинган ҳужжатларнинг тўлаллиги ва сифати билан таъминланади. Агар ҳисобот даврида ҳўжалиқ фаолиятининг барча фактлари ўз вақтида ҳўжатли расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, унда баланс корхона ишининг ҳўқуқий якунини акс эттирмайди. Бухгалтерия балансининг ҳар бир моддаси ҳўжатлар, бухгалтерия ҳисоби рақамларидаги ёзувлар, бухгалтерия ҳисоб-китоблари билан тасдиқланган бўлиши керак. Бухгалтерия баланси маълумотларини қасдан бузиш ниқоблаш дейилади. Баланс ниқоблаш қонунларининг бузулганлигини яшириш ёки корхона фаолиятининг айрим томонларини бўрттириб кўрсатиш мақсадида тузилган баланс бўлиб ҳисобланади. Буни айрим ҳолларда амалдаги қоидалардан беҳабарлиқ оқибатида билмасдан қилиши ҳам мумкин.

Баланс реаллиги моддалар баҳосининг объектив воқелиққа мувофиқ келишини аңглатади. Баланснинг «тўғрилиги» ва «реаллиги» тушунчаларини бир-бирига аралаштирмаслиқ керак. Баланс тўғри, аммо нореал бўлиши мумкин. Яъни баланс маълумотлари ҳўжатлар асосида тузилган бўлади ва ҳақиқатда мавжуд маблағларни кўрсатади, аммо унинг айрим моддалари реал ҳолатни, масалан, асосий воситалар - маънавий эскирганликни, дебиторлиқ қарзларини талаб қилиб олиб бўлмаслигини, унинг қанча қисми умидсиз дебитор эканлигини ифодаловчи вазиятларни кўрсатмайди.

Баланс бирлиги баланс ни ягона ҳисобга олиш ва баҳолаш тамойиллари бўйича тузилишини, яъни корхонанин г барча таркибий бўлинмаларида ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамлари (сметлари)нинг ягона номенклатураси уларнинг бир хилдаги мазмуни, икки ёқлама бухгалтерия ёзивунинг амалга ошиши ва шу кабилар қўлланилишини аңглатади.

Ўзбекистонда **баланснинг яхлитлигига** эришилган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йил 15 январда тасдиқланган қарорига асосан бухгалтерия балансининг ягона шакли қабул қилинган, бухгалтерия сметларининг 2002 йилдан бошлаб ягона режаси қўлланилиши кўзда тутилган. Молиявий

ҳисоботнинг барча шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубияти ва уларни ташкил этиш бошқармаси ишлаб чиққан «Корхоналарда чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботи шаклларини тўлдириш бўйича кўрсатмалар» асосида тузилади.

Баланс давомийлиги ҳар бир кейинги баланс олдинги баланسدан келиб чиқиши тамойилига асосланади. Масалан, олдинги йил якуний баланси (йил охиридаги маълумотлар) ҳисобот йили балансида йил бошидаги маълумотлар сифатида ифодаланади. Чунки ҳисобот йили олдинги ўтган йилнинг давоми ҳисобланади.

Баланс аниқлиги - балансни тузувчилар ва уни ўқийдиган ҳамда таҳлил қиладиган кишиларнинг тушуниши учун қулайлигидир. Балансни аниқ ва тушунарли қилиш учун моддалар реквизитлари ва номлари икки тилда (ўзбек ва рес тилида) баён қилинган, унинг шакли анча соддалаштирилган.

Бухгалтерия баланси икки қисмдан **актив ва пассивдан** иборат бўлади.

Унинг **актив қисмида** корхона сармоясининг таркиби ва жойлаштирилиши, **пассивида** - активларни ташкил этиш манбалари, яъни ўз сармояси ва мажбуриятлари, бошқа корхона ёки жисмоний шахсларнинг вақтинча жалб қилинган маблағлари кўрсатилади.

Шундай қилиб, бухгалтерия баланси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Корхона эгалик қиладиган воситаларни акс эттирувчи активлар.
2. Корхона тасарруфидаги ўз маблағлари.
3. Кейинчалик қайтарилиши лозим бўлган активларни сотиб олиш, ҳосил қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлар.

Бухгалтерия балансида корхона активлари икки гуруҳда: **узоқ муддатли ва айланма активларда** акс эттирилади.

Узоқ муддатли активларга асосий воситалар, номоддий активлар, сармоя қўйилмалари, сотиб олинган акциялар ва заёмлар киритилади. Корхонанинг ишлаши билан бу воситалар ўз қийматини ўзгартирмайди. Масалан, асосий воситалар қиймати қисқа вақт мобайнида миқдор жиҳатидан ўзгармайди.

Жорий активлар, нақд пул маблағларни, истеъмомчилар ҳисобварақларини ва нақд пул маблағлари шаклини эгаллаши лозим бўлган захираларни ўз ичига олади. Жорий хўжалик даври мобайнида бу активлар доимо ўзгариши мумкин. Нақд пул маблағларига айлантирилиши осон бўлган жорий активлар ва осон реализация қилинадиган активлар киритилади.

Корхона баланси активларини ўрганишда қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

- * балансни тузиш кунда корхонада бўлган воситаларни (асосий воситалар, товар захиралари, пул маблағлари ва ҳоказолар);
- * уларнинг жойланишини (асосий воситаларда, капитал қурилишда, дебиторлик қарзида ва ҳоказоларда);
- * уларнинг хўжаликдаги асосий ролини (айланма, асосий ёки жалб этилган маблағлар).

Баланс пассиви маълумотлари асосида қуйидагиларни билиб олиш мумкин:

- * маблағ қайси манбадан келиб турганлигини;
- * маблағлар кимга тегишли (ўзиникими ёки жалб қилинганми) эканлигини;
- * маблағларнинг белгиланган мақсади қандай эканлигини (узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қўйилмалар).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги «Корхоналар (ташкilotлар) йиллик ва йил чораги молиявий ҳисоботларининг шакллари ҳамда ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида»ги 5-сонли буйруғига мувофиқ 1997 йил 1 январдан бошлаб чораклик ҳисоботининг янги шакллари жорий этилди.

Баланс активи ва пассивида барча баланс моддалари иккита йирик бўлимга гуруҳланган (16.1-жадвал).

Баланс активида маблағлар қуйидаги бўлимлар бўйича тасдиқланган:

- 1-бўлим. Узоқ муддатли активлар;
- 2-бўлим. Айланма активлар.

Баланс пассивида ҳам маблағлар манбалари икки бўлимга бўлинади;

- 1-бўлим. Ўз маблағлари манбалари;
- 2-бўлим. Мажбуриятлар.

Баланс активининг 1-бўлими «Узоқ муддатли активлар»да узоқ фойдаланиладиган активлар (моддий-ашёвий воситалар,

қимматли қоғозлар, узоқ муддатли инвестициялар) акс эттирилади. Балансда улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

Асосий воситаларга узоқ вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ) шаклини ўзгартирмаган ҳолда ишлатиладиган, ўз қийматини қисман

йўқотадиган моддий-ашёвий бойликлар киради. Балансда улар дастлабки қиймати бўйича, эскириши ва қолдиқ қиймати бўйича ҳам кўрсатилади.

Номоддий активларга ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан бинолар, иншоотлар, ақлий интеллектуал мулк, товар захиралари, ихтиролар, «нау-хау» ва бошқалардан фойдаланишга доир мулкый ҳуқуқлар киради. Балансда уларнинг дастлабки ва қолдиқ қиймати эскириш сўммаси ва қолдиқ қиймати акс эттирилади.

Сармоя қўйилмаларига хўжалик ёки пудрат усулида амалга ошириляётган тугалланмаган қурилиш қиймати, шунингдек, геологик-қидирув ишларига ва корхоналарга ана шу мақсадда берилган маблағлар сўммаси киради.

Узоқ муддатли инвестицияларга корхоналарнинг бошқа корхона устав фондига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган омонатлари киради. Бундан ташқари, бу бўлимда сотиб олинган акциялар, бошқа корхоналарга берилган қарзлар алоҳида моддалар билан кўрсатилади.

Баланс активининг 2-бўлими «Айланма активлар» деб аталади. Бу айланма маблағларнинг 3 гуруҳига ажратиш мумкин бўлган барча сўммасидир.

1. Захиралар ва сарфлар - ишлаб чиқарши захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, қайта сотиладиган товарлар, давр харажатлари.
2. Пул маблағлари - кассадаги, валюта маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалар, қайта сотиб олинган ўз акциялари.
3. Дебиторлар - харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар, уюшган корхоналар билан ҳисоб-китоблар, таъсисчилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Баланс пассиви ҳам икки бўлимдан иборат бўлади:

1. Ўз маблағлари.
2. Мажбуриятлар.

Баланс пассивининг биринчи бўлимида ўз маблағлари акс эттирилиб, улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

- * устав сармояси;
- * қўшилган сармоя;
- * захира сармоя;
- * тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар);
- * мақсадли тушумлар ва фондлар;
- * келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари;
- * келгуси давр даромадлари.

Охирги иккита модда олдинги йиллар балансида қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида 2-бўлимида кўрсатилади. Аслида эса бу маблағлар ўз маблағларига киритилиши керак.

Устав сармояси, одатда, унинг таъсисчилари қўшган бадаллари эвазига ташкил бўлади. Унинг кўпайиши хўжалик фаолияти давомида оладиган фойда эвазига амалга ошади. Зарур ҳолларда таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари эвазига ҳам кўпайиши мумкин.

Устав сармоясига бадал шароитида асосий воситаларни (бино, иншоотлар, жиҳозлар, қурилмалар) ва бошқа моддий неъматларни ҳамда номоддий активларни (ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи, нау-хау, товар белгилари каиблар)ни қўшиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, устав капиталининг миқдори таъсис ҳужжатида қайд этилган ҳажмидан ошиб кетмаслиги лозим.

Қўшилган сармоя (капитал) - бу акциянинг биринчи марта номинал қийматидан ортиқча сотиш эвазига олинган эмиссион даромаддир.

Захира сармояси корхона уставига асосан фойда ҳисобидан ташкил қилинган захиралардан, инфляция захираларидан мулкни қайта баҳолаш учун қайта ташкил қилинган, қайтариб бермаслик шarti билан олинган мулклардан иборат бўлади.

Захира сармояси миқдори таъсисчилар томонидан белгиланган устав сармоясининг 25 фоизигача миқдорда ташкил қилиниши мумкин. Захира сармоясини келгуси харажатлар ва тўловлар захираси билан аралаштирмаслик ва алмаштирмаслик лозим. Бу захира корхона уставини ва қонун асосида ташкил қилинади. Ушбу захира харажатлар ва тўловларга бир хил миқдорда қўшиб бериш учун тўпланади. Масалан, ходимлар

таътили учун тўпланган маблағ, узоқ ишлаганлиги учун тўланадиган рағбатлантиришга мўлжалланган маблағ, мавсумий харажатлар учун тўланадиган маблағ, асосий воситаларни таъмирлаш учун ажратилган харажатлар ва ҳоказо.

Тақсимланмаган фойда корхонанинг ўтган ва ҳисобот йилида тақсимланмай қолган фойда миқдорининг маълум бир муддатга қолдиғини ифодалайди.

Мақсадли тушумлар ва жамғармалар - бевосита бирор мақсадли тадбирларни ўтказишга қаратилган маблағларни ўз ичига олади. Буларга: болалар боғчалари, яшаш ва бошқа бинолар қуриш, илмий-тадқиқот ишларини таъминлаш каби тадбирларга мўлжалланган маблағлар киради.

Келгуси давр даромадлари келгуси давр учун шу жорий йилда олинган даромадлардир. Бунга: камомадлар бўйича келгусида тўпланадиган тушумлар, айбдор шахслардан камомад чиққан неъматларнинг баланс қиймати миқдорида ўндириб олинган маблағлар каби моддалар киради.

Баланснинг пассив томонидаги иккинчи бўлимида ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинган ва маълум муддатдан кейин қайтарилиши шарт бўлган мажбуриятлар жамланган. Бу мажбуриятлар қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ва заёмлардан ҳамда турли кредитор қарзлардан иборат бўлиши мумкин.

Узоқ муддатли мажбуриятларга тўланиш муддати бир йилдан ортиқ, қисқа муддатлиларга бир йилдан кам бўлган қарзлар киради.

Бухгалтерия балансида узоқ муддатли мажбуриятлар иккита моддада кўрсатилади: «Узоқ муддатли заёмлар» ва «Узоқ муддатли кредитлар».

Бухгалтерия баланси чизмаси

(минг сўм)

АКТИВ				ПАССИВ			
Баланс бўлими ва моддалари сони	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида	Баланс бўлими ва моддалари сони	Сатр рақами	Йил бошида	Йил охирида
1. Узоқ муддатли активлар				1. Ўз маблағлари манбалари			
Асосий воситалар	010-012	9065	9739	Устав, кўшилган ва захира сармоя	320-380	294	548
Номоддий активлар	020-022	-	-	Тақсимланмаган фойда	350	1362	3459
Сармоя қўйилмалар	030	3923	3175	Мақсадли тушумлар ва фондлар, бўлажак харажатлар захиралари	360-380	294	548
Сотиб олинган акциялар ва заёмлар, узоқ муддатли инвестициялар	040-100	39	37				
1-бўлим бўйича жами	110	13027	12971	1-бўлим бўйича жам	390	19882	21703
1. Айланма активлар				2. Мажбуриятлар			
Захиралар ва сарфлар	120-160	11520	12631	Узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар	400-410	95	
Пул маблағлари	170-190	351	304	Қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар	420-430		97
Қисқа муддатли қўйилмалар ва қайта сотиб олинган ўз акциялари	200-210	2249	3631	Кредиторлар	440-530	7170	7737
2-бўлим бўйича жами	300	14120	16566	2-бўлим бўйича жам	540	7265	7834
БАЛАНС	310	27147	29537	БАЛАНС	550	27147	29537

«Узоқ муддатли заёмлар» моддасида банклардан бошқа корхона ва ташкилотлардан олинган муддати бир йилдан ортиқ бўлган қарзлар киради.

«Узоқ муддатли кредитлар»га бир йилдан ортиқ бўлган муддатга банклардан олинган қарзлар киради.

«Қисқа муддатли кредитлар» моддасида банклардан бир йилгача олинган қарзлар кўрсатилади. Ушбу моддада банкларнинг ушбу корхона ходимларига уй-жой қурилиши учун берган кредити ҳамда товарларни кредитга сотиб олганда унинг қолдиқ миқдори кўрсатилади.

Қисқа муддатли қарзларга «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар (ҳисоб рақамига тушганлар)» ҳамда «Кредиторлар» гуруҳига кирувчи баланс моддалари киради.

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар (ҳисоб рақамига тушганлари)» моддасида бошқа ташкилотлардан келгуси давр ҳисоб-китоблари учун олинган сўммалари кўрсатилади. Айниқса, ҳозир барча тўловлар олдин амалга оширилмоқда. Бу эса ушбу моддада пул бўлиб туришига асос бўлади.

«Кредиторлар» гуруҳида турли ташкилот ва корхоналардан, бюджет, суғурта, товар жунатувчилар ва пудратчилардан қарзлар, ишчи в ахизматчилар иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар каби кредитлар кўрсатилади.

Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансида корхонанинг муайян санадаги (йил боши ва охири) хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари акс эттирилган.

6.4. Молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Бухгалтерия баланси моддалари молиявий ҳисоботнинг муайян шакллари кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқдир. Зеро, 2-сон «Молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот» шаклида корхона томонидан бир йилда олинган фойда ҳисоб-китоби берилади. Фойданинг барча 5 тури бўйича ҳисоб-китоб келтирилади. Бу шакл маълумотномасида эса бюджетга барча тўловлар кўрсатилади.

Бухгалтерия балансининг пассив қисми 1-бўлими «Ўз маблағлари манбалари»да тақсимланмаган фойда сўммаси кўрсатилади. Активнинг 2-бўлимида дебиторлик қарздорлигида турлари бўйича сўмма берилади. ОТАЖнинг дебиторлик қарздорлиги йил охирида 3644 минг сўмни ташкил этди. У бир йилда 1396 минг сўмга ошган. Баланс пассивининг 2-«Мажбуриятлар» бўлимида бир йилда муддати ўзайтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги 85 минг сўмга кўпайган ва 6014 минг сўмни ташкил этган кредиторлик қарздорлиги қайд этилган.

Назорат қилиш учун молиявий ҳисоботда махсус «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома» бор. Унда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг вужудга келиши акс эттирилади. Яъни улар қандай корхоналар бўйича ташкил этилганлиги ва сўммаси кўрсатилади. Мисолимизда бутун сўммада муддати узайтирилган дебиторлик қарздорлиги 2383 минг сўм ёки бутун қарздорларнинг 65,4 фоизини, кредиторлик қарздорлиги 4033 минг сўм ёки 67,1 фоизини ташкил этган. Бундай ҳолат қониқарсиздир, чунки катта маблағлар музлатилган бўлиб, улардан хўжалик фаолиятида фойдаланилиши мумкин эмас.

Баланс активининг 1-бўлимида асосий воситалар ҳақидаги маълумотлар: уларнинг бошланғич қиймати, эскириши ва қолдиқ қиймати мавжуд. 3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот»да асосий воситалар турлари, уларнинг ҳаракати ҳамда бошланғич қиймати бўйича давр боши ва охиридаги қолдиқлари (уларнинг эскириши ва қолдиқ қиймати) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган. Бу кўрсаткичлар асосий восита ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун жуда муҳимдир.

4-шакл «Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот»да пул маблағларининг барча турлари - хўжалик фаолияти, дивидендлар, солиққа тортиш, инвестициялар ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар кўрсатилади. 4-шакл бухгалтерия баланси билан ўзаро боғлиқ. Бухгалтерия балансининг 170, 180 ва 190-сатрлар бўйича қолдиқ пул маблағлари 4-шаклда 070 ва 080-сатрлардаги пул маблағлари

қолдиқларига тенгдир. «Валюта маблағлари ҳаракати ҳақидаги маълумотнома»да (090 ва 120-сатрлар) валюта маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Бу бухгалтерия балансида 180-сатр бўйича кўрсатилади.

5-шакл «Ўз сармояси ҳақидаги ҳисобот»да устав сармояси, қўшилган устав сармояси, резерв сармояси, тақсимланмаган фойда ҳаракати ҳақидаги маълумотлар берилади. Баланс пассивининг 1-бўлими «Ўз маблағлари манбалари»да уларнинг йил боши ва охиридаги аҳволи кўрсатилган. Бундай шаклга асосланиб, корхонанинг ўз сармояси ташкил бўлиши ва ҳаракати, шунингдек тузилмаси таҳлил қилинади. Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда шу тарзда молиявий ҳисоботнинг барча шаклларида фойдаланиш зарур.

Улар бир-бирини тўлдириб боради. Мазкур маълумотлар молиявий ҳисоботнинг шакллари ўртасидаги оддий боғлиқликни ифодалаш билан чекланмайди. Улар корхонани бошқариш ва маълумотларни назорат қилиш учун ҳам ўта муҳимдир.

**6-мавзу: «Корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлилининг ахборотлар таъминоти» мавзуси бўйича
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

- таҳлил учун зарур ахборотлар ва уларнинг турлари;
- иқтисодий ахборотлари;
- илмий техникавий ахборотлар;
- табиий – экологик ахборотлар;
- таҳлил учун керак бўлган ахборотларга қўйилган талаблар ва уларни тўғрилигини текшириш;
- бухгалтерия ҳисоби ахборотлари..

7-МАВЗУ: КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Режа:

1. Корхоналар иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
2. Иқтисодий салоҳиятнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.
3. Иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
4. Иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.

7.1. Корхоналар ихтисодий салоҳиятини нинг моҳияти

Мустақиллик даврида ўтаётган ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жиҳатидан янгиланаётганлигидан далолат бериб келмоқда. Янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, методологик муаммоларни ҳал қилишга кўпинча улгуриш қийин бўлмоқда. Бундай янги иқтисодий тушунчалардан бири корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) тушунчасидир.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий - хўжалик фаолитини таҳлил қилишда асосан унинг тасарруфидаги активларни ўрганиш билан чекланиб қолмоқда. Бу бизнинг фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш учун назарий ва методологик жиҳатдан етарли эмас. Чунки корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб-чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун албатта модий - техник таъминоти,

яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, хом-ашё кабилар зарур. Аммо ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли хом-ашё ўз-ўзидан иқтисодий жараёни содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга албатта одамнинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг муштараклиги ва иштироки зарур.

Демак, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим экан. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса корxonанинг барча харажатларини қоплаб фойда олишини таъминлайди. Шундагина ишлаб чиқаришнинг провард мақсади амалга ошади.

Бундан кўришиб турибдики, корхона иқтисодий салоҳиятининг иқтисодий таҳлилда фақатгина бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашган корхона тасарруфидаги моддий бойликларни (активларни) таҳлил қилиш билан чегараланиб қолиш, унинг иқтисодий фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса қилиш учун етарли эмас экан. Бу эса ўз навбатида, корxonанинг иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурсларини ҳам қўшган ҳолда таҳлил қилишни тақозо қилади.

Режали иқтисодиёт шароитида таҳлилга оид адабиётларда корxonанинг моддий бойлигини (ресурсларини) ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қаралиши кўзда тутилган эди. Уларнинг таҳлили барча бойликлар (ресурслар) таҳлили деб юритилар эди. Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар (фаоллар) ҳам иштирок этади. Буларнинг таркибига муаллифлик ҳуқуқи, потентлар, “Нау-хау”, савдо маркаси, рухсатномалар (лицензиялар) каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасида корхонага худди моддий бойликлар сингари маълум даражада фойда келтиради. Аммо уларни корxonанинг моддий бойлигига (ресурсига) киритиш мумкин эмас, чунки улар шакли, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан номоддийдир.

Эндиликда корхонада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириши учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий фаоллар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб аташ етарли бўлмайди, чунки уларнинг таркибига номоддий активлар кирмайди. Шу туфайли уларни корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) деб аташни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслари тўлиқ ўз ифодасини топади. Буларнинг таркибий тузилишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин (7.1-чизма).



7.1-чизма. Корхона иқтисодий салоҳиятининг (потенциалининг) тузилиш таркиби

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир этилган иқтисодий жараённи тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий фаоллар тушунилади.

Иқтисодий таҳлил аниқ ва амалий фан бўлганлиги туфайли ундаги қўлланадиган барча тушунчалар ва кўрсаткичларнинг

номи, мазмуни ва қиймати мавҳум бўлмасдан аниқ, ҳисобланадиган, маълум бир соҳани ўзида ифода этадиган бўлиши лозим. Ушбу назарий мулоҳаза бевосита корхонанинг иқтисодий салоҳиятига (потенциалига) ҳам тегишли. Шу туфайли уни баҳолашнинг баъзи назарий ва методологик жиҳатларига, иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан, эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) (Кис) баҳолашда энг аввало иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, уни қиймати ва харажати нуқтаи назаридан аниқлаш лозим деб ўйлаймиз. Ушбу кўрсаткичнинг тўлиқ қийматини баҳолашда асосан бухгалтерия баланси маълумотларидан фойдаланилади. Бу учун бухгалтерия балансидаги асосий восита (Ав), айланма маблағлар (Ам) ва номоддий активларнинг (На) умумий суммаларини ҳамда ҳисобкитоб орқали аниқланган ишчи ва хизматчиларнинг пулда ифодаланган қийматини (Хк) олиш мумкин.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий потенциалини таҳлил қилишда хўжалик фаолиятида содир бўладиган иқтисодий жараёнида иштирок этадиган барча моддий ресурслар (асосий ва айланма маблағлар), номоддий активлар ва меҳнат ресурслари биргаликда муштарак ҳолда ўрганилади. Моддий ресурслар ва номоддий активлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ифодаланади, аммо меҳнат ресурслари эса бу ҳисобот таркибида кўрсатилмайди.

Бухгалтерия балансида, айниқса, корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашда моддий ресурслар ва номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари қийматини ҳам инобатга олиш лозим. Аммо бу кўрсаткич бухгалтерия балансида кўрсатилмайди. Шу туфайли унинг пулдаги ифодасини топишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда меҳнат ресурсининг баҳосини бемалол аниқлаш учун қонуний асос яратилган. Чунки Республикамизда оддий ишчидан тортиб то етук мутахассисгача уларни тайёрлаш харажати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу харажатлар ходимнинг биринчи

бошланғич «шартли баҳоси» бўлиб ҳисобланади. Сўнгра унинг малакасини ошириш, қайта ўқитиш учун харажат қилинса булар ҳам унинг ушбу бошланғич баҳосига қўшилади. Бундай қилиш зарурлигининг иккинчи томони шундаки, ҳозир кўпчилик мутахассисларни тайёрлаш корхона ҳисобидан пул тўлаш эвазига амалга оширилмоқда. Демак, корхона ўқишни битирган талабани ишга қабул қилса унинг шу корхона учун қиймати аниқ. Масалан, ходим корхона ҳисобидан 4 йил ўқиган. Биринчи йилда унинг ўқиши учун 200, минг сўм, иккинчи йилда 250,0 минг сўм, учинчи йилда 280,0 минг сўм ва ниҳоят тўртинчи йилда 300,0 минг сўм пул тулаган деб фараз қилсак унинг «шартли баҳоси» 1030,0 минг сўмни ташкил қилади. Агар ходимнинг ўқиши давлат ёки шахсий ҳисобдан амалга оширилса у ҳолда корхона мазкур ходимни ишга қабул қилиш билан ушбу харажатга тенглаштирган миқдорда унинг шартли қийматини белгилаш мумкин. Бундан ташқари ҳар йили давлат томонидан диплом берилган бакалавр, мутахассис ёки магистрнинг «нархини» ҳам марказлашган тарзда аниқлаб эълон қилиб туришлари мумкин.

Ходимларнинг умумий қийматини пулда ифодалаш учун қўйидаги амални бажариш лозим. Биринчидан, барча ходимларни категорияларга бўлиб чиқади. Ҳар бир категориядаги ходимларни тайёрлашга кетган қиймати аниқланиб шу категория бўйича уларнинг умумий суммаси топилади. Иккинчидан, ҳар бир категория бўйича аниқланган суммаларни қўшиб ходимларнинг «шартли баҳосини» ифодалайдиган жами суммасини топиши мумкин. Бу учун қуйидаги математик моделни қўллашни тавсия қиламиз:

$$X_k = \sum_{i=1}^n a_i + v_i$$

Бунда: X_k - ходимларни тайёрлашга кетган харажатларнинг жами сўммаси;

i - ходимлар категориясининг тартиб сони ($i=1, n$);

n - ходимлар категориясининг умумий сони;

a_i - i - категория ходимларни тайёрлашга кетган харажатлар;

v_i - i - категория ходимларнинг малакасини оширишига кетган харажатлар.

Энди корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг умумий қийматини аниқлаш мумкин. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$K_{ис} = A_{в} + A_{м} + H_{ф} + X_{к}$$

Бунда $A_{в}$ - асосий воситаларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;
 $A_{м}$ - айланма маблағларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;
 $H_{ф}$ - номоддий активларнинг ўртача қиймати;
 $X_{к}$ - ходимларнинг ўртача «шартли қиймати».

Агар ушбу формуладаги натижани “У” деб, омилларни $X_i \rightarrow n$ деб белгиласак юқоридаги формуланинг математик кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = \sum_{i=1}^n x_i = X_1 \cdot X_2 \cdot X_3 \dots \cdot X_n$$

Ушбу математик моделга таҳлилнинг анъанавий усуллари қўллаб амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижанинг ўзгаришини таъминловчи барча омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқса бўлади. Буни амалга ошириш учун бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботлар асосида корхона иқтисодий потенциалига кирувчи категорияларни алоҳида элементлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг таркибий тузилиши қуйидаги чизмада келтирилган (7.2 - чизма).

Шундай қилиб ушбу чизмадаги кўрсаткичлар йиғиндиси корхона иқтисодий потециали суммасининг умумий ҳажмини ифодалайди. Аммо жорий йилда уларнинг қанча қисми ишлатилганлигини, қай даражада самарадорликка эришганлигини билиш учун шу таҳлил қилинаётган даврга тўғри келадиган қисмини ҳам аниқлаш лозим. Бу фақат назарий жиҳатидан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.



7.2-Чизма. Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг таркибий тузилиши

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва асосий вазифаларидан бири таҳлил қилинаётган объект ёки категорияни тўғри ва батафсил баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва методологик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти бу кенг қамровли ва теран тушунча. Унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун албатта кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш лозим. Аммо кўрсаткичлар сонининг кўплиги ёки озлигига қараб ўрганилаётган объект ёки категорияни баҳолаш учун етарли ёки кам деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, энг аввало уларни илмий асосланган ҳолда таснифлаш лозим. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар жуда кўп белгилари билан таснифланади. Аммо биз ушбу ишда корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни фақат иқтисодий мазмуни бўйича таснифини кўриб чиқамиз. Чунки кўрсаткичларни ушбу белгиси билан таснифлаш иқтисодий хулоса чиқариш учун етарли бўлади.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

7.2. Иқтисодий салоҳиятнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Корхона иқтисодий салоҳиятини иқтисодий кўрсаткичларнинг мазмунига кўра бўлинишинининг биринчиси иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни биз қуйидаги гуруҳларга бўламиз:

1. Иқтисодий салоҳият умумий ва ўртача қиймати.
2. Иқтисодий салоҳиятнинг таркибий тузилиши.
3. Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Иқтисодий салоҳият умумий ва ўртача қиймати таҳлил даврида иқтисодий салоҳият суммасининг ўртача неча сўм эканлигини ифодалайди ва қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\underline{\text{Ис.йб} + \text{Ис.йо}}$$

2

Иқтисодий салоҳиятнинг таркибий тузилиши иқтисодий салоҳият ҳар бир моддасининг (Ис_i) умумий суммасидаги улушини аниқлайди ва қуйидаги формула билан топилади:

$$(\text{Ис}_i \times 100) / \text{Ис}$$

Иқтисодий салоҳиятнинг таркибий тузилишига қуйидаги кичик гуруҳлар киради:

- асосий аоситаларнинг иқтисодий салоҳият умумий суммасидаги улуши асосий воситаларнинг иқтисодий салоҳият умумий суммасида неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади ва унинг формуласи қуйидагича:

$$(\text{Ав} \times 100) / \text{Ис}$$

- Айланма маблағларнинг иқтисодий салоҳият умумий суммасидаги улуши айланма мабалағларнинг иқтисодий салоҳият умумий ҳажмида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди.

$$(\text{Айм} \times 100) / \text{Ис}$$

- Номоддий активларнинг иқтисодий салоҳият умумий суммасидаги улуши номоддий активларнинг иқтисодий салоҳият умумий суммасида неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади ва у қуйидаги формула билан топилади.

$$(\text{На} \times 100) / \text{Ис}$$

- Меҳнат салоҳиятининг иқтисодий салоҳият умумий суммасидаги улуши меҳнат салоҳиятининг иқтисодий салоҳият умумий суммасида неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади ва аниқланиш формуласи қуйидагича

$$(\text{Мс} \times 100) / \text{Ис}$$

Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи ҳар бир моддаси (асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар, меҳнат салоҳияти) бўйича уларнинг ҳолатини

ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тегишли моддалар билан таҳлил қилинади.

7.3. Иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмунига кўра гуруҳланишининг иккинчи гуруҳич иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1. Корхона активларининг иқтисодий салоҳият билан таъминланганлиги.
2. Меҳнат салоҳиятининг иқтисодий салоҳият билан таъминланганлиги.
3. Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.

Корхона активларининг иқтисодий салоҳият билан таъминланганлиги бир сўм корхона активлари суммасига қанча иқтисодий салоҳият суммаси тўғри келганлигини кўрсатади ва унинг формуласи қуйидагича:

Ис / Б Бу ерда Б-корхона активлари суммаси

Меҳнат салоҳиятининг иқтисодий салоҳият билан таъминланганлиги бир сўм меҳнат салоҳияти қийматига қанча иқтисодий салоҳият суммаси тўғри келганлигини ифодалайди ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

Ис / Мс Бу ерда Мс-меҳнат салоҳияти суммаси

Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи ҳар бир моддаси билан таъминланганликни ифода этадиган кўрсаткичлар тизими асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳияти кўрсаткичлари билан таъминланганлигини ифода этади.

7.4. Иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) самарадорлигини аниқлашда, самарадорликнинг мумтоз тарифидан келиб чиққан ҳолда, натижавий кўрсаткичларни иқтисодий салоҳиятининг қийматига нисбати олинади. Юқорида таъкидланганидек, корхонанинг натижавий кўрсаткичлари бирқанча кўрсаткичлар тизимидан иборатдир. Уларга иш натижасини ифодаловчи кўрсаткичлар (саноатда-ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажми, курилишда-бажарилган курилиш мантаж ишларининг ҳажми, транспортда ташилган юк ҳажми - тонна км.да, савдода - товар айланмасининг (оборотининг) ҳажми ва ҳ.к.), даромадалар, фойда каби кўрсаткичлари киради.

Иш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичларга корхонанинг ялпи натижасини ифодаловчи кўрсаткичлари киради. Даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга даромаднинг турли хиллари (ялпи даромад, солиқга тортиладиган даромад, асосий фаолият даромади, тасоддифий даромад кабилар) киради. Улардан қайси кўрсаткични танлаб олиш бевосита таҳлилнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ.

Фойда хусусида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Чунки унинг ҳам турлари кўп. Масалан, булар таркибига ялпи фойда, маржинал фойда, соф фойда, тақсимланмаган фойда, молиявий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси, тасоддифий фойда кабиларни киритиш мумкин.

Таҳлил жараёнида қайси кўрсаткичдан қай ҳолатда фойдаланиш ҳам унинг мақсад ва вазифаларига бевосита боғлиқ. Шу туфайли, биз ушбу кўрсаткичлар таҳлили учун методологик асос тариқасида корхонанинг иқтисодий салоҳияти умумий қийматининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Бу кўрсаткичлар тизими назарий ва методологик жиҳатдан биз томондан асосланган ҳамда у ўқув ва амалиётда тегишли синовдан ўтган. Бунга муаллифнинг қуйидаги ишлари мисол бўлади.

Иқтисодий салоҳият тушунчаси, унинг самарадорлигини таҳлил қилиш йўллари муаллиф раҳбарлигида тадқиқотчи

Б.И.Исроилов томонидан ҳимоя қилинди. Кўриниб турибдики, корхона иқтисодий салоҳияти, иқтисодий таҳлил фанининг муҳим объекти сифатида олимлар ва амалиётчилар ўртасида тан олмоқда ва мустақил таҳлилий кўрсаткич сифатида шу фаннинг таркибий қисмидан жой олмоқда. Зеро ушбу кўрсаткичлар ушбу фан бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурига ва бирқанча маъруза матинларига ҳам киритилган.

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) самарадорлигини ифо-даловчи кўрсаткичлар тизимига, таъкидланганидек, қуйидагилар киради.

-иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги (Иса);

-иқтисодий салоҳиятнинг даромадлиги (Исд);

-иқтисодий салоҳиятнинг фойдалилиги (рентобеллиги); (Иср)

-иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги 1 сўм иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм натижавий кўрсаткич (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти ва ҳ.к.) тўғри келишини кўрсатади ва унинг аниқланиш формуласи ўйидагича:

Q / Ис Бу ерда Q-натижавий кўрсаткич суммаси

Иқтисодий салоҳиятнинг даромадлиги 100 сўм иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм даромад тўғри келишини ифодалайди ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

(Д x 100) / Ис Бу ерда Д-даромад суммаси

Иқтисодий салоҳиятнинг фойдалилиги 100 сўм иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм фойда тўғри келишини ифодалайди ва унинг аниқланиш формуласи қуйидагича:

(Ф x 100) / Ис Бу ерда Ф-фойда суммаси.

Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар (Асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳияти) самарадорлигини ўрганишда кўрсаткичлар тизими шаклида фойдаланилади

**7-мавзу: «Корхоналар иқтисодий салоҳиятининг таҳлили»
мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

- Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили;
- Моддий ресурслар;
- Номоддий активлар;
- Асосий воситалар;
- Айланма маблағлар;
- Жорий активлар;
- Меҳнат ресурслари;
- Меҳнат ресурсининг баҳоси;
- Жорий ҳаражатлар;
- Келтирилган ҳаражатлар;
- Иқтисодий салоҳият ҳолати;
- Иқтисодий салоҳият билан таъминланганлик;
- Иқтисодий салоҳият самарадорлиги.

8-МАВЗУ: КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Режа:

1. Молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг тавсифи.
2. Молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.
3. Молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.

8.1. Молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг тавсифи

Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) деб унинг фаолиятини тўлиқ таъминлайдиган турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлар мажмуасига айтилади.

Ҳар бир жараённи, иқтисодий категория ёки тушунчани иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш учун уларни кўрсаткичларда ифодалаб олиш лозим. Шу туфайли молиявий потенциални таҳлил қилиш учун ҳам уни ифодаловчи кўрсаткичларини аниқлаб олиш лозим.

Молиявий потенциал бу анча кенг қамровли тушунча. Шу туфайли уни битта ёки бирқанча кўрсаткичлар билан ифодалаб бўлмайди. Уни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ кўрсаткичлар тизими бу бирқанча кўрсаткичлар тўплами деган гап эмас.

Кўрсаткичлар тизими деганда бир категорияга мансуб бирқанча кўрсаткичларни маълум белгилари бўйича аниқ гуруҳларга бўлинган кўрсаткичлар туркуми тушунилади.

Молиявий потенциални ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
2. Молиявий потенциал самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.


Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Аммо ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

Молиявий потенциал (Мп) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга маълум бир даврда улар қай аҳволда эканлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар киради. Унинг умумий ҳажми, таркиби тўғрисидаги маълумотларни айнан шу ҳолатини таҳлил қилиб аниқлаш мумкин. Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар молиявий потенциалнинг таркибига қараб яна икки гуруҳга бўлинади.

1. Мп. ҳолатининг ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлари.

2. Мп. ҳолатнинг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари.

Ҳар иккала гуруҳ кўрсаткичларига ҳам бир қанча кўрсаткичлар киради ва улар мажмуаси кўрсаткичлар тизимини ташкил қилади. Молиявий потенциал самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар асосан унинг қандай фойдаланаётганидан далолат беради. Бу кўрсаткичлар асосида натижа билан молиявий потенциал ўртасидаги нисбат ётади. Булар ҳам бирқанча гуруҳларга бўлинади.



**8.1-Чизма. Корхона молиявий салоҳиятини потенциалини)
ифодаловчи кўрсаткичлар.**

1. Мп. самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар
2. Мп. самарадорлигини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар
3. Мп. самарадорлигини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар

Шу учала гуруҳ кўрсаткичлар ҳам ўз навбатида бир қанча алоҳида гуруҳларни жамлайди. Шунини алоҳида таъминлаш жоизки корхоналар молиявий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳали иқтисодий адабиётларда ушбу масалага оид муаммолар ечими етарлича ёритилган эмас. Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар тизимида мунозарали ва такомиллашиши лозим бўлган кўрсаткичлар ҳам бўлиши мумкин. Шу туфайли биз ушбу бобда кўрсаткичлар тизимини тавсия тариқасида бермоқдамиз. Булар кўйидаги чизмада ўз аксини топган (8.1 - чизма).

Корхона молиявий потенциали ҳақида тўғри хулоса қилиш учун ушбу кўрсаткичлар гуруҳининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ.


2. Молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молиявий потенциалини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу шу корхона раҳбарларига ўз фаолиятини тўғри баҳолаш, молиявий аҳволини билиш имконини берса, инвесторларга ўз маблағини қўйиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил қилиш учун бирор қарорга келишига асос бўлади. Молиявий потенциал таҳлили шу фирма кредиторларга пулларини тўлаш мумкинлигини кўрсатади ва улар билан яна иқтисодий алоқаларни давом эттириш учун ишонч ҳосиял қилади. Ниҳоят ушбу кўрсаткич таҳлили аудиторларнинг тўғри хулоса чиқариши учун асосий дастак бўлиб ҳисобланади.

Шунини эътироф этиш керакки, Ўзбекистон шароитига мос корхонанинг молиявий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бу ҳақда илмий анжуманларда баъзи тавсия ва фикрлар айтилмоқда холос.

Молиявий потенциални ифодаловчи кўрсаткичларни асослашдан олдин унинг иқтисодий моҳияти ва мазмунини очишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ҳар қандай корхона, фирма, ташкилот ўз фаолиятини тегишли маблағ билан таъминлаб туриши учун маълум даражада молиявий потенциалга (салоҳиятга) эга бўлиш лозим. Корхона молиявий имкониятга эга бўлмаса ўзининг моддий техника базасини ҳам, айланма маблағларини ҳам шакллантириш имконига эга бўлмайди. Оқибатда фаолият кўрсатиши ҳам қийин бўлади. Демак, корхоналар, энг аввало, маълум даражада молиявий салоҳиятга эга бўлиши керак.

Корхонанинг молиявий салоҳияти унинг турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлари мажмуасидан иборатдир. Бу таъкидланганидек, иқтисодий моҳияти жиҳатидан, энг аввало, ўз маблағлари ҳисобидан ва четдан жалб қилинган, қисқа ва узоқ муддатли маблағлардан таркиб топади. (8.2-чизма).



8.2 - Чизма. Корхонанинг молиявий салоҳияти таркиби.

Бу кўрсаткичлар бухгалтерия балансининг пассив қисмида жойлашган бўлиб ҳар бири алоҳида гуруҳларда ва моддаларда ўз ифодасини топади.

Корхонанинг бухгалтерия баланси унинг молиявий салоҳиятининг ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун асосий хужжат-маълумотлар манбаи бўлиб ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий потенциалига, таъкидланганидек, ўзининг бухгалтерия балансида ифодаланган ўз маблағлари манбалари (Ум), узоқ муддатли пассивлар (Умп) ва ҳисоб

китоблар ва бошқа пассивлар, яъни четдан жалб қилинган қисқа муддатли пассивлар (Кмп) ва кредиторлар (Кр) киради. Буларнинг қийматини қўйидагича жамлаш мумкин.

$$Mп = Ум + Умп + Кмп + Кр$$

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун қўйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (8.1- жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корxonанинг молиявий салоҳияти ҳисобот йилида 103,8% кўпайган. Энг эътиборли ҳусусияти шундаки корxonанинг ўз маблағлари 109,4% кўпайган бир пайтда четдан жалб қилинган маблағлар эса 0.6 % га камайган (100-99.4), Бу унинг таркибий ўзгаришида ҳам ўз ифодасини топади. Таҳлил қилинаётган даврда корxonанинг ўз маблағлари 2.4% кўпайган бўлса, шу миқдорга четдан жалб қилинган маблағлар камайган.

Бу мажбуриятларнинг узок муддатли пассивлар бўйича 1,1 % банд, қисқа муддатли пассивларнинг эса 1.5% банд камайиши эвазига содир бўлган. Мажбуриятлар таркибида кредитор қарзларнинг таркиби 0.2 % бандга ошган.


Ушбу корxонадаги таркибий ҳолат таҳлили корxона молиявий салоҳиятининг ижобий томонга ўзгарганлигидан далолат бериб турибди, чунки корxonанинг ўз маблағлари қанча кўп бўлса унинг молиявий қарамлиги шунча камаяди. Шу жиҳатдан ушбу ҳолат бўйича дастлабки хулоса ижобий натижага эришганлигидан далолат беради.

Таҳлил жараёнида корxonанинг молиявий потенциални ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим. Иқтисодий моҳияти жиҳатидан корxonанинг молиявий потенциални ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар бирқанча гуруҳларга бўлинади: ўз маблағи билан боғлиқ кўрсаткичлар. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар ўз навбатида 2 гуруҳга бўлинади: қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар, узок муддатли четдан жалб қилинган маблағлар.

Ушбу чизмадан кўришиб турибдики корxonанинг молиявий потенциалининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан ўзаро узвий алоқада. Масалан, биринчи туркумга кирган баъзи кўрсаткичлар иккинчи ва учинчи туркумларга кирмоқда. Бошқа туркумдаги кўрсаткичлар биринчи туркум кўрсаткичларидан келиб чиқмоқда.

Бухгалтерия балансига асосан молиявий салоҳиятнинг таркиби ва ўзгаришини аниқлаш ҳисоб - китоби

№	Балансинг пассив моддалари	Давр бошида		Давр охирида		Фарқи (+,-)		Ўзгариш суръати, %
		сўммаси, минг сўм	Таркиби, %	сўммаси, минг сўм	Таркиби, %	сўммаси, минг сўм	Таркиби, %	
1.	Ўз маблағлари	4115	44,0	4500	46,5	+ 385	+ 2,4	109,4
2.	Четдан жалб қилинган маблағлар (капитал)	5230	56,0	5200	53,6	- 30	- 2,4	99,4
2.1.	Узоқ муддатли мажбуриятлар	2700	28,9	2700	27,8	-	- 1,1	100,0
2.2.	Кредитор қарзлар	940	10,1	1000	10,3	+ 60	+ 0,2	106,2
	Корхона молиявий салоҳияти барча пассивлар	9345	100,0	9700	100,0	+ 355	x	103,8



**8.3. - Чизма. Корхона молиявий салоҳияти
(потенциали) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар
tizими (системаси)**

8.3. Молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) самарадорлигининг таҳлили келтирилган кўрсаткичлар бўйича қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- * самарадорликни ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларнинг ўтган ва ҳисобот йилидаги миқдори аниқланади;
- * шу кўрсаткичлар бир-бири билан солиштирилиб уларнинг фарқи ҳисобланади;
- * ўзгариш суръатлари аниқланади;
- * ҳамма ҳисоб-китоблар натижасида жадвал тузилади;
- * жадвалга асосан тегишли хулоса қилинади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики натижавий кўрсаткичларнинг деярли ҳаммаси сезиларли даражада ўсган. Масалан, сотилган маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 124,2 % ни ташкил қилган бўлса, даромадларнинг ўсиш суръати 139,3 % ни, фойда сўммасининг ўсиш суръати 134,8 % ни ташкил қилган. Аммо шу даврда молиявий потенциалнинг ўртача йиллик қиймати ва унинг таркибига кирувчи алоҳида элементлари жуда секинлик билан ўзгарган. Масалан, молиявий потенциал умумий ҳажмининг ўсиш суръати 102,9 % ни ташкил қилган бир пайтда, корхонанинг ўз маблағлари атига 100,8 % га ўзгарган. Таҳлил қилинаётган даврда четдан жалб қилинган маблағларнинг ўзгариш суръати нисбатан юқори ва унинг миқдори 104,6 % ни ташкил қилади.

Ушбу таҳлили ишларни амалга ошириш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (8.2 - жадвал).

8.2. - Ж а д в а л

**Корхона молиявий салоҳияти (потенциали)
самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни
аниқлаш ҳисоб-китоби**

минг сўм

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилда	Фарқи (+,-)	Ўзгариш сурати, %
1.	Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2.	Даромадлар, минг сўм	511,0	711,7	+200,7	139,3
3.	Фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
4.	Молиявий потенциалнинг (Мп) ўртача қиймати, минг сўм	9256,8	9522,5	+265,7	102,9
5.	Ўз маблағларининг ўртача қиймати (Ўм), минг сўм	4272,1	4307,5	+35,4	100,8
6.	Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати, минг сўм (Чжкм)	4984,7	5215,0	+230,3	104,6
7.	Мп. натижавийлиги, тийин	49,5	59,8	+10,3	120,8
8.	Мп. даромадлиги, тийин	5,52	7,47	+1,95	135,3
9.	Мп. фойдалилиги, %	3,98	5,21	+1,23	130,9
10	Ум. натижавийлиги, сўм	1,07	1,32	+0,25	123,4
11	Ўм. даромадлиги, тийин	12,0	16,5	+4,5	137,5
12	Ўм. фойдалилиги, %	8,61	11,52	+2,91	133,8
13	Чжкм. натижавийлиги, тийин	91,9	109,19	+17,23	118,8
14	Чжкм. даромадлиги, тийин	10,3	13,6	+3,3	132,0
15	Чжкм. фойдалилиги, %	7,38	9,51	+2,13	128,9

Агар молиявий потенциалнинг таркибий ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак бунда қуйидаги ҳолат кўзга ташланади (8.3 - жадвал).

Ҳақиқатда таҳлил қилинаётган даврда четдан жалб қилинаётган маблағларнинг умумий Мп.даги улуши 1,0 % га ошган. Шунга мос равишда ўз маблағларининг улуши 1,0 % камайган.

8.3. - Ж а д в а л

Корхона молиявий салоҳияти (потенциали) таркибининг ўзгариши

№	Кўрсаткичлар	Таркиби		Фарқи, (+,-)
		Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	
1.	Ўз маблағларининг ўртача йиллик миқдорининг улуши, %	46,2	45,2	-1,0
2.	Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик миқдорининг улуши, %	53,8	54,8	+1,0
3.	Жами Мп. ҳажми, %	100,0	100,0	-

Бу ҳолат Мп. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларда ўз аксини топган. Масалан, Мп. умумий миқдорининг натижавийлиги, яъни унинг 1 сўмга тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми ҳисобот даврида 54,8 тийинни ташкил қилган бир пайтда ўтган йили унинг миқдори 49,5 тийинга тенг эди. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 120,8 % ни ташкил қилади. Аммо ўз маблағларининг натижавийлиги 123,4 % ни ташкил қилган бир пайтда четдан жалб қилинган маблағларнинг натижавийлиги 118,8 % га тенг. Кўриниб турибдики, жалб қилинган маблағларнинг самарадорлигига нисбатан анча юқори.

Мп. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири уларнинг даромадлигидир. Таҳлил қилинаётган объектда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 135,3 % ни ташкил қилади. Аммо ўз маблағларининг даромадлиги бундан юқори, яъни 137,5 ни ташкил қилса, четдан жалб қилинган маблағларнинг даромадлиги 132,0 % га тенг. Ушбу кўрсаткич даромадлигининг ўсиш суръати ўз маблағлари даромадлигининг ўсиш суръатига нисбатан 5,5 бандга (137,5 - 132,0) кам эканлигини кўрамыз. Худди шундай ҳолатни Мп. фойдалилигини таҳлил қилганда ҳам кузатиш мумкин.

Мп. фойдалилигининг ўсиш суръати, таҳлил қилинаётган даврда 130,9 % ни ташкил қилган бир пайтда, ўз маблағлари фойдалилик даражасининг ўсиш суръати 133,8 % ни ташкил қилади, яъни 2,9 банд (133,8- 130,9) унга нисбатан ортиқ. Лекин четдан жалб қилинган маблағларнинг фойдалилик даражасидаги ўзгариш суръати 128,9 % ни ташкил қилади.

Мп. самарадорлигининг таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинаётган объектда ўз

маблағларининг самарадорлиги четдан жалб қилинган маблағлар ва Мп. умумий ҳажмининг самарадорлигига нисбатан ҳам юқори экан. Аммо бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунга бир қанча омиллар таъсир қилган бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таҳлилни кўрсаткичларнинг фарқини ва ўзгариш суръатини аниқлаб, шулар орқали хулоса қилиб қўйиш ҳали унинг тугалланганлигидан далолат бермайди. Таҳлил тўлиқ қилинган ҳисобланади қачонки, натижа кўрсаткичлари миқдорининг ўзгаришларига таъсир қилувчи омилларни, унинг сабабларини тўлиқ аниқласагина, шунга асосан тегишли хулосалар чиқарилиб, камчиликларни тугатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилсагина. Шундай экан албатта Мп. самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳам аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш лозимдир. Бу анча катта ва кенг қамровли иш. Шу туфайли методологик асос сифатида Мп. самарадорлигини ифодаловчи 9 та кўрсаткичнинг 1 таси мисолида омилли таҳлилнинг ўтказиш йўлини кўрсатиб берилади. Чунки қолган кўрсаткичларнинг ҳам омилли таҳлилинини шу тариқа ўтказиш мумкин. Бунда умумий усул сақланиб қолиши мумкин, аммо баъзи таъсир этувчи омиллар ва уларнинг сони ўзгаради. Бу ўз навбатида таҳлилнинг вазифаси ва мақсадидан келиб чиқади.

Молиявий потенциал самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун таҳлилнинг бир қанча усулларидан, айниқса анъанавий усулларидан фойдаланиладилар. Бу усулларнинг қайси бирини олиш натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликка, омиллар сонига боғлиқ. Масалан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланса ва омиллар таъсири иккита бўлса қайта ҳисоблаш ёки фарқли усулдан фойдаланиш қўлай. Агар шундай боғлиқлик бўлиб омиллар таъсири 3 та ва ундан кўп бўлса занжирли алмаштириш ёки индекс усулларидан фойдаланиш маъқул ва ҳ.к.

8-мавзу: «Қорхоналар молиявий салоҳияти таҳлили» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Қорхонанинг молиявий салоҳияти;
- Молиявий салоҳият манбалари;
- Ўз маблағлари;
- Четдан жалб қилинган маблағлар;

- Қўйилган капитал;
- Тўпланган капитал;
- Қисқа муддатли мажбуриятлар;
- Узоқ муддатли мажбуриятлар;
- Молиявий салоҳият таркиби;
- Молиявий салоҳият ҳолати;
- Молиявий салоҳият самарадорлиги.

9-мавзу: КОРХОНАНИНГ ЛИКВИДЛИГИ ВА ТЎЛОВГА ҚОДИРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Корхоналарнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таҳлил қилишнинг зарурияти ва вазифалари.
2. Корхона маблағларининг ликвидлиги ва мажбурият-ларнинг тўлаш муддати бўйича гуруҳланиши.
3. Корхоналарнинг ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.
4. Корхонанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.

9.1. Корхоналарнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таҳлил қилишнинг зарурияти ва вазифалари

Маълумки, баланс активдаги маблағлар нақт пулга айланса, баланс пассивидаги мажбуриятларни қайтариш мумкин. Баланс ликвидлиги - баланснинг актив томонидаги бир даврга бориб, нақт пулга айланадиган маблағлар билан шу даврда қайтариладиган мажбуриятларни солиштириш демакдир.

Демак, баланс ликвидлиги корхонанинг бошқа корхона ва ташкилотлар билан иқтисодий алоқалар даражасини кўрсатади. Баланс ликвидлиги молиявий мустаҳкамлик сингари, корхоналар молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари собитқадамлик билан ривожланиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти кўп укладли эркин рақобатга асосланган, айирбошлаш эса талаб ва таклиф асосида содир бўладиган иқтисодиётдир. Ўзбекистонда бозор

иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирга босқичининг устувор йўналиши иқтисодиётни эркинлаштиришдир. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек ҳозирги ўз олдимизга қўйган мақсадни хусусий мулк етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этишдир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ҳамда хусусий мулк шаклидаги корхоналар кундан-кунга кўпайиб бормокда.

Халқ хўжалик тармоқларига тегишли корхоналарда жуда катта миқдордаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари тўпланган. Хўжалик юритувчи субъектлар бу ресурслардан самаралаи фойдаланиб, фаолият натижаларини даромад (фойда) билан яқунлашса, рақобатда ютиб чиқадилар. Бундай корхоналарнинг молиявий ҳолати яхши бўлиб, қарзларни тўлашга лаёқатли бўладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир корхона мавжуд ресурсларидан қандай фойдаланаётган-ликларини, фаолият натижаларини доимий равишда таҳлил қилиш лозим. Корхоналар фаолиятини бизнес режа тузишдан бошлайдилар. Бизнес режани тузишдан авал, улар мавжуд иқтисодий потенциалини тўлиқ таҳлил қилиб, нималарни бажаришларини, қандай омиллар таъсир қилишини ва натижаси қандай бўлишини билишлари лозим. Демак таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири хўжалик фаолиятини тўғри режалаштириш учун керакли хулосалар беришдир. Корхоналар фаолият давомида мавжуд моддий молиявий ва меҳнатресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини доимий равишда таҳлил қилиб бориш зарур. Корхоналар ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг таннархини таҳлил қилиб, унинг сифатига таъсир қилмайдиган унумсиз ҳаражатларни камайтириш чораларини кўриш лозим.

Корхонанинг молиявий ҳолати ва тўлов қобилияти фақат ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, бошқа фаолият натижаларига ҳамда маблағларнинг тўғри жойлаштирилишига ҳам боғлиқ. Бозор муносабатлари корхоналарга қонунга зид бўлмаган барча фаолият турлари билан шуғулланишга имконият яратиб берди.

Айниқса, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар таъсисчилар сифатида иштирок этиш, акция ва шу каби қимматбаҳо қоғозларга инвестиция қилиш ёки қимматбаҳо қоғозлар олди-сотди операцияларда қатнашиш корхоналарга даромад келтириши мумкин. Демак, корхоналарда молиявий

фаолият билан боғлиқ ҳаражатлар ва даромадлар таҳлил вазифаларидандир.

Корхонанинг мавжуд маблағлари тўғри жойлаштирилиши, ўз сармоясидан рационал фойдаланиб, банк кредитлари ва бошқалардан қарзни жуда зарур пайтдагина олишлари лозим. Шунинг учун ҳам кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир бўлимида мавжуд бўлган маблағлар тўғри тақсимланиши лозим. Меъёридан ортиқча бўлган хом ашё, материаллар заҳирасини ташкил қилиш ҳам, маблағларнинг райионал айланишига салбий таъсир кўрсатади. Банк кредитини ёки бошқалардан қарзни заруриятдан кўпроқ олиш, улардан самарали фойдаланмаслик ҳам корхоналарнинг молиявий ҳолатига, тўлов қобилиятига салбий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг ўз маблағларидан самарали фойдаланиши ҳамда маблағларнинг тўғри жойланиши ҳам иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидандир.

9.2. Корхона маблағларининг ликвидлиги ва мажбуриятларнинг тўлаш муддати бўйича гуруҳланиши

Корхонадаги мавжуд маблағлар қарз мажбуриятларини тўлашга йўналтирилганди, бу маблағларнинг пул маблағларига айланувчанлиги ҳар хилдир. Пул маблағлари тўлов воситаси сифатида қарзни дарҳол зудлик билан тўлашни таъминлайди. Лекин корхонада мавжуд товар-моддий бойлик заҳираларини, асосий воситаларни аввал сотиб, кейинчалик қарзни тўлашга йўналтириш мумкин. Шунинг учун ҳам корхонанинг маълум даврга бўлган маблағлари ликвидлик даражасига қараб тўрт гуруҳга бўлинади. Булар қуйидагилар:

1. Жуда тез ликвидланадиган маблағлар. Бундай маблағлар кассадаги ва банкдаги пул маблағлари, қисқа муддатли кўйилмалар киради.
2. Тез ликвид бўладиган маблағлар. Бундай маблағларга ҳисоблашишлар бўйича турли дебиторлардаги (харидлар, таъсисчилар ва шу кабилар) маблағлар киради.
3. Секин ликвид бўладиган маблағлар. Бу гуруҳга проф. И.Т.Абдукаримов баланс актив қисмидаги ишлаб

чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар, товарлар келгуси давр сарфлари ҳамда биринчи бўлимдан узоқ муддатли молиявий кўйилмалар ва қарзларни киритган. Лекин доц. М.Қ.Пардаев эса секин ликвид бўладиган маблағлар олти ойдан бир йилгача реализация бўладиган маблағлар деб, фақат заҳиралар ва ҳаражатлар, ҳамда бошқа моддий айланма маблағларни киритган. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, узоқ муддатли қарзлар ва молиявий кўйилмалар ҳам ҳар хил бўлади. Айрим қарзларнинг қайтариш муддати яқин бўлиши (узоқ муддатли қарз бўлса ҳам, кўп муддати ўтиб, тўлаш муддати яқинлашган), молиявий кўйилмалар ҳолати ҳам турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай муддати яқинлашган қарзларни ва яхши иқтисодий кўрсаткичга эришган корхоналарга молиявий кўйилмаларни бу гуруҳ маблағларига қўшиш мумкин. Бундай гуруҳлаб таҳлил қилиш фақат конкрет хўжалик юритувчи субъектни таҳлил қилганда амалга ошириш мумкин.

4. Қийин ликвид бўладиган маблағлар. Бу гуруҳга асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал кўйилмалар ўрнатиладиган усуқуналар киради. Проф. И.Т.Абдукаримов бу гуруҳга муддати ўтган дебитор қарзларни ҳам киритган. Албатта бунда конкрет ҳолатдан келиб чиқиш керак деб ўйлаймиз. Агарда муддати ўтиб кетган қарз бўлиб, қарздорнинг тўлаш қобилияти бўлмаса, бунда маблағларнинг ушбу гуруҳга киритиш маъқул.

Корхона баланси пассив қисмининг иккинчи бўлими «мажбуриятлар» дейилади. Бунда корхонанинг: мол етказиб берувчилардан, харидорлардан давлат бюджетига солиқлардан, ходимларга меҳнат ҳақидан қисқа вақт узоқ муддатли банк кредитларидан, ҳамда бошқа кредиторлардан мавжуд қарзлари кўрсатилади. Тушунарлики, корхонанинг бу қарзларни тўлаш муддати ҳам ҳар хил. Шунинг учун корхона пассивларни ҳам тўлов муддатига қараб гуруҳларга бўлиш мумкин. Корхона пассивлари ҳам тўлов муддатига қараб тўрт гуруҳга бўлинади. Булар қуйидагилар:

1. Жуда тез муддатларда тўланадиган мажбуриятлар. Бу гуруҳга меҳнат хақи, солиқлар, ижтимоий суғурта ва бошқа муддати келган қарзлар, ҳамда муддатида тўланмаган қарзлар киради.
2. Қисқа муддатли пассивлар. Бу мажбуриятларга қисқа муддатга олинган банк кредитлари ва қарзлар, ҳамда қисқа муддатга бошқа кредиторлардан олинган қарзлар киради.
3. Узоқ муддатли пассивлар - бу гуруҳга узоқ муддатга олинган банк кредитлари ва қарзлар киради. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар қандай узоқ муддатли мажбуриятларнинг вақт ўтиши билан тўлаш муддати келади. Шунинг учун конкрет корхона фаолиятини таҳлил қилганда, муддати келган узоқ муддатли қарзларни тез тўланадиган ёки қисқа муддатли пассивлар гуруҳга қўшган маъкул.
4. Доимий пассивлар - бу гуруҳга баланс пассив қисмининг биринчи бўлими «ўзлик маблағларининг манбалари» киритилади. Чунки корхонанинг устав, қўшилган ва резерв капиталлари фақат корхона фаолияти тугатилгандагина йўқ бўлиши мумкин. Мақсадли тушумлар келгуси давр даромадлари, фойда бундай манбаларга тенглаштирилади.

Корхона ликвидлиги деганда, уларнинг қарз мажбуриятларини тўлаш учун маблағларнинг мавжудлиги тушунилади. Корхона ликвидлигини бир қанча кўрсаткичлар ифодалаш мумкин. Уларнинг асосийлари: қоплаш коэффиценти, тез ликвидлилик коэффиценти, мутлоқ ликвидлилик коэффиценти, ишлатилаётган сармойанинг ҳаракатчанлик коэффиценти ва шу каби кўрсаткичлардир.

Бу кўрсаткичлар корхона баланси маълумотлари асосида ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айрим адабиётларда уларни корхона баланси ликвидлиги кўрсаткичлари ҳам деб аташади.

9.3. Корхона ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили

Корхонанинг ликвидлигини ифодаловчи қоплаш коэффиценти, тез ликвидлилик коэффиценти, мутлоқ ликвидлилик коэффиценти каби кўрсаткичлар ифодалайди.

Мутлоқ ликвидлик коэффиценти (Млк) корхоналарга тегишли пулмаблағларининг (кассадаги ва банкдаги) жорий мажбуриятларга нисбати билан ҳисобланади. Мутлоқ ликвидлик коэффиценти корхонанинг жорий мажбуриятларини дарҳол қоплаш қобилиятини кўрсатади.

$$\text{Млк} = \text{Пул маблағлари} / \text{жорий мажбуриятлар}$$

Бу ерда корхонанинг пул маблағлари деганда кассадаги, банкдаги ҳисоб-китоб ва валюта счётидаги, йўлдаги маблағлари ҳисобланади. Проф И.Т. Абдукаримов корхоналарнинг мутлоқ ликвидлик коэффицентини 0,2 ва ундан юқори бўлган ҳолатда нормал деб ҳисоблайди.

Тез ликвидлик коэффиценти (Тлк). Бу коэффицент корхона жорий мажбуриятларини ўз пул маблағлари ва дебитор қарзлар билан яъни тез ликвид бўладиган активлар билан таъминлашини билдиради ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Тлк} = (\text{пул маблағлари} + \text{дебитор қарзлар}) / \text{жорий мажбуриятлар}$$

Қоплаш коэффиценти (Қк) Жорий мажбуриятларнинг айланма маблағлар билан қопланганлигини (таъминланганлигини) билдиради. Қоплаш коэффиценти баланс бўйича актив томон II - «Жорий активлар» бўлимининг жами суммасини жорий мажбуриятларга бўлиб топилади.

$$\text{Қк} = \text{Жорий активлар} / \text{жорий мажбуриятлар}$$

Ишлатилаётган маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффиценти (Имхк) Товар материал захираларидаги маблағлар суммасининг ўз айланма маблағлар нисбати билан аниқланади. Бунда ўз айланма маблағларини аниқлашда муддати ўтган дебитор қарзларни чиқариб ташлаш лозим. Маълумки товар моддий материаллар қолдиғи бухгалтерия баланси актив қисми II - «Жорий активлар» бўлимида кўрсатилади. Бу бўлимда ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари, тайёр маҳсулотлар, товарлар киради.

Корхоналар ўз айланма маблағлари эса ҳисоблаш билан аниқланади. Бунда баланс пассив қисмининг биринчи «ўзлик

маблағларининг манбалари» бўлимида корхоналарнинг жами ўз маблағлари манбаи кўрсатилади. Бу бўлимнинг жами суммасидан, баланс актив биринчи «Узоқ муддатли активлар» бўлими жами суммасини айириб ташлаш лозим бўлади. Чунки асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар асосан корхоналарнинг ўз маблағларидан ташкил қилинган бўлади. Демак, ишлатилаётган маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффиценти корхоналар ўз маблағларининг қанчалик қисмини товар-моддий захираларга сарфланганлигини англатади. Иқтисодчи олимларнинг фикрича бу коэффицент 0,5 дан ошмаслиги лозим. Агарда бундан юқори бўлса, корхоналар ўз маблағларининг жуда катта қисмини захираларга сарфлаган бўлади. Умуман корхоналарда товар-материал захиралари ишлаб чиқариш тўхтовсиз давом этиш учун меъёрий миқдорда бўлиши лозим.

Умумий сармоянинг ҳаракатчанлик коэффиценти (Усхк) Бу кўрсаткич жорий активларнинг корхона маблағлари умумий суммасига нисбати билан Аниқланади ва корхона барча сармоясининг қанча қисми айланма маблағларда эканлигини билдиради.

$$\text{Усхк} = \text{Айланма маблағлар} / \text{баланс жами суммаси}$$

Маълумки, асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар корхоналарда узоқ йиллар фойдаланилиши лозим. Корхоналар товар моддий бойликларини эса (баланс актив қисми II - «жорий активлар» бўлими) тезда айлантириб: хом ашё, материаллардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, уларни эса тезроқ сотиб самарали фойдаланиш керак. Демак, жорий активлар ҳар доим фаолият ҳаракатида қатнашиши керак. Проф ИТАбдукаримовнинг таъкидлашича ушбу кўрсаткич 0,6 дан юқори бўлганида нормал ҳисобланади. Лекин бу коэффицент кўпинча корхоналарнинг халқ хўжалиги қайси тармоғига қарашли эканлигига кўпроқ боғлиқ. Автотранспорт, электроэнергетика корхоналарида албатта айланма маблағлар салмоғикамроқ бўлади.

9.4. Корхоналарда тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Корхоналар фаолиятини таҳлил қилганда уларнинг мажбуриятларни қайтаришга яъни қарзларни тўлашга қодирлигини тўлов қобилияти таҳлил қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Тўлов қобилияти деганда корхонанинг қарз мажбуриятларини ўз муддатида тўлиқ ва тўлиқ ҳажмда қайтариш даражаси тушинилади.

Корхоналар қарз мажбуриятларини тўлаш муддати бўйича ҳам хар хилдир. Дарҳол тез муддатда қайтарилиши керак бўлган қарз мажбуриятларига бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқлар, ижтимоий суғурта ва бошқа жамғармаларга ажратмалар, ходимларга меҳнат ҳақи бўйича қарзлар ва шу кабилар киради. Шунинг учун ҳам таҳлилда аввало, тез муддатда тўланадиган мажбуриятларнинг тўлов коэффицентини (Мтмтк) аниқлаш лозим. Бу коэффицент жуда тез ликвидланадиган активларнинг тез муддатда тўланадиган мажбуриятларга нисбати билан аниқланади.

Мтмтк= $\frac{\text{Пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий кўйилмалар}}{\text{Тез муддатда қайтариладиган мажбуриятлар}}$

Корхоналарнинг қисқа муддатли пасивларни тўлаш коэффицентини (Қмпк) аниқлашимиз лозим. Бу кўрсаткич тез ликвид бўладиган маблағларнинг қисқа муддатлаи пасивларга нисбати билан аниқланади. Маълумки, тез ликвид бўладиган маблағларга ҳисоблашишлар бўйича дебитор қарздаги маблағлар ҳам киради. Қисқа муддатли пасивларга банк кредитлари ва бошқа қисқа муддатли қарзлар киради. Улар баланс пасив қисми II - «Мажбуриятлар» бўлимида кўрсатилади. Бу кўрсаткични қуйидаги кўринишда аниқлаймиз:

Қмпк = $\frac{\text{Ҳисоблашишлар бўйича дебиторлар}}{\text{Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар}}$

Узоқ муддатли пасивлар тўлов коэффицентини (Умптк). Бу кўрсаткич секин ликвид бўладиган маблағларнинг узоқ муддатли пасивларга нисбати билан аниқланади. Маълумки секин ликвид бўладиган маблағларга ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё, материаллар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр

махсулотлар, товарлар каби баланс актив қисми II - «Жорий активлар» бўлимида кўрсатиладиган маблағлар киради. Узоқ муддатли пассивларга эса узоқ муддатга олинган банк кредитлари ва узоқ муддатли қарзлар киради. Улар баланс пассиви II - «Мажбуриятлар» бўлимида кўрсатилади. Демак, бу кўрсаткични қуйидагича аниқлашимиз мумкин:

$$\text{Умпк} = \frac{\text{Секин ликвид бўладиган маблағлар}}{\text{Узоқ муддатли пассивлар}}$$

Корхоналарнинг тўловга қобилиятлигини аниқлаш умумлаштирувчи кўрсаткич билан ҳам аниқлаб, таҳлилни давом эттириш лозим. Бу тўловга қобилиятлилик умумлашган коэффицентини Корхоналарнинг барча айланма маблағларини жорий мажбуриятларга бўлиб топса бўлади. Бунда корхоналарнинг мавжуд айланма маблағлари баланс актив қисми II - «Жорий активлар» бўлимида кўрсатилади. Корхоналарнинг жорий мажбуриятлари баланс пассиви II - «Мажбуриятлар» бўлимида кўрсатилади. Демак, корхоналарнинг тўловга қобилиятлилик умумий коэффиценти (Тқук) айланма маблағларнинг жорий мажбуриятларга нисбати билан аниқланади.

$$\text{Тқук} = (\text{айланма маблағлар}) / (\text{жорий мажбуриятлар})$$

Корхоналарда молиявий аҳволни, тўлов қобилиятини яхшилаш чора-тадбирларининг асосийлари қуйидагилар:

- дебиторлик қарзларни тезроқ ундириш ва унинг миқдорини минимум даражада камайтириш;
- ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш, маркетинг фаолиятини жонлатириб, тайёр маҳсулотларни сотишни тезлаштириш.

Хорижий мамлакатларда баланс ликвидлиги таҳлил этилганда корхонанинг бутун мажбуриятлари ва ҳам узоқ, ҳам қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича ҳисоб-китоб олиб борилади. Бизнинг иқтисодий адабиётимизда, услубий кўрсатмаларда баланс ликвидлигини таҳлил қилишда фақат қисқа муддатга олинган қарзлар инобатга олинади. Ташқаридан олинган қарзларнинг ҳаммасини - узоқ ва қисқа муддатга

олинган қарзларни қайтариб бериш керак бўлгандан кейин, баланс ликвидлиги бизнинг шароитимизда ҳам таҳлил этилганди, қисқа муддатга олинган қарзлар билан чегараланмасдан, узоқ муддатга олинган қарзлар эътиборга олинса корхоналар балансининг ликвидлиги тўлиқроқ баҳоланар эди.

**9-мавзу: «Корхонанинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти таҳлили» мавзуси бўйича
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

- Корхона ликвидлиги;
- Баланс ликвидлиги;
- Жуда тез ликвидланадиган маблағлар;
- Секин ликвид бўладиган маблағлар;
- Қийин ликвид бўладиган маблағлар;
- Жуда тез муддатларда тўланадиган мажбуриятлар;
- Қисқа муддатли пассивлар;
- Узоқ муддатли пассивлар;
- Доимий пассивлар;
- Мутлоқ ликвидлик коэффициенти;
- Тез ликвидлик коэффициенти;
- Қоплаш коэффициенти;
- Ишлатилаётган маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти;
- Корхоналар тўлов қобилияти;
- Корхоналар тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар.

10-мавзу: КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг тавсифи.
2. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари.
3. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари.

1. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таснифи

Корхоналар молиявий ҳолатини умумий баҳолашдан кейинги молиявий таҳлил босқичи бўлиб, корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлиги (барқарорлиги) таҳлили ҳисобланади. Молиявий мустаҳкамликни таҳлил этишдан олдин молиявий мустаҳкамликнинг мазмуни тўғрисида келишиб олишимиз лозим.

Иқтисодий адабиётларнинг кўпчилигида молиявий мустаҳкамликка (барқарорликка) ва баланс ликвидлигига бир хил таъриф беришади ва аниқланаётган кўрсаткични ёки молиявий мустаҳкамлик ёки баланс ликвидлиги, яъни корхоналарнинг олинган қарзларни қайтариб бериш қобилиятига эгалик деб тушунилади. Молиявий мустаҳкамлик ва баланс ликвидлиги – бу ўз мазмунига эга бўлган икки хил молиявий кўрсаткичлар бўлиб, корхоналар молиявий фаолиятини ҳар хил нуқтаи назардан ифодалайди. *Бу ҳақда республикамизнинг энг йирик иқтисодчи олимларидан бири ҳурматли устозимиз Э.Ақромовнинг «Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили» деб номланган ўқув қўлланмасида шундай дейилади:*

Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи комплекс сифатидаги кўрсаткич бўлиб, у:

- Корхоналарнинг мураккаб бозор муносабатлари даврида ишлаб чиқаришни сақланиб қолиш имкониятини;
- Корхона маблағларидан эркин равишда фойдаланиш имконияти борлигини;

- Ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан, маҳсулот сотиш имконияти борлигини;
- Корхоналар фаолиятининг умумий мустаҳкамлилигини;
- Корхоналар фаолиятига тўғри бошқарувлик қилинаётганлигини;
- Корхоналарда мавжуд молиявий ресурсларни бозор муносабатларининг талабларига жавоб беришлигини;
- Корхоналарнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжларини қопловчи манбалар борлиги даражасини кўрсатади.

Демак, молиявий мустаҳкамлик корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлигига корхоналарнинг бутун хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма йўналишлари таъсир кўрсатади. Унга ҳам ички, ҳам ташқи омиллар, шарт-шароитлар таъсир этади.

Ички омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- Корхонада ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги;
- Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- Ишлаб чиқаришни бошқариш;
- Корхона устав жамғармасининг ҳажми;
- Корхона харажатлари ва даромадларининг нисбати;
- ўзлик маблағларининг манбалари ва корхона мажбуриятларининг нисбати;
- корхона айланма маблағлари таркиби.

Корхоналар ўз фаолияти давомида бошқа хўжалик субъектлари билан иқтисодий алоқаларда бўлар экан, *корхоналар молиявий барқарорлигига ташқи омиллар ҳам таъсир этади.. Бундай омиллар таркибига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:*

- корхонанинг товарлар бозоридаги ҳолати;
- корхонанинг экспорт ва импорт алоқалари;
- корхонанинг бошқа корхоналар билан ишга доир алоқаларда активлиги;
- банк органлари, дебитор ва кредитор корхоналар билан алоқалар;

- республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат, солиқ, нарх-наво ва молия, банк сиёсати, техника, технология сиёсати.

Шундай қилиб молиявий мустаҳкамликка корхона ичидаги ва ундан ташқаридаги вазият, омиллар, шарт-шароитлар таъсир кўрсатар экан, бундан кўринадики, молиявий мустаҳкамликнинг даражаси корхоналарнинг ҳозирги ва келгусидаги фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Хўш, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб сиз талабалар олдига шундай муаммоли саволни қўймоқчимиз. *Корхонанинг молиявий мустаҳкамлик (барқарорлик) кўрсаткичларининг даражасига биноан корхонадаги қандай муаммоларни ечиш мумкин бўлади?* Бу саволга сиз талабаларнинг муносабатингиз қандай.

Демак, молиявий мустаҳкамлик бир қанча омиллар, шарт-шароитлар таъсирининг якуни бўлиб, у ўз навбатида корхона фаолиятининг кўп томонларига таъсирини кўрсатар экан. *Молиявий мустаҳкамлик таҳлилини бошламасдан олдин яна бир муаммони ҳал қилиб олсак. Бу молиявий мустаҳкамлик атамасининг мазмуни ҳақидаги муаммодир. Ушбу муаммоли саволни ечиш мақсадида қуйида иқтисодчи олимларнинг фикрлари билан танишиб чиқсак.*

Молиявий мустаҳкамликнинг мазмуни шундан иборатки, молиявий мустаҳкамликни ўлчаш, баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимини чегаралаб олиш лозим.

Молиявий мустаҳкамлик албатта, нисбий кўрсаткичлар, заҳиралар ва харажатлар ҳамда уларни қопловчи манбалар нисбати билан аниқланиши лозим. Заҳира ва харажатлар билан уларни қопловчи манбалар ўртасидаги абсолют фарқ эса – молиявий мустаҳкамликни кўрсатмайди. Улардан фақат молиявий мустаҳкамликни аниқлаш учун ахборот базаси сифатида фойдаланилади. Шундай қилиб, иқтисодий адабиётларда молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишда энг асосий муаммо, унинг иқтисодий мазмуни бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида келишувчанлик ҳали мавжуд эмас экан.

2. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари

Бозор шароитида молиявий барқарорлик ва тўловга қобилиятлилик корхонанинг муҳим иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади. Молиявий барқарорлик балансдаги маълумотлар асосида ўрганилади. Ундаги кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаб, маблағлар ўртасидаги нисбат ва ўзаро боғланиш аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлигини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлар қуйидагилардан иборатдир:

1. *Жами маблағдаги корхонанинг ўзига қарашли маблағ улушини қанчалигини ҳисоблашдир ёки бу қуйидаги тартибда топилади:*

$$(A) \frac{\text{корхонанинг ўзига қарашли маблағ}}{\text{жами маблағ (баланс жами)}}$$

Бунда ўзига қарашли маблағ қанчалик кўп бўлса, шунчалик молиявий барқарорлик юқори бўлади.

2. *Корхонадаги ўзига қарашли маблағ билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат ёки бу қуйидаги тартибда топилади:*

$$(B) \frac{\text{қарзга олинган маблағ}}{\text{ўзига қарашли маблағ}}$$

Ўзига қарашли маблағ улуши ортган сари молиявий барқарорлик кучая боради.

3. *Узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффициенти, яъни узоқ муддатли қарз маблағларини корхонанинг ўзига қарашли ва қарз маблағлар суммасининг йиғиндисига бўлинади ёки бу қуйидаги тартибда аниқланади:*

$$(B) \frac{\text{узоқ муддатга олинган қарз маблағ}}{\text{корхонанинг ўзига+узоқ муддатга олинган қарашли маблағ} \quad \text{қарз маблағ}}$$

4. Корхонанинг ўзига қарашли маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик коэффиценти ёки бу қуйидагича топилади:

$$(B) \frac{\text{ўзига қарашли айланма маблағ}}{\text{ўзига қарашли жами маблағ}}$$

5. Эскиришининг жамланиш коэффиценти ёки бу қуйидагича топилади:

$$(D) \frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш суммаси}}{\text{асосий воситалар} + \text{номатериал актив}}$$

Бу кўрсаткич баланс маълумотлари бўйича топилади:

6. Корхона мулки таркибидаги асосий воситаларнинг аниқ қиймати коэффиценти, бу кўрсаткич баланс маълумотлари асосида ҳисобланади ва қуйидагича топилади:

$$(E) \frac{\text{асосий воситалар (қолдиқ баҳода)}}{\text{жами соф мулк}}$$

7. Корхонадаги жами мулкнинг ҳаракатчанлиги (чаққонлик) коэффиценти, буни ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

$$(K) \frac{\text{айланма маблағлар (захира ва пул маблағлари)}}{\text{жами мулк (баланс жами)}}$$

3. Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва унинг аҳволини баҳолашга ёрдам беради.

Молиявий коэффицентлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
1	2	3	4=3-2
1. Молиявий мустақиллик коэффиценти	0,641	0,817	+0,176
2. Тўлов қобилияти коэффиценти	2,061	4,223	+2,162
3. Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффиценти	0,560	0,223	-0,337
4. Заҳира ва харажатларни ўз манбалари билан қопланганлик коэффиценти	0,978	1,372	+0,394
5. Маблағларнинг чакқон ҳаракатчанлик коэффиценти	0,594	0,721	+0,127

Бухгалтерия баланси маълумотлари асосида молиявий коэффицентлар қуйидаги тартибда аниқланади:

1. Молиявий мустақиллик коэффиценти қуйидагича аниқланади:

ўз маблағларининг манбалари (480 сатр)

Баланс жами (780 сатр)

2. Тўлов қобилияти коэффиценти қуйидаги тартибда аниқланади:

Жорий активлар (390 сатр)

Мажбуриятлар (770 сатр)

3. Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффиценти қуйидаги тартибда аниқланади:

Мажбуриятлар – узоқ муддатли мажбуриятлар

ўз маблағларининг манбалари (480 сатр)

4. Заҳира ва харажатларни ўз манбалари билан қопланганлик коэффиценти қуйидаги тартибда аниқланади:

ўз маблағлари манбалари + узоқ муддатли мажбуриятлар – узоқ муддатли активлар (480+490-130 сатр)

Товар-моддий заҳиралар (140 сатр)

5. Маблағларнинг чакқон ҳаракатчанлик (манёврлашганлик) коэффиценти қуйидаги тартибда аниқланади:

*ўз маблағлари манбалари + узоқ муддатли мажбуриятлар –
- узоқ муддатли активлар (480+490-130 сатр)*

ўз маблағларининг манбалари (480 сатр)

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, “АВС” акционерлик жамиятининг молиявий аҳволига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда молиявий коэффицентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, корхонанинг молиявий мустақиллик коэффиценти йил бошига нисбатан 0,176 коэффицентга ёки 17,6 % га ўсган. Тўлов қобиляти коэффиценти йил бошига нисбатан 2,162 коэффицентга ўсган. Мазкур коэффицентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини жорий йил бошига нисбатан йил охирида бирмунча яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари корхонада мажбуриятларнинг ўз маблағларига нисбатан улушини пасайганлигини ҳам ижобий баҳоламоқ лозим, яъни бу корхонанинг мажбуриятларини қисқарганлигидан далолатдир. Маблағлар ҳаракатчанлиги эса йил бошига нисбатан йил охирида 0,127 коэффицентга ўсган. Бу эса корхонада айланма маблағларга бўлган талабни янада тўлароқ қондириб бориш имконини беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг молиявий

коэффициентлари ўрганилганда, ушбу коэффициентларнинг ўзгариши ижобий бўлган.

**10-мавзу: «Қорхоналарнинг молиявий барқарорлигини
ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили» мавзуси бўйича
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

- Молиявий барқарорлик;
- Хусусий маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- Молиявий қарамлик коэффициенти;
- Ўз маблағларининг ҳаракатчанлик коэффициенти;
- Маблағларнинг тўпланиш коэффициенти;
- Соф ҳаракатдаги маблағнинг фаоллик коэффициенти.

11-мавзу: КОРХОНАЛАРНИНГ ИШ ВА БОЗОР ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Корхоналарнинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.
2. Корхоналарнинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.

11.1.Корхоналарнинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили

Бозор муносабатлари шарт-шароитида корхоналар фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ўртасидаги ўзаро нисбат, асосан маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф билан аниқланади. Демак, ишлаб чиқарилган маҳсулот ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларга мосланган бўлиб, бу маҳсулотларнинг истеъмолчиларини аниқлаш лозим.

Шу муносабат билан корхоналар фаолиятида ишчанлик ва бозорга оидликни ташкил этиш - уларни ривожлантиришни талаб қилади ва бу вазият ўз навбатида корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Демак, корхоналарни ишчанлик ва бозорга оидлик корхоналарнинг иқтисодий мустаҳкамлиги, қабул қилинган режаларни ўз вақтида бажариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бозор талабларига мослиги, рақобатбардошлиги, корхоналарнинг асосланган истиқболи мавжудлиги билан боғлиқ.

Корхоналарнинг ишчанлиги қуйидаги ўзаро нисбат билан боғланишга тўғри келиши лозим:

Корхона фойдасининг динамика индекси	>	Маҳсулот сотишнинг динамика индекси	>	Корхона мол-мулки қийматининг динамика индекси
---	---	--	---	--

Яъни, корхона фойдасининг кўпайиш суръати маҳсулот сотишнинг кўпайиши суръатидан юқори бўлиши лозим ва бу

охирги кўрсаткич корхона мол-мулки қийматини кўпайиш суръатида юқори бўлши лозим, масалан:

$$120 \text{ фоиз} > 110 \text{ фоиз} > 105 \text{ фоиз}$$

Бу ўзаро боғланиш, нисбат жахон тажрибасида «корхона иқтисодиётининг олтин қоидаси» деб аталади. Бу қоидага риоя қилиш учун корхонада ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулотлар сифатини ошириб бориш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтариш талаб этади. Корхона ишчанлиги унинг иқтисодий мустаҳкамлиги ва бошқа корхона, ташкилотлар билан бўлган алоқаларининг интенсивлиги билан аниқланади.

Корхона ишчанлиги кўп қиррали жараён бўлиб, уни таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Корхона активининг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Корхона активларнинг ўртача қиймати}}$
2. Узоқ муддатли активларнинг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Узоқ муддатли активларнинг ўртача қиймати}}$
3. Умумий айланма маблағларнинг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Умумий айланма маблағларнинг ўртача қиймати}}$
4. Заҳира ва харажатларнинг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Заҳира харажатларнинг ўртача қиймати}}$
5. Корхонага тегишли капиталнинг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Корхона тегишли капиталнинг ўртача қиймати}}$

6. Тайёр маҳсулотнинг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Тайёр маҳсулот қолдиқ-ларининг ўртача қиймати}}$
7. Дебиторлик қарзларнинг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Дебиторлик қарзларнинг ўртача ҳажми}}$
8. Дебиторлик қарзларнинг ўртача муҳлати (йиллик) = $\frac{365}{\text{Дебиторлик қарзларнинг айланиш кўрсаткичи}}$
9. Кредиторлик қарзларнинг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Кредиторлик қарзларнинг ўртача ҳажми}}$
10. Кредиторлик қарзларнинг ўртача муҳлати = $\frac{365}{\text{Кредиторлик қарзларнинг айланиш кўрсаткичи}}$
11. Пул айланма маблағларнинг айланиш кўрсаткичи = $\frac{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}{\text{Пул айланма маблағларнинг ўртача ҳажми}}$
12. Сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир сўмига айланма маблағлар сарфи = $\frac{\text{Умумий айланма маблағларнинг ўртача қиймати}}{\text{Сотилган маҳсулотлар тушуми}}$

Юқорида кўрилган кўрсаткичларни аниқлаш усули тўғрисида гап борар экан, қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

Биринчидан, агарда таҳлил қилинаётган корхона қўшилган қийматга солинадиган солиққа ва акциз солиққа тортилса, сотилган маҳсулотлар тушумидан улар чиқариб ташланиши лозим.

Икинчидан, ишчанлик кўрсаткичлари ўзаро боғланган бўлишлиги учун юқорида берилгандек, ишчанлик кўрсаткичлар ягона сотилган маҳсулотлар тушумига асосланган ҳолда аниқланиши лозим.

Келтирилган кўрсаткичлардан аёнки, ишчанлик даражасини таҳлил қилиш - бу корхоналар умумий активлари, уларнинг алоҳида элементларидан фойдаланишни ифодалайди.

Масалан, корхоналарнинг умумий активлари айланиши кўрсаткичи корхоналарда мавжуд асосий ва айланма маблағлардан ишлаб чиқариш жараёнида қандай фойдаланаётганлигини ифодалайди. Корхонада фойдаланаётган активларнинг алоҳида элементлари хар хил айланишга эга бўлганлиги сабабли, уларнинг айланиши алоҳида таҳлил этилади.

Маълумки корхоналар ўзлик ва ташқаридан қарзга олинган маблағлардан фойдаланадилар, демак уларнинг айланиши алоҳида таҳлил этилиши лозим. Ишчанликни таҳлил этиш корхоналарда активлардан янада самарада фойдаланиш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Энди 1997 йил 1 январда қабул қилинган бухгалтерия баланси шакли ва бошқа молиявий ҳисоботларга биноан юқорида келтирилган ишчанлик кўрсаткичларини аниқлаш методларига тўхталамиз.

1. Корхоналарнинг умумий активлари айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 1-шакл, мисра 310 ёки 550
2. Узоқ муддатли активларни айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 1-шакл, мисра 110
3. Умумий айланма маблағларнинг айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 1-шакл, мисра 330
4. Заҳира ва харажатларнинг айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 1-шакл, мисра 120+130+140+150+160
5. Корхонага тегишли капиталнинг айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 1-шакл, мисра 390
6. Тайёр маҳсулотнинг айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 1-шакл, мисра 140
7. Дебиторлик қарзларнинг айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 2-шакл, 3-графа жами
8. Кредиторлик қарзларнинг айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 2-шакл 4-графа жами
9. Пул айланма маблағларнинг айланиши	=	<u>2-шакл, мисра 010-020-030</u> 1-шакл, мисра 170+...+290

Юқорида келтирилган моделларда керакли молиявий ҳисоботларнинг мисраларидаги маълумотлардан фойдаланиш кўзда тутилган, лекин бу маълумотлар асосан лаҳзалик қатор шаклида берилади. Шунинг учун улар бўйича ишчанлик кўрсаткичларини ҳисоблашдан олдин, ўртача маълумотларни аниқлаш лозим. Масалан, корхона активлари, умумий айланма маблағлар ва бошқалар.

Ҳаммаси бўлиб ишчанлик кўрсаткичлари 12 та бўлиб, юқорида улардан 9 таси бўйича ҳисоблаш усуллари берилган, қолганларини аниқлаш учун 8,10,12 ва бошқа ҳисобланган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўриниб турибдики, ўтган дарда корхонада ишчанлик фаоллиги сусайган.

Буни сотилган маҳсулотларнинг ўсиш суръати корхона активларини ўсиш суръатидан камчилиги кўрсатиб турибди. Бошқа корхоналар билан алоқалар ҳам мураккаблашган. Жадвал маълумотларига кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Қуйидаги жадвалда бу кўрсаткичларнинг амалий материалларда ҳисоблаш натижалари берилган:

11.1- жадвал

Корхонанинг ишчанлик кўрсаткичлари (минг сўм)

Маълумотлар базаси минг сўм	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, фоиз
1. Сотилган маҳсулотлар тушуми	76330	72500	105,6
2. Корхона активларининг ўртача қиймати	30550	27868	109,6
3. Корхона капиталининг ўртача қиймати	8500	7800	108,9
4. Узоқ муддатли активларининг ўртача қиймати	8500	7800	108,9
5. Умумий айланма маблағларнинг ўртача қиймати	22050	19968	110,4
6. Заҳира ва ҳаражатларнинг ўртача қиймати	18500	26600	111,4
7. Пул айланма маблағларининг ўртача қиймати	3550	3367	105,4
8. Тайёр маҳсулотнинг ўртача қиймати	9300	7500	124,0
9. Дебиторлик қарзларининг ўртача қиймати	2500	2000	125,0
10. Кредитор қарзларининг ўртача қиймати	4500	4000	112,5

Кўрсаткичлар (марта ҳисобида)			
1. Корхона активларининг айланиши	2,5	2,6	96,1
2. Узоқ муддатли активларнинг айланиши	8,9	9,3	95,7
3. Умумий айланма маблағларнинг айланиши	3,5	3,6	97,2
4. Захира ва харажатларнинг айланиши	4,1	4,4	93,2
5. Корхона капиталининг айланиши	3,5	3,5	97,4
6. Тайёр маҳсулотнинг айланиши	8,2	9,7	84,5
7. Дебиторлик қарзларининг айланиши	30,5	36,2	84,3
8. Дебиторлик қарзларнинг ўртача муҳлати (кунлар)	12	10	120
9. Кредиторлик қарзларнинг айланиши	16,9	18,1	93,3
10. Кредиторлик қарзларнинг ўртача муҳлати (кунлар)	4500	4000	112,5
11. Пул маблағларининг айланиши	21,5	21,6	99,5
12. Сотилган маҳсулотлар ҳар бир сумига айланма маблағлар сарфи (тийин)	28,0	27,5	101,8

- корхона молиявий ресурслардан фойдаланиш даражаси пасайди;

- корхона активларининг деярли ҳамма элементларини айланиши секинлашди;

- операцияларнинг муҳлати узунлашди.

Демак, корхонада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп.

Корхона активларининг алоҳида элементларини айланиши тўғрисида гап борар экан, уларнинг ҳаммаси бўйича бир айланиш учун сарф қилинган календар кунлар ва бу айланишнинг ўзгариши натижасида активларнинг алоҳида элементларига нисбатан уларнинг тежалганлиги ёки тўлдирилганлиги тўғрисидаги кўрсаткичларни таҳлил қилишимиз мумкин.

Бу кўрсаткичлар корхоналарнинг ишчанлик активлигини янада чуқурроқ таҳлил этиб, келгусида корхона ишчанлигини кўтариш учун керакли тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишни енгиллаштиради.

11.2. Корхоналарнинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили

Корхоналар бозор муносабатлари шарт-шароитида ишчанлик даражасини кўтариш билан бирга, бозорга оидлик даражасини ҳам кўтариб туриши лозим. Иқтисодий адабиётда корхоналарнинг бозорга оидлигини уларнинг акцияларини жозибадорлик кўрсаткичлари билан боғлашади. Бизнинг фикримизча, корхоналарнинг бозорга оидлиги акцияларни жозибадорлигига қараганда кенг мазмунда бўлиб, улардан ташқари яна корхоналарнинг пул маблағлари ҳаракати ва улардан оқилона фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи-назардан корхоналарнинг бозорга оидлигини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилиш лозим.

1. Корхонанинг акцияларини жозибадорлик кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар корхоналарни бозор иқтисодиётига киришини, бозор тузилмаларида қатнашишини, ташқаридан инвесторларни, акция олувчиларни ўз фаолиятига жалб қилинишини ифодалайди. Бунинг учун корхоналар ўз акцияларига дивидентбериш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ундан ташқари корхона акцияларнинг бозор нархи уларнинг номинал нархидан баланд бўлишини таъминлаш керак. Буларнинг ҳаммасини эътиборга олиш учун қуйидаги бозорга оидлик кўрсаткичларни таҳлил этиш мақсалга мувофиқ:

1. Битта акциянинг потенциал даромадлилиги	=	$\frac{\text{Корхонанинг бир акциясига соф фойда}}{\text{Битта акциянинг бозор нархи}}$
2. Битта акциянинг ҳақиқий даромадлилиги	=	$\frac{\text{битта акцияга дивиденд суммаси}}{\text{Битта акциянинг номинал нархи}}$
3. Битта акция курс баҳосининг ўзгариш коэффициенти	=	$\frac{\text{Акциянинг сотув баҳоси олиш}}{\text{Акциянинг сотиб баҳоси}} \cdot \frac{\text{Битта акциянинг номинал нархи}}{\text{Битта акциянинг номинал нархи}}$
4. Акциялар бўйича тўланган дивидендларнинг салмоғи	=	$\frac{\text{Барча тўланган дивидендлар суммаси}}{\text{Корхонанинг соф фойдаси}}$

Акция эгалари корхонанинг соф фойдасидан дивидендлар учун ажратилган қисми, акцияларнинг бозор баҳоси ошиб бориши, дивиденд ставкалари билан қизиқадилар. Бу саволларнинг ҳаммасига юқорида келтирилган кўрсаткичлар тўлиқ жавоб беради.

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, фоиз
Маълумотлар базаси			
1. Битта акциянинг номинал баҳоси (сўм)	1000	1000	100
2. Битта акциянинг бозор баҳоси (сўм)	1500	1300	115,4
3. Битта акцияга соф фойда (сўм)	300	250	120
4. Битта акцияга дивиденд суммаси (сўм)	100	80	125
5. Умумий тўланган дивидендлар ҳажми (минг сўм)	10	8	125
6. Корхонанинг соф фойдаси (минг сўм)	30	25	120
Кўрсаткичлар			
1. Битта акциянинг потенциал даромадлилиги (сўм)	20	19,3	103,8
2. Битта акциянинг ҳақиқий даромадлилиги (сўм)	10	8	125
3. Битта акциянинг курс баҳосининг ўзгариш коэффициенти	50	30	166,6
4. Акцияларга тўланган дивидендларнинг салмоғи	33,3	32,0	104,1

2. Корхона пул маблағларининг айланиш кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичлар корхона пул маблағларининг ҳолатини, ҳаракатини, шаклланиши ва фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам бериши керак. Пул ҳаракатлари тўғрисидаги 4-шакл, қисботига асосланиб, пул маблағларнинг айланишини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичлар тавсия этилади:

1. Хўжалик фаолиятидаги пул маблағлари оқимлари.
2. Сармоялардан олинган фойда ва молиявий хизматлар.
3. Солиққа тортилиш.
4. Сармоялик фаолияти
5. Молиявий фаолият.
6. Ижара бўйича тўловлар ва тушумлар.
7. Валюта маблағлари оқими.

Корхонанинг пул маблағлари ҳазинада, ҳисоб - китоб ва валюта сўтларида сақланади. Пул маблағларининг кўпайиб бориши, албатта, корхоналар фаолиятининг ижобий натижаси бўлиб ҳисобланади, лекин бозор муносабатлари даврида пул маблағлари бекорга йиғилиб ётиши керак эмас. Ортиқча пул маблағлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кенгайтиришга, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтаришга, акциялар

сотиб олишга ва бошқа мақсадларда фйдаланишга сарфланиши лозим.

Корхоналар фаолиятидаги пул маблағлари оқимлари - бу истеъмолчилардан олинган, таъминотчиларга ҳамда ходимларга тўланган пуллар. Сармоялар молиявий хизматлар билан боғлиқ бўлган фойда ва харажатлар бу депозитларга, акцияларга олинган фоизлар, дивидендлар ва кредитларга тўланган фоизлар, акцияларга берилган дивидендлардан иборатдир.

Сармоялик фаолияти номоддий активларни ҳамда узоқ муддатли моддий активларни сотиб олишни, уларни сотишни, узоқ ва қисқа муддатли сармояларни ифодалайди. Бу кўрсаткичлар корхоналарни келгуси фаолиятга тайёргарлик кўришини, истикболини кўрсатади.

Молиявий фаолияти кўрсаткичлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, улар акциялар чиқаришни, узоқ ва қисқа муддатга олинган мажбуриятларни, ижара алоқалар бўйича даромад ва харажатларни ифодалайди.

Валюта маблағлари оқимлари - валюта тушиш йўналишларини ва улардан фйдаланиш йўналишларини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Пул маблағларнинг айланиш кўрсаткичларини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин:

Корхона пул маблағларини айланиш кўрсаткичлар

(минг сўм)

	Жорий даврда	Ўтган даврда	Динамика, фоиз
1	2	3	4
Хўжалик фаолиятидаги пул маблағлари оқимлари:			
1. Истеъмолчилардан олинган пуллар	50300	45200	111,3
2. Таъминотчиларга тўланган пуллар	21300	19500	109,2
3. Ходимларга тўланган пуллар	15000	13000	115,4
4. Бошқа тушган ва сарф қилинган пул маблағлар	-	-	-
Сармоя ва молиявий хизматлар билан боғлиқ бўлган фойда:			
1. Олинган фоизлар	300	280	111,1
2. Тўланган фоизлар	30	25	120
3. Олинган дивидентлар	500	450	111,1
4. Тўланган дивидентлар	60	50	120

Солиққа тортилиш:			
1. Фойдадан олинадиган солиқ	10500	9800	107,1
2. Бошқа солиқлар	1500	1490	100,6
Сармоя фаолияти:			
1. Номддий активларни сотиб олиш, сотиш	100	90	111,1
2. Узоқ муддатли активларни сотиб олиш, сотиш	5000	4800	104,1
3. Узоқ ва қисқа муддатли сармоялар	12000	11000	109,1
Молиявий фаолият:			
1. Акциялардан тушумлар	500	500	100
2. Узоқ ва қисқа муддатли заёмлардан тушумлар	-	-	-
3. Ижара бўйича тушумлар ва сарфлар	50	50	100
Валюта маблағлари оқимлари:			
Валюта тушумлари:			
1. Маҳсулот сотишдан	50300	43000	111,3
2. Олинган кредит	12000	11000	120
3. Бошқа тушумлар	-	-	-
Валюта сарфлари			
1. Ишлаб чиқаришга	20000	18000	111,1
2. Ишлаб чиқаришни ривлжлантиришга	5000	5000	100
3. Таъминотчиларга	21300	19500	109,2
4. Кредитларга ва бошқа сарфлар	1000	2000	50

Жадвалда келтирилган маълумотлар илгари молиявий ҳисоботларда кўрсатилмас эди. Янги молиявий ҳисобот бозор муносабатларига мосланган бўлиб, янги маълумотлар корхоналарнинг бозорга оидлигини таҳлил қилишда катта рол ўйнайди.

Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, корхонада:

- бозорга оид фаолият кучайтирилаяпти;
- пул оқимлари ҳам даромадлар, ҳам ҳаражатлар бўйича ривожланмоқда;
- молиявий фаолият ижобий натижаларга эга;
- бюджет билан алоқалар ривожланиб бормоқда;
- ташқи иқтисодий алоқалар ривожланмоқда. Валюта тушумлари кўпаймоқда;
- таъминотчилар билан алоқалар жадаллаштирилаяпти.

3. Дебиторлик, кредиторлик қарзлари кўрсаткичлари. Бозор муносабатлари даврида дебиторлик ва кредиторлик қарзларни

тутган ўрни тубдан ўзгаради. Собик иттифоқ даврида корхоналарнинг фаолияти марказлаштирилган бўлиб, бутун корхоналарнинг фаолият муаммолари марказлаштирилган бошқарув орқали ечилар эди.

Корхоналарни ресурслар биоан таъминлаш давлат лимитлари билан маҳсулотларни сотиш давлат томонидан тасдиқланган минтақалараро, республикалараро, тармоқлараро кооперациялаштириш режалари билан аниқланар эди. Натижада дебиторлик ва кредиторлик қарзлар алоҳида корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлмай, ташқи халқ хўжалиги алоқалари ва муаммолари билан аниқланар эди.

Бозор муносабатлари даврида корхоналарга формал эмас, реал иқтисодий мустақиллик берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунида таъкидланганки, бозор муносабатлари шаклланиш пайтида «Давлат корхоналарга жавоб бермайди», «Корхоналар давлатга жавоб бермайди». Корхоналар ўз вақтида тасдиқланган солиқ ва тўловларни бериб туриши керак, давлат эса илгариги дотациява субсидияларни камайтириб, корхоналар устидан умумий бошқарувни сақлайди.

Бу вазиятда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар корхоналарнинг бозорга оидлигини ифодаловчи катта аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларга айланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўзининг махсус буйруғи билан дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ҳисоботни молиявий таҳлилнинг асосий молиявий манбаларидан бири сифатида тасдиқлангани тасодифан эмас.

Дебиторлик қарз - «бошқаларнинг менга қарзи», кредиторлик қарз - «менинг бошқаларга қарзим» деб ифодалаш мумкин. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар корхоналараро иқтисодий алоқаларни, ўзаро ҳисоб китобларни ифодалаб, улар бозор муносабатлари даврида корхоналарнинг ишлаб чиқаришга, молиявий ҳолатига, бозорга оидлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бирига айланади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида илгари шаклланган корхоналараро иқтисодий алоқалар тарқалиб кетди. Бу алоқаларни янги шарт-шароитларда янгичасига тубдан ўзгартириб шакллантириш зарурияти пайдо бўлди. Натижада корхоналараро алоқалар мураккаблашди ва дебиторлик-

кредиторлик қарзлар кўпая бошлади, ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи муаммога айланди.

Дебиторлик қарзлар корхоналарнинг нақт пулга ва моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини чегаралайди. Бу эҳтиёжларни қоплаш учун корхоналар ташқи маблағларни сафарбар этишга мажбур бўладилар. Дебиторлик қарзларнинг кўпайиб бориши корхона айланма маблағларининг айланишини секинлаштиради, демак, молиявий ҳолатини оғирлаштиради.

Кредиторлик қарзлар ҳам корхоналараро ҳисоб - китобларни ўз вақтида ўтказмаслик натижасида пайдо бўлади. Лекин кредиторлик қарзлар маблағларни корхоналар фаолиятдан ташқарига чиқариш эмас, аксинча, корхоналар фаолиятига бошқа корхона ва ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш демакдир.

Кредиторлик қарзлар - «бошқа корхоналар ҳисобидан фаолият кўрсатиш» деса ҳам бўлади. Чунки кўп корхоналар маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш учун банк кредитларидан эмас, кредиторлик қарзларидан фойдаланмоқдалар. Демак, кредиторлик қарзларнинг кўпайиб бориши бошқа корхоналарни оғир молиявий ҳолатга олиб келса, дебиторлик қарзларнинг кўпайиши корхоналарни ўз мажбуриятларидан қутилиш имкониятларини камайтиради, айланма маблағларнинг айланишини сусайтиради.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил этганда улар ҳажмининг ўзгариши-динамикаси ва ўзаро нисбати аниқланади. Бу қарзларнинг динамикаси аниқланганда ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарзлар бўйича муҳлатли ва муҳлати ўтган қарзлар алоҳида таҳлил этилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ўртасидаги нисбат ҳар хил, уларнинг ҳажми эса бир хил бўлиши мумкин. Дебиторлик қарзлар кредиторлик қарзлардан, кредиторлик қарзлар эса дебиторлик қарзлардан кўп бўлиши мумкин.

«Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида далолатнома» ва молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, бу қарзлар қуйидагича таҳлил қилиниши мумкин:

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг умумий кўрсаткичлари

(минг сўм)

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамика, фоиз
1. Умумий қарзлар			
Дебиторлик	800	700	114,3
кредиторлик	1000	800	125,0
Шу жумладан, республикадан ташқарида:			
Дебиторлик			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	25	21,4	116,8
Кредиторлик			
Ҳажми	300	250	120,0
Салмоғи, фоиз	30	31,3	95,8
2. Умумий қарзларда муҳлати ўтган қарзлар:			
Дебиторлик			
Ҳажми	500	400	125,0
Салмоғи, фоиз	62,5	57,1	109,5
Кредиторлик			
Ҳажми	700	600	116,7
Салмоғи, фоиз	70,0	75,0	93,3
Шу жумладан, республикадан ташқарида:			
Дебиторлик			
Ҳажми	300	200	150
Салмоғи, фоиз	60	50	120,0
Кредиторлик			
Ҳажми	500	400	125
Салмоғи, фоиз	71,4	66,7	107

Жадвал маълумотларига биноан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Корхонада ҳам дебиторлик ҳам кредиторлик қарзлари кўпайган.
2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳам республик, ҳам республикадан ташқарида кўпайган. Дебиторлик қарзлар таркибида республикадан ташқарида бўлган қарзлар салмоғи ошган, кредиторлик қарзлар бўйича бу кўрсаткич бир оз камайган.
3. Ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарзлар таркибида муҳлати ўтган қарзларнинг салмоғи юқори бўлиб, дебиторлик қарзлар бўйича бу кўрсаткич бўйича ўсган, кредиторлик қарзлар бўйича бир оз пасайган.

4. Муҳлати ўтган дебиторлик, кредиторлик қарзлар асосан республикадан ташқарида жойлашган ва бу ҳолат уларни камайтиришни оғирлаштиради.

Кўриниб турибдики, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича корхона паст даражада бозорга оиддир. Демак, бу борада корхонада керакли тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 августида қабул қилинган қарорига биноан дебиторлик ва кредиторлик қарзларни доимо, ҳар томонлама таҳлил қилиб туриш вазифаси қўйилган. Бунинг учун яна қуйидаги жадвалда берилган кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим.

Дебиторлик қарзлар кўрсаткичлари

(минг сўм)

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамка, фоиз
1. Қарзларнинг умумий ҳажми	800	700	114,3
Шу жумладан:			
Муҳлатли 60 кунгача			
Ҳажми	300	300	100
Салмоғи, фоиз	37,5	42,9	88,0
Муҳлати ўтган			
Ҳажми	500	400	125,0
Салмоғи, фоиз	62,5	51,9	122,3
Улардан:			
60 кундан 1 йилгача			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	40,0	37,5	106,6
1 йилдан 3 йилгача			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	40,0	37,5	106,6
3 йилдан ошган			
Ҳажми	100	100	100
Салмоғи, фоиз	20,0	25,0	80
2. Умумий қарзлардан:			
Сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоблар			
Ҳажми	500	400	125
Салмоғи, фоиз	62,5	57,1	109,9
Аванс тўловчилар			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	25,0	21,4	116,8
Ходимлар билан ҳисоб-китоблар			
Ҳажми	60	100	60,0
Салмоғи, фоиз	7,5	14,3	48,0
Бошқа қарзлар			
Ҳажми	40	50	80
Салмоғи, фоиз	5,0	7,1	70,4

Жадвал маълумотларига кўра:

-дебиторлик қарзлар муҳлатлари эътиборга олинади. Қарзларнинг муҳлати 3 йилдан ошса, бу қарзлар умидсиз ҳисобланади;

-дебиторлик қарзлар алоҳида турлари бўйича таҳлил этилади;

-корхонада муҳлати ўтган қарзларнинг салмоғи умуман кўтарилган. Лекин шу билан бирга муҳлати 3 йилдан ошган қарзлар салмоғи 5 фоизга камайган;

-дебиторлик қарзларнинг асосий қисми маҳсулот сотиб олувчиларга тўғри келади ва уларнинг салмоғи 57,1 фоиздан 62,5 фоизгача кўтарилган.

Демак, корхонада дебиторлик қарзларни камайтириш, уларнинг таркибини такомиллаштириш ва шу йўл билан унинг молиявий ҳолатини яхшилаш корхона фаолиятида кун тартибига кўйилган масалалардан биридир.

Энди, кредиторлик қарзлар кўрсаткичлари билан танишамиз.

Кредиторлик қарзлар кўрсаткичлари

(минг сўм)

	Жорий давр	Ўтган давр	Динамка, фоиз
1. Қарзларнинг умумий ҳажми	1000	800	125,0
Шу жумладан:			
Муҳлатли 60 кунгача			
Ҳажми	600	500	120,0
Салмоғи, фоиз	60,0	62,5	96,0
Муҳлати ўтган			
Ҳажми	400	300	133,3
Салмоғи, фоиз	40,0	37,5	106,7
Улардан:			
60 кундан 1 йилгача			
Ҳажми	100	100	100
Салмоғи, фоиз	25,0	33,3	75,0
1 йилдан 3 йилгача			
Ҳажми	200	150	133,3
Салмоғи, фоиз	50,0	50,	100,0
3 йилдан ошган			
Ҳажми	100	50	200,0
Салмоғи, фоиз	25,0	16,7	149,7
2. Умумий қарзлардан:			
Таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар			
Ҳажми	600	500	120,0
Салмоғи, фоиз	60,0	62,5	96,0
олинган аванслар (бўнаклар)			
Ҳажми	100	100	100
Салмоғи, фоиз	10,0	12,5	89,3
Меҳнатга тўлов бўйича			
Ҳажми	250	150	166,6
Салмоғи, фоиз	25,0	18,7	133,7
Бошқа қарзлар			
Ҳажми	50	50	100
Салмоғи, фоиз	5,0	6,3	79,4

Жадвал маълумотларига кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-кредиторлик қарзлар кўпайиб бориши ҳам муҳлатли, ҳам муҳлати ўтган қарзлар ҳисобидан бўлган, лекин муҳлати ўтган қарзларнинг кўпайиши юқорироқ суръатда бўлган;

-муҳлати ўтган қарзлар таркибида бир йилдан ўтган қарзларнинг кўпайиши корхонада муаммога айланган. Муҳлати 3 йилдан ошган қарзлар 49,9 фоизга кўпайган. Маълумки кредиторлик қарзларнинг тасдиқланган қайтариб бериш муҳлати 3 йил ҳисобланади. Демак, бу корхона бошқа корхоналарга нисбатан, Иқтисодий алоқаларни бир оз бўлса ҳам (50 минг сўм, 100 минг сўм) адолатсизликка олиб боради ва у корхоналарни молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатяпти;

-кредиторлик қарзларнинг асосий қисми таъминловчиларга тўғри келади. Бу қарзларнинг салмоғи 62,5 фоиздан 60,0 фоизга камайган бўлсада, улар қарзларнинг ярмидан кўпини ташкил этмоқда. Таъминотчилар билан алоқалар яхшиланмаса, корхона оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин, чунки таъминотчилар маҳсулот бермай қўяди;

-корхонада меҳнатга тўлов ва ижтимоий суғурта бўйича ҳам вазият яхши эмас. Бу қарзлар 33,7 фоизга кўпайган. Демак ўз вақтида иш ҳақи берилмаяпти.

Кўришиб турибдики, корхонада бозорга оидликни кўтариш мақсадида керакли тадбирлар амалга оширилиши лозим. 1995 йил 12 майда ўабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари жавобгарлигини кўтариш тўғрисида»ги фармонида биноан, ҳамма мулк шаклларидаги хўжалик субъектларига ўз маҳсулотларини истеъмолчиларга олдиндан 15 фоизли тўловларсиз жўнатиш манн қилинганга қарамадан истеъмолчиларга маҳсулот жўнатилиши давом этаяпти. Шу сабабли дебиторлик қарзларни алоҳида сабаблар бўйича таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Кредиторлик қарзларни ҳам алоҳида сабаблари бўйича таҳлил этишнинг аҳамияти каттадир.

Шундай қилиб, корхоналарнинг ишчанлиги ва бозорга оидлигини таҳлил этиш бозор муносабатлари талабларига жавоб бериб, уни ўтказиш молиявий таҳлилнинг алоҳида босқичига

айланиши қонуний зарурият бўлиб, бу корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолати таҳлилини чуқурлаштиришга ва уни ҳар томонлама ифодалашга ёрдам беради.

12-МАВЗУ: КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Режа:

1. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.
2. Иқтисодий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.

12.1. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Корхонанинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлиги унинг молиявий мустаҳкамлигини аниқлаш учун асосдир. Ҳар бир корхона, бозор муносабатлари шароитида, молиявий жиҳатдан таъминланган ва шу соҳа бўйича унинг ҳолати мустаҳкам бўлиши лозим. Бу кўрсаткичнинг молиявий манбаси фаолият кўрсатаётган корхоналар учун фойда бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодалаш учун фойда билан боғлиқ қуйидаги кўрсаткичлар тизими тавсия қилинади:

- 1.** Бизнес-режада кўзда тутилган фойда сўммаси.
- 2.** Меъёрдаги рентабеллик даражасини таъминловчи фойда сўммаси
- 3.** Молиявий мустаҳкамлик даражаси.
- 4.** Маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллик даражаси.

Ушбу кўрсаткичлар тизими ва уларнинг аниқланиш йўллари қуйидаги чизмада кўрсатилган (24.2-Чизма).

Кўрсаткич барча фаолият натижаси бўйича аниқланиши шарт. Аммо ушбу ишда методологик асос сифатида фақат ишлаб чиқариш соҳаси олинди. Ушбу кўрсаткич ҳажмини (Фбр) аниқлаш учун бизнес-режада кўзда тутилган маҳсулотнинг

кийматидан (Мбр) доимий (Дх) ва ўзгарувчи (Ўх) харажатлар чегириб ташланади:

$$\Phi_{бр} = Мбр - (Дх + \dot{У}х) \quad (24.7.)$$


Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири **меъёрдаги рентабеллик даражасини таъминловчи фойда миқдоридир.** Ушбу кўрсаткичнинг аҳамияти шундаки ҳар қандай рентабеллик даражаси ҳам корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлай олмайди. Шу туфайли рентабеллик даражаси баъзи тармоқларда меъёрлаштирилган бўлса, баъзиларда унинг даражаси белгиланиб қўйилади. Масалан, қишлоқ хўжалик корхонасининг рентабеллик даражаси 40 % дан кам бўлса улар учун 3 % солиқ ставка белгиланган; агар ушбу кўрсаткич даражаси 40 % дан ошса 20 % солиқ ставкаси билан тўлаш кўзда тутилган. Чунки қишлоқ хўжалик корхоналарида рентабеллик даражаси 40 % дан кам бўлса, улар ўзларининг молиявий барқарорлигини таъминлаши қийин. Шу туфайли молиявий мустаҳкам бўлмаган корхонада солиқ олишни ҳам камайтирган. Демак, **молиявий мустаҳкамликни таъминловчи рентабеллик даражасига эришиш учун тегишли фойда миқдорини** аниқлаш ҳозирги бозор муносабатлари шароитида муҳим кўрсаткичлардан биридир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Phi_{р} = \frac{Мбр \times Рме}{100} ;$$

Бунда $\Phi_{р}$ - белгиланган рентабеллик даражасини таъмин этадиган фойда сўммаси (ушбу кўрсаткич бизнес-режага киритилиши лозим).

$Мбр$ - бизнес-режа бўйича ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми.

$Рме$ - эришиши лозим бўлган (меъёрда кўзда тутилган) рентабеллик даражаси.



12.1. - Чизма. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Корхона молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири унинг **даражасидир**. (Ммд). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун бизнес-режада кўзда тутилган фойда миқдорини (Фбр) меъёрдаги рентабелликни таъминловчи фойда миқдориغا (Фмр) бўлиш кифоя.

$$Ммд = \frac{Фбр}{Фмр};$$

Агар ушбу кўрсаткичнинг миқдори бирдан кам бўлса ($Ммд < 1$) корхона ҳали молиявий жиҳатдан мустаҳкамлик эмаслигидан далолат беради, чунки бу кўрсаткич унинг истиқболини таъминлай оладиган даражадаги фойда миқдориغا эришмаганлигидан далолатдир. Агар $Ммд > 1$ бўлса унда корхона молиявий жиҳатдан мустаҳкам. Негаки, бу кўрсаткич корхона меъёр даражасидаги рентабелликни таъминлай оладиган фойда миқдориغا эришганлигини ифодалайди.

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи яна бир кўрсаткич **ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) рентабеллигидир (Рм)**. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун фойда сўммасини (Ф) юзга кўпайтириб маҳсулотнинг ҳажмига (М) бўлинади:

$$Ф \cdot 100$$

$$Рм = \frac{\quad}{М};$$

Бу анъанавий кўрсаткич. Аммо молиявий мустаҳкамликни ифодалаш учун қўшимча кўрсаткич сифатида хизмат қилади, чунки ушбу кўрсаткич орқали корхона меъёрдаги рентабеллик даражасига эриша олганми йўқми билиш мумкин. Бу учун **корхонанинг меъёрдаги рентабеллик даражасининг таъминланганлиги** аниқланади.

Ушбу кўрсаткични (Ртд) аниқлаш учун корхона рентабеллигини (Рм) меъёрдаги рентабеллик даражасига (Рме) бўлиш кифоя:

$$Ртд = \frac{Рм}{Рме};$$

Ушбу кўрсаткич ҳам олдингидек бир билан солиштирилади. Агар унинг миқдори $Ртд < 1$ бўлса ҳали корхона

меъёрдаги рентабеллик даражасига эриша олмаганлигидан, агар $R_{тд} > 1$ бўлса яхши натижага эришганлигидан далолат беради.

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларни комплекс равишда, ундан сўнг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиб корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни (резервларни) аниқлаш лозим.

Ушбу кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш мумкин. Бу учун унинг бир қанча усуллари мавжуд. Бу усуллардан бири ушбу ишнинг 8.3.1. парагрифида келтирилган эди. Бундан ташқари комплекс кўрсаткични ҳар бир кўрсаткичнинг индивидуал индексларини кўпайтириш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунда фақат кўрсаткичлар даражасининг бир хил йўналишига эга бўлишини таъминлаш лозим. У ҳолда комплекс кўрсаткични аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$M_{мкд} = i_{x_1} \cdot i_{x_2} \cdot \dots \cdot i_{x_n} = \prod_{i=1}^n i_{x_i}$$

Ушбу кўрсаткич молиявий мустаҳкамликнинг таҳлил даврида ўрта ҳисобда қанча ўсганлигидан далолат беради. Буни бошқа корхоналарнинг шундай кўрсаткичларига ҳам солиштириб тегишли хулоса қилиш мумкин.

Кўрсаткичлар тизими ва ундан комплекс кўрсаткични аниқлаб бўлгандан сўнг ушбу категорияни батафсил таҳлил қилиш мумкин.

12.2. Иқтисодий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлиги кенг қамровли тушунча. Шу туфайли уни тўлиқ ифодалаш учун битта кўрсаткич камлик қилади. Бундан келиб чиқиб корхона иқтисодий мустаҳкамлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланишни тавсия қиламиз:

Ушбу кўрсаткичлар тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1.** Маржинал фойда миқдори;

2. Фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми;
3. Бизнес режада кўзда тутилган фойдага эришиш учун зарур бўлган маҳсулот;
4. Иқтисодий мустаҳкамлик миқдори;
5. Иқтисодий мустаҳкамлик даражаси.

Ушбу кўрсаткичлар тизими уларни аниқлаш йўллари қуйидаги чизмада келтирилган (12.2 - чизма).


Ушбу чизмадан кўриниб турибдики корxonанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодалаш учун бешта кўрсаткичларни ўз ичига олган яхлит кўрсаткичлар тизими тавсия қилинган. Булардан бири корxonанинг маржинал фойдасидир (Мф). Ушбу кўрсаткични аниқлаш чун корxonанинг барча харажатларини иккига (доимий ва ўзгарувчи) бўлиш лозим. Доимий харажатлар ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бевосита сарф қилинмасда унинг қийматига киради. Аммо ўзгарувчи харажатлар маҳсулотнинг қийматини бевосита шакллантирувчи харажатлар ҳисобланади.

Маржинал фойдани (Мф) аниқлаш учун битта маҳсулотнинг қийматидан (Мк) шу маҳсулотга кетган ўзгарувчи харажатлар миқдорини ($\dot{U}z \times I m$) айириш кифоя. Бу қуйидагича ҳисобланади:

$$M\phi = M\kappa - \dot{U}z \times I m$$

Корxonанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизмат) миқдоридир. Ҳар бир корxона энг аввало барча харажатларини қоплаш учун қанча маҳсулт ишлаб чиқиши, иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши кераклигини билиши лозим. Бу учун

фойдалилик нуқтасига эришиш учун қанча маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳажмини (Мфн) аниқлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:



12.2. - Чизма. Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

$$\text{Мфн} = \frac{\text{Дх}}{\text{Мф}};$$

Бунда: Дх - корхонанинг доимий харажатлари;

Мф - бир маҳсулотга тўғри келадиган маржинал фойда.

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи яна бир кўрсаткич сифатида бизнес-режада кўзда тутилган фойдага эришиш учун зарур бўлган маҳсулот миқдорини олиш мумкин. Чунки ушбу кўрсаткич даражаси корхонанинг нафақат иқтисодий қувватини, балки унинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичлар барча маҳсулот ҳажмини ифодалайди. Уни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\text{Мбрф} = \frac{\text{Дх} + \text{Фбр}}{\text{Мф}};$$

Бунда Фбр - бизнес режада кўзда тутилган фойда.

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлик кўрсаткичининг миқдорини (Имм) аниқлаш учун бизнес режада кўзда тутилган умумий фойда сўммасини (Фбр) бир маҳсулотга тўғри келадиган маржинал фойда (Мф) сўммасига бўлиш йўли билан аниқлашни тавсия қиламиз:

$$\text{Имм} = \frac{\text{Фбр}}{\text{Мф}};$$

Иқтисодий мустаҳкамликнинг даражасини (Имд) унинг миқдорини (Имм) юзга кўпайтириб барча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига (М) бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин.:

$$\text{Имд} = \frac{\text{Имм} \times 100}{\text{М}};$$

Ушбу кўрсаткичлар корхона иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи энг муҳим ва асосий кўрсаткичлардир.

Корхона иқтисодий мустаҳкамлигининг миқдори бизнес режада кўзда тутилган фойдага эришиш учун фойдалилик нуктасига эришгандан кейин қанча қўшмча маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигини кўрсатади.

Иқтисодий мустаҳкамликнинг даражаси эса фойдалилик нуктасига эришгандан кейин неча фоиз ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини ифодалайди.

Масалан, ушбу кўрсаткичнинг даражасини 20 % деб фараз қиламиз. У ҳолда ушбу корхона ишлаб чиқариш ҳажмини 20 % гача қисқартирса ҳам натижаси зарар билан яқунланмайди. Ундан кўп камайса корхона натижаси фойдалилик нуқтасидан пасайиб кетади ва унинг фаолияти зарар билан яқунланади.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Аммо унинг баъзи камчиликлари бор. Хусусан, таҳлил қилишда шу кўрсаткичларнинг динамикасини аниқлашда, бошқа корхоналар кўрсаткичлари билан солиштиришда бироз қийинчиликлар туғдиради. Чунки бир кўрсаткич биринчи корхонада яхши бўлса, иккинчидан ёмон, иккинчи кўрсаткич бўйича унинг акси бўлиши мумкин. У ҳолда яхши ишлаган корхонани ажратиб олиш, аниқлаш учун маълумотлар етарли бўлмайди. Шундай қилиб, чизмада келтирилган барча кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиб корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги тўғрисида умумий хулоса қилиш мумкин. Бу учун ушбу кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиб битта комплекс кўрсаткични ҳам аниқлаш лозим. Комплекс кўрсаткични аниқлашнинг бир қанча усуллари мавжуд.

Ушбу кўрсаткичлар тизимининг ўлчами ҳар хил. Шу туфайли улардан комплекс кўрсаткични аниқлашда нисбий кўрсаткичли усулдан фойдаланамиз. У ҳолда комплекс кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формулани қўллаш мақсадга мувофиқ:

$$K_{kj} = \sum_{i=1}^n A_{ij} \cdot K_{ci} ;$$

Бунда K_{kj} - j - корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткич;

A_{ij} - i - кўрсаткичнинг j - объектдаги (корхонадаги) миқдори;

i - кўрсаткичнинг тартиб сони ($i=1, n$);

j - таҳлил қилинаётган объектларнинг (корхоналарнинг) тартиб сони ($j=1, n$);

K_{ci} - кўрсаткичнинг салмоқлилиқ коэффициенти;

Σ - жамлаш белгиси.

Корхона иқтисодий мустаҳкамлигининг комплекс кўрсаткичини аниқлаб шу бўйича ўзгариш тенденцияларини

ҳисоблаб бирор хулосага келинган таҳлилни умумийликдан хусусийлик сари давом эттирлади.

Бунда ҳар бир кўрсаткични алоҳида таҳлил қилиш лозим, чунки иқтисодий мустаҳкамликни таъминлаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича ички резервларни (имкониятларни) ахтариб топиш мақсадга мувофиқдир.

13-МАВЗУ: КОРХОНА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Маҳсулот сотишдан олинган молиявий натижалар таҳлили.
2. Корхона молиявий фаолиятдан олинган натижалар таҳлили.
3. Корхона солиқ тўлангунга қадар ги соф фойда кўрсаткичларини таҳлил қилиш.
4. Корхона рентабиллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.

13.1. Маҳсулот сотишдан олинган молиявий натижалар таҳлили

Мавзунинг мақсади - молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўллари, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилинини ёритишдан иборат.

Молиявий натижалар таҳлили молиявий таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзунини таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охириги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлари ўрганилади. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг кўлами анча кенгайган.

Молиявий натижаларни таҳлил қилиш, энг аввало, сотилган маҳсулотни ўрганишдан бошланади. Барча харажатларни қоплаб даромад олишни таъминлайдиган кўрсаткич бу сотилган маҳсулот учун тушган пул тушумидир. Ундан қўшилган қиймат солиғи, акцизларни тўлаб соф тушумни аниқлаш мумкин.

Демак, молиявий натижаларнинг асосий манбаси, бу сотишдан тушган тушумдир. Шу туфайли ушбу кўрсаткич молиявий натижалар ўзгаришига таъсир қилувчи омил сифатида қаралиши лозим.

Навбатдаги бажариладиган амал сотишдан тушган ялпи молиявий натижани аниқлашдан иборатдир. Бу учун сотишдан олинган соф тушумдан унинг ишлаб чиқариш таннархини айириш кифоя. Демак, молиявий натижалар таркибида маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ифодаланади. Лекин ушбу кўрсаткич таҳлилда молиявий натижаларга таъсир қилувчи омиллар сифатида қаралади.

Корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибида сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинадиган даромадлари ва қилинадиган харажатларини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Ушбу харажатлар (даромадлар) сотишдан тушган ялпи молиявий натижадан чегирилиб асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасини келтириб чиқариш мумкин.

Сотишдан олинган соф тушумни корхонанинг ялпи фойдаси деб ҳам аташ мумкин. Бу одатда сотилган маҳсулотнинг умумий қийматидан унинг таннархини айириш йўли билан аниқланади. Аммо шу икки кўрсаткич замирида маҳсулотнинг қиймати, миқдори, баҳо ўзгариши, таннархдаги тебранишлар мужассам этилган. Шу туфайли ялпи фойданинг вужудга келишида бевосита шу омиллар таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Буни амалга ошириш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (13.1-жадвал).

13.1. - Жадвал.

Ялпи фойда ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Асос йили-да	Ҳисобот йилидаги маҳсулот шу давр баҳоси ва асос йилидаги таннарх билан	Ҳисобот йилидаги маҳсулот асос йилидаги баҳо ва ҳисобот йилидаги таннарх билан	Ҳисобот йили-да
1. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг тўла таннархи	3951,2	3951,2	4841,7	4841,7
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) қиймати	4583,3	5694,5	4745,4 **	5694,5
3. Ялпи фойда* (2к-1к)	632,1	1743,3	-96,3	852,8

**Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)дан олинган ялпи фойда*

***Вилоят статистика ва истиқболни белгилаш бошқармасининг ҳисоботида асосан баҳо индекси 1,2 га тенг.*

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, ялпи фойда шу давр мобайнида 220,7 минг (852,8-632,1) сўмга ошган. Унинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Сотилган маҳсулот ҳажмининг кўпайиши

$$? \Phi_{см} = (С_{м1} - Т_{н0}) - (С_{м0} - Т_{н0}) = 1743,3 - 632,1 = +1111,2$$

2. Таннархнинг ошганлиги

$$? \Phi_{тк} = [(С_{м1}/i_p) - Т_{н1}] - (С_{м1} - Т_{н0}) = -96,3 - 1743,3 = -1839,6$$

3. Баҳонинг ошганлиги

$$? \Phi_{б} = (С_{м1} - Т_{н1}) - [(С_{м1}/i_p) - Т_{н1}] = 852,8 + 96,3 = + 949,1$$

Барча омиллар тасири

$$? \Phi = 1111,2 - 1839,6 + 949,1 = +220,7$$

Корхонада ялпи фойда маълум аҳамиятга эга, чунки у барча молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар негизини ташкил қилади. Аммо хўжалик фаолиятининг пировард натижаси соф фойдага эришиш билан белгиланади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда соф фойдани ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

13.2. Корхона молиявий фаолиятидан олинган натижалар таҳлили

Молиявий натижаларни ифодаловчи даромадлар ва фойда билан боғлиқ кўрсаткичларга ҳисобот бўйича 8 та кўрсаткич киради. Корхона молиявий натижаларини таҳлил қилганда, энг аввало, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришини аниқлаш лозим. Бу учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қилиш мумкин (13.2. - жадвал).

13.2 - Жадвал.

Корхонанинг ҳисобот йилида олган даромадларини асосий турлари бўйича таҳлил қилиш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўсиш суръати, %
1. Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган тушум (Ят)	5728,6	6883,6	+115,5	120,2
2. Сотишдан олинган соф тушум (даромад) (Ст)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
3. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа (Ямн)	632,1	852,8	+220,7	134,9
4. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) (Афмн)	511,0	711,7	+200,7	140,6
5. Умумхўжалик фаолиятнинг молиявий натижаси (Мфн)	582,2	792,1	+209,9	136,1
6. Фавкулотдаги (тасод-дифий) фойда ва зарар (Тф)	11,4	8,3	-3,1	72,8
7. Солиқ тўланганга қадарги умумий фойда (5қ+6қ) (Яф)	593,6	800,4	+206,8	134,8
8. Соф фойда (Сф)	368,0	496,2	+128,2	134,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган тушум, яъни молиявий натижаларни шаклантирувчи асосий кўрсаткич шу таҳлил қилинаётган йилда 120,2 % ошган. Бироқ, сотишдан олинган соф тушумнинг ўсиш суръати ундан ҳам кўпроқ, яъни 124,3 % ни ташкил қилади. Бу ҳолат кўрсатадики, корхона тўлайдиган солиқларнинг ўсиш суръати маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан тушган тушумга нисбатан анча кам бўлган. Шу даврда унинг миқдори 103,8 % ни $[(831,3 + 357,8) \cdot 100 : (799,1 + 346,2)]$ ташкил

қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки ҳисобот даврида маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) таннархи ўтган йилга нисбатан ошган, лекин, ўсиш суръати сотишдан олинган соф тушумнинг ўзгариш суръатига нисбатан анча кам бўлган. Бу мазкур даврда 122,3 % ни $(4841,7:3951,2 \cdot 100)$ ташкил қилган. Натижада сотишдан тушган ялпи молиявий натижанинг ўсиш суръати 134,9 % ни ташкил қилган. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръати бир-бирига нисбатан ошиб боришини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси ҳам шу ҳисобот даврида 140,6 % ўсган. Бу кўрсаткичнинг миқдори ҳам олдинги кўрсаткичларга нисбатан юқори. Демак, ушбу кўрсаткични шакллантиришда иштирок этадиган сотиш ва маъмурий харажатлар ҳам анча тежалганлигидан далолат беради. Ҳақиқатда ушбу харажатларнинг ўсиш суръати мазкур таҳлил даврида 116,8 % ни $[(98,3+80,0) \cdot 100 : 85,4 + 67,0]$ ташкил қилади.

Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси биров олдингисига нисбатан камайган. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси 140,6 % ўсган бир пайтда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 136,1 % ни ташкил қилади. Бу ўзгариш мазкур кўрсаткични шакллантирувчи омиллар эвазига амалга ошган. Хусусан, корхона оладиган дивидендлар, берилган қарзлар учун олинадиган фоизлари, валюта курсидан олинадиган фарқ, молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар (харажатлар) ўсишига қарамасдан уларнинг ўзгариш суръати биров паст бўлган. Ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръати ҳаммасини жамлаганда 88,6 % ни $[(3,5 + 4,2 - 21,6 + 5,8 + 79,3) \cdot 100 : (4,7 + 2,9 - 27,5 + 7,1 + 93,2)]$ ташкил қилади, яъни ўтган йилга нисбатан 11,4 % га кам бўлган.

Ҳисобот даврида корхонада олинган тасоддий фойда ўтган йилга нисбатан 27,2 % кам бўлган (100,0-72,8). Натижада солиқ тўланганга қадарги умумий фойданинг ҳам ўсиш суръати (134,8 %) ўзидан олдинги кўрсаткичга нисбатан (136,1 %) паст бўлган. Шу ҳисобот йилида фойдадан (даромаддан) тўланадиган солиқ ставкасининг ўзгармай қолганлиги соф фойда ўзгариш суръатига таъсир қилмаган. Натижада ушбу кўрсаткичнинг ҳам ўсиш суръати 134,8 % ни ташкил қилган.

Кўриниб турибдики, молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экан. Бу боғлиқлик корхона рентабеллигини аниқлаш жараёнида ҳам яққол номоён бўлади.

13.3. Корхона солиқ тўлангунга қадарги соф фойда кўрсаткичларини таҳлил қилиш

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молиявий натижаси бевосита унинг молиявий фаолиятига ҳам боғлиқ қолмоқда. Шу туфайли бир қанча кўрсаткичлар корхонанинг молиявий фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Булар жумласига, уюшма ва шуъба корхоналаридан олинган дивидендлар, бошқа олинган дивидендлар, уюшма ва шуъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, бошқа тўланган ва олинган фоизлар, валюта курси фарқи, молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар киради. Ушбу кўрсаткичларни корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаларига қўшиб корхона умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси аниқланади. Ушбу кўрсаткич корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг тўртинчиси бўлиб ҳисобланади. Эркин иқтисодиёт шароитида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига фавқулотда олинадиган фойда ва тўланадиган зарарнинг ҳам бўлиши мумкин экан. Агар олдинги кўрсаткичга ушбу омил таъсири инobatга олинса корхона молиявий натижаларини ифодаловчи навбатдаги кўрсаткич - солиқ тўланганга қадарги умумий молиявий натижа келиб чиқади.

Корхонада соф фойданинг шаклланиши жараёни бутун молия-хўжалик фаолиятини қамраб олади. Бу ерда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, сотиш ва маъмурий харажатларни тежаш, молиявий фаолият натижасида ижобий салдога эришиш, тасоддий фойдага муяссар бўлиш, солиқ ставкаси ўзгармаган ҳолда солиқ объектини кўпайтириш эвазига солиқ сўммасини камайтириш каби бирқанча босқичлар мужассам. Уларнинг кетма-кетлигини қуйидагича ифодалаш мумкин.

	Маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан тушган соф тушум
-	Шу сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннарни
=	Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа
-	Давр харажатлари (сотишга, бошқаришга ва бошқа маъмурий харажатлар)
±	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ва харажатлар
=	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасид
±	Молиявий фаолият натижаси (олинган дивидендлар, фоизлар, берилган фоизлар, валюта курс фарқи фойда+, зарар-)
=	Умумхўжалик фаолияти-нинг молиявий натижаси
±	Фавқулотдаги (тасодди-фий) фойда (+) ёки зарар (-)
=	Солиқ тўлаганга қадарги умумий молиявий натижа – фойда
-	Солиқлар ва ажратмалар
=	Соф фойда
-	Тўланган дивиденд
	Балансда кўрсатиладиган тақсимланмаган фойда

Ушбу чизма молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг мумтоз чизмаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда амалдаги меъёрий ҳужжатлар молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг шаклланишини айнан шу тарзда ифодалашни тақозо қилади. Ушбу ҳолат молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун ҳам услубий жиҳатдан ёндошишга асосдир.

Ушбу кетма-кетликка асосланиб корхона соф фойдасининг шаклланиши ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини кўриб чиқиш мумкин. Бу тадбирни амалга ошириш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (13.4-жадвал).

13.4 - Жадвал

Корхонада соф фойданинг шаклланиш хособ-китоби

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўсиш суръ-ати, %
1. Маҳсулотни сотиш-дан келган соф тушум (қийматга кўшилган солиқ ва акцизларсиз)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
2. Сотилган маҳсулот таннархи (иш, хизмат)	3951,2	4841,7	+890,5	122,5
3. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) дан олинган молиявий натижа (1қ-2қ)	632,1	852,8	+220,7	134,9
4. Давр харажатлари (маҳсулотини сотиш, бошқарув ва бошқа маъмурий харажатлар)	152,4	178,3	+25,9	117,0
5. Бошқа операцион даромадлар	31,3	37,2	+5,9	118,8
6. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар натижаси (фойда+, зарар-) (3қ-4қ+5қ)	+511,0	+711,7	+200,7	140,6
7. Молиявий фаолият натижаси (+,-)	+71,2	+80,4	+9,2	112,9
8. Тасоддий (фав-кулотда) фаолият нати-жаси (фойда+, зарар -)	+11,4	+8,3	-3,1	72,8
9. Солиқ тўланганга қадарги фойда (6қ±7қ±8қ)	593,6	800,4	+206,8	134,8
10. Солиқлар ва ажратмалар сўммаси	225,6	304,2	+78,6	134,8
11. Соф фойда (9қ-10қ)	368,0	496,2	+128,2	134,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг соф фойдаси ҳисобот йилида 128,2 минг сўмга ёки 134,8 % га ўсган. Бу ўзгариш жада кўп омиллар эвазига содир бўлган. Ушбу омиллар таъсирини шу жадвал маълумотлари асосида аниқлаш мумкин. Бу омиллар гуруҳига қуйидагилар киради:

- * маҳсулот ҳажмининг ўзгариши;
- * таннархнинг ўзгариши;
- * баҳонинг ўзгариши;
- * давр харажатларининг ўзгариши;
- * турли операцион даромадларнинг (харажатларнинг) ўзгариши;
- * асосий фаолият молиявий натижаси;
- * молиявий фаолият натижаси;
- * тасоддий (фавқулотдаги) фойда ва зарарларнинг мавжудлиги;
- * солиқ ставкаси;
- * солиқ сўммаси.

Ушбу омилларнинг таъсирини жадвал маълумотлари ва юқоридаги (13.4. бобдаги) ҳисоб-китоблар асосида кўриб чиқиш мумкин.

1. Сотилган маҳсулот ҳажмининг кўпайиши	→	+ 1111,2
2. Таннархнинг ошганлиги	→	- 1839,6
3. Баҳонинг ошганлиги	→	+ 949,1
4. Давр харажатларининг кўпайганлиги (178,3 - 152,4)	→	-25,9
5. Бошқа операцион даромадларнинг ошганлиги (37,2-31,3)	→	+5,9
6. Асосий фаолиятдан олинадиган даромаднинг ошганлиги (711,7-511,0)	→	+200,7
7. Молиявий фаолиятдан олинган фойданинг кўпайиши (80,4 -71,2)	→	+9,2
8. Тасоддий фойданинг камайганлиги (8,3 -11,4)	→	-3,1
9. Солиқ суммасининг ошганлиги (304,2 - 295,6)	→	-78,6
Барча омиллар таъсирида соф фойданинг ўзгариши (496,2 - 368,0)	→	+128,2

Соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг умумий миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$1111,2-1839,6+949,1-25,9+5,9+9,2-3,1-78,6=+128,2 \text{ минг сўм}$$

13.4. Корхона рентабиллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили

Мавзунинг мақсади- бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида рентабеллик кўрсаткичларининг янги тизимини, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни ахтариб топиш орқали таҳлил қилинаётган корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Энг аввало, корхона рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичларининг бозор муносабаларига мос янги тизимини ишлаб чиқиш лозим. Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- * корхона ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги;
- * сотилган маҳсулот рентабеллиги;
- * иқтисодий салоҳият рентабеллиги;
- * асосий воситалар рентабеллиги;
- * айланма маблағлар рентабеллиги;
- * номоддий фаоллар рентабеллиги;
- * меҳнат салоҳияти рентабеллиги;
- * молиявий салоҳият рентабеллиги;
- * ўз маблағлари рентабеллиги;
- * четдан жалб қилинган рентабеллиги;
- * ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги;
- * активлар рентабеллиги.

Бундан ташқари қайси соҳада нимани таҳлил қилишига қараб рентабеллик кўрсаткичларининг бошқа турларини ҳам аниқлаш мумкин бўлади.

Барча кўрсаткичлар рентабеллигини кетма-кет тарзда аниқлаш усули қуйидагича бўлади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллигини (Рич) ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш учун соф фойдани (Сф) маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) таннархига (Тн) бўлиш лозим:

$$Рич = \frac{Сф}{Тн} \times 1000$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм ишлаб чиқариш харажатиغا қанча фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу қилинган харажатнинг қандай самарадорликка эга бўлганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг эгаси, раҳбари, жамоаси ва инвесторлари учун ўта муҳим кўрсаткичдир.

Сотилган маҳсулот рентабеллигини (Рсм) аниқлаш учун соф фойдани (Сф) сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг (См) миқдorigа бўлиш кифоя:

$$Рсм = \frac{Сф}{См} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм сотилган маҳсулот корхонага қанча соф фойда келтираётганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич корхонанинг тадбиркорлиги, бозордаги фаоллиги билан ҳам бевосита боғлиқ. Мазкур кўрсаткич режали иқтисодиёт шароитида умумий рентабелликни ифодалаб ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан олинар эди. Эндиликда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўзининг баҳоловчи кўрсаткич сифатидаги моҳиятини йўқотади. Энди маҳсулот сотилмаса, ўз харидорини бозордан топмаса ҳисоб эмас. Шу туфайли бозор муносабатлари шароитида ушбу кўрсаткичнинг моҳияти ошди.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти рентабеллиги (Рис)ни аниқлаш учун корхонанинг Сф.ни унинг иқтисодий салоҳияти ўртача қиймати (Ис) бўлинади:

$$Рис = \frac{Сф}{Ис} \cdot 100$$

Мазкур кўрсаткич корхонанинг 100 сўм иқтисодий салоҳиятига неча сўм соф фойда келтириладилигини кўрсатади. Агар корхонанинг иқтисодий салоҳияти таркибини келтирадиган бўлсак, у қуйидаги ҳолатга эга бўлади:

$$Рис = \frac{Сф}{Ав = Ам + Нф + Мс} \cdot 100$$

Бунда *Ав* - *Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати*;
Ам - *айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати*;

Нф - номоддий фаолларнинг ўртача йиллик қиймати;

Мс - меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қиймати.

Корхона асосий воситалари рентабеллиги (Рав)ни аниқлаш учун Сф.ни асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига (Ав) бўлиш кифоя:

$$R_{ав} = \frac{C_{ф}}{A_{в}} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм асосий воситаларига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди.

Корхона айланма маблағлари рентабеллиги (Рам)ни аниқлаш учун соф фойдани (Сф) айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига (Ам) бўлинади.

$$R_{ам} = \frac{C_{ф}}{A_{м}} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм айланма маблағларининг ўртача йиллик қийматига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхонада айланма маблағларни ташкил қилиш пайтида, унинг рентабеллигини баҳолашда қўлланилади.

Корхона номоддий фаоллари рентабеллиги (Рнф) ҳам бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар таркибига киритилди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун Сф.ни номоддий фаолларнинг ўртача йиллик қийматига (Нф) бўлинади:

$$R_{нф} = \frac{C_{ф}}{N_{ф}} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўмлик номоддий фаолига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични корхона миқёсидаги қатор йилларга аниқлаб номоддий фаоллар ва фойда сўммаларининг ўзгариш суръатларини, уларнинг бир-бирига мувофиқлигини аниқлаш учун қўллаш мумкин.

Корхонанинг меҳнат салоҳияти рентабеллигини (Рмс) аниқлаш учун Сф.ни меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик қийматига (Мс) ёки ходимлар сонига (Хс) бўлиш лозим.

$$P_{mc} = \frac{C_f}{M_c} \cdot 100, \quad P_{mc} = \frac{C_f}{X_c} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм меҳнат салоҳияти қийматиغا ёки битта ходимга қанча соф фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳам корхонада меҳнат самарадорлигини таҳлил қилганда кенг қўлланилади.

Корхона молиявий салоҳияти рентабеллиги (P_{сос}) 100 сўм молиявий салоҳиятнинг ўртача йиллик қийматиغا тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун C_ф.ни корхона молиявий салоҳияти ўртача йиллик қийматиغا (M_{ос}) бўлинади:

$$P_{мос} = \frac{C_f}{M_{ос}} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга, чунки корхонанинг молиявий манбалари учун энди бевосита корхона эгаси, инвестори мусбул. Ундан қанча самарали фойдаланса улар учун ўшанча яхши.

Корхона ўз маблағлари рентабеллиги (P_{ўм}) молиявий салоҳият рентабеллиги сингари соф фойдани ўз маблағлари ўртача йиллик қийматиغا (Ў_м) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$P_{ўм} = \frac{C_f}{Ў_m} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўм ўз маблағига қанча соф фойда тўғри келишини ифодалайди. Бу ўз капиталининг самарадорлик даражасини белгилайди.

Корхонанинг четдан жалб қилган маблағлари рентабеллиги (P_{чжм})ни аниқлаш учун C_ф.ни четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қийматиغا (Чжм) бўлинади:

$$P_{чжм} = \frac{C_f}{Ч_{жм}} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг олган узоқ ва қисқа муддатли кредитлари ҳамда бошқа четдан жалб қилинган маблағларининг самарадорлигини ифодалайди. Унинг миқдори 100 сўм Чжм.га тўғри келадиган C_ф. миқдорини кўрсатади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги (Риф) бу асосий ва айланма маблағлар, яъни моддий ресурслар самарадорлигини ифодалайди. Уни аниқлаш учун Сф.ни асосий воситалар (Ав) ва айланма маблағлар (Ам) ўртача қиймати йиғиндисига бўлинади.:

$$R_{if} = \frac{C_f}{A_v + A_m} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг 100 сўмлик моддий ресурсларига тўғри келадиган соф фойданинг миқдорини ифодалайди. Унинг миқдори қанча ошиб борса корхона учун ўшанча яхши.

Корхонанинг активлари рентабеллиги (Ра) бевосита барча активлар самарадорлигини ифодалайди. Уни аниқлаш учун Сф.ни барча активларнинг (А) ўртача йиллик қийматига бўлинади:

$$R_a = \frac{C_f}{A} \cdot 100$$

Агар активларни алоҳида қисми бўйича оладиган бўлсак, ушбу формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$R_a = \frac{C_f}{A_v + A_m + H_f} \cdot 100$$

Ушбу кўрсаткич 100 сўм активлар қийматига тўғри келадиган Сф. миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткич бозор муносабатлари шароитида корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолашда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Таҳлил жараёнида маълум иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ўта муҳим. Лекин уларнинг ўзгаришини, айниқса шу ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш таҳлилнинг энг муҳим воситасидир. Шу туфайли рентабелликни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткични алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ишда методологик асос сифатида уларнинг айримларигагина тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки ушбу кўрсаткичлар таҳлилининг усуллари бошқа кўрсаткичларни ҳам шундай таҳлил қилиш учун методологик асос бўлади.

13-мавзу: «Корхонанинг молиявий натижаларини таҳлили» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- молиявий натижалар таҳлилининг мазмуни ва таҳлил вазифалари;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, улар билан қизиқувчиларни жалб этувчи асосий кўрсаткичлар;
- молиявий натижаларни шаклланиши;
- сотишдан кўрилган фойдага таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби;
- давр харажатларини таҳлил этиш услуби;
- асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ва тушумлар;
- молиявий фаолиятдан кўрилган фойда (зарар)ларни таҳлил этиш тартиби;
- рентабеллик турлари, уларни моҳияти ва аниқлаш тартиби;
- корхона активи (мол-мулк) рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар;
- ишлаб чиқариш рентабеллиги ва унга таъсир этувчи омиллар;
- маҳсулот турлари бўйича рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар;
- маҳсулот таннарни
- маҳсулот бирлигини баҳоси
- фойда ва рентабелликни ошириш йўллари

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонулари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. «Ўзбекистон овози» газетаси 1996 йил 17-сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 26.05.2000. Ўз.Р. БАМА., 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир). 2003 йил 24 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси, 2003 йил 5-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил 51-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Халқ сўзи, 2004 йил 23 январь.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир). Халқ сўзи, 2004 йил 12 февраль.
8. Ўзбекистон Республикаси «Экспорт назорати тўғрисида»ги Қонуни. Халқ сўзи, 2004 йил 20 май.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни. Солиқ тўловчининг журнали, 2004 йил 6-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси «Банк сирини тўғрисида»ги Қонуни. Солиқ тўловчининг журнали, 2003 йил 10-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси. «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни. Маърифат, 2003 йил 12 март.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонуни. Халқ сўзи, 2002 йил 5 январь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрь, ПФ-3665. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил 47-48-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. «Тўғридан тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида». Солиқлар ва божхона хабарлари, 2005 йил 18 апрель.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида». Солиқлар ва божхона хабарлари, 2005 йил 4 апрель.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ-215-сон қарори. «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиқларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида». Норма маслаҳатчи 2005 йил 14 ноябрь.
17. ЎзР. Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва унинг ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 15 июн.
18. ЎзР. Президентининг “Бозор ислоҳатларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 14 июн.
19. ЎзР. Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 14 июн.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон қарори «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида», «Норма маслаҳатчи» 2006 йил 10 январ.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

21. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низоми. 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарор.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2002 йил 30 август.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий кредитлаш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2001 йил, 22 августдаги 349-сонли қарори.
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 182-сонли қарори, 14.04.2004 й. «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисида Низом» Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 4-сон.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 251-сонли қарори, 15.11.2005 й. «Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида Низом» Норма маслаҳатчи, 2005 йил 5 декабрь 22-сон.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

26. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХI асрга интиломда». Т.; «Ўзбекистон» 1999.
27. Каримов И.А. «Иқтисодий эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори». Т.; «Ўзбекистон овози» газетаси 22-июль 2000 йил.

28. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз». Т.; «Ўзбекистон» 2000.
29. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси № 29 2006 йил 11 февраль
30. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
31. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
32. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
33. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2003.

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари.

34. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.
35. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2005 йиллар.
36. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом» Марказий банк Бошқаруви ва молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 273-В, 111-сонли қарори
37. «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом» Молия вазирлигининг 2005 йил 14 декабрдаги 105-сон буйруғи
38. «Национальные стандарты бухгалтерского учета Республики Узбекистан». Ташкент «Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистан» 2002.
39. Основные показатели финансово – хозяйственной деятельности предприятий и организаций за 2005 год. – Т.: Государственный комитет по статистике РУз. 2006. -127 стр.

VI. Дарсликлар.

II. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган.

40. Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.; “Шарқ”, 2005 й.

41. Каримов А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004, 592 б.
42. Пардаев М.Қ. «Иқтисодий таҳлил назарияси». Самарқанд; «Зарафшон» 2001.
43. Тулаходжаева М. М. Сотиволдиев А. С. Бухгалтерский учет в Узбекистане: современный аспект. Т.: Информационный Центр Национальной Ассоциации Бухгалтеров и Аудиторов Узбекистана, 2004.
44. Завалишина И. Н. Бухучет по новому ... –Т.: Мир экономики и права, 2003.
45. Сотиволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. I-II-том. - Т.: Миллий Ассоциацияси, 2002, 219 с.
46. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Шарқ 2006.
47. Гуломов С.С. «Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили». Т.; 1998.

II. Россия Федерациясида чоп этилган.

48. Бархатов А.П. Бухгалтерский учет внешнеэкономической деятельности. –М.: Дом Дашков и К, 2006, 309 с.
49. Войтоловский Н.В. Экономический анализ: Основы теории. Комплексный анализ хозяйственной деятельности организации. Учебник.-М.: Высшее образование, 2005.
50. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности: Учебник.-М.: Дело и Сервиз, 2005.
51. Дымова И.А. Международные стандарты бухгалтерского учета. – М.: Главбух, 2000.
52. Жилкина А.Н. Управление финансами. Финансовый анализ предприятия. Учебник.-М.: ИНФРА-М, 2005.
53. Калинина А.П. и др. Экономический анализ: Основы теории. Комплексный анализ хозяйственной деятельности организации. Учебник. – М.: Высшее образование, 2005.
54. Камышанов П.И. Бухгалтерский учет. Отечественная система и международные стандарты. -М., 2002 .
55. Ковалев В.В. Финансовая отчетность. Анализ финансовой отчетности.- М.: Проспект, 2005.
56. Кожин В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: Управление прибылью. - М.: Экзамен, 2005.
57. Косоруков О.А. Методы количественного анализа в бизнесе: Учебник.- М.: ИНФРА-М, 2005.
58. Кутер М.И. Теория бухгалтерского учета: Учебник. 3-е изд., перераб и доп./ М.И. Кутер. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 592 с.
59. Макарьева В.И. Анализ финансово-хозяйственной деятельности организации. Учебник.-М.: «Финансы и статистика», 2005.

- 60.Медведев М.Ю. Учетная политика: бухгалтерская и налоговая : 3-е изд., перераб и доп./ М.Ю. Медведев. - М.: ИД ФБК-ПРЕСС , 2004. - 328 с.
- 61.Палий В.Ф. Современный бухгалтерский учет/ В.Ф. Палий. - М.: Бухгалтерский учет , 2003. - 792 с.
- 62.Рожкова О.В. Международные стандарты бухгалтерского учета и финансовой отчетности. - М.: ЭКЗАМЕН, 2003.
- 63.Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия». И.П. «Финанс» 2001.
- 64.Титов В.И. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности. Учебник.-М.: Дашков и К, 2005.
- 65.Шеремет А.Д. «Теория экономического анализа». М., ИПО «МП», 2002.

II. Хорижда чоп этилган.

- 66.George J. Posner. Analyzing the Curriculum. Mc Graw - Hill, Ink 1992
- 67.Mc Graw - Hill, Inc. 1993
- 68.David C. Colander. Economics IRWIN, 1993
- 69.Donald H. Ph. G. William Glezen. Auditing: Integrated Concepts and Procedures sixth Edition. John Wiley & Sons, Inc., 1994
- I. Payl Peter, James H. Donnely. Marketing, Management. Knowledge and Skills. IRWIN 1995
- 70.Introduction to Accounting: An Integrated Approach. P. Ainsworth, D. Danies, R. D. Plumlee, Cathy X. Larson Irwin, 1997.
- 71.Joel G. Siegel, Jae K. SHim, David Minars Financial trouble – SHOOTER spotting & solving financial problems in your company
- 72.Larson, Miller. Financial accountign. IRWIN, 1992
- 73.Михалевич А.П. Бухгалтерский учет в зарубежных странах: международные стандарты. -Минск: ООО "Мисанта", ООО "ФУ Аинформ", 2003.
- 74.Operations Managtmtnt. Richard I. Schonberger, Edward M. Knood. IRWIN, 1994
- 75.Robert D. Gatewood, Robert R. Taylor O.C. Ferrell Management /Comperhension, Analysis, and Application/ IRWIN, 1995

VII. Ўқув қўлланмалар.

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган.

- 76.Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. «Молиявий таҳлил». Т., ТМИ босмахонаси 2004 й.
- 77.Бекмуродов А. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. -Т.: ТДИУ, 2005.
- 78.Гадоев Э.Ф. Йиллик ҳисобот-2005 амалий қўлланма. “Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси кутубхонаси – Т.: Ўзбекистон, 2005.
- 79.Ергешев Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Т.,; «Молия» 2000.

80. Иброхимов А.Т., Рахимов М.Ю. «Бошқарув таҳлили». Т., ТМИ босмахонаси 2004 й.
81. Иброхимов А., Ишонкулов Н. «Иқтисодий таҳлил назарияси фанидан масалалар тўплами ва уларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар». Т., ТМИ босмахонаси 2005.
82. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-2 қисмлар. Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.
83. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И., Абдукаримов Т. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
84. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т. Иқтисодий таҳлил. (ўқув қўлланма).- Т.: «Мехнат» 2004.
85. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. Бошқарув таҳлили (ўқув қўлланма). Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси» 2005.
86. Сагдиллаева З., Ишонкулов Н., Рашидова Ш. «Задачник по предмету управленческий и финансовый анализ». Т., ТМИ босмахонаси 2004 й.
87. Тўлаходжаева М.М. «Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш». Т.; 1996.
88. Шагиясов Т «Теория экономического анализа». ТМИ., 2005 й.
89. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси» 2004.
90. Джамбакиева Г.С. Сборник кейсов по дисциплине «Финансовый учет»: Учебное пособие. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2006. – 200 стр.

Россия Федерациясида чоп этилган.

91. Анализ прибыльности продукции. М.; «Дело» 1996 г
92. Анализ и планирование деятельности учреждений ПМСП.-Т.: USAID, 2005.
93. Артеменко В.Г., Беландир М.В. «Финансовый анализ». Учебное пособие. М.; НГАЭиУ 1997.
94. Астахов В.П. «Анализ финансовой устойчивости фирмы (процедуры связанный с банкротством)». М.; «Финансы и статистика» 1996.
95. «Анализ финансовой отчетности предприятий при их инвестировании и кредитовании». М.; 2000.
96. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Теория экономического анализа». М.; «Финансы и статистика» 1999.
97. Бернстаин А.А. «Анализ финансовой отчетности». М.; «Финансы и статистика» 1999.
98. Бочарев В.В. «Управление денежным оборотом предприятий и корпораций». М.; «Финансы и статистика» 2001.
99. Бочарев В.В. «Финансовый анализ». Санкт-Петербург; «Питер» 2001.
100. Вахрин П.И. «Финансовый анализ коммерческих и некоммерческих организациях». Учеб пособие. М.; «Издательство – книготорговых центр маркетинг» 2001.

101. Камышанов П.И. Бухгалтерская финансовая отчетность: Составление и анализ. Учебное пособие.-М.: ОМЕГА, 2005.
102. Ковалев В.В. «Методы оценки инвестиционных проектов». М.; «Финансы и статистика» 2001.
103. Ковалев В.В. Финансовая отчетность. Анализ финансовой отчетности.-М.: Проспект, 2005.
104. Куликов С.В. Финансовый анализ страховых организаций: Учебное пособие. – Ростов на Доне.: Феникс, 2006. – 224 стр.
105. Попов В.М. Финансовый бизнес – план. Учебное пособие. – М.: «Финансы и статистика». 2005.
106. Рябенюкая Т. Ю. Бухгалтерская (финансовая) отчетность: практические рекомендации по составлению. «Юридический Дом «Юстицинформ»». –М.: 2006. -210 стр.
107. Савицкая Г.В. Теория анализа хозяйственной деятельности: Учебное пособие.-М.: ИНФРА-М, 2006.
108. Сорокина О.Н. «Сравнительный анализ в основные приемы трансформации финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами». М.; «УМЦ» 2001.
109. Татур С.К. Теория экономического анализа. М., «Прогресс», 1998.
110. Галузина С.М. Международный учет и аудит. – СПб.: Питер, 2006. – 272 стр.
111. Фляйшер К. Стратегический и конкурентный анализ. Методы и средства конкурентного анализа в бизнесе. Учебное пособие.-М.: БИНОМ, 2005.
112. Фридман Дж., Ордузи Ник. «Анализ и оценка приносящей доход недвижимости». М.; «Дело» 1997.
113. Холдервик К. «Финансово-экономический анализ деятельности предприятия». М.; «Финансы и статистика» 1996.
114. Шевченко И.Г. Практическое руководство по управленческому учету и анализу. Учебное пособие.-М.: Управление персоналом, 2005.
115. Шеремет А.Д. Методика финансового анализа предприятия. М., ИПО «МП», 1996.
116. Шпакова Л.В., Барулина Е.В. Бухгалтерский учет как пользоваться МСФО. –М.: Альфа-Пресс, 2006, 127 с.
117. Шредер Н.Г. Управленческий учет: анализ типичных ошибок. Учебное пособие.-М.: Специальный выпуск журнала «Современный управленческий учет», 2005.
118. Рожкова О.В. Международные стандарты бухгалтерского учета и финансовой отчетности. Учебное пособие. - М.: ЭКЗАМЕН, 2003, 254 с.

Хорижда чоп этилган.

119. «Бухгалтерский анализ». Перевод с английского. Киев 1998.
120. Нургазиева Л. А. Бухгалтерский учет операций в иностранной валюте. Учебное пособие. - Алматы.: Экономика, 2003, 92 с.

VIII. Илмий монографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар.

Ўзбекистон Республикасида чоп этилган.

121. Ризаев Н.К. Номоддий активларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилини такомиллаштириш “Монография” - Т.: Фан ва технология 2005.
122. Холбеков Р. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. Монография. -Т.: Фан, 2005.
123. Жуманиёзов К. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2004.
124. Вахидов С. Бухгалтерия ҳисобини замон талабларига мослаштириш – давр талаби.-Т.: “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2-сон, 2003.
125. Сотиволдиева Д. Янги счётлар режаси: солиқ муаммоларини бухгалтерия ҳисоби. Мақола. -Т., 2003 .

IX. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари.

Ўзбекистон Республикасида химоя қилинган.

126. Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг методологик муаммолари. Док. дисс. – Т.; ЎзР Банк-молия академияси, 2005 й.
127. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудити услубиётини такомиллаштириш. Док. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.
128. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. Док. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2004.
129. Илхомов Ш.И. Инвестиция ҳисобида бухгалтерия ҳисоби ва аудити. Ном. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.
130. Насретдинов С.С. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий масалалари. Ном. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.
131. Худойбердиев А. Х. Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилини такомиллаштириш. Ном. дисс. – Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.
132. Қулжанов О.М. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. Ном. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.
133. Қурбанбаев Ж.Э. Корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, юритиш ва ривожлантириш истиқболлари. Ном. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.
134. Чориев И.Ҳ. Айланма активлар шаклланишининг ҳисоби, уларнинг самарали ишлатилишининг таҳлили ва аудити. Магистрлик диссертацияси. ТМИ., 2004.

135. Мирзаев Х.П. Молиявий инвестициялар ҳисоби, таҳлили ва аудитининг услубий муаммолари. Магистрлик диссертацияси. ТМИ., 2005.
136. Пўлатов Ғ. Халқаро ва миллий стандартлар асосида ишлаб чиқариш захираларининг ҳисоби ва таҳлили. Магистрлик диссертацияси. ТМИ., 2005.
137. Иноғомова О. Акционерлик жамиятларида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитининг хусусиятлари. Магистрлик диссертацияси. ТМИ., 2005.
138. Абдужабборова М. Лизинг муомалалари ҳисоби ва уларнинг молиявий таҳлили. Магистрлик диссертацияси. ТМИ., 2005
139. Хўжамуродов А. Стратегик бошқарув ҳисоби ва истиқболли иқтисодий таҳлилни ташкил этиш. Магистрлик диссертацияси. ТМИ., 2005.

Х. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўплами.

140. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланишининг муаммолари. Илмий-амалий анжуман тўплами. –Т.: ТДИУ, 2005.
141. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг роли. Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. -Т.: ТДИУ, 2005.
142. Ўзбекистон Республикаси банк молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция тўплами. –Т.: ЎзР БАМА, 2005 йил 15 июнь.
143. Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг услубиёти ва усулларини такомиллаштириш. Илмий-амалий анжуман тўплами. Т.: ТДИУ, 2004 йил 28 май.
144. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция тўплами. –Т.: 2004.
145. Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси 19-халқаро «Образование и социальное-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия» мавзусидаги Плеханов ўқишлари. Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. -М.: МГУ, 2006.

ХI. Газета ва журналлар.

146. «Бозор, пул ва кредит» журнали. -Т.: 2003-2006.
147. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали. -Т.: 2003-2006.
148. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси. -Т.: 2003-2006.

ХII. Статистик маълумотлар тўпламлари.

149. Ўзбекистоннинг 2004 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

150. Основные показатели деятельности сельскохозяйственных предприятий за 2005 год. – Т.: Государственный комитет по статистике РУз. 2006. -138 стр.

XIII. Интернет сайтлари.

151. “Norma” (Меъёрий-хукукий программа таъминоти) 2005 йил.
 152. [www. gaap.ru](http://www.gaap.ru) (Халқаро бухгалтерия стандартлари).
 153. [www. buhgalt.ru](http://www.buhgalt.ru) (“Бухгалтерский учет” журнали (РФ)).
 154. <http://www.nevod.ru/>
 155. <http://www.audit-it.ru/>
 156. <http://www.books/bankir.ru/>
 157. <http://www.finanaliz.kiev.ua/>
 158. <http://www.preiskurant.ru>.
 159. <http://www.books.listsoft.ru/>
 160. <http://www.finctat.ru/>
 161. <http://www.cs.karelia.ru/>

XIV. Электрон дарслик ва ўқув кўлланмалар.

162. Ваҳобов А.В. ва бошқалар. «Иқтисодий таҳлил назарияси». Т.; ТМИ, 2003. www.tfi.uz
 163. Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.; “Шарқ” 2005. www.tfi.uz
 164. Пардаев М.Қ. «Иқтисодий таҳлил назарияси». Самарқанд; «Зарафшон» 2001. www.tfi.uz
 165. Иброхимов А.Т., Рахимов М.Ю. «Бошқарув таҳлили». Т., ТМИ босмаҳонаси 2004. www.tfi.uz
 166. Иброхимов А., Ишонқулов Н. «Иқтисодий таҳлил назарияси фанидан масалалар тўплами ва уларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар». Т., ТМИ босмаҳонаси 2005. www.tfi.uz
 167. Шагиясов Т. «Теория экономического анализа». Т.: 2005. www.tfi.uz

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-МАВЗУ: Иқтисодий таҳлил фанининг моҳияти, бозор иқтисодиёти шароитида аҳамияти ва вазифалари	5
1.1. Иқтисодий таҳлил фанининг моҳияти.....	5
1.2. Иқтисодий таҳлил фанининг бозор иқтисодиёти шароитида зарурияти.....	8
1.3. Иқтисодий таҳлил фанининг вазифалари.....	13
2-МАВЗУ: Иқтисодий таҳлил фанининг предмети, объекти, метод ива бошқа фанлар билан алоқаси	
2.1. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ва объекти.....	19
2.2. Иқтисодий таҳлил фанининг методи.....	22
2.3. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.....	23
3-МАВЗУ: Иқтисодий таҳлил фанининг методологик асослари	
3.1. Иқтисодий таҳлил фанининг методологик асослари ва уларнинг тавсифи.....	35
3.2. Таҳлилда анализ ва синтез, индукция ва дедукция ва бошқа услублардан фойдаланиш.....	38
3.3. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар.....	42
4-МАВЗУ: Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили	
4.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлилининг вазифалари.....	78
4.2. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сотишни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.....	
4.3. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларининг таҳлили.....	
4.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таъсири.....	
5-МАВЗУ: Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таҳлили	
5.1. Ишлаб чиқариш жараёнлари таннархи таҳлилининг зарурияти ва вазифалари.....	93

5.2. Ишлаб чиқариш жараёнлари таннархи таҳлили.....	101
5.3. Ишлаб чиқариш харажатларига таъсир қилувчи омиллар таҳлили.....	112

6-МАВЗУ: Корхоналар фаолияти иқтисодий таҳлилнинг ахборотлар таъминоти.

6.1. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган ахборотлар тизими.....	121
6.2. Корхоналар молиявий ҳисоботлари ва мазмуни.....	123
6.3. Бухгалтерия баланси: тузилиши таркиби ва мазмуни.....	126
6.4. Молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.....	144

7-МАВЗУ: Корхоналар иқтисодий салоҳиятининг таҳлили.

7.1. Корхоналар иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.....	136
7.2. Иқтисодий салоҳиятнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	143
7.3. Иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.....	145
7.4. Иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	146

8-МАВЗУ: Корхоналар молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш

8.1. Молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг тавсифи.....	149
8.2. Молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	151
8.3. Молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	156

9-мавзу: Корхонанинг ликвидлиги ва тўловга қодирлиги таҳлили

9.1. Корхоналарнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таҳлил қилишнинг зарурияти ва вазифалари.....	160
9.2. Корхона маблағларининг ликвидлиги ва мажбу- риятларнинг тўлаш муддати бўйича гуруҳланиши.....	162
9.3. Корхоналарнинг ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.....	164
9.4. Корхонанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи	

кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.....166

10-МАВЗУ: Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

- 10.1. Молиявий барқарорликни ифодаловчи
кўрсаткичлар ва уларнинг тавсифи.....170
- 10.2. Молиявий барқарорликни ифодаловчи
кўрсаткичларни аниқлаш йўллари.....174
- 10.3. Молиявий барқарорликни ифодаловчи
кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари.....176

11-МАВЗУ: Корхоналарнинг иш ва бозор фаоллиги таҳлили

- 11.1. Корхоналарнинг иш фаоллигини ифодаловчи
кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.....178
- 11.2. Корхоналарнинг бозор фаоллигини ифодаловчи
кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.....184

12-МАВЗУ: Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустах- камлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари

- 12.1. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини
ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш
ва таҳлил қилиш йўллари.....225
- 12.2. Иқтисодий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар
tizими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.....229

13-МАВЗУ: Корхона молиявий натижалари таҳлили

- 13.1. Маҳсулот сотишдан олинган молиявий
натижалар таҳлили.....235
- 13.2. Корхона молиявий фаолиятдан олинган
натижалар таҳлили.....237
- 13.3. Корхона солиқ тўлангунга қадар ги соф фойда
кўрсаткичларини таҳлил қилиш.....240
- 13.4. Корхона рентабеллигини ифодаловчи
кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили.....244

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати.....250

